Бозор муносабатларини такомиллаштириш



БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Монография

ТОШКЕНТ — „ЎҚИТУВЧИ“ — 2004

9(2)-21
Ж 69

Монографияда бозор муносабатларини такомиллаштиришнинг назарий ва методологик муаммолари, уларнинг ечимлари ўз ифодасини топган. Янги шароитда мулкий муносабатлар, уларни ривожлантириш масалалари, минтақавий бозорнинг шаклланиши ва самарадорлиги, молиявий бозорнинг методологик асослари, бозор шароитида маркетинг ва менежмент муаммолари, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни миллий ва халқаро андазалар талаблари асосида ташкил этиш масалалари кенг ўрин олган.

Ишда инсон салоҳияти, иқтидорли ва малакали кадрлар тайёрлаш масалалари илмий жиҳатдан талқин қилинган.

Мазкур иш илмий ходимлар, аспирантлар ва магистрлар, талабалар ҳамда мулк шакли турлича бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига мўлжалланган.

Иш муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган бўлиб, Самарқанд кооператив институти буюртмаси асосида нашр қилинмоқда.

Монография иқтисод фанлари доктори, профессор ***А.Н.Жабриев*** таҳрири остида тайёрланди.

Тақризчилар:

Э.А.Акрамов — иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тўхлиев — иқтисод фанлари доктори, профессор

170541
SamKI
KUTUBXONASI

М 0601000000 — 128 / 353 (04) — 2004 Кат. буюртма — 2004 й.

ISBN 5 — 645 — 04117 — 8

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2004 й
© Самарқанд кооператив институти

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш вазифалари мамлакатимизда ва халқаро майдонда ижобий баҳоланган бозор иқтисодиётига ўтишнинг „ўзбек модели" орқали амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг „ўзбек модели" иқтисодий барқарорликни таъминлаш, макроиқтисодий ўсишга эришиш, ижтимоий соҳаларда ўзгаришлар қилишга қодирлиги туфайли ўзининг афзалликларини исботлади.

Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий юксалиши бозор хўжалик механизмини янада такомиллаштириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, иш юритишнинг янгича шакл ва усулларини кенг жорий этишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, бозор муносабатларини ривожлантиришнинг назарий ва методологик масалаларини тадқиқ қилиш асосида илмий тавсиялар ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқдир. Маълум илмий салоҳиятга эга бўлган Самарқанд кооператив институти профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган мазкур монография айнан юқоридаги муаммоларга қаратилган. Монографиянинг асосий мақсади бозор муносабатларини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммоларини илмий жиҳатдан асослаш ва унинг натижасида мулк шаклларини ривожлантириш, молия-кредит муносабатлари, ҳисоб, назорат ва таҳлилни миллий ва халқаро андазалар талабларига мослаштириш, маркетинг, сифатни бошқаришни яхшилаш, инсон салоҳияти, ундан самарали фойдаланишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Монография олдига қуйидагилар асосий вазифа қилиб қўйилди:

иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мулкий муносабатларни янада ривожлантириш, мулк шаклларидан самарали фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш;

минтақавий бозорни ривожлантиришнинг методологик [illegible];

иқтисодий барқарорликни таъминлашда молия-кредит [illegible], солиқ сиёсатини такомиллаштириш;

бозор иқтисодиётини ривожлантиришда маркетинг муаммолари, [illegible] бошқаришнинг концептуал асосларини яратиш;

бозор хўжалик механизмини ривожлантиришда ҳисоб, аудит ва таҳлилнинг мавқеини кўтариш, уларни миллий ва халқаро андазалар талабларига мослаштириш;

— янги шароитда ахборотларга ишлов беришнинг компьютерлаштирилган технологияларини жорий этиш;

— иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлашда инсон салоҳияти, ундан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

— иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш ва кадрлар тайёрлаш самарадорлигини кўтаришга қаратилган таклифлар беришдан иборат.

Монографияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳужжатлари, мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга қаратилган асарлари ҳамда нутқлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда махсус адабиётлардан кенг фойдаланилди. Монографияга институт кафедраларида 2001—2003 йилларда олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари, турлича мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари асос қилиб олинди. Монография илмий-педагогик ходимлар, аспирантлар, магистрлар, талабалар ҳамда амалиёт ходимларига мўлжалланган. Ундан малака ошириш тингловчилари ва коллеж ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Иш қуйидаги муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланди: и.ф.д., проф. А.Н. Жабриев (кириш, 2.1- §, 3.2- §, хулоса), и.ф.д., проф. Ў.Р. Рашидов (1.1- §), и.ф.д., проф. М.М. Муҳамедов (1.2- §), и.ф.н., доц. А.Т. Кутбетдинов (1.3- §), и.ф.д., проф. Ж.Р. Зайналов (1.4- §), и.ф.н., проф. Э.Н. Хўжаев (1.5- §), и.ф.н., проф. Р.И. Иброҳимов (1.6- §), и.ф.н., доц. У.Х. Худойбердиев (1.7- §), и.ф.н., доц. Б.А. Абдукаримов (1.8- §, 3.2- §), и.ф.н., доц. И.О. Усмонов (2.1- §), и.ф.д., проф. Ҳ.Н. Мусаев (кириш, 2.2- §, 2.4- §, 3.3- §, хулоса), и.ф.н., доц. К.Б. Ўразов (2.3- §), и.ф.д., проф. М.К. Пардаев (2.5- §, 3.1- §), и.ф.н., доц. Н.Р. Зайналов, и.ф.н., проф. Р.А. Абдуллаев, и.ф.н., доц. О. Темиров (2.6- §).

Муаллифлар жамоаси монографиянинг мазмунини яхшилашга қаратилган таклиф ва мулоҳазалари учун тақризчилар и.ф.д., проф. Э.А.Акрамовга, и.ф.д., проф. И.С.Тўхлиевга ўзларининг миннатдорчиликларини изҳор этадилар.



I БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкий муносабатлар ва уларни такомиллаштириш

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосий омилларидан бири бўлиб, инсоният тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. Мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келади. Шундай экан, мулкчилик муносабатлари — бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлардир.

Мулкка эгалик қилиш мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифодалайди. Айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш унинг эгаси ихтиёрида сақланган ҳолда, ундан амалда фойдаланиш эса бошқалар қўлида бўлади. Бунга ижарага берилган мол-мулкни мисол қилиб келтириш мумкин. Мулкдан фойдаланиш — бу мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланишидир. Мулкдан фойдаланиш юз берганда у даромад олиш ёки шахсий эҳтиёжни қондириш манбаига айланади. Мулкни тасарруф этиш — бу мол-мулк тақдирининг мустақил ҳал қилинишидир. У мол-мулкни сотиш, мерос қолдириш, ҳадя қилиш, ижарага бериш каби ҳоллар орқали рўй беради.

Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ўзида ифодалайди. Мулкчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади, шу сабабли мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади. Бу бирликда, юқорида эътироф этилганидек, ҳал қилувчи ролни мулкчиликнинг иқтисодий томони эгаллайди. Агар мулк иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилмаса, яъни ишлаб чиқаришда фойдаланилмаса ёки мулк эгасига даромад келтирмаса, бунда у „ҳуқуқий“ категория сифатида қолади, холос.

Мулкчилик муносабатлари мулкнинг объектлари ва субъектлари бўлишини муҳим шарт қилиб қўяди. Мулкка айланган барча бойлик турлари мулкчилик объектларидир. Инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти — ишчи кучи ва бошқалар мулк объекти ҳисобланади. Мулк объектида асосий бўғин — бу ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишдир. Ишлаб чиқариш воситалари кимники бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам унга тегишли бўлади. Шунга мос равишда мулк субъектлари вужудга келади. Мулк субъекти мулкий

муносабатларнинг жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқеига эга бўлган, мулк объектини ўзлаштиришда қатнашадиган, жамоа, синф, табақа ёки бошқа ижтимоий гуруҳларга бирлашган иштирокчисидир. Алоҳида кишилар, оилалар ва давлат ҳам мулкчилик субъектлари бўлишлари мумкин.

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма-хил бўлишлигини талаб қилади, чунки товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам: *„Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади“* деб таъкидланган.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида мулк давлат мулкидан ташқари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва матлубот кооперацияси соҳаларидаги жамоа мулкининг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкини, меҳнаткашларнинг уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган шахсий мулкини, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк ва хусусий мулк шаклларини ўз ичига олади.

Шу сабабли „Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида“ги қонунида мулкнинг турли шакллари эътироф этилган: *давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, (шахсий мулк), аралаш мулк* ва бошқа мулк шакллари.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларда турли иқтисодиёт мактаб намояндалари томонидан мулк, мулк муносабатларининг таърифи ва моҳияти турлича талқин қилинган. Қуйида буларнинг айримларини келтирамиз.

Ислом ҳуқуқий мактаблари орасида ўз орқасидан энг кўп тарафдорларни эргаштиришга муваффақ бўлган ҳанафийлик бўлиб, у бирмунча либерал мактаб деб тан олинган. Ҳанафийларнинг ғайрификрлиларга нисбатан бағри кенглиги, уларнинг маҳаллий шароитлардан кенг фойдаланиб иш кўрганлиги мусулмон дунёсида ҳанафия ҳуқуқчилигининг муваффақият қозонишига олиб келди. Қуръон ва ҳадисларда асослаб берилган ислом ҳуқуқий қоидалари мусулмон ҳуқуқшунослик мактаблари асосчиларининг асарларида янада ривожлантирилди.

Мусулмончилик ақидалари билимдонлари ҳадисларни тўплаб, уларга шарҳлар ёзиб босмадан чиқардилар. Бундай шарҳлар орасида мазмунан ва мантиқан тўғри бўлган, ҳанафия мазҳаби асосчиларидан бири Абу Ҳанифа асарлари ҳисобланади. XII асрнинг машҳур ҳанафий ҳуқуқшуноси Али ибн Абу Бакр ал-Маргиноний томонидан тўпланиб, араб тилида „Ҳидоя“ номи билан чоп этилган шарҳлар тўплами машҳурдир. Ушбу асар Шимолий Ҳиндистон, Британия фотиҳлари томонидан босиб олингач, кўп ўтмай инглиз тилига таржима қилинади. Ислом ҳуқуқшунослигида хусусий мулк ҳуқуқи чуқур ишлаб чиқилган. Шариатга кўра меҳнат хусусий мулкнинг манбаи ва асоси деб тан олинади. Бу қоида ердан олинадиган маҳсулотларга ҳам тааллуқлидир. Мусулмончилик мулкчилигида ерга

муҳим ўрин берилган. Қуръони Каримда ернинг энг буюк эгаси Оллоҳ деб эътироф этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Шарқда ишлаб чиқариш воситаларига, энг аввало ерга нисбатан мутлақ мулк эгалиги мавжуд бўлмаган. Давлат тасарруфидаги ерлар жамоалар, уруғлар ихтиёрида бўлган. Инсоннинг жамоага киришида ерга эгалик қилиш асосий шарт ҳисобланмаган. Жумладан, Ғарбда, масалан, Германияда бунинг акси, у ерда жамоага киришнинг асосий шарти ерга эгалик ҳисобланган. Шарқда эса ерсиз одам жамоага киргач, унга ер берилган. Ўз бойликларини халқ манфаатлари йўлида сарфлаган, „Ҳожа Аҳрор Валий“ номига мушарраф, Ҳожа Убайдуллонинг (1405 — 1494) Самарқанд атрофида 35 минг гектар, Қарши ҳудудида 23 минг гектар ери бўлган. Ўзига қарашли ерлардан Ҳожа Аҳрор ҳар йили давлат хазинасига 640 минг пуд дон ҳисобидан „ушр“ тўлаб турган.

Ҳанафия ҳуқуқшунослиги, умуман бутун шариат ўз қонунчилигида ерга феодал деҳқончиликка хос чегараланган эгаликни белгилаб қўйган.

„Ер у осмон Оллоҳникидир“ деган ақидага асосланган, жамоавий мулкчилик ҳуқуқини тасдиқлайдиган Ислом қонунлари ер мулкининг бир қўлда тўпланиб қолишини маъқулламайди. Шариатда мулк тури қандай бўлишидан қатъи назар, унинг эгалари маълум бир бурчларга эга бўлганлар „зарурий хайрия“ни тўлаб туришлари, яъни мулк эгаси ўз мулкининг маълум бир қисмини камбағал, қашшоқларга улашиши лозим бўлган. Табиий йўл билан суғориладиган ер эгалари ердан олинган ҳосилнинг ўндан бирини камбағалларга бўлиб берганлар ва бундай солиқ тури „ушр“ деб аталган. Сунъий суғориладиган ерлардан олинадиган даромаднинг закот миқдори 5 фоиз миқдорида белгиланган. Мол эгалари эса мулкнинг 2,5 фоизидан 10 фоизигача закот тўлашган. Ўша даврда инсон учун кундалик зарурий моллардан закот тўлаш белгиланмаган. Яъни, турар жойдан, кийим-кечакдан, уй ашёлари ва шахсий мол-ҳолдан закот олинмаган. Буларнинг барчаси инсон учун кундалик эҳтиёж буюмлари ҳисобланиб, кўпаймайдиган мол деб қаралган.

Ислом ҳуқуқида хусусий мулк ҳуқуқи ҳам алоҳида ажралиб туради, унда ҳуқуқчиликнинг турли тармоқлари ўзаро аниқ чегараланмаган бўлса-да, фуқаролик ҳуқуқи асослари, хусусан, мулкий ҳуқуқ етарли даражада ривожлантирилган. Хусусий мулкчилик Қуръони Каримда ҳимоя қилиниб, мулк — бу Оллоҳнинг иноятидир деб эътироф этилади. Мусулмонларнинг муқаддас китобида қуйидаги сўзлар бор: „*Оллоҳ таоло барчага ҳаёти даврида бировларни бошқалардан афзалроқ қилиб қўйди. Бироқ, кимга имтиёз берилган бўлса, уни бошқаларга қайтариб бермайди, чунки улар ҳам худди шу аҳволга тушишлари мумкин. Наҳотки улар Оллоҳнинг раҳмдиллигини инкор этадилар?*“ Қуръони Карим инсонларни огоҳлантириб, ҳеч ким бошқаларнинг мулкига тажовуз қилмаслигини қайд қилади. Ислом ҳуқуқида таъкидланадики, ўтлоқлар, сув ва озиқ манбалари ва туз барчага тегишлидир. Ерга нисбатан

муносабат эса алоҳида хусусият касб этган: йирик кўламдаги ерларни суғориш фақат кўп сонли жамоанингтина қўлидан келади. Бу эса ерга нисбатан хусусий мулкчиликни келтириб чиқаради. Қуръони Карим Аъроф сурасининг 128- оятида: „... *ер шубҳасиз Оллоҳникидир. Уни ўзи бандаларига мерос қилиб берур...*" дея марҳамат қилинади. Жамоа мулки давлат мулкига, аниқроғи — феодал давлат мулкига айлана борган. Барча давлат ерларининг мутлоқ бош эгаси — амалдор шахс эди. Қишлоқ хўжалик экинларига эса диний ва дунёвий раҳбарлар — халифалар, султонлар, хонлар, шоҳлар хўжайинлик қилганлар.

Шариатда ўзганинг ерини эгаллаб олишни ман этувчи қоидалар пайдо бўлган, яъни меросхўрлик ҳуқуқи шаклланган. Ижара қоидаларида ер эгаси ва ижарачининг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгилаб берилган. Ислом ҳуқуқи — аслида хусусий мулкчилик ҳуқуқи бўлиб, тарихан мулк айирбошлаш, мулксиз шахсий ўзаро муносабатлар натижасида келиб чиққан. Ислом ҳуқуқшунослигида мулкий ва мажбурият ҳуқуқи, кўчадиган ва кўчмас мулк, бўлинувчи ва бўлинмас мулк, хусусий буюм ва бировнинг мулки каби тушунчалар аниқ ажратиб берилган. Хусусий мулкнинг мазмуни эгалик қилиш ва бошқариш ҳуқуқини, шунингдек, ундан фойда олиш ҳуқуқини ҳам назарда тутган. Мулкий ҳуқуқ — муомала ва мулкчиликнинг турли масалаларини, олди-берди муомаласининг ҳар хил кўринишларини мувофиқлаштириб туради, мажбуриятларни бажариш тартибини белгилайди. Бироқ турли мамлакатларда унинг белгилари ижтимоий ҳаётнинг шакллари ва ташкил этилишига боғлиқ равишда намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда ислом ҳуқуқшунослиги у ёки бу шаклда қатор давлатларда —Африка шимоли-ғарбида жойлашган Марокашдан тортиб, то Океаниядаги Фиджи давлатигача амал қилади. Ливияда, масалан, 1972 йилда закот ҳақида, хусусий шахслар ўртасидаги қарз олди-бердисидаги фоизларни бекор қилиш, ўғирлик ва босқинчилик учун қўл ва оёқни кесиш жазо-чоралари ҳақидаги қонунлар жорий қилинди. Ямандa тузилган ислом ҳуқуқлари меъёрларини тасниф қилиш комиссияси ташаббуси билан 1976—1978 йилларда, жумладан, ҳадя қилиш ва вақф (ерни вақф қилиш — уламолар ва бойлар томонидан диний исломий муассасалар фойдасига васият қилиш) ҳақидаги қонунлар кучга киритилди. 1984 йилнинг бошида Суданда ерга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги масалаларни тартибга солувчи исломий-ҳуқуқий меъёрларни жорий қилиш ҳақида президент фармони, Миср, Сурия, Ироқ, Жазоир, Иордания, Афғонистон давлатларининг фуқаролик ҳуқуқшунослигида, энг аввало кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тартибга солишда вақф мулкий тартиб-қоидалари ва нормалари асосий ўринни эгаллайди. Ҳуқуқий тизимларда алоҳида гуруҳга кирувчи қатор Африка (Танзания, Мали, Чад) ва Осиё (Филиппин, Ҳиндистон) давлатларида ислом ҳуқуқи орқали мусулмонларнинг шахсий мақоми, шунингдек, вақфлар, закотни йиғиш ва тарқатиш ҳақидаги ҳуқуқий қоидалар тартибга солиб борилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Қуръони Каримга асосланган шариат нормаларида ҳаддан ташқари йирик ер эгалиги қораланади, унда тенглик лозимлиги ҳақидаги қоидалар ўрин олган, мусулмонларни ҳар қандай ортиқча мол-мулкка эгалик қилишдан ўзини тийишга чақиради. Шу боисдан ҳам ислом ҳуқуқшунослиги нафақат илмий-маърифий соҳа, балки амалий-таркибий йўсинда ҳам ўз аҳамиятини ҳозиргача йўқотмаган. Бу ўринда ватандошимиз *Бурҳониддин Марғинонийнинг* машҳур асари — *„Ал-Ҳидоя“*нинг бениҳоя муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жоиздурки, бу асар ўз моҳияти билан ғоят мураккаб ҳуқуқий муаммолар, жумладан, мулкий муаммоларга ҳам берилган аниқ юридик тавсифларга бой бўлган мумтоз асардир. Ҳозирги замонда мусулмон мамлакатларида Қуръони Каримда „Темур тузуклари“ ва „Ал-Ҳидоя“даги мулкчилик масалаларининг ўрганилаётганлиги мулкчилик муаммоларининг мажмуини кўриш, ҳуқуқшунослик фанини методик қоидалар билан бойитиш имконини беради, мулкчилик ҳуқуқи ҳақидаги назария ривожидаги янги қонуниятларни излаб топиш, улардан ҳозирги давр ва келажак учун сабоқ бўларлик мисолларни ажратиб олиш имконини беради.

Ижтимоий мулкчилик негизида юзага келган маъмурий- буйруқбозлик тизимида йирик сиёсий ағдар-тўнтарларнинг вужудга келишига, иқтисодий турғунликка, илмий-техникавий ва интеллектуал ривожланиш йўлида тўғаноқлар юзага келишига сабаб бўлди. Хусусий мулкнинг тан олинмаганлиги, индустрлаштиришни режа асосида шакллантириш, мажбурий коллективлаштириш аҳолининг ва бугун жамиятнинг бойишига эмас, балки қашшоқланишига олиб келди. Натижада маъмурий-буйруқбозлик тизими инқирозга учради. Айрим давлатлар, масалан, Хитой инқирознинг олдини олиб, ислоҳотларни бошлаб берди. Хитойдаги бундай янгиланиш ҳаракатига Ден Сяо Пин бошчилик қилди. Хусусий мулк таркибини модернизация қилиш, плюралистик, бозор моделига ўтиш иқтисодий ислоҳотнинг асосий таркибий қисми бўлди. Собиқ социалистик давлатларда ва мустақилликка эришган собиқ Иттифоқ республикаларида хусусий мулкнинг ва хўжалик юритишнинг муқобил шаклларини давлат тасарруфидан чиқариш юз берди.

Улар томонидан хусусий мулкнинг тан олиниши, бир томондан, сиёсий устқурмани мавжуд иқтисодий базис негизида мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг реал ҳолати ва ривожланиш таркибига мос равишда ўрнатишга бўлган қадамдир, иккинчи томондан — бу собиқ Иттифоқ республикаларининг кутилаётган ижтимоий ривожланиш жараёнига мос ички ижтимоий-иқтисодий тайёргарлик кўриб, жаҳон бозори хўжалигига хос интеграциялашишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон бошқа ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўли, тўплаган ижобий тажриба, республикамиз ҳаётидаги янгилик-

дан тўла фойдаланилади. Энг аввало, хусусий мулкка муносабат масалаларида астойдил янгиликлар қилиш зарур. Мулк ўз эгасини топиши, унга хизмат қилиши, мулкдорга, унинг оиласига, жамоасига манфаат келтириши керак. Иқтисодий категория ва неъматларни эгаллашнинг юридик шакли бўлган хусусий мулк инсонларнинг ҳаёт шароитига ва бутун жамоага маълум таъсир ўтказади. Моддий ва бошқа хил неъматларнинг эгалланиши, фойдаланилиши ва бошқарилишида юзага келадиган муносабатлар тизими ишлаб чиқиш ҳаракатларини белгилаб беради, яъни аслида исталган бир жамиятда иқтисодий ҳаётнинг асосини белгилайди. Мулк бирламчи бўлиб, тақсимотнинг барча бошқа муносабатлари унга тобе ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, барча тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқариш омиллари (капитал, ишчи кучи) хусусий мулк ҳисобланади.

Сармоя эгаларининг ўзлари ёки менежерлар ишлаб чиқаришни ташкил этадилар ва ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қиладилар — фойда оладилар ёки зарар кўрадилар. Ишчи кучи эгалари эса иш ҳақи оладилар. Мулкнинг жамият иқтисодий ҳаётида тутган асосий ўрни ҳақидаги мулоҳазалар абстракт-назарий характерга эга эмас. Бу эса бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумдаги давлат — бюрократик мулкка асосланган маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг мавжудлиги ва унинг бозор рақобати асосида ётувчи ижтимоий ва хусусий мулкнинг тенг ҳуқуқли ҳукмронлигида намоён бўлди. Буларнинг оддий таҳлили улардан қайси бирлари жамиятнинг ривожи ва гуллаб-яшнашини таъминлашлиги ҳақида тасаввур беради. Марказлашган режали иқтисодиёт давлат-бюрократик мулкига асосланган хўжалик ҳеч бўлмаганда аҳоли учун маъқул бўлган даражада олиб борилганда таназзулга юз тутмаган бўлур эди. 70- йилларнинг охирларидан бошлаб режали хўжалик юритиш тизими чуқур таназзулга юз тута бошлади, объектив сабабларга кўра, ундан халос бўлишнинг имкони йўқ эди. Мулкнинг ягона хўжайини бўлган давлат қўлида жуда катта миқдорда тўпланиб қолиши ва марказлашуви мамлакат иқтисодиётини марказдан бошқарилишини талаб қилиб қолди. Аммо режа топшириқларида одамларнинг хилма-хил талабларини инобатга олишнинг иложи бўлмай, улар режалаштирилмайдиган, энг муҳими, уларга риоя қилинищи ва бажарилиши ишлаб чиқаришга моддий омиллар бера олмас, ташаббуссизлик ва ижтимоий қарамликларга йўл қўйиб берар эди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фаолсизлик сабаблари уларнинг ҳаракат эркинлиги чекланганлиги ва етарлича моддий манфаатдорликнинг йўқлигида эди. 80- йилларнинг ўрталарига келиб, шу нарса аён бўлиб қолдики, давлат бошқарув тизими замонавий ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш даражасига мос келмай қолди. Марказлашган режали хўжаликнинг иқтисодий асосларини оддий тузатиш йўли билан юзага келган ҳолатни ўзгартириш имконияти бўлмай қолди.Тажриба хўжаликлари тузиш, кооперативларни

жонлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятига қўмаклашиш ва бошқа хил турли тажрибалар ўтказила бошланди. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида мулкка муносабатни тубдан ўзгартирмай туриб „иқтисодиётни соғломлаштиришда муваффақият қозонилмаслиги“ аниқ бўлиб қолди. Ушбу муаммолар мулк, мулкий муносабатларни тубдан ислоқ қилиш тақозо этар эди.

Мулкнинг ўзи нима? Мулки муносабатни тўлиқроқ қуйидаги сифат белгилар характерлайди. *Биринчидан*, бу маълум бир ишлаб чиқариш муносабатлари (кишилар ўртасида ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар, унинг шарт-шароитлари ва натижалари). *Иккинчидан*, одамларнинг моддий неъматларни, энг аввало, ишлаб чиқариш воситалари (унинг шарт-шароитлари)ни бевосита эгаллаб олишдаги иқтисодий муносабатлари, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидир. *Учинчидан*, ушбу муносабатларнинг моҳияти моддий неъматларнинг маълум шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан эгалланиши ва уларнинг мансублик даражасидан иборатдир. Мулк — ишлаб чиқарилган моддий неъматларни эгаллаб олишнинг ижтимоий шаклидир.

Моддий неъматларнинг мансублик ёки эгаллаб олинганлик ҳолатининг намоён бўлишини, унинг мазмунини кенгроқ қараш керак. Энг аввало, бу кимнингдир иродасидан қатъи назар, моддий неъматлардан мутлақо ўз ихтиёри билан бошқа шахсларни бу ишдан четлатган ҳолда ёки уларни ўз мулкига яна ўз ихтиёри билан яқинлаштириш йўли билан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш имкониятидир. Бироқ, бу ерда моддий неъматлардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилишдангина иборат деб тушунилмайди, балки ундан унумли фойдаланиш имконияти тушунилади. Ахир, товар ишлаб чиқариш шароитида меҳнатнинг натижаси бозор механизми орқалигина пулга айлантирилиб, бошқасига айирбош қилинадиган товар сифатида тушунилади, у ишлаб чиқарувчи истеъмолчи ёки мулкдор томонидан истеъмол қилинмайди. Айтиш мумкинки, мулкдор томонидан унга тегишли буюмга нисбатан тўлиқ **„хўжайинлик ҳукми“** ўрнатилиши ҳақида сўз боради. Демак, иқтисодий маънода, мулк мулкдорнинг ўз мулкига бўлган шундай „хўжайинлик ҳукми“ тушуниладики, унда оддий эгаллаш, фойда олиш ва ўзининг тегишли эҳтиёжларини қондириш билан чекланиб қолмайди. Ишлаб чиқаришнинг товарли характерида албатта мулк ташвиши муқаррардир. Бу эса мулкни асраш, таъмирлаш, қўриқлаш харажатларини қоплаш, давлат солиқларини тўлаш, энг муҳими, самарасиз,хўжалик юритишдан келадиган зарарлар, охир-оқибат тўла таланишгача бўлган, барча хавф-хатарлардир.

Жамиятда, асосан, товар ишлаб чиқаришда, хусусий мулк объектларини асраш ва кўпайтириш мулкдор учун ҳақиқий ҳаётий масала бўлиб бунда мулк ўз эгасини товар ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқаришнинг билимдони ва ҳақиқий ташкилотчиси ҳамда тадбиркор бўлишга мажбур қилади. Сўсиз, мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунида

ушбу томонлар ҳам ўз аксини топган бўлиши шарт. Айнан шу „фаровонлик“ ва „оғир юк“ иборалари мажмуи ҳақиқий мулкдорни характерлайди ва, аксинча, ушбу унсурлардан бирортасининг унда мавжуд бўлмаслигини мулк эгасининг ҳақиқий хўжайин бўлиб қолишига имкон бермайди. Масалан, давлат ва жамоат корхоналари меҳнат жамоалари ҳуқуқлари ҳар қанча кенгайтирилмасин, хўжалик фаолияти натижаси учун масъулиятнинг йўқлиги мулкдорнинг тўла банкрот бўлишига имкон туғдиради, „хўжайинлик ҳисси“нинг кучайишига эмас, „гуруҳий худбинлик“нинг навбатдаги хуружига олиб келади.

Мулкнинг материалистик талқинидаги ўзига хос аломат мулкнинг иқтисодий мазмуни (иқтисодий табиати) унинг юридик шаклидан афзал эканлигидадир, шунингдек, мулкнинг чуқур маънодаги асоси инсоннинг буюмга муносабати эмас, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар биринчи ўринга чиқади. Агар мулкий ҳуқуқни қонун йўли билан у ёки бу шахснинг қайси буюмлардан фойдалана олиши ва бошқаришини белгилаб берувчи қоидалар, шунингдек, бундай фойдаланиш ва бошқаришни амалга ошириш мумкин бўлган шарт-шароитлар деб тушунилса, бу ҳолда мулк юридик категориядир.

Материалистик назарияга биноан, иқтисодий категория сифатида, мулк одамларнинг онги ва иродасидан ташқари ҳолда мавжуд бўлади. Қадимги **Соло** (мил.авв. 594 й.) ва Клисфен (мил.авв. 509 й.) қонунларидаёқ, қонунлар мулкий муносабатларни вужудга келтирмайди, улар аслида жамиятда шаклланган муносабатларни мустаҳкамлайди, холос дея кўрсатилган. Шу боисдан мулкнинг иқтисодий ва юридик категорияларини фарқ қилмоқ лозим. Юридик категория сифатида мулк сақланиб келаётган объектив муносабатларнинг субъектив талқинидир, амалиётда эса юзага келган ижтимоий онгнинг намоён бўлишидир.

Мулк муносабатлари объектив ва субъектив муносабатлар бўлиб, объект сифатида ишлаб чиқаришнинг моддий шароитлари ва инсон ҳаёти (ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи), шунингдек, ишлаб чиқариш натижалари (моддий неъматлар ва хизматлар) юзага чиқади, субъект сифатида эса инсон, ўртоқликлар, ассоциациялар, меҳнат жамоалари, давлат вакиллари, давлат идораси ходимларининг ўзаро муносабатларидир.

Моддий ишлаб чиқариш шароитларига ва ишчи кучига нисбатан хусусий мулк бозор иқтисодидаги ишлаб-чиқариш омилларининг тенглигини таъминлайди, шу маънода, улар ишлаб чиқариш жараёнида бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди.

Мулкий муносабатлар, ишлаб чиқариш омиллари ва меҳнат маҳсулотларини эгаллаб олиш, бўлиб бериш, фойдаланиш, эгалик қилиш ва бошқариш жараёнларини, воситалардан фойдаланиш йўналишларини ривожлантириш тактикаси ва стратегияси, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, уларни назорат қилишни ўз ичига олади. Мулк бошқарув ҳокимияти билан чамбарчас боғликдир. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришни бошқариш мулкий функция ҳисобланиб, унинг зарурий томонларидан биридир. Ишлаб чиқаришни

одатда, ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бошқаради. Мулк ҳокимиятнинг асосий унсурлари (ягона бўлмаса ҳам)дан бири— унинг манбаидир.

Мулк мазмунини белгиловчи нарса — *унинг ўзлаштирилишидир*. Ўзлаштириш мулк субъектини бошқа субъектлардан куч ишлатиш ва юридик йўллар билан ажратиб олишдир. Ўзлаштириш категориясини таҳлил қилишда меҳнат воситасида ўзлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида бўладиган, урф-одат тусига кирган, мурожаат йўли билан ажратиб олиш, ўзлаштиришнинг тўла шакли бўлган мулкдан ва ажратиб олишдан эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш фарқ қилади.

Эгалик қилиш — бу мулкдан тўлиқ бўлмаган, яъни қисман ўзлаштиришдир. Мулк эгаси ишлаб чиқариш воситалари вакилидир, у мулкдорнинг шахс кўринишидаги вакили ҳисобланади. Эгалик қилиш — мулкдор томонидан белгилаб қўйиладиган шароитларда амал қилувчи мулкдир. Масалан, ижара, кредит тушунчалари муддатийлик, қайтариш шарти, шунингдек фойданинг бир қисмини ўзлаштирилишини ҳам тақозо қилади.

Фойдаланиш — буюмнинг белгиланган мақсадда, йўналишда ишлатилишидир. Фойдаланиш эгаликни амалга ошириш ва мулк нормаларидан иборатдир. Агар эгалик қилиш мулкнинг функцияси бўлса, фойдаланиш эгалик қилиш функциясидир.

Бошқариш — мулк эгаси ёки бошқа шахс томонидан мулкдорнинг рухсати даражасида мулкни фойдаланишга бериш ҳуқуқига асосланган ҳолда мулк объектининг вазифаларини бажариши ҳақида қарорлар қабул қилишдир.

Шу муносабат билан, бозор иқтисодида тадбиркорликнинг мулкдор бўлмаслиги, аммо албатта мулкка эгаликнинг учлик ҳуқуқи: эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқига эга бўлиши шарт.

Бегоналаштириш (ажратиб бериш) — худди эгаллаб олиш каби, иқтисодий маънода энг аввало, ишлаб чиқариш муносабатлари субъектлари орасидаги муносабатлар, бирон-бир фаолият ёки унинг натижасини ушбу муносабатлар субъектининг у ёки бу хил ҳаёт фаолиятининг манбаига айлантиришнинг иложи бўлмаслигидир. Мулкий муносабатлар иқтисодий мазмунини ўзлаштириб олиш йўли билан очишга уринишнинг борлиги, ушбу муносабатларни фақат бир томонлама ўзлаштирувчи субъект вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қаралгани сабабли ҳам самарасиз бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳар бир муносабат , ҳеч бўлмаганда иккита субъектнинг мавжудлигини тақозо қилади. Мулкий муносабатлар — мулкни ўзлаштирувчи билан ўзлаштирмовчи ўртасидаги муносабатдир. Демак, мулкий муносабатлар мазмуни фақат ўзлаш-тириш ва ажратиб беришнинг диалектик қарама-қаршилиги ва бирлиги воситасида аниқлаши мумкин.

Мулк ҳуқуқининг иқтисодий назариясига биноан, мулк ресурсла— рининг ўзи (ишлаб чиқариш воситалари ёки ишчи кучи) эмас, балки ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқлари дастаси ёки ҳиссасидан иборатдир.

Мулкий ҳуқуқ назарияси сарчашмасида икки машҳур америкалик иқтисодчилар — Р. КОУЗ ва А. АДАЧИ турар эдилар. Бу назарияни янада ривожлантиришда И. БАРЦЕЛЬ, Г. БЕККЕР, Д. НОРТ, Н.С. ЧЕНГ, Р. ПОЗНЕР ва бошқалар маълум ҳисса қўшдилар.

Мулкий ҳуқуқлар одамлар ўртасида ва жамият томонидан (давлат қонунлари, анъаналари, удумлари, маъмурият фармойишлари ва ш.к.) рухсат этилган хулқий муносабатлар деб тушунилади, бу муносабатлар неъматларнинг мавжудлиги билан юзага келади ва улардан фойдаланишга тааллуқлидир.Бу назарияда мулкий муносабатлар неъматларнинг чекланганлигидан келиб чиқади: бирон-бир нодир, шарт-шароитсиз мулкий муносабатлар — моддий ва номоддий ресурсларга бўлган рухсатнинг истиснолари тизимидир. Агар ресурсларга бўлган рухсат истисносиз бўлса, демак, улар ҳеч кимники эмас, ҳеч кимга тегишли эмас, ёки — бу барчага барибир, барчага тегишли, чунки унга эркин рухсат мавжуддир. Ушбу назарияга асосан, бундай ресурслар мулк объекти бўла олмайди.

Ресурслар эркин рухсат этишдан бошқаларни чиқариб ташлаш уларга нисбатан мулкий ҳуқуқнинг ихтисослашувини билдиради. „Ихтисослаштириш" атамасининг луғавий маъноси шундан иборатки, унинг мукаммалликларини бирма-бир айтиб ўтиш мумкинлигини ифодалайди. Ихтисослаштиришнинг маъноси ва мақсади — ким мулкий ҳуқуқларни юқори қадрласа, ким ундан энг катта фойда ола олса, унга шароит яратиб беришдан иборат, шу нарса унинг шакллари орқали намоён бўлади. Мулк шакллари доимо ривожланиб боради. Жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда мулкий муносабатлар ҳам ўзгариб борган, у турли шакллар ва кўринишларда намоён бўлган. Бу эса мулкнинг тарихий категория эканлигини тасдиқлашга асос бўлади. Демак, мулкий муносабатлар тўхтовсиз такомиллашувда, диалектик ривожланишда бўлади.

1.2. Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ривожлантириш муаммолари

Бозор муносабатларининг қарор топиб бориши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши нафақат иқтисодий ўсиш суръатларига, балки ижтимоий адолат мезонларига, унинг ҳолати ва истиқболига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Авваламбор, мулкдорлар синфи шаклланишининг ўзи таёқнинг иккинчи учида ночор, камбағал тоифадаги ва ораликда ўрта ҳол кишиларнинг вужудга келишини тақозо этади. Хўш, бу туб ўзгаришлар меҳнаткаш халқнинг кайфиятига, унинг адолатли жамият қуриш тўғрисидаги орзу-умидларига, меҳнатга муносабатига, сафарбарлигига, ҳамжиҳатлигига қандай таъсир кўрсатади? Маълумки, халқ адолатли деб қабул қилмаган, шу боисдан бутун борлиғи, жон-жаҳди билан қўллаб-қувватланмаган иқтисодий сиёсат муваффақият қозонмайди, иқтисодиёт ривожланмайди, турғун вазиятдан нарига ўтмайди. Шунинг учун ижтимоий

адолат муаммолари сиёсатдонларнинг, давлат арбобларининг, олимларнинг, кенг жамоатчиликнинг, барча-барчанинг диққат марказида турмоғи лозим. Хўш, адолат, унинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган ижтимоий адолатнинг ўзи нима? Биз зўр бериб, қатъият ва изчиллик билан шакллантираётган бозор хўжалиги ва унинг ажралмас қисми бўлмиш мулкдорлар синфи, меҳнаткашларни ҳамиша ташвишга солиб келаётган ижтимоий адолат муаммо ва жумбоқларини қандай ҳал қилади?

Адолат сўзи арабчада, *одиллик* деган маънони билдиради.

Инсоният жамияти таркибида ижтимоий тараққиёт равнақини таъминлайдиган синфнинг талаблари ва ахлоқий қарашлари адолат ҳисобланади, у объектив тараққиёт эҳтиёжларига жавоб беради. Адолатли жамият қуриш, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини адолат юзасидан қондириш қадимдан инсон тафаккурининг тўридан жой олган. Жамият тараққиётининг тарихига назар ташласак, адолат билан адолатсизлик ўртасидаги кураш ҳамиша кескин зиддиятлар, тўқнашувлар, урушлар шаклида намоён бўлган. Адолат билан адолатсизлик ўртасидаги кураш ҳам дунёвий, ҳам диний назарияларда мужассамлашган.

Ижтимоий адолат тўғрисидаги таълимотга қадимги юнон файласуфи, буюк мутафаккир Арасту катта ҳисса қўшди. У биринчи бўлиб адолатни икки турга бўлди: ***тенгчилик*** ва ***мутаносиблик***. Бизга маълумки, ибтидоий жамоа даврида ҳамма қабила аъзолари яшаш воситаларига нисбатан тенг ҳуқуқга эга бўлганлар ва бу тенгликнинг ҳар қандай бузилиши адолатсизлик деб қаралган. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва жамият аъзоларининг бойлик жиҳатидан табақаланиши оқибатида адолатни фақат тенглик асосида тушуниш мумкин бўлмай қолди. Шундай бир шароитда Арасту моддий бойликларни жамият аъзолари ўртасида фақат тенглик асосида эмас, балки кишиларнинг мукофотга муносиблигига қараб тақсимлаш ҳам адолат ҳисобланишини таъкидлаган эди. Кўп асрлардан бери адолат тўғрисидаги ушбу ғоя сақланиб келинмоқда ва бугунги кунда ҳам кишилик жамияти тараққиётининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодчилар, социологлар ва бошқа соҳа мутахассислари ижтимоий адолат тўғрисида, унинг таърифи ва тавсифи тўғрисида умумий бир фикрга эга эмаслар. Фикрларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги мазкур муаммонинг муҳимлиги ва шу билан бирга мураккаб эканлигидан далолат беради.Адолатни ўлчашнинг аниқ бир мезон ёки ўлчов бирлиги йўқ. Ҳар ким адолатни ҳар хил тушунади. Шунинг учун бир шахс ёки гуруҳ учун адолатли деб қабул қилинган воқелик иккинчи шахс ёки гуруҳ учун аксинча, адолатсизликдек туюлиши мумкин. Юқоридагилардан ҳаммани бирдек қониқтирадиган адолатга умуман эришиш мумкин эмас экан, деган хулоса чиқариш тўғри эмас. Адолат тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларнинг кўплиги ва хилма-хиллигига қарамай, уларнинг ичида қуйидаги маълум ёндошувларни кўриш мумкин.

1. Тенгсизлик асосида моддий неъматларни жамият аъзолари ўртасида тенг, баробар тақсимланиши. Ижтимоий адолатнинг бу кўриниши ибтидоий жамоа даврига хосдир. Бизга маълумки, ибтидоий жамоа даврида барча қабила аъзолари яшаш воситаларига тенг ҳуқуқли бўлган ва бу тенгликнинг ҳар қандай бузилиши адолатсизлик деб қаралган.

2. Моддий бойликларнинг жамият аъзолари ўртасида мутаносиблик асосида тақсимланиши хусусий мулкнинг вужудга келиши ва жамият аъзоларининг бойлик жиҳатдан табақаланиши оқибатида адолатни фақат тенглик асосида тушуниш мумкин бўлмай қолди. Шундай бир вазиятда юқорида айтиб ўтганидек, ижтимоий адолат тўғрисидаги таълимотга катта ҳисса қўшган қадимги юнон файласуфи, буюк мутафаккир Арасту биринчи бўлиб адолатни икки турга — тенгсизлик (эгалитор) ва мутаносибликка (пропорционал) бўлганди. У моддий бойликларни жамият аъзолари ўртасида фақат тенглик асосида эмас, балки кишиларнинг мукофотга муносиблигига қараб тақсимлаш ҳам адолат ҳисобланишини таъкидлаган эди. Ўша даврлардан бери адолат тўғрисидаги ушбу ғоя, гарчи у кўп жиҳатдан такомиллаштирилган ва мукаммаллаштирилган, унинг турли кўринишлари яратилган бўлсада, у ўз аслида сақланиб келинмоқда ва бугунги кунда ҳам кишилик жамияти тараққиётининг негизи ҳисобланади.

3. Манфаатдорлик (утилитар). Моддий бойликларни манфаатдорлик асосида тақсимлаш товар ва хизматлардан бошқаларга нисбатан кўпроқ қисмини яхшироқ лаззат оладиган кишиларга беришни назарда тутади (Пиндайк Р., Рубинфольд Р. Макроэкономика. —М., „Экономика", „Дело", 1992 й. ИЗИБ). Моддий бойликларни турли қисмларга манфаатдорлик асосида тақсимлаш кишиларга завқ-шавқ, лаззат бағишлайди. Товар ва хизматларни тақсимлашда кишилардаги ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш адолатлидек туюлса-да, уларни унумли меҳнат қилишга рағбатлантирмайди ва шунинг учун ҳам амалиётда кенг кўламда қўлланмайди.

4. Моддий неъматларни меҳнатга қараб тақсимлаш —тақсимлашнинг *„Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша"* тамоил собиқ Иттифоқда 1930 йилларда илгари сурилган эди. Бир қарашда ўта адолатлидек туюлади. Агар моддий бойликларни ҳақиқатдан ҳам ҳар бир индивид меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб тақсимлаш мумкин бўлганда эди, жамият ривожланиши учун мисли кўрилмаган улкан имкониятлар вужудга келган бўларди. Лекин,ҳозиргача инсоният меҳнатнинг миқдорини ва сифатини аниқ ўлчайдиган бирон-бир ўлчов мезонлари ишлаб чиқарилмаган. Меҳнатда банд бўлган иш вақти, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ёки бошқа кўрсаткичлар мазкур муаммони ҳал қилишга қодир эмаслигини амалий тажриба тўла исботлади. Жамият миқёсида бир марказдан туриб ишлаб чиқаришда банд бўлган миллионлаб кишилар меҳнатини миқдор ва сифатини ўлчаш ва моддий ноз-неъматларни шунга мос равишда тақсимлаб чиқиш қизиқ бир афсона ёки хом хаёлдан ўзга

нарса эмас. Товар ва хизматларни тақсимлашдаги бундай ёндошувнинг салбий оқибатлари барчага маълум. Бу тақсимотдаги текисчилик меҳнат натижаларига бефарқлик, боқимандалик, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, моддий ва молиявий ресурслардан унумсиз фойдаланиш, сифати номаъқул маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ҳоказолардир. Товар ва хизматларни меҳнатга қараб тақсимлаш нафақат жамиятнинг иқтисодий юксалишига, балки унда социал адолат тамойилларини қарор топтиришда ҳам катта зиён келтиради.

5. Моддий бойликларни жамият аъзолари ўртасида бозор механизмлари асосида тақсимлаш.

6. Моддий бойликларни кишиларнинг эҳтиёжларига қараб тақсимлаш. Ушбу ёндошувни энг адолатли тақсимот десак, хато бўлмайди. Лекин, бундай тақсимотни амалиётда кенг қўллаш фақат икки ҳолатда мумкин бўлган бўлар эди. *Биринчидан*, жаҳонда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий ҳажми ер юзидаги барча инсонларнинг барча эҳтиёжларини ҳам миқдор жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан тўла қондиришга етарли бўлиши керак. Бундай тақсимотни ишлаб чиқариш кучлари жуда ривожланиб кетган алоҳида мамлакат доирасида ҳам жорий қилиш мумкин. Лекин ҳаммага маълумки, инсоният ёки алоҳида олинган мамлакат халқи ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг бундай чўққиларига эришолгани йўқ.

Иккинчидан, кишилар онги ва дунёқараши шу даражада тараққий этадики, улар ўз эҳтиёжларини ҳеч қандай ўлчов воситаларисиз ўзлари жамият имкониятларига қараб чегаралайдилар. Бундай шахслар ҳаётда ҳозир ҳам учраб туради. Бунга бойликни ўзлаштиришга чексиз имкониятлари бўла туриб, лавозимларини суиистеъмол қилмасдан ўзларининг эҳтиёжларини фақат ҳалол меҳнати билан топилган даромад ҳисобидан қондириб юрган шахслар мисол бўла олади. Лекин, жамият аъзоларининг ҳаммаси ёки ҳеч бўлмаганда, уларнинг асосий қисми қачон шундай даражага етишини аниқ айтиш жуда қийин. Умуман, ҳар иккала ҳолат ҳам инсоният тараққиётини ҳозирги босқичида фақат эзгу-ният, истак, ғоя бизнинг тасаввуримиз сифатида қаралиши мумкин. Уларнинг амалий воқеликка айланиши ёки мумкин эмаслигини келажак кўрсатади.

Жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш бўйича юқорида қайд этилган ёндошувларнинг ҳар бирида ҳам ўзига хос ижобий ҳамда салбий томонлар бор. Хўш, шу ёндошувлардан қайси бири бизнинг республикамиз шарт-шароитларига, халқимизнинг мафкураси, дунёқараши, ҳаёт тарзи ва интилишларига, унинг истиқболига мос келади, кўпроқ самара беради? Жаҳон мамлакатлари тажрибаси моддий бойликларни тақсимлашни бозор тамоиллари орқали амалга ошириш мақбул эканлигини кўрсатмоқда. Айнан ана шу усулни танлаган мамлакатларда сиёсий барқарорлик ва

Sar KI 470541 KUTUBXONASI

ижтимоий ҳамкорлик, ҳам—жиҳатлик ҳукм сурмоқда, уларнинг иқтисодиёти тез суръатлар билан юксалмоқда, халқнинг моддий фаровонлиги кундан-кунга ошиб бормоқда.

Йиллар давомида икки тизим ўртасида олиб борилган муросасиз курашда ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг социалистик усули ўзининг ожизлигини кўрсатди ва охир-оқибатда, инкор қилинишга мажбур бўлди.

Илғор мамлакатлар тажрибасидан мантиқан келиб чиққан ҳолда, ҳамда аҳолининг ҳаёт тарзи, ўтмиши, бугунги аҳволи, дунёқараши ва интилишларини ҳисобга олиниб Ўзбекистон ижтимоий тараққиётнинг — социал адолат ўрнатишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлини танлади. Албатта, бозор муносабатлари бизнинг онгимизда йиллар давомида шаклланган, қаттиқ ўрнашиб қолган социал адолат тўғрисидаги тушунча ва андозаларда жиддий ўзгаришлар содир бўлишини тақозо этади. Бозор иқтисодиёти, биринчи навбатда, жамият аъзоларининг мулк нуқтаи назаридан табақаланишига (мулкдорлар, ёлланма ишчилар, камбағаллар, қашшоқлар) олиб келади. Бу воқелик бизнинг онгимизда ўрнашиб қолган социал адолат тўғрисидаги тушунча ва дунёқарашимизга қандай таъсир кўрсатади, биз уни қандай қабул қиламиз ва шунга жавобан ўзимизни қандай тутамиз? Агар бозор иқтисодиёти мафкураси бизга ёт туюлса, уни биз адолатсиз жамият деб қабул қилсак, демак, бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз жамият тараққиётига мос тушмайди, биз унга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўша олмаймиз. Аксинча, биз бозор иқтисодиётининг ҳар қандай бошқа тизимдан адолатли эканлигини тан олсак, демак, бизнинг ҳатти-ҳаракатимиз жамият тараққиёти манфаатларига мос келади. Биз бор куч-қувватимизни тўла сафарбар қиламиз, бундай жамиятни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бундай шароитда одамлар салмоғи ошиб борган сайин жамият барқарорлашиб, мустаҳкамланиб бораверади, иқтисодиёт юксалиб, ҳамма фаровон турмуш кечираверади.

Баъзан моддий жиҳатдан қийналиб, жамият тўғрисида, ундаги адолатсизликлар тўғрисида гапираётган кишиларнинг гувоҳи бўламиз. Тўғри, бозор иқтисоди кучли, қобилиятли, меҳнатсевар, уддабурон, фидоий, ишнинг кўзини биладиган одамларга кенг имкониятлар очиб бериши билан бир қаторда дангаса, иш ёқмас, боқиманда, текинхўр ва лаёқатсиз одамлар учун жиддий муаммолар ва қийинчиликлар туғдиради. Агар биз биринчи гуруҳ одамлар меҳнати эвазига яратилган ноз-неъматларни турли воситалар ёрдамида (солиқлар, тўловлар, чегиришлар ва ҳоказолар) олиб, иккинчи гуруҳ одамларга — текислантириш, бараварлаштириш нуқтаи назаридан улашиб беришни *адолат* деб тушунадиган бўлсак, унда бозор иқтисодиётини ҳақиқатан ҳам адолатсиз иқтисодиёт деб қараш мумкин. Лекин, ўзининг унумли меҳнати, қобилияти билан яратган ноз-неъматни ундан тортиб олиб,

кейинчалик бу ноз-неъматини бошқа дангаса одамларга тортиқ қилишнинг ўзи катта адолатсизлик ҳисобланади. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони шуки, биринчи гуруҳ одамларда тўла сафарбарлик асосида унумли меҳнат қилишнинг мазмун-моҳияти йўқолади ва натижада жамиятни иқтисодий ривожлантириш имкониятлари чекланади, мамлакатда моддий мўл-кўлчилик-ни яратиш ғояси эса ширин орзуга айланиб қолади, холос. Ўз-ўзидан аёнки, бундай жамиятда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари ҳам камайиб бораверади.

Иқтисодиёти ривожланган бой давлатгина ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун катта имкониятларга эга бўлади. Агар шуларнинг ҳаммасини ҳисобга оладиган бўлсак, бозор иқтисодиёти ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш учун бошқа тизимларга нисбатан анча қулай шароит яратади. Бундан ташқари, улардан бирининг амалиётда қўлланиши соф ҳолатда кечмайди, балки бошқа ёндошувлар билан биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда амал қилади. Масалан, қулдорлик тизими даврида моддий неъматлар жамоа аъзолари ўртасида, асосан, мутаносиблик тамойили бўйича тақсимланган, лекин ўша замонларда ҳам маълум тоифадаги кишилар ўз моддий эҳтиёжларини тўла қондириш имкониятига эга бўлганлар. Бундай тоифадаги кишилар ундан кейин ҳам бўлган, ҳозирги замонда ҳам бор. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб, жамият бойиб борган сайин бундай тоифадаги кишиларнинг салмоғи кўпайиб бораверади. Демак, ўз ҳаётидан рози, бахтли, саодатли кишилар ҳам шунча кўпаяди. Ёки бошқа бир мисол. Моддий бойликларни жамият аъзолари ўртасида бозор механизмлари асосида тақсимлаш меҳнатга қараб тақсимлаш тамойилини рад этмайди, балки унинг самарали қўлланишига имкониятлар яратади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва инсон тараққиётининг ҳозирги босқичига мос ижтимоий адолат тамойилларини ўрнатиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур деб ўйлаймиз.

Биринчиси — инсон табиати қонунларини тан олган ҳолда, унинг хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқларини ва имкониятларини тиклаш ва шу тариқа аста-секин мулкдорлар синфини шакллантириш. Инсонни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва имкониятларидан маҳрум қилиш ижтимоий адолатнинг қўпол тарзда бузилиши деб қараш ўринлидир. Инсонда мужассамланган ижобий ҳис-туйғулар, фазилатлар ичида мулкка эгалик қилишга бўлган интилиш, уни сақлаш ва кўпайтириш борасида тинимсиз ҳаракат бозорда кескин рақобатни вужудга келтиради, тадбиркорларни имкон қадар кўп сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мажбур қилади.Олдинги мулкий булган муносабатнинг салбий оқибатларга олиб келишини мамлакатимиз тарихий тажрибасидан маълум. А. Смитнинг таъкидлашича, лоақал бирон-бир мулкни ўз ихтиёрига олиш имкониятларидан маҳрум қилинган киши фақат бир нарсага қизиқар экан, у ҳам бўлса, камроқ

ишлаб, кўпроқ истеъмол қилиш. Агар А. Смитнинг фикрини давом эттирадиган бўлсак, камроқ ишлаб ёки умуман ишламай, кўпроқ истеъмол қилиш, дегани жамиятга камроқ фойда келтириб ёки умуман, ҳеч қандай фойда келтирмасдан унга фақат зиён келтириш демакдир. Бундай истеъмолнинг манбаи ғайриқонуний йўллар билан топиладиган молу дунё ҳисобланади. Агар жамиятда бундай тоифадаги одамлар қанча кўпайса, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳам шунча пасаяди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида кишиларнинг хусусий мулки мусодара қилиниб, улар хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан тамомила маҳрум этилганди. Ишлаб чиқариш воситаларига умумхалқ мулки деб қараш орқали жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга даъвогарлик қилган иқтисодиётнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими аслида кишиларни хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва имкониятларидан маҳрум қилиб, катта адолатсизликка йўл қўйган. Ижтимоий адолатсизлик маълум салбий оқибатларга олиб келиши маълумдир. Дж.Стендалнинг ибораси билан айтганда, ижтимоий муносабатлардаги адолатсизлик кишилар ўртасида қўрслик, ишончсизлик ва бахтсизликни келтириб чиқаради. Табиатан турлича қобилиятга, турли интилиш ва турли эҳтиёжларга эга бўлган ва шунинг учун ҳам мутаносиб равишда турли даражадаги моддий бойликларга эга бўлиши лозим бўлган кишиларни тақсимотдаги текисчилик асосида тенглаштириш шаклида намоён бўлган ижтимоий адолатсизлик халқимизга нафақат қўрслик, ишончсизлик ва бахтсизлик келтирди, балки унда бефарқлик, боқимандалик, тамаъгирлик, порахўрлик, қўшиб ёзиш, давлат мулкини ўзлаштириш каби жирканч иллатларнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига сабаб бўлди. Кўп йиллар мобайнида кишилар онгини заҳарлаб, уларнинг дилидан жой олган бу иллатлар асоратидан қутулиш учун ҳали кўп меҳнат ва катта ирода талаб қилинади.

Аҳолисида мулкка эгалик қилиш, уни сақлаш ва кўпайтиришга эҳтиёжи, интилиши бўлмаган жамиятни тасаввур этиш қийин. Бундай жамиятда ҳамма фақат истеъмол қилиш учун яшайди. Ҳеч кимга ҳеч қандай мулк ҳам, ишлаб чиқариш воситалари ҳам, жамғариш ҳам керак бўлмайди. Ҳамма топганини фақат истеъмол қилади. Бу ибтидоий жамоанинг ўзгинаси бўлади -қолади. Ҳозир ҳам Американинг туб аҳолиси бўлмиш *квакиутль ҳиндулари* бойлик тўпламасликни афзал кўради ва *авбош* тантаналарида (потлач) бор бойликларидан қутулишга ҳаракат қилади. Борди-ю, шу квакиутль ҳиндуларидаги каби мулкка ибтидоий жамоага хос муносабатлар ер курасидаги барча мамлакат ва халқларда сақланиб қолганда эди, ҳозир бизнинг ҳаётимиз қай тарзда бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бугунги цивилизация, фан ва техника тараққиёти, маданий, фаровон турмуш, кўркам шаҳарлар, ҳашаматли иншоотлар, йирик корхоналар, гўзал бинолар ва ҳоказолар инсоннинг мулкни сақлаш ва кўпай-

тиришга бўлган табиий интилишининг мевасидир. Шунинг учун ҳар қандай мамлакат боймоқчи бўлса, ўз иқтисодиётини, куч-қудратини мустаҳкамламоқчи бўлса, ўз аҳолисида мулкка эгалик қилиш эҳтиёжини тарбиялаши, бу эҳтиёжларни имкон қадар тўлароқ қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериши лозим.

Бу ҳар қандай йўл билан мулкдорларни кўпайтириш керак, мулкдорларнинг кўпайиши билан жамиятда ижтимоий адолат ҳам қарор топиб, кучайиб бораверади дегани эмас. Бозор иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозлик тизимида кишиларни хусусий мулкдан маҳрум қилиш оқибатида йўл қўйган ижтимоий адолатсизликка барҳам бериш билан бирга, ижтимоий адолатсизликнинг янги кўринишларини рўёбга чиқишига кенг шароит яратади. Маълумки, мулкни ижтимоий адолат нормаларини сақлаган ҳолда, қонуний йўл билан (адолатли) ва бу нормаларга риоя қилмаган ҳолда, яъни ноқонуний йўл билан (адолатсиз) жамғариш ҳам мумкин.

Ана шу адолатсиз йўл билан тўпланган мулк, жамиятга Дж.Стендаль айтганидек, *қўрслик, ишончсизлик* ва *бахтсизлик* келтиради, бошқа жирканч иллатларнинг ривожланишига олиб келади.

Майда буржуазия социализми назариётчиси П.Ж. Прудон мулкни бундан 200 йил муқаддам „мулк — бу ўғрилик“ деб таърифлаган эди. Прудоннинг мулкка бундай таъриф беришининг боиси шунда эдики, агар бирон-бир нарса бировнинг мулкига айланса, иккинчи киши унга эгалик қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Албатта, ҳар қандай мулкни Прудоннинг фикри билан изоҳлаш иқтисодиёт нуқтаи назаридан ҳам, мантиқ нуқтаи назаридан ҳам нотўғри бўлган бўлар эди. Унда ҳаммани ҳам ўғриликда айблаш ва жиноий жавобгарликка тортиш керак бўларди. Лекин, ижтимоий адолат нормаларига амал қилмасдан, ноқонуний йўл билан тўпланган мулкка **П.Ж.Прудон**нинг ибораси билан том маънодаги ўғрилик деб қараш мумкин.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, адолатли жамият қуриш учун тинимсиз изланишлар, эътиборга молик катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин, жамият манфаатларига мос келадиган, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлайдиган социал адолат тамойилларини ўрнатишнинг ўзига хос муаммолари ва қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. *Булар қуйидагилардан иборат:*

— кишиларнинг онгида қаттиқ ўрнашиб қолган, лекин бозор муносабатларига тўғри келмайдиган ўтмиш асорат ва иллатлари (бефарқлик, боқимандалик, текинхўрлик, тақсимотдаги текисчилик, порахўрлик ва ҳоказолар) нинг мавжудлиги. Кишилар онгини ўзгартириш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмалари ва дунёқарашини шакллантириш маълум вақт талаб этадиган мураккаб жараёндир;

— ўтиш даврига хос иқтисодий тақчиллик;

— дастлабки сармоя жамғариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.

Юқорида қайд қилинган қийинчиликларга қарамасдан, республикада қисқа тарихий давр мобайнида иқтисодиётнинг хусусий секторини шаклланишида сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилди.

Иккинчиси — аҳолининг меҳнатга яроқли қисмини иш билан таъминлаш бўйича имкониятлар туғдириб бериш. Фуқаролик жамиятини ташкил этишнинг асосий шартларидан бири — бу кишиларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, ўз меҳнати, қобилиятига яраша ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш ҳар қандай жамият учун, ундаги ижтимоий-иқтисодий тизим қандай бўлишидан қатъи назар энг асосий, энг муҳим, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий масалалардан биридир.

Одатда, ўз меҳнати ҳисобидан кун кўрадиган, меҳнати эвазига оладиган иш ҳақи— яшашининг ягона ёки асосий манбаи бўлган кишилар учун ҳукмрон ижтимоий-иқтисодий тизимнинг қандай бўлиши, у меҳнат қилаётган ташкилот ёки корхонанинг кимга тобелиги, ёки аниқроғи кимнинг мулки эканлиги унча катта аҳамиятга эга эмас. Ишчи ва хизматчилар, мутахассислар ўртасида ўтказилган кузатиш ва тадқиқотлар шундан далолат берадики, корхона мулкининг шакли, унинг кимнинг тасарруфида эканлиги (давлат, жамият, алоҳида шахс ва ҳ.к.) ишчи ходимларнинг ўз куч ва имкониятларини сафарбар қилиши даражасига таъсир кўрсатмас экан. Уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини, ишлаб чиқариш жараёнида ўз куч ва қувватларини тўла сафарбар қилиш даражасини белгилайдиган энг асосий мезон — бу ишчи ходимларнинг ўз меҳнатлари эвазига оладиган иш ҳақи ҳисобланади.

Умуман ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, унинг натижалигига таъсир этувчи омиллар кўп ва хилма-хилдир. Уларнинг ичида энг асосийлари илмий-техника тараққиёти, рақобат муҳитининг кучлилиги, меҳнат ва бошқаришнинг ташкил этилиши, ишчи ходимларнинг малакаси, иш ҳақи ва бошқалар. Лекин, барча омиллар ичида иш ҳақи алоҳида ўрин тутади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг аксарият қисмини ёлланма ишчилар ташкил этади. Уларнинг яшаш манбаи — ўз меҳнати эвазига оладиган иш ҳақи ҳисобланади. Агар мулкдорлар синфи учун социал адолат жамиятнинг уларга мулкка эгалик қилиш ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаши, уни сақлаш ва кучайтириш учун эркин иқтисодий фаолият юргизиш шарт-шароитларининг яратилиши билан белгиланса, ёлланма ишчилар учун эса ўз меҳнатининг қадрланиши, унинг миқдори ва сифати, пировард натижасида оладиган иш ҳақи миқдори билан белгиланади.

Меҳнатга яраша ҳақ тўлаш. Унинг ижобий томони шундаки, у кишиларнинг онгида узоқ йиллар давомида мустаҳкам ўрнашиб қолган лоқайдлик, боқимандалик иллатларининг бартараф қилинишига ёрдам беради, уларни ҳаракатчан бўлишга, яшаш имкониятларини излашга,

фаол бўлишга ундайди. Бундай муҳит ташаббускорликни, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароит яратади, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини кучайтиради. Бундан унумли фойдаланиш Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини жадал суръатлар билан ривожлантиришга ва шу тариқа унинг халқаро меҳнат тақсимотида ўзига муносиб ўринни эгаллашига маълум имкониятлар очиб беради. Бу устунликнинг тезроқ рўёбга чиқиши ва амалий натижа бериши учун республикада саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантириш, уларда сифати яхши маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенг кўламда йўлга қўйиш, экспорт учун тайёр маҳсулотлар салмоғини ошириш каби масалаларга эътиборни кучайтириш лозим. Республикада ҳозирги босқичда мавжуд иш ҳақининг яна бир ижобий томони шундаки, у мамлакатимизнинг инвестицик салоҳиятини оширишга, демак, унинг иқтисодиётни мунтазам равишда ривожлантиришга ва порлоқ келажак пойдеворини қуришга ёрдам беради. Бунга биргина мисол: Иккинчи жаҳон урушидан кейин қолоқ Япониянинг бундай жадал суръатлар билан ривожланиб кетиши ва жуда қисқа тарихий давр мобайнида (атиги 20—30 йилда) ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши, аниқроғи „Япония мўъжизаси“ ҳаммани ҳайратда қолдирди. Япония иқтисодиётида бундай мўъжиза содир бўлишининг асосий сабабларидан бири унинг меҳнаткаш, интизомли халқидир. Япон ишчилари бир неча ўн йиллар мобайнида бошқа ривожланган давлатлардан фарқли ўлароқ, кам ҳақ олиб кўпроқ ишлаган, жамғармаларини кўпайтириб, мамлакатнинг инвестицик салоҳиятини оширган. Японияда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ҳар доим иш ҳақи ўсиш суръатларидан юқори бўлган, натижада унинг иқтисодиёти мунтазам равишда юксалиб борган. Япон ишчи ва хизматчиларининг ишга жавобгарлиги, корхона ва фирмаларнинг гуллаб-яшнаши учун бутун вужуди билан қизиқишлари бошқа давлатлардагидан анча юқори. Бундай муносабатнинг ва иш ҳақи борасида олиб борилган тўғри сиёсатнинг ижобий натижалари ҳаммага маълум.

Бу билан биз Ўзбекистонда иш ҳақини айнан паст миқдорда сақлаб туриш мақсадга мувофиқ деб таъкидламоқчи эмасмиз, аксинча, иш ҳақи миқдори билан товар ва хизматларга бўлган нарх-наво ўртасида маълум мутаносиблик бўлишининг, ишчи ва хизматчилар учун айнан иш ҳақининг фаровон ҳаёт кечиришнинг асосий манбаига айлантирилиши лозим деб ўйлаймиз. Шундагина ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатга, унинг унумдорлиги ва натижавийлигига бўлган муносабати тубдан ўзгаради, меҳнатнинг қадри ошиб, республикада ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг сифати ошади. Жуда юқори иш ҳақи ҳам паст иш ҳақи сингари мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун иш ҳақининг республика иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатадиган, уни юксалтиришнинг асосий омилига айланадиган мезонларни ишлаб чиқиш зарурати келиб чиқмоқда.

Учинчиси — аҳолининг кам таъминланган, меҳнатга лаёқатсиз қисмини давлат ҳисобидан ижтимоий муҳофаза қилиш. Ўзбекистонда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мулкдорлар синфининг шаклланиши аҳолининг маълум қисмини ижтимоий муҳофаза қилишни, уларни ўтиш жараёнининг қийинчиликларидан имкони борича камроқ талафот кўришини таъминлашни тақозо қилади. Бу борада мамлакатимизда эътиборга молик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда аҳолини ишсизликдан, моддий жиҳатдан кам таъминланганликдан, пулнинг қадрсизланиши (инфляция)дан, бошқа бир қатор нохуш иқтисодий воқелик ва ҳолатлардан ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш борасида муҳим вазифалар олдимизда турибди.

Юқорида қайд этилган вазифаларнинг босқичма-босқич ҳал қилиниши бозор муносабатларининг мустаҳкамланиб боришига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррар.

1.3. Минтақавий бозорнинг шаклланиши ва ривожлантирилиши

Бозор — айирбошлаш муносабатларининг йиғиндиси бўлиб, у товар ва пул муомаласининг бирлигида ўз ифодасини топади. Бу табиийки, бозор иқтисодиётига ўтишда пул муомаласини барқарорлаштириш билан бирга бозорни товар билан тўлдириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараён ўзаро боғлиқ, чунки тобора ўсиб бораётган пулнинг қадрсизланиши иккаласига ҳам тааллуқлидир. Бозорни товарлар билан тўлдириш учун мулкчиликнинг турли шаклларини яратиш, ишлаб чиқаришни давлат назоратидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш, кичик корхоналарни ташкил этиш керак. Кичик корхоналар йирик ишлаб чиқаришга нисбатан бошқача, махсус ёндашувни талаб қилади. Агар йирик корхоналар кўп маҳсулот ишлаб чиқариш, аниқ хом ашё манбаларига эга бўлиш ва тўла ассортиментда маҳсулотларни ишлаб чиқариш, улгуржи харидорга эга бўлганларида самарали ишласа, кичик корхоналарга товарларни нисбатан кам миқдорда чиқариш, алоҳида буюртмаларни бажариш, ишлаб чиқариш чиқитларидан ва иккиламчи хом ашёдан фойдаланишда қўл келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, уларда кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи, тижорат корхоналари яхши ривожланган. Унинг асосий сабаби ишлаб чиқаришнинг кўп маблағ талаб қилмаслиги, маҳсулотни майда туркумлар билан сотилишидир.

Кичик корхоналарнинг давлат, кооператив, жамоа ва хусусий мулк шакллари асосида ривожланиши муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Улар бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган ишсизлар икки бартараф этишда, кичик шаҳар, туман ва қишлоқларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кичик корхоналар бозорни товарлар билан таъминлаш билангина чекланиб қолмайди. Бозор орқали жамият аъзолари фаолиятининг натижаси ҳар хил соҳаларда амалга оширилар экан, бозорнинг таркибий қисмлари ўзаро чамбарчас боғланган мураккаб бирлиги вужудга келади.

Бозорларни қуйидаги белгиларига кўра, гуруҳлаш мумкин:

1. Минтақа бозори — ички давлат бозори (алоҳида ҳудудлар бозори, шаҳар ва қишлоқ бозори), ташқи давлат бозори (экспорт, импорт — демак, бошқа мамлакатлар билан олиб бориладиган бозор муносабатлари), дунё бозори.

2. Мулкчилик шаклига кўра — давлат савдо бозори, кооператив бозор (деҳқон бозори ва хусусий бозор).

3. Бозор муносабатларининг объектига кўра — товар бозори, яъни ишлаб чиқариш воситалари бозори ва халқ истеъмоли товарлари бозори. Бу ўз навбатида:

- *хизмат бозори;*
- *илмий техник ютуқлар, ихтиро, янгиликлар бозори;*
- *мулк бозори;*
- *маълумотлар бозори;*
- *пул бозори* (акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бозорини ўз ичига олган ҳолда), *кредит бозори, суғурта бозори;*
- *меҳнат бозорига бўлинади.*

Бозорни барча бозор муносабатларининг объектлари билан таъминлаш, аввало товар ва хизматлар билан тўлдиришдан ташқари, товар ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар ўртасида мусобақа, рақобат асосини яратишни тақозо этади. Агар бозорда товар ва хизмат танқислиги бўлса, товар сотувчилар ўртасидаги рақобат товарнинг сифати ва баҳосидан қатъи назар товар олувчи харидорлар ўртасидаги рақобат шунга олиб келадики, товарнинг сифати, ассортименти, баҳоси харидорни қониқтирмаса, у жамият аъзолари томонидан тан олинмайди, аниқроғи, харид қилинмайди. Шундагина товар ишлаб чиқарувчи ўз фаолиятини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлади. Акс ҳолда корхона, **банкротга учрайди**. Шундай қилиб, рақобат илмий-техника ривожланишига, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, хом ашёни тежашга иқтисодий қизиқишни кучайтиради.

Бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдириб бориш якка тартибда бошқариш (монополизм)га қарши қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан ривожланиши керак. Ғарб мамлакатларининг ҳисоб-китобларига кўп якка тартибдаги бошқариш деганда катта фирмаларнинг 80 фоизи товар сотишни назорат қилишлари тушунилади.

Мустамлака давридаги сиёсат оқибатида якка тартибда бошқаришдан ҳам устун бўлган ишлаб чиқаришни бошқариш тизими ташкил қилинган эди. 1500 дан ортиқ маҳсулотлар фақат битта ишлаб чиқариш корхонаси томонидан яратилган. Машинасозлик ва кимёда якка тартибда (монопол) бошқариш даражаси айрим товарлар бўйича 90 фоиздан ошган эди.

Якка тартибда бошқаришни тугатиш мақсадида ишлаб чиқаришни давлат назоратидан чиқариш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди,чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар тузилди, кичик корхоналар ташкил қилинди.

Амалиёт бозорнинг ҳолати ва ривожланиши ўртасида зиддиятлар мавжудлигидан далолат беради. Бу зиддиятлар товар сотувчи ва сотиб олувчилар, товарларини бозорда сотиш учун ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳам мавжуд. Умуман, бозор зиддияти унинг стихияли ривожланишида, бошқариладиган бозор иқтисодиётида ва режали умумий ишлаб чиқариш жараёнида намоён бўлади.

Бозорнинг ривожланиши ўзига хос бўлган объектив қонунлар: *қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни* асосида амалга оширилади. Ушбу қонунлар ёрдамида бозорни маълум даражада тартибга солиш мумкин. Шу билан бирга иқтисодий қонунлар ҳам бир-бири билан зиддиятда бўлади: қиймат қонунининг — ижтимоий қиймат натижасида товар ишлаб чиқариш ва муомала қиймати билан таъсири — товар нархини ишлаб чиқариш ва ижтимоий зарўр харажатлари қийматига яқинлаштиради. Шу вақтнинг талаб ва таклифнинг қиймати тескари йўналишда ривожланиши, баҳони товарнинг ижтимоий қийматидан у ёки бу томонга ўзгартиради.

Бозор айирбошлаш функцияси ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Товар ишлаб чиқариш жараёни тарихи шуни исботладики, бозор ишлаб чиқариш кучларини, ижтимоий меҳнат тақсимотини, иқтисодий ўсишни таъминлайди, аҳоли турмуш даражасини бошқаради. Масалан, республикамиз пахта, жун, тери каби хом ашёларга бой бўла туриб, аҳолининг пахтали газламага бўлган талаби атиги 63 фоиз, ипакли газламага — 39 фоиз, пойафзалга — 53 фоиз қондирилмоқда. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги ва бор бўлганларининг 90 фоизи жисмоний ва маънавий эскирганлигидадир. Пахта толасини сотишдан кўра уни ип (пряжа) ҳолатига келтириб сотиш 2,2 баробар, газлама шаклида ишлаб чиқариш ва сотиш 7 баробар самарали эканлиги исботланган. Шунинг учун юқорида қайд қилинган йўналишлар, муҳим муаммолар жумласига киради.

Инсоният бозор қонунларининг объективлигини тушуниш учун нисбатан узоқ даврни ўз бошидан ўтказган ва бу қонунларни ўз ихтиёрларига бўйсундиришга кўп ҳаракат қилган. Хусусан, бозорни бошқариш, тартибга солиш, унинг устидан ҳукмронликни амалга оширишга Миср фиравнлари, Рим императорлари, Араб халифалари, Форс подшоҳлари, Европа қироллари ҳамда, марказкомнинг бош котиблари турли ҳаракатларни амалга оширганлар. Аммо бу ҳаракатларни ҳаммаси зое кетган ва самарасиз эканлигига тарих, хусусан иқтисодиёт соҳаси бунга шоҳиддир. Бу масала — муаммо сифатида иқтисодчиларнинг эътирор этиш-

ларича, *қиймат шаклининг пулда ифодаланиши оддий ва содда кўриниши эга бўлса-да, аммо инсоният ўз ақли ва идроки билан унинг моҳияти, табиати ва аҳамиятини тушунишга 2000 йил вақт ажратган, бизлар объектив бозор қонунларини доимий ўзгариб бораётган янги сабабларини яхши билмаймиз. Агарда билсак ҳам, ушбу хусусиятни тан олмасликка ҳаракат қиламиз.*Мисол, қиймат қонунининг асосий талаби, мазмуни ва моҳияти бу товарларни айирбошлаш, уларни ишлаб чиқариш учун кетган ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари асосида амалга оширишдадир. Қайси харажатлар иқтисодий зарурий ва қайсилари ижтимоий зарурий харажатлар эмаслигини фақатгина бозор аниқлайди. Бошқа мезон йўқ ва бўлмаслиги мантиқан маълум. Агарда ҳозир товар сотиб олинса, уни фойдалиги намоён бўлади, бу унинг зарурлиги, унга сарф бўлган меҳнатни тан олиш дегани, бошқача ифода этсак, товарнинг қийматини (нархини) ифода этгани бўлади.

Маълумки,бозор иқтисодининг мувофиқлиги қуйидаги тенгликка риоя қилингандагина, яъни муомалада бўлган пул миқдорини унинг айланиш вақти жамғармаси суммаси — бозорга тушадиган товарлар миқдорининг шу товарлар нархига кўпайтмаси суммасига тенг бўлгандагина пайдо бўлади. Бу тенглик доимо уларнинг таркибий ўзгаришлари ҳисобидан гоҳо бузилади, гоҳо тикланади, албатта, бу ерда нархнинг ўрни ва роли сезиларли бўлади, чунки у бозор механизмлари бўлмиш талаб ва таклифга нисбатан ўзгарувчанлирокдир ва у бозор конъюнктураси ўзгаришида намоён бўлади.

Мувофиқлик бозорнинг моҳияти, табиати ва уни объектив қонунлари асосида шаклланади, эркин рақобат шароитида, бозор механизмларининг эркин ҳаракати асосида эркин бозорни ривожланиши таъминланади.

Албатта, бозор муносабатига асосланган иқтисодий тизимнинг ривожланиши афзалроқ, аммо бозорнинг ўзига хос маълум талаблари мавжуд, буларга *биринчидан*, эркин бозорда тақчиллик (дефицит) бўлмаслиги керак, бу ҳам сотувчилар, ҳам харидорлар манфаатига тўғри келмайди, агарда вақти-вақти билан номувофиқлик пайдо бўлса, уни талаб ва таклиф қонуни орқали бартараф қилиш мумкин.

Иккинчидан, бозор иқтисоди ўзининг табиати ва моҳияти бўйича пулнинг қадрсизланишини (инфляцияни) инкор этади. Назарий жиҳатдан қиймат қонунига амал қилиш инфляциянинг олдини олдинга ёрдам беради.

Учинчидан, бозор хўжалигини самарали юритиш, ишлаб чиқарувчилардан имконияти борича кўп маҳсулот ишлаб чиқаришни ва уларни арзонроқ сотишни талаб этади. Агарда, ишлаб чиқарувчи бунга риоя қилмас экан рақобатчилар томонидан ва бозордан сиқиб чиқарилади.

Тўртинчидан, рақобатчилар томонидан бозордан ҳайдалмаслик учун ишлаб чиқарувчи илмий-техникавий янгиликларни жорий этиши,

товар сифатини яхшилаб бориши зарур, агар бундай қилмаса ёки у кечикса, бозордан маҳрум бўлади.

Бешинчидан, бозор моддий бойликларининг жамият аъзолари ўртасида тақсимланиши тарафдоридир. Жамият аъзоси фаолиятини қанча сотса, шунча олади. Миқдор ва сифат кўрсаткичи асосида баҳоланади. Бу ердаги афзаллик билим, қобилият, у ёки бу соҳада ишбилармонлик билан белгиланади. Бу тўғрида япониялликларнинг *„Агарда сен ақлли бўлсанг, нима учун бой эмассан“* деган мақоли ўринлидир.

Олтинчидан, бозор шартномани бажаришда юқори интизомли бўлишни талаб қилади. Агарда шартнома интизоми бузилса ёки унга риоя қилмаса, бозор ўз иштирокчисини чиқариб юборади.

Еттинчидан, бозор сотувчилардан мутлақ ҳалолликни талаб этади. Сотувчи „алдама“, „ўғирлама“ каби ибораларни бажариши зарур. Агарда бунга риоя қилмас экан, у ҳалол рақобатчилар томонидан бозордан чиқариб юборилади.

Саккизинчидан, бозор меҳнаткашларнинг ҳаёт даражасини доимий равишда яхшилаб боради.

Аммо, мақтовга сазовор бўлган бозорнинг ўзига хос камчиликлари, реал ҳаёт нуқтаи назаридан салбий томонлари ҳам бор. Афсуски, ушбу томонлар адабиётларда, дарсликларда, ҳамда чоп этилаётган мақолаларда оз ва тўлиқ ёритилмасдан келинмоқда. Бозорнинг камчиликлари сифатида, *биринчидан,* шуни таъкидлаш керакки, *ўғрилик, зўравонлик, алдамчилик, ёлғон сўзлаш* каби иллатларга энг аввало бозорларда асос солинган. Сабаби, бозор мамлакатлар, халқлар ва алоҳида кишилар ўртасидаги тафовутни юзага келтиради. Инсонни бой ва камбағалга ажратади. Бунга инсоният тараққиётининг тарихан босиб ўтган йўли далилдир.

Иккинчидан, бозор қонунлари раҳм-шавқатни билмайди, у ҳаддан ташқари „қаттиққўл“дир. Бозор характерида раҳмдиллик, ҳотамтойлик, шавқатлилик, ён бериш кабиларга ўрин йўқ. Бозорда ҳар кимнинг „ўз манфаати“ шиори ҳукм суради.

Учинчидан, бозор ўз тамоиллари асосида юқоридан бўладиган таъсирларга ён бермайди. Бу бозор қонунларига қаршидир. *Хулоса — бошқариладиган, режалаштириладиган, тартибга солинадиган бозорни вужудга келтириш, ўта қийин масала.*

Тўртинчидан, дунёнинг барча мамлакатларида эркин бозор мавжуд эмас. Эркин бозор бу назарий *абстракциядир.* У фақатгина бизнинг тафаккуримизда. Ҳаётда эса бозор иштирокчилари кўп жиҳатдан чекланганлар.

Бешинчидан, иқтисодиётда шунақа муаммо ва соҳалар борки, уларнинг фаолиятига бозор механизмлари ва талабларини жорий этиш мушкул ва мақсадсиздир. Буларга экология, атроф-муҳитни сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳамда маънавий қадриятлар, миллий ғурур, давлатни бошқариш, жамоа тартибини сақлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш, мудофаа, маориф ва ҳоказолар киради.

Бозор муносабатларининг шаклланиши, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос *сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, тарихий, миллий, табиий* ва бошқа омиллари мавжуд. Бу омилларни ечишда давлатнинг аралашуви ҳамда фаол қатнашиши шарт ва зарурдир. Бу соҳада мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ва Республика Президенти томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар ҳам илмий-назарий, ҳам илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Буни ҳаётнинг ўзи исбот қилмоқда ва турли мамлакатлар иқтисодчи ва сиёсатчилари томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларни оқилона бошқаришнинг ўзига хос имкониятлари асосида олиб бориш — бу муваффақиятнинг гарови ҳисобланади.

Бозор муносабатлари юқори даражада ривожланган мамлакатларда нима, қандай, ким учун деган муаммолар бозор механизмлари — ***нарх, талаб, таклиф, рақобат, фойда*** ва ***зарар*** орқали ўз ечимларини топмоқда. Бу мамлакат ва минтақалардаги иқтисодий тизимнинг ривожланиши асосида бозор механизмларидан бири бўлмиш тадбиркорлик ҳамда эркин танловни ва шулар асосида ривожланган бозор муносабатлари шароитида истеъмолчи ҳукмронлиги мавжуддир. Албатта, бу ерда истеъмолчи ҳақида гап кетганда ҳар бир ҳудуд, ҳар бир минтақа даражасидаги ижтимоий такрор ишлаб чиқариш имкониятлари асосида шаклланган элементларнинг ўзаро нисбийлигини назарда тутиш лозим.

Мавжуд адабиётларни ўрганиш, ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёнларини минтақа даражасидаги тадқиқоти шуни кўрсатдики, минтақадаги такрор ишлаб чиқаришга қараганда индивидуал ишлаб чиқариш ва истеъмол даврлари ўзининг функционаллиги ва кенг ҳудудлиги билан фарқланади ва шу билан бир вақтнинг ўзида ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни мустақил равишда амалга оширилади ва истеъмол таркиби пировард шаклда намоён бўлади.

Минтақа даражасида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг диалектик алоқалари ҳаддан ташқари мураккаб ҳисобланади. Бунга далил сифатида, бир томондан, ишлаб чиқаришнинг олдида турган, унинг функциясини белгиловчи биринчи галдаги вазифаси — минтақа доирасидаги хўжалик юритувчи субъектлар билан алоқаларни ташкил этиш бўлса, иккинчидан, минтақадаги ишлаб чиқариш комплекслари қатнашчиларининг ҳар бирини минтақалараро алоқада бўлишларини тақазо этишдадир.

Албатта, ҳар бир минтақа ўз фаолиятида минтақалараро меҳнат тақсимотидан манфаат кўришлари мақсадга мувофиқдир, яъни минтақа аҳолисининг эҳтиёжини ва талабларини чет (бошқа минтақа)дан келтирилган маҳсулот алмашуви йўли ёки сотиб олиш ҳам қондириши мумкин. Шу билан биргаликда ушбу масаланинг икки томонлама муаммоси мавжуд.

Биринчидан, истеъмолчиларга маъқул, арзон тушадиган меҳнат натижалари ишлаб чиқарувчи талабига тўғри келмаслиги мумкин.

Бу ҳолда ишлаб чиқарувчи қўшни бозорни қўлдан бериши мумкин, шу билан бирга қўшни минтақадаги меҳнат тақсимоти натижаларини ўзлаштириш қийин кечади.

Иккинчидан, минтақа ўз эҳтиёжини ва истеъмолини четдан, яъни қўшни минтақада яратилган маҳсулот, товар ва хизмат ҳисобидан қондирса, у ҳолда минтақадаги ишлаб чиқариш комплекси қатнашчиларга уларга яқин, қулай ва соз бўлган бозорнинг бир қисмини қўлдан беришлари ва минтақадаги истеъмолчилар назаридан узоқлашиб боришлари мумкин.

Шу сабабли минтақадаги ҳар бир ишлаб чиқариш комплекси қатнашчилари шу минтақа бозори омилларининг шаклланиши жараёнида, бошқа минтақада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳам ҳисобга олишлари зарурдир, яъни бу ерда „Муросаю мадора" тамоилига амал қилиш керак бўлади (жадвал):

1-жадвал

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш шароитидаги алоҳидалик, умумийлик элементларининг ўзаро нисбийлиги

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг фазалари	Такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шакллари		
	Индивидуал	Минтақавий	Ижтимоий
Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқаришдаги шахсий ва буюмлашган омилларни тўғридан-тўғри бирлашувчи, маҳсулот яратилиши	Ишлаб чиқариш даврларининг ҳар томонлама шаклланиши	Ишлаб чиқариш жараёнинг тўлиқ шаклланиши
Тақсимот	Маҳсулот дастлабки даромадларининг шаклланиши, ишлаб чиқариш омиллари	Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг суръати ва пропорциясининг дифференциялашуви	
		Миллий даромаднинг тақсимланиши. Маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатларининг шаклланиши	Республика бюджетининг даромадлари ва харажатларининг шаклланиши

Давоми

Айирбошлаш	Маҳсулотни сотиш, ишлаб чиқариш омилларини эътиборга олиш	Иш кучини қайта тақсимлаш	
		Минтақа доирасидаги маҳсулотларни айирбошлаш. Минтақа товар бозорининг шаклланиши	
Истеъмол	Ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланиш	Индивидуал ва ижтимоий истеъмол	Давлатни бошқариш тизимлари, ноишлаб чиқариш объектларининг истеъмоли

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳар бир минтақа олдида турган долзарб масала ва муаммо бу, биринчи навбатда, халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжни ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва товарлар ҳисобидан қондирилишидир.

Минтақавий бозор ички бозорнинг бир қисми бўлиши билан бирга, у нисбатан мустақил субъект сифатида ҳам намоён бўлади.

Минтақавий бозор ички бозорга нисбатан алоҳида бўлиб бир вақтнинг ўзида ундан бутунлай ажратиб бўлмайди. Шунга асосан, минтақавий бозор — бу ўзаро мураккаб ва хилма-хил алоқаларга, яъни бир томондан, ички бозорни ривожлантиришнинг умумиқтисодий параметрлари таъсири, иккинчи томондан, минтақалараро ва минтақа ичидаги алоқаларга асосланган ички бозордир.

Минтақадаги такрор ишлаб чиқариш жараёни ва бозорнинг ривожланиши иқтисодий алоқаларга асосланган бўлиб, уларни эришган даражаси билан белгиланади. Масалан, Самарқанд вилояти ўз ички бозорини тўлдиришда мамлакатимизнинг бошқа минтақалари, жумладан, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари билан мустаҳкам иқтисодий алоқаларни йўлга қўйган.

Минтақа республикамизнинг бошқа минтақаларига ўзида ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар, масалан, автобуслар, шойи газламалари, гилам, трикотаж маҳсулотлари, сигарет маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, чинни маҳсулотлари ҳамда бошқа турдаги саноат маҳсулотларини етказиб бериш билан бирга, ўз ички бозорини тўлдириш учун юқорида қайд этилган минтақалардан ўзида ишлаб чиқариш имкони бўлмаган ёки кам ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни олиб келади.

Бундан ташқари, Самарқанд вилояти хорижий мамлакатлар билан мустаҳкам савдо алоқаларини йўлга қўйган. Жумладан, 2000 йил давомида минтақа ташқи савдо оборотн 248,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, шундан 135,5 млн. доллари экспорт ва 113,2 млн. доллари импортга тўғри келди.

Минтақавий бозорнинг нисбатан алоҳидалашганлиги унга хос иқтисодий баҳо бериш заруриятини туғдиради, яъни минтақа аҳолисининг истеъмоли ички ишлаб чиқариш ҳисобига қай даражада қондирилмоқда, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг эришилган даражаси қандай, товар ресурсларининг шаклланишида минтақалараро иқтисодий алоқалар қандай ўринни эгаллайди ва ҳоказо. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, минтақанинг мамлакат халқ хўжалигидаги ҳиссасини, ўрнини ва мавқеини аниқлаш зарурати туғилади.

Самарқанд вилояти республика ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 7,8 фоизини етказиб беради ва минтақалар ўртасида ЯИМ етказиб бериш бўйича 5-ўринда туради. Бундан ташқари, минтақа республикада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича Тошкент шаҳридан кейин 2-ўринда туради ва республикада жами ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларидаги ҳиссаси 13,4 фоизни ташкил қилади. Алоҳида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 2, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 1, ун ишлаб чиқариш бўйича 2, гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича — 3 ва тамаки ишлаб чиқариш бўйича 1 ўринда туради. Аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 2000 йилда 4-ўринни эгаллаб, жон бошига 45165,7 сўмлик маҳсулот тўғри келди, бу кўрсаткич эса республика бўйича ўртача 36865,5 сўмга тенг.

Минтақавий бозорнинг алоҳидалашганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, товар таклифининг умумий ҳажмида минтақавий товар ишлаб чиқариш ҳиссаси ҳисобланади.

Қаердаки ресурслар, аниқроғи, бозордаги товар таклифи асосан минтақавий ишлаб чиқариш ҳисобига шаклланса, унда минтақада алоҳидалашганлик даражаси нисбатан юқори бўлади.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти даражаси ва минтақалар иқтисодий алоқаларининг чуқурлигини ва бозорнинг алоҳидалашганлиги даражасини характерловчи бошқа кўрсаткичларга минтақалараро товар алмашинуви ҳажми ва таркиби ҳам киради. Минтақалараро товар алмашинуви таркиби моддий бойликларни қоплаш, жамғарма ва истеъмолнинг минтақавий фондлари таркиби шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Минтақалараро товар алмашинуви, бир томонидан, ҳар бир вилоят, республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга ёрдам берса, иккинчи томондан, минтақа аҳолисининг шахсий истеъмоли ва ишлаб чиқариш истеъмолини тўлиқ таъминлаш учун шароит яратади. Минтақалараро товар алмашинувида халқ истеъмоли моллари муҳим ўрин эгаллайди.

Минтақалараро халқ истеъмоли моллари алмашинуви истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожланишига ва мамлакат аҳолиси яшаш даражасининг ошишига таъсир кўрсатади.

Яхлитлик минтақавий бозорнинг асосий мезонларидан биридир. Минтақавий бозор яхлитлигини аниқлаш бозорнинг маъмурий-ҳудудий чегараларини аниқлаш билан ўзаро боғланган. Қандай маъмурий ҳудуд минтақавий бозорларнинг шаклланиши учун асос бўлиши мумкин?

Маъмурий ҳудуд бизнингча, минтақавий бозор шаклланиши учун асос сифатида кўриб чиқилиши мумкин, агар бу ҳудуд доирасида, *биринчидан*, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари тенглашса ва корхоналарнинг товар олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича пулли ҳисоб-китоблари тенглашса; *иккинчидан*, халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун товар ресурсларини шакллантириш таъминланса; *учинчидан*, товар ҳаракати жараёнларини тўлиқ бошқариш амалга оширилса.

Кузатув олиб бораётган минтақа, яъни Самарқанд вилоятида 2000 йил давомида жами аҳоли харажатлари 188,6 млрд. сўмни, даромадлари эса 202,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Даромадлар харажатлардан 14,2 млрд. сўм кўп бўлган.

Минтақада аҳоли бошига даромад ва истеъмол харажатлари ҳолатини кўрадиган бўлсак, аҳоли даромадлари жон бошига 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 49,8 фоизга, истеъмол харажатлари эса 54,2 фоизга ўсган. Республика бўйича бу кўрсаткичлар, яъни аҳоли даромади 54,5 фоизга ўсган. Минтақа бўйича аҳоли даромадлари республика бўйича ўртача даражадан паст эканлигидан далолат беради.

Мамлакатнинг қайси бир ҳудудида юқорида айтилган бирликлар бузилмаса — ўша ҳудуд минтақавий бозор бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатнинг қайси бир ҳудуди қуйидаги имкониятларга эга бўлса, ўша ҳудуд минтақавий бозор бўлиши мумкин:

- *биринчидан*, минтақа аҳолиси ва халқ хўжалиги истеъмолини қондирадиган даражада товар ишлаб чиқариш учун салоҳиятли имкониятларнинг мавжудлиги;
- *иккинчидан*, минтақалараро ва минтақа ичидаги иқтисодий алоқаларни амалга ошириш учун товар ресурсларининг мавжудлиги;
- *учинчидан*, маъмурий-хўжалик бошқаруви бирлигининг мавжудлиги.

Халқ истеъмоли товарлари минтақавий бозорининг яна бир хусусияти истеъмол товарлари ҳажмининг мамлакат ички бозори ҳажмига нисбатан ўсиши ҳисобланади.

Самарқанд вилояти бўйича халқ истеъмол товарлари бозорининг ҳолатини, яъни чакана товар оборот ҳажмини кўриб чиқадиган бўлсак, минтақада чакана товар оборoти ҳажми 2000 йилда 1999 йилга нисбатан амалдаги баҳоларда 1,6 мартагача, таққослама нархларда, республика бўйича эса ушбу кўрсаткич амалдаги нархларда 1,6 марта ва таққослама нархларда 7,8 фоизни ташкил қилган.

Лекин, минтақа бозорининг мамлакат ички бозоридаги ҳиссаси йилдан-йилга камайиб бормоқда, масалан, 1999 йилда минтақа улуши амалдаги нархларда 9,16 фойзни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 8,6 фоизни ташкил этди. Бу, албатта, минтақа бозори учун салбий ҳолат ҳисобланади.

Мамлакат ички бозори ва минтақа бозори бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар оборот ҳажмини 2000 йил бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, мамлакат ички бозорида бу кўрсаткич 72302 сўмни ташкил қилган, минтақада эса бу кўрсаткич 52277 сўмга тенг бўлиб, республика ўртачаси кўрсаткичга нисбатан 18025 сўм кам бўлган. Лекин, шунга қарамай, минтақа аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар оборот ҳажми бўйича мамлакатда Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти ва Тошкент вилоятидан кейин 4- ўринда туради.

Минтақани фаолият мезонлари талабига мувофиқ бугунги кунда мамлакатнинг бошқа минтақалари каби, Самарқанд вилояти ўзидаги ишлаб чиқариш имкониятлари ва салоҳияти ҳисобида аҳолини нон ва нон маҳсулотларига, мева ва сабзавот, гўшт, гуруч, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, парранда гўшти, маъданли сувлар, шарбатлар, қандолат маҳсулотлари, ёғ ва мой каби озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган вилоят аҳолисининг эҳтиёжини тўла қондириш вазифаси кун тартибига қўйилмоқда. Албатта, булар ижобий аммо аҳоли эҳтиёжи ўн, юз хил товарларга эмас, балки минглаб, ҳатто миллионлаб товар хиллари ва турларига қаратилган. Шу билан бир вақтнинг ўзида, Самарқанд вилояти минтақалараро, давлатлараро меҳнат тақсимотининг қатнашчиси бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва товарларнинг бир қисми вилоят ташқарисидаги истеъмолчиларига мўлжалланган. Буларнинг ҳаммаси мантиқан бир хулоса чиқаришга ундайди, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаати асосида минтақалар ўртасидаги мувофиқликни вужудга келтириш ҳамда ҳар бир минтақа бозорини маҳаллий, яъни шу минтақада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар асосида шаклланиши, фаолият кўрсатиши ва ривожланишини қўлланиши ва рағбатлантирилиши керак. Ҳозирги кунда минтақавий бозор субъектларининг самарали фаолият кўрсатишлари ва ривожланишларига маълум тўсиқлар мавжуд, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлатни бошқариш таркибларининг корхоналар фаолиятидан, хусусан самарадорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолардан узоқлашганлиги;
- корхоналарнинг узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли режасини йўқлиги;
- бозор конъюнктурасининг етарли даражада ўрганилмаганлиги;
- шартнома муносабатларининг ҳуқуқий томонидан такомиллашмаганлиги;
- ишлаб чиқариш харажатларининг самарасизлиги;
- корхоналар раҳбарларининг; хусусан, даромад, харажат ва тақсимот соҳасидаги масъулиятларининг нисбатан пастлиги;

• аксарият корхоналарнинг устав капитали билан кредиторлар ик қарзлари ўртасидаги номувофиқнинг мавжудлиги.

Ҳозирги куни минтақада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун, қуйидагиларни амалга ошириш керак деб ҳисоблаймиз:

• хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигини янада кенгайтириш;

• аҳолини тўлиқ иш билан банд этишнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқиш;

• корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

• нархларнинг стабиллигини таъминлаш, давлат (маҳаллий ҳокимиятлар) томонидан минтақадаги нарх сиёсатининг дастурини ишлаб чиқиш;

• минтақа доирасидаги ўрта табақадаги (даромад нуқтаи назаридан) аҳолини қўллаб-қувватлаш концепциясини ишлаб чиқиш.

Вилоят корхоналари фаолиятини бозор талабларига тўлиғича мослаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳоли эҳтиёжини қондиришда қуйидаги ишларни бажаралишини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир:

• корхоналарга чет эл инвестициясини жалб этиш учун, аввало уларни — корхоналарни инвестициябоплигини таъминлаш;

• акциядор корхоналарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва акция эгаларини корхона фаолиятида фаол қатнашиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

• бозор қатнашчиларини эркин муносабатларини шакллантириш, яъни корхона капиталини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда капиталини тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштириш;

• бозор субъектларини ишонарли ахборот манбалари билан таъминлаш, бунинг учун вилоят миқёсида маркетинг тадқиқоти ўтказувчи ва маслаҳат берувчи (консалтинг) илмий марказларни яратиш;

• корхоналарда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини белгиловчи ҳамда уларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

1.4. Молия-кредит муносабатларини барқарорлаштириш муаммолари

Ўзбекистон мустақиллигининг кейинги ўн йиллик тарихи бир лаҳза бўлса-да, республикамизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ислоҳ этишда амалга оширилган ва оширилаётган туб ўзгаришлар, таъсир доираси жиҳатидан асрларга тенг йиллар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 февралдаги *„Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз“* мавзусидаги маърузасида ва Иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган нутқида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини изчил амалга оширишда бошлаган ишимизни охирига етказишимиз лозимлиги қайд қилинди.

Бу борада республикамизда бир қанча ибратли ишлар қилинди, ва улар ҳозирданоқ ўз самарасини бермоқда. Ўтган 2001 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми — 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 5,5 фоизга кўпайди. Қўлга киритилган ютуқлар шундан ҳам далолат бермоқдаки, 2001 йилда миллий даромаднинг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга тўғри келган бўлса, унда савдонинг деярли 90 фоизи давлатга қарашли бўлмаган соҳа субъектларига тўғри келди (1-чизма):



Макроиқтисодиёт кўрсаткичларининг ўсиши давлатимизнинг иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштиришда олиб бораётган тўғри сиёсатининг маҳсулидир. Бундай ўсиш суратларини қўлга киритиш нафақат катта машаққатли ишларни амалга оширилишининг натижаси, балки энг муҳими, танланган йўлимиз асосли эканлигини ҳам тасдиқламоқда.

„Шундай экан, барчамизга аён бўлиши керакки — деб таъкидлади Президент И.А. Каримов ўз нутқида, — ҳар қандай ўсиш кўрсаткичлари номигагина эмас, аввало, бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожи учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим"[1].

Маълумки, МДҲ даги кўпгина мустақил давлатлар бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврида ички ва четдан қарз олинган валюта захираларининг катта қисмини, энг аввало, хориждан истеъмол моллари келтиришга сарфладилар. Бунинг натижасида ички бозорда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сиқиб чиқарилди, йирик корхоналарнинг аксарияти рақобатга бардош беролмай, инқирозга учради. Шу тариқа миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳам инқирозга юз тутди, бу эса давлатларнинг четдан қарзларини ошиб кетишига сабаб бўлди.

Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи республикамиз учун оғир ўтган бўлса-да, истеъмол бозорини бир қадар чеклаш эвазига асосий маблағ ва захираларни иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга сарфланди. Илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этила бошланди. Ўз маблағимиз ва жалб қилинган инвестицияларнинг асосий қисми республикага янги технология ҳамда замонавий техника келтиришга, ҳамкорликда қўшма корхоналар очишга сарфланди. Шу ўринда молиявий муносабатларни мустаҳкамлашга эришилди. Мисол учун 2000 — 2001 йиллар якунларига кўра бюджет деффицити ЯИМ га нисбатан 1 фоиздан ошмади. Натижада пул эмиссиясини тартиблаштирилишига эришилди ва унинг даражаси башорат қилинган кўрсаткичлардан юқори бўлмади ёки 9,4 фоизни ташкил этди, холос. Бу эса пул массасини белгиланган даражадан ошиб кетмаслиги имкониятини яратди, яъни йил якунлари бўйича ЯИМ га нисбатан 19 фоиздан ошмаганлигини қайд этди.

Пул айланишининг барқарорлиги эса, бир томондан, корхоналарнинг тўлов имкониятини, иккинчи томондан эса, банк тизимларида ўтказилаётган таркибий ислоҳотларни анчагина тезлаштирди.

---

[1] **Каримов И. А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз // „Туркистон", 2001 йил, 17 февраль, 1- бет.

Бир сўз билан айтганда, бундай соҳалар доирасидаги сифат ўзгаришлар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини 41 фоизга, кредиторлик қарзларини эса 58 фоизга қисқартирилишига олиб келди ва ана шундай оғир молиявий муносабатлар доирасига тушиб қолган корхоналарни молиявий соғломлаштириш йўлида илк қадам қўйилишига амалий имконият яратиб берилди Бундай ижобий натижалар Самарқанд вилоятида ҳам хос эди. Ўтган 2001 йилнинг январь-октябрь ойларида Самарқанд вилоятининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича қўлга киритилган фойда суммаси 9371,9 млн. сўмни ёки олдинги йилнинг шу даврига нисбатдан 49,4 фоизга ошганлиги қайд этилди. Шу жумладан, транспорт соҳасида 2,1 марта; алоқа корхоналарида 1,8 марта; савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида 1,6 марта; таъминот корхоналарида 76,2 фоизга; молия, кредит, суғурта, пенсия таъминоти бўйича 42,7 фоизга; банкларда эса 48,2 фоизга ўсиши таъминланди (2-чизма). Шу билан



2-чизма. Самарқанд вилояти буйича корхона ва ташкилотлар молиявий натижаларининг ўсиши[1]

[1] Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармасининг 1999 — 2001 йиллар январь-октябрь ойларининг маълумотлари.

биргаликда саноатда ушбу кўрсаткич 9,8 фоизга пасайганлигини эътироф этиш керак. Умуман олганда, касодга учраган ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналар камайиб бориши кузатилаётган бир пайтда бозор инфратузилмасининг энг муҳим тармоқларини самарасиз фаолияти макроиқтисодий тизим фаолиятларини ва уларнинг тузилмаларини ре-структуризациялаш зарурлигидан далолат бермоқда. Акс ҳолда банкротлик ёқасига бориб қолган ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар сонини батамом тугатилишига эришиш мушкуллашиб қолиши мумкин. Ҳақиқат юзасидан шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 2000 йил январь-октябрь ойларида 7 та корхона зарар билан ишлаган бўлса, унда 2001 йил январь-ноябрь ойларида бундай корхоналар сони 4 тани ташкил этди, холос. Сон жиҳатдан ўтган йилнинг шу ойларидаги кўрсаткич 3 тага камайган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси минтақасида зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг 5 фоизи ҳанузгача Самарқанд вилоятига тўғри келмоқда ва умумий зарар миқдори 2000 йил январь-октябрида 135,6 млн.сўмни, 2001-йилнинг шу ойларидаги зарар эса 512,4 млн.сўмни ташкил этди. Бундан, саноат корхоналари зарари 499,6 млн. сўмга тенг бўлди.

Зарар билан ишлаган корхоналарнинг 1 таси 12,7 млн.сўм ҳажмида коммунал хўжалигига тўғри келди[1].

Ҳисобот йили кўрсаткичларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари негизида юзага келган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар банк соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида қўлга тўлиқ киритилиши мумкин бўлган ютуқларга салбий таъсирини кўрсатди. Бу аввало молиявий танқислик гирдобига тушиб қолган корхона (ташкилот) ларга кредит бериш имкониятларини пасайтирилиши билан боғлиқ бўлди.

Тижорат банклари томонидан олиб борилаётган сиёсат, бир томондан, аҳолининг омонат маблағларини рағбатлантириш орқали депозит базасидаги аҳоли омонатлари умумий ҳажмининг 7,8 фоиздан 15,8 фоизгача ошишига, иккинчи томондан эса, мониторинг олиб бориладиган 21 та вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар томонидан ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзлар Самарқанд вилояти бўйича тўлиқлигича бартараф этиш учун имконият туғдирган бўлса-да, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш орқали уларнинг молиявий ҳолатини яхшилашдаги фаоллиги ҳалигача сезиларли бўлмай қолмоқда. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин.

Самарқанд вилояти бўйича 2001 йилнинг 1- октябр ҳолатига давлат регистри асосида, жами иқтисодиёт соҳалари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар қарийб 24,5 минг тани ташкил этган бўлса, булардан:

---

[1] Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси маълумотлари — Самарқанд, 2001 йил, 4- бет.

— нодавлат сектори корхоналари 21,7 мингтани, шундан:
— савдо ва умумий овқатланишга 5,1 мингтаси;
— қишлоқ хўжалигига 9,2 мингтаси;
— саноатга 1,9 мингтаси;
— қурилишда 1,1 мингтаси тўғри келди.

Аммо фаолият юритаётган корхоналардан 900 таси 2000 йилнинг 9 ойида тугатилган бўлса, унда ушбу ҳисобот даврида уш бу кўрсаткич 1100 тага етганлиги мисолимиз далилидир[1].

Ҳолбуки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 январдаги „Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклларини кенгайтириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида катта ишларни амалга оширилишига йўл очди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларни жадал суръатларда ривожлантиришга имкон туғдириши кўзда тутилган. Ўрта ва кичик бизнеснинг аҳамиятли томонлари шундан иборатки — улар янги иш жойлари ташкил этилиши, иқтисодий ўсиш суръатлари белгиланиши кичик бизнес билан шуғулланувчи оилалар иқтисодининг мустаҳкамланиши, унинг бюджети мунтазам таъминланиб турилиши, ишсизликнинг олди олиниши ҳамда қўшимча иш ҳақи билан таъминланиб турилишида намоён бўлмоқда. Бундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси ҳукумати олдига иқтисодий ва молиявий муаммоларни бартараф этишнинг устувор йўналишларини муҳимни вазифа қилиб қўймоқда.

Ўрта ва кичик бизнес субъектларини молиялаштириш ва кредитлашда охирги йилларда олиб борилаётган чора-тадбирлар эвазига 2001 йилнинг 9 ойида Самарқанд вилоятида уларнинг сони (микрофирмаларни қўшган ҳолда) 2000 йилнинг 9 ойидаги натижаларига нисбатдан 22,6 фоизга ошди ёки 19,5 мингтага етди, шу жумладан:

— ўрта бизнес субъектлари 0,6 мингта ёки 20 фоизга;
— кичик бизнес субъектлари 2,5 мингта ёки 38,9 фоизга;
— микрофирмалар 19,5 мингтага етганлиги ва ўтган йилнинг шу 90- йилга нисбатан 43,4 фоизга ошганлиги қайд этилди.

Уларнинг энг кўп қисми Самарқанд шаҳрига — 5,3 мингта, Булунғур туманига — 1,8 мингта, Иштихон туманига — 1,3 мингта

---

[1] Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармасининг 2000—2001 йиллар январь-октябрь ойларидаги маълумотлари: „Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақидаги масалага доир материаллари", 1999—2001 йиллар.

тўғри келди. Фаолият кўрсатаётган ўрта ва кичик бизнес корхоналаридан — 3,7 мингтаси савдо ва умумий овқатланиш билан, 1,5 мингтаси саноат, 0,9 мингтаси қурилиш билан шуғулланиб, уларда қарийб 115 минг киши[1] фаолият кўрсатиб келса-да, кўзда тутилган натижаларга эришиш қийин кечмоқда.

Лекин, бу соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Аввало тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Чет эл тажрибасини чуқур ўрганилган ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастури ишлаб чиқилди ва амалга тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ индексидан келиб чиққан ҳолда, 1998 йилнинг 1 январидан бундай бозор инфра тузулмаларига солиқ имтиёзлари ва солиқ тўлови енгилликлари яратиб берилди. Улардан энг асосийлари қуйидагилар:

— янги ташкил этилган ва ишлаб чиқариш билан шуғулланган субъектларни 2 йил мобайнида мол-мулк солиғидан озод этилиши;

— жами ишлар сонида ногирон ва II жаҳон уруши фахрийларининг салмоғи 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (савдо корхона ва ташкилотларидан ташқари) барча солиқ тўловларидан озод этилиши;

— хусусий корхона, деҳқон (фермер) хўжаликлари 2 йилга мулк солиғидан ва фойда солиғидан озод этилиши бўйича имкониятлар яратиб берилганлиги шулар жумласидандир. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес корхоналари жамоасини ягона солиқ тўловига ўтказилиши учун қулай имкониятлар яратилиши уларни солиқ муносабатлари доирасидаги қўшимча енгилликларга эга бўлганларидан далолат бермоқда.

Бу эса кичик ва ўрта бизнесни юқорида кўрсатилган соҳалар доирасида қуйидаги фаолият турлари ривожида ўз самарасини беришги мумкин, яъни:

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва уларнинг сифатини бузилишдан сақлайдиган омборлар, совитгичлар, меваларни қайта ишлайдиган кичик цехлар барпо этишга молик фаолият турларини йўлга қўйиш;

мевали шарбатлар ва маъданли сувлар ишлаб чиқариш;

икра маҳсулотларини аҳоли томонидан ишлаб чиқарилишини ва тайёрловини йўлга қўйиш билан боғлиқ хизмат шохобчаларини ташкил этиш;

қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш;

---

[1] Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармасининг 2000—2001 йиллар январь-октябрь ойларининг маълумотлари.

уй-рўзғор буюмларини тайёрлаш ва таъмирланишини таъминлаш;

аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;

аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш;

— спорт турлари бўйича аҳолини жисмонан чиниқтирувчи ва соғлигини тикловчи маслаҳат бўлимларини ташкил этиш;

ёшларга ҳунармандчилик касбларини танлаш учун қисқа муддатли курсларни ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

молия, солиқ, банк ва бошқа молиявий тузилмалар учун кичик мутахассисларни тайёрлаб берувчи қисқа муддатли курсларни ташкил этиш;

шахсий транспорт воситаларига хизмат кўрсатувчи шохобчаларини очиш;

аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда кўча-кўйларни тозалаш, экология қоидаларига риоя этишни таъминловчи бўлимлар ташкил этиш ва ҳоказо.

Бундай муаммоларни ечиш узоқ вақт ва катта молиявий маблағ талаб қилади. Аммо уларни ташкил этиш орқали қўлга киритиладиган ютуқ, йирик корхоналар учун самарасиз бўлган жойларга кириб бориш, аҳоли мушкулини енгил қилиш билан боғликдир. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида „Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси", шу соҳага ихтисослашган „Бизнес-фонд", „Тадбиркорбанк", „Мадад" суғурта агентлиги, „Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш қўмитаси", „Камолот" фонди ва ҳоказолар томонидан берилаётган имтиёзли кредитларга, молиявий ёрдамларга эҳтиёж-ларнинг ортиб бориши билан уларнинг таъминланиши ҳамда кредит беришига талаб қилинадиган шартларнинг кучайтирилиши бундай тузилмаларни турли соҳа қатламлари доирасида очилишига таъсир кўрсатмоқда. Шу боис бундай инфратузилмаларнинг очилиш даражаси тараққий этган мамлакатларга нисбатан қарийб 20 баробар орқада қолишимиз ана шу йўлдаги нуқсонлар билан боғлиқ бўлмоқда. Мисол учун тараққий этган мамлакатларда 1000 кишига 20 га яқин кичик ва ўрта корхона, уларда ишга яроқли аҳолининг 80 фоизи банд бўлса, бизда мавжуд корхоналарни бундай рақамлар доирасида улар билан таққослаш ҳали эртадир. Аммо бундай кўрсаткичларни қўлга киритишга интилиш мақсадида мавжуд молия ва кредит муносабатлари доирасидаги қуйидаги тўсиқларни амалга бартараф этиш орқали эришиш мумкин:

— кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида молия сиёсатининг ягона стратегиясини ва тактикасини ишлаб чиқиш ва давлат бюджети ҳисобидан

иқтисодиёт учун ажратилган маблағлар таркибидан кичик ва ўрта бизнес корхоналари молиявий ҳолатини соғломлаштириш харажатини кўзда тутишни таъминлаш;

— кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг турли чет эл фондларидан кенг фойдаланишлари учун бизнес-режа лойиҳаларини тайёрлаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашувчи хизмат соҳаларини ташкил этиш;

— кичик ва ўрта бизнес корхоналарини дастлабки 2 йил фаолияти босқичида (давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб) тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар билан таъминлаш;

— кичик ва ўрта бизнес корхоналарига дастлабки босқичларда имтиёзли кредитларнинг тўлиқ берилиши ва шу кредит ресурсларини бошқаришдаги мустақилликнинг оширилиши;

— марказлашган ва номарказлашган молиявий ресурслардан фойдаланишда турли расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш;

— кичик ва ўрта бизнес корхоналарида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг билим ва ишга бўлган профессионаллик даражаларидан келиб чиққан ҳолда уларни молиявий ва кредит муносабатларини тартибга солувчи қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг доимийлигини таъминлаш;

— имтиёзли солиқ-кредит муносабатларини уларни фойдаларига ва уларда банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг истеъмол фондларига нисбатан жорий этиш орқали, хўжалик фаолиятини юргизишда иштирок этувчи хусусий маблағлар салмоғини жами маблағларга нисбатан биринчи икки йилда 20 — 30 фоизга; учинчи, тўртинчи йилларда 30 — 50 фоизга; беш йилдан сўнг 60 — 70 фоизга етказишни таъминлаш. Хулоса қилиб айтганда, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасида самарали ишларни амалга ошириш орқали, бир томондан, республика ички молиявий ресурсларини ташкил этиш ва ўсишини таъминлаш, иккинчи томондан, четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажмининг ўсишини таъминлашга эришиш мумкин.

„Дарвоқе, олдинги йилларга қараганда, давлатимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатда жаҳон бозорида тайёр товарлар сотиш ҳажмини кўпайтириб бориш сиёсати ўз натижаларини бера бошлади. Жумладан, республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси, минерал ўғитлар, кимёвий маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот ва қайта ишлаш саноати маҳсулотлари хориж мамлакатларига сотилмоқда. Фақат 2000 йил якунлари бўйича ташқи савдо айланмасида 317,3 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди“[1]. „Бу эса, — деб таъкидлади Президент И.А. Каримов, —

---

[1] **Каримов И.А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // „Ғуркистон“, 2001 йил, 17 февраль, 2- бет.

ўз навбатида, мамлакатимиз тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади ва ташқи иқтисодий шерик сифатидаги Ўзбекистонга бўлган ишончни орттиради"[1].

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, миллий валютанинг қадрини мустаҳкамлаш, валюта сиёсатини эркинлаштириш, айирбошлаш курсини унификациялаш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан фаол чора-тадбирларни Самарқанд вилояти доирасида олиб борилиши 2001 йил январь-сентябрь ойлари давомида экспорт ва импорт сальдоси 2,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шу жумладан, 15,6 млн. АҚШ доллари узоқ хорижий мамлакатларга ва 17,7 млн. АҚШ доллари яқин хорижий мамлакатлар улушига тўғри келди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, агарда 2001 йилнинг январь-сентябрь ойларида экспортнинг умумий ҳажмидан асосан 23,6 млн. АҚШ доллари (улуши 41,2 фоиз) пахта толаси, шу жумладан, 19,9 млн.АҚШ доллари (улуши 84,3 фоиз) узоқ хорижий мамлакатлар, 3,7 млн. АҚШ доллари (улуши 15,7 фоиз) яқин хорижий мамлакатлар улушига, 21,5 млн. АҚШ доллари (улуши 37,5 фоиз) озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, 2,7 млн. АҚШ доллари (улуши 12,6 фоиз) узоқ хорижий мамлакатлар ва 18,8 млн. АҚШ доллари (улуши 87,4 фоиз) яқин хорижий мамлакатлар улушига тўғри келадиган бўлса, унда импортнинг умумий ҳажми (55,2 млн. АҚШ доллари) эса, асосан 16,8 млн. АҚШ доллари озиқ-овқат маҳсулотларига, шу жумладан 8,9 млн. АҚШ доллари узоқ хорижий мамлакатлар улушига, 27,0 млн. АҚШ доллари яқин хорижий мамлакатлар улушига, 17,7 млн. АҚШ доллари ва ҳоказолар улушига тўғри келди[2]. Бундай ютуқларга эришиш орқасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сиёсатини олиб бориш билан бирга, товар сотувчи ва олувчилар ўртасида ҳақиқий бозор асосида рақобатнинг ташкил этилиши сабаб бўлди. Маҳаллий товарлар, биринчи навбатда, ички бозорни эгаллаши, саноат миллий бозорни товарлар билан тўлдириб, шу билан бирга жаҳон бозорида Ўзбекистон товарлари ўз мавқеи, обрўси ва ўрнига эга бўлиши учун курашиш республикамиз учун ижобий валюта сальдосини юзага келишига имконият туғдирди. Республикамиз билан иқтисодий алоқалар ўрнатган жаҳондаги мустақил мамлакатларнинг таъсири Ўзбекистонда валюта-молия ва кредит муносабатлари ривожланишига ёрдам берди. Натижада капитал экспорти ва импортини вужудга келтириш, бу жараёндан республика иқтисодиётида меҳнат тақсимоти чуқурлашиб, иқтисодий ривожла-

---

[1] **Каримов И.А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // „Туркистон", 2001 йил, 17 февраль, 2-бет.

[2] Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси маълумотлари. Самарқанд, 2001 йил, 4-бет.

нишни кучайтириш замини яратилди. Аммо, ички бозорда юзага келган уч поғонали валюта курси ҳозирги кунга қадар экспорт салоҳиятдан тўлиқ фойдаланмасликдан далолат бермоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, миллий валютанинг қадрини мустаҳкамлаш, аввало, ҳукуматнинг инфляцияга қарши пухта ўйланган сиёсат олиб боришини тақозо этмоқда. Бунинг учун мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни барча имкониятлар билан ривожлантириш сиёсатини олиб бориш, мулкларни хусусийлаштириш ва шу йўл билан ички бозорни товарларга тўлдириш, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар харидорларни ўз корхоналарида ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олишга жалб этадилар. Бундай жараён миллий валютамиз қадрини оширишга имконият туғдиради.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўттанларидек „ ... маҳсулот экспорт қилишни қўшимча рағбатлантириш, экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарга имтиёзлар бериш ... валюта сиёсатини эркинлаштириш йўлидаги ишларни ... изчил давом эттиришдир.

Бу борада ... биринчи навбатда, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш, валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш бўйича ўтган йилдан бошланган амалий ишларни ўз ичига олади“[1]. Миллий валютамизни мустаҳкамлаш борасидаги яна бир муҳим муаммо у ҳам бўлса, мамлакат ичида молия-кредит тизимини такомиллаштириш, яъни бу тизимни ишлаб чиқаришнинг турли мулк шаклларида, тармоқларда кенгайтиришга қаратиш билан боғликдир. Қачонки, мамлакат ички бозори юқори сифатли товарлар билан таъминлансагина, шундан сўнг маълум миқдорда республикада ишлаб чиқарилган товарларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун талаб кучаяди. Бунинг натижасида республика иқтисодиётига хориж валютаси, техникаси ва технологияси кириб келади. Республика иқтисодий тизимида ички молиявий ўзгаришлар юз бериб, иқтисодиётда молия-кредит воситалари иқтисодий ривожланишига, таъсир кучайиб боради. Банклар фаолиятида янги давр, яъни ўз атрофида кредит олувчиларни бирлаштириш жараёни юзага келиб, иқтисодий жиҳатдан республика халқаро меҳнат тақсимотига ҳам валюта-молия ва кредит тизимига уланади. Бу, албатта, республикада ҳамкорликдаги ва хусусий корхоналар ишини фаоллаштириш натижасида бирмунча ривожланишга олиб келиши мумкин. Шунингдек, республикада кўплаб ҳамкорликдаги корхоналар барпо этилган бўлиб, бу корхоналар миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашда ва хорижий валютани олиб келишда асосий манбалардан ҳисобланмоқда. Албатта,

---

[1] **Каримов И.А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз // „Туркистон“, 2001 йил, 17 февраль, 2- бет.

иқтисодий жараёнларнинг ўзаро муносабатларини қиймат қонуни асосида олиб борилишини таъминлаш, сўзсиз, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини ва валюта тизимининг барқарорлигини таъминлайди. Чунки ҳар қандай тизим ўз фаолияти давомида ўзини оқласа ва фойда келтирса, у келгусида фаол ҳаракатни таъминлашга молик бўлади.

Миллий валюта тизими хусусий ҳамкорликдаги мулк эгалари манфаатларини ўзида ифода эта олиши мумкин. Фаол иш юритиш орқали бозор инфратизимлари миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун имконият очиб беради.

Республикада хом ашё захиралари ва ишчи кучи ресурслари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда кичик ва ўрта корхоналарни барпо этиш, уларни имтиёзли молиявий-кредит ресурслари билан таъминлаш, миллий кадрларни ягона давлат дастури асосида рўйхатдан ўтказиш орқали, хориж корхоналарига ишлаш учун имкониятлар яратиб бериш, қўшма корхоналар ва ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш, охир-оқибатда, чет эл валютасининг мамлакатимиз ичкарисига оқиб келиши учун амалий замин тайёрлайди.

Миллий валюта тизимини, унинг тўлов имкониятини ошириш учун давлат инфляцияни бартараф этишга эришиши, ишсизликнинг ҳар қандай шаклларини тугатиши, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиши, давлат бюджети дефицитини бартараф этиш, ташқи иқтисодий алоқаларда тенг балансга эга бўлишини таъминлаши, хом ашё, ёқилғи инқирозидан қутулиш йўллари билан миллий валюта барқарорлигини таъминланиши учун қўшимча имкониятларни яратиб бериши керак. Қолаверса, мамлакатда мавжуд хом ашё ресурслари, уларни қайта ишлаш орқали маҳсулот тайёрлаш имконияти бўла туриб, валюта захираларини ана шундай хом ашё ва маҳсулотларни четдан келтириш миллий валютамизнинг тўлов имкониятини пасайтириши ва чет эл валютасига бўлган талабни ошириб юбориши мумкин. Аммо, иқтисодий ўзгаришлар шароитида валюта сиёсатининг асосий вазифаларидан ҳисобланган иқтисодий ўсишни, инфляция даражасини пасайтириш, валюта тўлов баланси мутаносиблигини таъминлаш каби тадбирларга йўналтирилмоғи ўта муҳимдир. Ушбу тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш учун назаримизда, валюта муносабатларининг баъзи жиҳатларига эътибор бериш зарур. Чет эл валютаси билан белгиланган курсда амалга оширилаётган операцияларни чегаралаш ҳозирги валюта сиёсатининг асосий шакли бўлиб қолмоқда. Шунингдек, айрим валюта операциялари ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олиб, давлат томонидан берилган енгилликлар билан биргаликда олиб борилмоқда.

Импорт бўйича тарифлар ишлаб чиқаришни жонлаштириш ҳамда экспортга мўлжаланган товарлар ишлаб чиқаришга монандлаштирилган.

Валюта сиёсатимизнинг стратегик вазифаси — бу сўмнинг чет эл валюталарига эркин тарзда алмаштиришга эришишдан иборатдир.

Бунинг учун қуйидагиларга эътибор берилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз:

— конвертацияни таъминлаш мақсадида валюта чегараланишидан босқичма-босқич эркинлаштиришга ўтиш;

— конвертацияни эркинлаштирилишини таъминлаш учун етарли даражада муганосиб ва чет эллик инвесторларга очиқ ички бозорни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини кенгайтириш;

— конвертациялашга ўтишга таъсир этувчи салбий омилларни бартараф этиш;

— қўшимча валюта ресурсларини ички ва ташқи бозорлардан қидириб топиш мақсадида молиявий тузилмалар билан муносабатларни барқарорлаштириш;

— валюта айирбошлаш операцияларини ташкил этиш кафолатларини барча тижорат банкларга берилишига эришиш;

— валюта сотиш ва сотиб олиш ҳажмини ошириш шартларини эркинлаштириш ва рағбатлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик вазифа—халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилишга хизмат қилиши керак.

Ҳозирги кунда республикамизда сўмнинг ички конвертацияси таркиб топган, яъни резидентлар маълум миқдорда чет эл валютасини сотиб олиш ва уни сотиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иқтисодий барқарорлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бу — валюта бозорини эркинлаштиришдан иборат экан, биз барча чора-тадбирлар орқали юзага келган валюта бозоридаги номутаносибликни бартараф этишни кун тартибига қўйишимиз зарур. Шунинг билан биргаликда, ички валюта бозорига барча турдаги товарларнинг ва бозор қатнашчиларининг тенглик асосида фаолият кўрсатиш имкониятини яратиш валюта муносабатларини эркинлаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши таъминланади. Мамлакатимизда валюта ва кредит муносабатларини Халқаро Валюта Фонди дастури талаблари ва шартлари негизида мослаштириб бориш, бу борада ўз имкониятларимизни иқтисодий жиҳатдан чуқур таҳлил этиб, илмий асосли тадбирлар белгилашимиз лозим. Валюта операцияларини вужудга келтиришда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг экспорт операцияларидаги фаолиятини кенгайтириш ва шу орқали валютани кўпроқ мамлакатимизга кириб келишига имконият яратиб бериш зарур. Аммо, кўпгина ҳиссадорлик корхоналари ўз валюталарини чет эл банкларида сақлашни афзал билишмоқда. Бундай ҳолатни

юзага келишини билган ҳолда ва чет эл валютасини мамлакатимиз доирасида сақлаш мақсадида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қонунлар қабул қилиш, валюта муносабатларининг мамлакатимизда ривожланиб боришини таъминлаш учун эса ҳукумат ўзининг меъёрий ҳужжатлари билан уларни кафолатлаш имкониятларини яратиб беришлари ҳам ўта муҳимдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида валюта-молия ва кредит муносабатларига тааллуқли йўриқномалар билан аҳоли, корхоналар, ташкилотларнинг манфаатларини қаттиқ чегаралаб қўймаслик керак. Уларнинг ҳисоб рақамларига чет эл валютасининг тушишини ва миллий валютага айлантириб беришни ва бир вақтнинг ўзида миллий валютани чет эл валютасига айлантириб беришни чегараланмаган ҳолда тезлаштириб бориш керак. Умуман чет эл валютасини бошқаришда у билан бўладиган операцияларнинг чегараларини белгиловчи сиёсатни эркинлаштириш зарур. Шунингдек, давлат ўзининг валюта сиёсатида аҳолининг чет эл валютаси билан муносабатини ва ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда, уларга тижорат банкларида ҳисоб варақаларини (счётлар) очиб беришга имконият туғдириши лозим. Фуқароларнинг айрим гуруҳлари турли сабаблар билан хорижга ишга ёки доимий яшашга кўчиб кетиш имкони туғилганда, ўз ҳисоб варақаларидан валюта сотиб олиш ҳуқуқини чекламаслигини ва эркинлаштиришни таъминлашга молик қонунлар билан уларни бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя этиб бориш, зеро давлат учун маълум миқдорда манфаат келтириши, қолаверса мамлакат валюта балансини соғломлаштириш имкониятини яратиб бериши мумкин.

Чет эл мамлакатларида фаолият юритаётган ҳар бир фуқаро учун тижорат банкларида ҳисоб рақамлари очиб бериш, бу ҳисоб рақамларига иш ҳақи, турли тушумлар шаклида омонат тарзида қўйилишига имконият яратиш ва бу борадаги барча чегараларни эркинлаштириш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам эътиборга олмоқ лозимки, валюта миқдорининг ошиб бориши ёки омонат сифатида маълум вақтгача сақлаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда банкларнинг хизматлари учун олинадиган фоизнинг ҳам ошиб боришга, қўйилган валютали омонатларга фоизлар белгилашга ҳам эътибор қаратилмоғи лозим. Натижада банкларда сақланаётган вақтинчалик бўш турган аҳоли валютасидан давлат аҳоли ва хўжалик субъектларини чет эл давлатлари билан турли соҳа доирасида юзага келадиган муносабатларини ва манфаатларини қондириб бориш имкониятини туғдиришга эга бўлади.

Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши учун кенг имконият яратилиши, бир томондан, миллий сўм инфляциясининг ўсишини (унинг ўртача ойлик ўсиши 2001 йилда 1,7 фоизни ёки

режага нисбатан ўсиши 0,5 фоизни ташкил этди[1]) олдини олишга ва, иккинчидан, иқтисодиётни турли соҳа корхоналарини молиялаштиришга қўшимча молиявий манба туғдириб беради.

Иқтисодий барқарорлаштиришнинг яна бир муҳим йўналишларидан бири ҳамкорлик муаммолари билан боғлиқ муносабатларни ҳал этишни бевосита қўллаб-қувватлаш, халқаро тажриба асосида халқаро молиявий институтлардан молиявий, техникавий ёрдам олиш йўли билан ўтказилаётган чора-тадбирларга тўсқинлик қилаётган тўсиқларни бартараф этиш билан боғликдир.

Иқтисодий ўзгаришлар шароитида бу соҳада бир қанча тадбирлар республикамизда амалга оширилмоқда. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, иқтисодиётимизга чет эл капиталларини кенгроқ жалб этишни рағбатлантирувчи — ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш, жаҳон андазалари даражасидаги технологияни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга ёрдамлашаётган чет эл инвесторларига нисбатан очиқ эшиклар сиёсати юритилаётганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Ҳисобот йилида мавжуд маблағларни республика иқтисодиёти ривожланишини таъмин этувчи ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи муҳим устувор соҳаларга йўналтириш йўлида олиб бораётган сиёсатимиз ўзининг ижобий натижаларини берди. Молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан иқтисодиётимизга 700 млрд. сўм атрофида, жумладан, қарийб 810 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сармоя киритилиши[2] ёки фақат Самарқанд вилояти бўйича чет эл инвестициясининг жами инвестиция ҳажмига нисбатан 14,8 фоизни ташкил этиши[3] фикримиз далилидир (3-чизма).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Самарқанд вилоятида марказлаштирилган бюджет ҳисобидан капитал маблағларнинг ўз-лаштирилиши 2001 йилнинг шу даврига нисбатан (таққослаш нархларида) улуши 18,2 фоиздан 19,2 фоизгача кўпайган. Корхона ва ташкилотлар ҳисобидан эса, мос равишда, 18,2 фоиздан 24,0 фоизгача[4] кўпайиши қайд этилган.

---

[1] „Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида"ги масалаларга доир материаллар. — Т., 2001 йил, 8- бет.

[2] **Каримов И.А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз // „Туркистон", 2001 йил, 17 февраль, 2- бет.

[3] Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси маълумотлари. Самарқанд, 2000 йил, 8- бет.

[4] Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси маълумотлари. Самарқанд, 2001 йил, 8- бет.



3- чизма. Самарқанд вилоятида 2001 йилда молиявий манбаларнинг инвестиция жараёнларига жалб этилиш динамикаси

Бироқ, шунга қарамасдан, чет эл инвестицияларини имкон қадар кўпроқ жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Чет эл инвестицияларини республика иқтисодиётига жалб этиш йўналишларини фаоллаштириш мақсадида чет эл инвестициясини жойлаштиришдан республикадаги фаолиятидан олган фойдасини тўлиқ чегарадан олиб ўтиш, ишлаб чиқариш миллийлашганда ҳам уларга 10 йилгача қатор имтиёзлар берилган. Аммо ушбу имтиёзлар инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилишини фаоллаштириш учун етарли бўлмаяпти. Бу эса иқтисодиётга чет эл инвестициясини жалб этишда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаслигига сабаб бўлмоқда. Мисол учун ишлаб чиқариш соҳасидаги инвестицияларнинг камайишига ўтган йили: „СамКочАвто“

корхонаси, „Темир йўллар вазирлиги“, „Болалар таомлари-холдинг“, „Сингапур-Самарқанд“, „Ўз БАТ“, „Ўзбекистон ҳаво йўллари“ корхоналарининг ишга туширилиши сабаб бўлди[1].

Ҳисобот йилида Самарқанд вилоятининг Иштихон шаҳрида 24 соатда 200 та автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаси, Тайлоқ туманидаги Боғизағон ҳиссадорлик жамиятида соатига 3 минг шиша вино қуйиш қувватига эга бўлган линияси, Нуробод шаҳрида бир йилда 468 тонна қувватга эга бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш цехи[2], ишга туширилди. Республика миқёсида ҳам бу борада анчагина ишлар қилинганлиги қўлга киритилган ютуқларда ўз аксини топди. Мисол учун нометалл қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган „Хобас-ТАПО“ қўшма корхонаси, сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи „Узсматана-Сантехника“ қўшма корхонаси, Тошкент вилоятида универсал фосфорли-азотли ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхона, Андижон вилоятидаги чарм маҳсулотлар тайёрлайдиган „Олтин дери“ қўшма корхонаси, ўқув дафтарлари тайёрлайдиган „Ишқ“ қўшма корхонаси ва бошқалар ишга туширилди[3].

Ушбу маълумотлар чет эл инвестициясини ўзлаштиришни нафақат тармоқларда, балки, ҳудудлар бўйича ҳам мутаносиблаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Албатта, жаҳон амалиётида ҳам барча давлатлар ўз иқтисодиётини ривожлантиришда чет эл инвестицияларини, асосан, ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирганлар. Шу боис Ўзбекистон аграр иқтисодиёт минтақаси бўлганлиги сабабли чет эл инвестицияларини асосан иқтисодиётнинг аграр ишлаб чиқариш соҳаларига мутаносиб тарзда жалб қилиш ва ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда инвестиция сиёсатини мутаносиб олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун давлат молия орган ходимлари чет эл инвестициясини иқтисодиёт соҳаларига мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқишлари, унда инвестицияни жойлаштиришдан бевосита ва билвосита даромад олиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, инвестицияларни устувор йўналишларга, сўнг ноишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга жалб этилишини таъминлаш муҳимдир (4-чизма).

Ушбу чизмада келтирилган тартибга риоя этилиши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни инвестиция маблағлари ҳисоби-дан оптимал молиялаштириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлар эди.

---

[1] Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси маълумотлари. Самарқанд, 2000 й., 9- бет.

[2] Ўша ерда, 9- бет.

[3] **Каримов И.А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз // „Туркистон“, 2000 йил, 17 февраль, 1- бет.



4- чизма. Инвестиция капиталларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар хусусиятига қараб тафсифлаш

Иқтисодиётдаги юксалиш кўп жиҳатдан илғор технологиялар ва жиҳозларга асосланган замонавий саноат базасини яратиш билан боғликдир. Шунинг учун ҳам инвестиция соҳасини фаоллаштиришни чет эл инвестицияси жумладан, қўшма корхоналар ташкил этиш орқали амалга ошириш муҳимдир. Республикамиз бўйича чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналар ва уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар сифати яхшиланиб бориши мисолимиз далилидир. Демак, бугунги кунда чет эл инвестициясини нафақат жалб этиш, балки ундан самарали фойдаланиш бозор инфратузилмасини етарли даражада ривожланмаганлиги билан боғлиқ бўлмоқда. Чунки чет эл инвестори иқтисодиётнинг қайси тармоқ ёки ҳудудига инвестициялашдан олдин фойдани қўлга киритилишини олдига мақсад қилиб қўяди, бу эса омилларни ҳисобга олинишини тақозо этади. Шу боис, иқтисодиётга чет эл инвестициясини жалб эттиришдан олдин қуйидагиларни амалга ошириш зарур, яъни:

-- халқаро молия муассасалари томонидан очилган кредит линияларидан тўла-тўкис фойдаланиш;

— чет эл инвестицияларини жалб этувчи субъектлар фаоллигини ошириш;

— инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда ички имкониятларни эътиборга олиш;

— чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб этиш учун валюта айирбошлаш операцияларини эркинлаштириш ва рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай объектларни яратиш.

Бунда чет эл инвестиция капиталлари иштирокида қўшма корхоналар очишга иштирок этувчи маҳаллий субъектларни кредитлар доирасидаги муносабатларини имтиёзлар бериш орқали рағбатлантиришни назарда тутиш ҳам зарурдир. Аммо бугунги кунда хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан инвестицияда иштирок этишини амалга ошириш бевосита чет эл инвестицияларининг ўсиш даражаси ва суръатлари билан характерланади. Шу боис чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жойлаштиришда ва инвестицион фаолиятни кучайтиришда маҳаллий субъектларнинг умумий капиталдаги улушларининг юқорилигини таъминлашдаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватланиши инвестицион сиёсатни тубдан ўзгариши учун имконият туғдирмоқда. Аммо маҳаллий субъектларни инвестиция капиталидаги улушини ошириш асослари ўз аксини инвестицион лойиҳаларда топиши ва унда ички кредитлардан унумли фойдаланиш йўллари асосли равишда белгиланиб берилиши зарурдир.

Бундай инвестицион лойиҳани кредитлашда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

— корхонада ишлаб чиқариш қувватини тиклашга ва узлуксиз давом эттиришга имкон яратилганлигини;

— чет эл инвестиция капиталидаги улушини асосланганлик даражасини;

— корхона иқтисодиётига янги техника ва технологиянинг келганлигини;

— маҳсулотни экспорт қилиш натижасида, иқтисодиётда валюта тушумини кўпайтириш мумкинлигини.

Шу билан бирга, инвестициявий лойиҳаларни кредит орқали таъминлашда қуйидаги бир қанча мажбурий шартларга риоя этилишини ҳам эътиборга олиш муҳимдир:

— кредитнинг қайтарилишини;

— кредит юзасидан тўланадиган фоизларни ўз муддатида қопланишини;

— мажбурий тўловларни таъминлаш учун маблағлар тушумининг барқарорлигини;

— корхона капиталлари ликвидлигининг юқори бўлишлигини;

— мажбурий шартларни бажаришда, аввало корхона инвестицион лойиҳаларини қандай ишлаб чиққанлиги уни амалиётга тадбиқ эта билишлигини, ундан самарали фойдалана олишлигини. Буларнинг эътиборга олиниши чет эл инвестициясининг барча шаклларини иқтисодиётга жалб қилишда қуйидагиларни амалга оширилишига имкон беради:

— инвестициялашда таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестициявий муҳитни яхшиланишига;

— инвестицион жараёндаги капитал миқдорида банк кредитлари салмоғини ошириш мақсадида бу борада белгиланган имтиёзларни эътиборга олинишига;

— чет эл инвестициясини жалб этиш орқали экспорт ҳажмини кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёзларни кенгайтирилишига;

— инвестицион лойиҳаларни макро-микро иқтисодиёт даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиш орқали чиқишга;

— реал иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётга чет эл инвестициясини мутаносиб жалб этиш ва улардан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланишига;

— узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция капиталларини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтиришни рағбатлантиришига;

— инвестицион фаолиятда тижорат банк тизимлари иштирокини кучайтиришга ва бошқа шакллар.

Айниқса, иқтисодиётда ижобий ўзгаришларга эришишда, молия соҳасини барқарорлаштириб, унинг асосида таркибий ислоҳотлар учун қулай шарт-шароитлар яратган ҳолда, иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда тижорат банкларининг роли тобора ошиб бормоқда. Чунки фақат ушбу тизим инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтиришни рағбатлантириш йўли билан таркибий

ислоҳотлар учун объектив шарт-шароитлар яратишда замонавий тизим сифатида фаоллик кўрсатмоқда. Қолаверса, банк тизимлари республикани янада жадал ривожлантиришнинг мустаҳкам омили бўлиб хизмат қилувчи салоҳиятни шакллантириш имконини бермоқда. Банкларнинг таркибий ислоҳотлар, иқтисодиёт-базавий тармоқлари ва унинг замонавий инфратузилмасини ривожлантиришдаги иштироки ҳар томонлама мустаҳкамланиб бормоқда. Шунингдек, банк тизимининг кредит ресурслари мамлакатнинг юқори иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлаш борасида, мумкин қадар инфляцияни кескин пасайтиришда фаоллик кўрсатмоқдалар. Ҳисобот йили яъни 2001 йилда пулнинг қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган молиявий барқарорлик чора-тадбирлари инфляция кўрсаткичларини башорат қилинган даражада сақлаб туришга ва 2002 йилда уни бир ойлик чегарасини 1,1 фоиз деб белгиланишига имконият берди. Иқтисодий ўсиш натижаларини эътиборга олиб, мамлакатда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини сақлаш ва шу асосда ушбу сиёсатни барқарорлаштириш ҳам зарур. Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишини белгиловчи вазифаларидан бири бу узоқ муддатли молиявий барқарорлаштириш орқали иқтисодиётнинг муҳим соҳаларига инвестицион капиталларини жойлаштиришга, аҳоли пул жамғармаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бундай вазифаларни амалда намоён бўлиши банк тизимида бозор томойилларини ривожлантиришни янада фаоллаштиради ва ноинфляциявий маблағларни кенгайтириш орқали Марказий банкнинг давлат бюджети деффицитини қоплашга сарфланадиган маблағларини камайтириш имконини яратади. Шунингдек, валютани тартиблаштириш доирасида олиб бориладиган чора-тадбирлар республикадан четга маблағларнинг асоссиз чиқиб кетишини олдини олишга имконият туғдиради.

Ўтиш давринининг иккинчи босқичида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „Марказий банк тўғрисида“ ги ҳамда „Банклар ва банк фаолияти тўғрисида“ги Қонунларининг қабул қилиниши орқали институтционал асосга йўналтирилган қонунчилик базасини такомиллаштириб бориш имконияти яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Акционерлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 1998 йил 2 октябрдаги фармони, Вазирлар Маҳкамаси томонидан „Банк тизимини янада ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида“ ги 1999 йил 15 январдаги қарори банк тизимини ислоҳ қилишнинг сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилишига асос бўлди.

Эндиликда қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларга таянилган ҳолда банклар молиявий барқарорлигини кенгайтириш, янги сармоядорлар маблағларини жалб қилиш ҳисобига уларнинг капиталлашув даражасини ошириш, банкларда давлат иштирокини камайтириш йўли билан замонавий кооператив бошқарув тизимини ривожлантириш, банк акциядорлари ролини ошириш, рақобатни, назоратни янги сифат босқичига кўтариш имкониятлари яратилган экан, иқтисодиётни, молиявий барқарорликни таъминлашдаги масъулият тўлиқ ҳис этилиши лозим.

Президентнинг 2000 йил 21 мартдаги „Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида“ ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги „Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ ги қароридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги чораларнинг амалга оширилиши ва самарали молиявий муҳитни яратиб берилиши зарур:

— банкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали банклар капиталига қўшимча чет эл ва хусусий инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш;

— кичик ва ўрта бизнес корхоналари, қолаверса тадбиркорлар фаолиятини тўлов қобилиятини таъминлашда банк маблағлари ҳиссасини ошириш;

— банкларга нисбатан омонатчилар ишончини ошириш орқали аҳоли ва юридик шахсларни бўш турган маблағларини жалб этиш, улар ҳисобидан банк кредитларидан самарали фойдаланиш ва банк олдидаги қарзини қоплаш учун етарли даражада даромад олишга шароитлар яратиб бериш;

— кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, деҳқон-фермер хўжаликларини кредитлашни ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, хусусий омонатчилар депозитлар бозорида фаол ишлаётган банклар учун қўшимча солиқ имтиёзларини жорий этиш;

— кичик ва ўрта бизнес ва тайёрлов корхона (ташкилот) лари учун нақд миллий ва чет эл валюталари билан операциялар ўтказишдаги чекловларни босқичма-босқич бекор қилиш;

— банкларнинг устав фондида давлат маблағи ҳиссаси 1/4 қисмини ташкил этган тақдирда уларни хусусийлаштирилиши учун кенг имкониятлар яратиш;

— банклар акцияларини қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида сотиш, шунингдек, банк активларининг бозор қийматини белгилаш йўли билан инвестиция жараёнларини такомиллаштириш;

— банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда солиқ муносабатларининг имтиёзли тизимини жорий этиш;

— ихтисослаштирилган тижорат банкларини универсаллаштириш ва тижоратлаштириш;

— банк активларини реструктуризация қилиш;

— банкларни кредитга лаёқатли қарз олувчилар ҳақидаги объектив маълумотлар билан таъминлаш учун банкларараро актив ва пассив маркетинг хизматини ташкил этиш;

— тижорат банкларида жамғарма ишини ривожлантириш мақсадида жамғарма (омонат) маблағларининг бирламчи тўлов қобилиятини уларга нисбатан жорий этилган фоизларда эътиборга олиш ёки шундай маблағларни қонунлар билан ҳимоясини таъминлашни йўлга қўйиш.

— марказий банк томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк тизими ресурсларини бирлаштириш ва тавакалчиликларни камайтириш нуқтаи назаридан кредит ресурсларини жойлаштириш тартибини жорий этиш ва ҳоказо.

Банкларга бундай молиявий муҳитнинг яратиб берилиши орқали мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишга ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, уни эркинлаштиришга имконият туғдириб берилади.

Аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нафақат молия институтларининг, балки бозор инфратузилмаларининг, жумладан, қишлоқ хўжалик соҳасига, унинг ривожланиш суръатларига ҳам боғлиқдир. Чунки қишлоқ хўжалиги ички товар айланишининг 70 фоизини, мамлакат валюта тушумининг 54 фоизини таъминламоқда, ЯИМ нинг 40 фоизи шу соҳага тўғри келса, ундан меҳнатга лаёқатли аҳолининг 44 фоизга яқини[1] шу соҳа тизимида банд бўлиб, самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Аммо, Президент И.А. Каримов таъкидлаганларидек, ҳисобот йили „... кўп жиҳатдан, авваламбор, мураккаб об-ҳаво шароити, қурғоқчилик ва сув тақчиллиги сабабли биз учун ноқулай келди ... , сув манбаларимизда сув миқдори зарурий меъёр даражасининг 25—40 фоизини ташкил этди, ... натижада шимолий ҳудудларимизнинг 50 фоизидан ортиғида экинларни суғориш имконияти қолмади...

Биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида қурғоқчилик сабабли 210 минг гектар ёки барча экин майдонларининг 45 фоизида ҳосил нобуд бўлди...

Хоразм вилоятида ... 65 минг гектар майдондаги экин қуриб қолди“ [2].

---

[1] Социально-экономическое положение в Республике Узбекистан за 1999 год. С. 8; 14; 36; 62.

[2] **Каримов И.А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // „Туркистон“, 2000 йил, 17 февраль, 2- бет.

Дарҳақиқат, бундай кўзда тутилмаган нобудгарчилик натижасида фақат номлари тилга олинган республика ва вилоятда 27 млрд.сўмдан зиёд зарар кўрилди[1]. Уларни қоплаш учун 2,6 млрд. сўмдан ортиқ суғурта маблағлари тўланди. Қурғоқчилик ва сув танқислиги натижасида зарар кўрган хўжаликларнинг 41 млрд. сўмга яқин қарзлари истисно тариқасида кечиб юборилди[2]. Шунингдек, бу соҳа хўжаликларида моддий ресурслар ва хизматлар учун юзага келган 30 млрд. сўмлик кредиторлик қарзларининг тўлов муддати 2003 йилдан бошланадиган қилиб, 8 йилга узайтирилди. Хўжалик фаолиятини 2000 йилда зарар билан якунлаган 59 хўжаликнинг санация муддатини, истисно тариқасида, яна бир йилга узайтиришга ҳамда 2001 йилдан бошлаб, яна 76 та қишлоқ хўжалик корхонасини қўшимча равишда санацияга тортишга[3] имконият туғдирган бўлса, унда бундай чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида ўртача ойлик инфляция даражаси 2001 йил натижаларига кўра тасдиқланган — 1,2 фоиз ўрнига — 1,7 фоизга кўтарилади[4]. Юзага келган қийинчиликларни бартараф этиш катта молиявий ресурсларни, бир томондан, жалб этилишини тақоза этса, иккинчи томондан, иқтисодиётнинг аграр секторидаги мавжуд захиралардан келгусида самарали фойдаланиб, иқтисодиётни сезиларли равишда ривожлантириш зарурияти муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётдаги юксалишлар, молиявий барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик соҳаларини қанчалик кенг қамраб олинишига, қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштирилиб борилишига боғлиқ. Умуман бу соҳани ислоҳ қилмай туриб, бутун иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли равишда амалга ошириб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари бор. Уларни эътиборга олиш ва таҳлил этиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишда, тўлақонли тизимнинг вужудга келишини талаб этади. Ҳозирги тараққиёт босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга йўналтирилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ҳаётга тўлиқ тадбиқ этилмаслиги, нафақат юқорида келтирилган иқтисодий қийинчиликларни юзага келиши учун сабаб бўлди, балки қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига етарли аҳамият берилмаганлиги, янги ерларни ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш бўйича молиявий манбалари белгиланган истиқболга мўлжаллаб тузилган аниқ дастур

---

[1] **Каримов И.А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз // „Туркистон", 2000 йил, 17 февраль, 1- бет.

[2] Ўша ерда, 1- бет.

[3] Ўша ерда, 1- бет.

[4] Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақидаги масалага доир материаллар. Тошкент, 2001 й.

йўқлиги ҳамдир. Мелиоратив ишларни амалга оширишда молиявий қийинчиликларни ҳис эта туриб, чет эл инвестицияларига таяниш иккинчи даражали иш бўлиб қолди. Натижада қишлоқ хўжалигида юзага келган мураккаб шароит: об-ҳаво, қурғоқчилик ва сув тақчиллигининг олдини олиш қийинчиликларига дуч келинди. Бу ҳолатда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини оширишга молия ва инвестиция сиёсатининг қаратилишини назардан чиқармаслик керак. Ушбу соҳада юзага келаётган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш борасида, деҳқонларнинг меҳнат ҳақини етиштирилган маҳсулот ҳажми ва сифатидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида тўлаб боришни йўлга қўйишга қаратилган ишларни амалга ошириш зарурдир. Қолаверса, ушбу соҳанинг манфаатдор раҳбарлари ва тузилмалари ўз ишларини жадаллаштириш борасида зарур ташаббус ва тадбиркорлик кўрсатишлари муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун шундай ишларни юритиш лозимки, бунда кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини ўстириш таъминлансин. Бунга эришиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор берилмоғи лозим, яъни:

— қишлоқ хўжалигида турли фаолият юргизувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларнинг самарадорлигини баҳолаш орқали уларга маълум йўналиш бўйича фаолият юргизишга *„кам харажат кўп даромад“* тамойилига амал қилган ҳолда имконият яратиб бериш;

— қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юргизувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий маблағлар билан таъминлаб боришда ноқишлоқ хўжалик соҳа тадбиркорлари фаоллигини оширишни йўлга қўйиш. Бунда ҳар бир тадбиркор фаолиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан олди-берди амалга оширилар экан, уларни пайчилик муносабатлари, оилавий пудрат, фермер ва хусусий хўжаликлар тизимини ривожлантиришда молиявий ёрдам фаоллигини ошириш муҳимдир;

— ердан фойдаланувчиларга узоқ муддатли қўйилмаларни беришда маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечишни таъминлаш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи кичик ва ўрта бизнес субъетларининг нарх-навони белгилашдаги мустақил ёндашувларига тўсқинлик қилмаслик, уларга нисбатан кўрсатилаётган молиявий ёрдам шохобчаларидан келиб чиққан ҳолда солиқ муносабатларини қайта кўриб чиқиш;

— ердан фойдаланувчи субъектларга (мулк шаклидан қатъи назар) сувни, уруғни, техника воситаларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун керакли бўлган барча компонентларни етказиб беришдаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, бу борадаги хизматларни буюртмалар асосида жойларда ташкил этишни йўлга қўйиш;

— ердан фойдаланувчилар томонидан етказилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишни эркинлаштириш ва бу борадаги расмиятчиликларни бартараф этиш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, молия, солиқ ва банк тизимлари олдида улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш шу соҳа ходимларини фидокорона меҳнат қилиши, рўй бераётган ўзгаришларга чуқур масъулият ҳисси билан ёндашиши, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ўз улушларини қўшиш ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳалари фаолиятини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлашларини талаб этади.

1.5. Миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни киритишнинг молиявий воситалари

Миллий иқтисодиётнинг тубдан ислоҳ қилиниши ва уни жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига етказилиши, жамиятда замонавий бозор муносабатларининг шаклланишини тақозо қилади.

Қимматли қоғозлар бозори эса молия бозорининг таркибий қисми сифатида, бозор иқтисодиётининг негизи ва юргизувчи кучи бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини кўрсатади ва унинг асосий *индикатори* ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори ҳукумат ва корхоналарга ўз-ўзини молиялаштириш ва банк кредитлари билан чекланиб қолмаган ҳолда молиялаштириш манбалари доирасини кенгайтиришга имкон беради. Салоҳиятли сармоядорлар, ўз навбатида, қимматли қоғозлар бозори ёрдамида ўз маблағлари ва жамғармаларини кенг кўламдаги молиявий воситаларга жойлаштириб, шу орқали ўзларининг ҳам танлов имкониятларини кенгайтиришга, ҳам активларини мутаносиб равишда белгиланган таваккалчилик доирасида қўйилишига эришишади.

Шуни айтиш жоизки, қимматли қоғозлар бозорининг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг ягона моделининг ўзи бўлмайди. Тажрибада эса, бошқа мамлакатларда ушбу бозор яхши фаолият кўрсатаётганлиги сабабли, уни кўчиришнинг нафақат иложи йўқ, балки мақсадга мувофиқ ҳам эмасдир. Шуни ҳам инобатга олиш лозимдирки, ҳар бир бозор ички ва ташқи ўзгаришлардан келиб чиқиб, доимий ривожланиш ва ўзгаришда бўлади. Булардан келиб чиқиб, шуни тақозо этиш мумкинки, бозорлар ўзларидан ҳали тўлалигича ташкил этилган ва қотиб колган тизимларни кўрсатмай, балки доимий ривожланишдаги органларни тасаввур этишга имкон беради.

Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор тамойиллари асосида ислоҳ этилиши, сўнгги йилларда сезиларли муваффақиятларга олиб келди. Буларнинг натижасида мамлакатда инфляция даражаси

кескин туширилишига ва миллий валютанинг стабиллашиш жараёнлари амалга оширилишига эришилди. Давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш натижасида самарасиз ишловчи корхоналар фаолияти қайта йўналтирилди, банкротлик ва санация жараёнлари қўлланила бошланди, давлат бюджетининг тушум қисмида хусусийлаштиришдан тушаётган маблағларнинг салмоғи тобора ошиб бормоқда. Шундай шароитда Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди:

• қимматли қоғозлар бозори ривожланиши учун қулай сиёсий шароит вужудга келди;

• давлат қимматли қоғозлар бозори тижорат банклари ва йирик инвестиция компанияларининг инвестиция портфелининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди;

• корпоратив қимматли қоғозлар бозори имкониятлари кенгайди ва уларнинг бозор капитализацияси ўсди;

• қимматли қоғозлар бозори ликвидлиги сезиларли даражада ошди ва ахборот нуқтаи назаридан ушбу бозорнинг кўримлилиги кучайди;

• қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси ривожланди ва кенгайди;

• бир қатор қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши эвазига қимматли қоғозлар бозорининг қонуний асоси кучайди ва мукаммаллаштирилди;

• акциядорлар ва сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янгича йўллари ишлаб чиқилди;

• хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишга солинган сармояларидан олинадиган фойдани конвертация ва репатриация қилиш масалалари ҳал қилиши бошланди.

Яна бир сифат жиҳатидан ўзгаришга шуни мисол келтириш мумкинки, миллий қимматли қоғозлар бозори ривожланиш йўлида, Халқаро жамият томонидан тан олиниб, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Халқаро қимматли қоғозлар комиссиясининг (IOSCO) аъзолигига қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банклари ва корхоналари томонидан халқаро молия бозорларига ўзларининг қимматли қоғозлари билан чиқишлари, улар томонидан ҳар хил турдаги *депозитар* тилхатлар чиқарилишига ва ривожланган мамлакатларнинг фонд биржалари таркибига киритилиш тараддудлари амалга оширилмоқда.

Кўпчилик миллий корхоналар акциялар чиқариш йўли билан қўшимча капитални маҳаллий сармоядорлар орасида жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келаётганликлари ҳамда хорижий сармоядорлар асосан қисқа муддатли молиявий операцияларга ўз танловларини тўхтатишлари эвазига Ўзбекистон корхоналарида инвестиция фао-

лияти сифат жиҳатидан янгича тус олмоқда. Бугунги кунда ушбу хўжалик субъектлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чет эл банк ва компанияларини айланиб ўтган ҳолда, тўғридан-тўғри ўзлари халқаро молия бозорига чиқиш борасида биринчи қадамларни ташламоқдалар.

Қисқа қилиб айтганда, энг йирик молиявий бозор ва энг катта миқдордаги пул маблағлари маркази АҚШ давлати ҳисобланганлигидан келиб чиққан ҳолда, шуни билдириш мумкинки, ҳар қандай чет эл корхонаси ўз қимматли қоғозларини АҚШда сотиш нияти бўлса, у корхона икки йўналишдан бирини қабул қилиши лозим. Биринчи йўналиш, бу ўзининг қимматли қоғозларини АҚШда „Америка акциялари" (American shares") сифатида чиқариши ва иккинчи йўналиш Америка Депозитар Тилхатлари (АДТ) чиқариш дастурида қатнашиш. Биринчи йўналиш, ниҳоятда катта талабларни амалга оширилишини ва кўп миқдорда қўшимча пул маблағлари сарф этилишини талаб этганлиги сабабли, кўпчилик корхоналар иккинчи йўналишни қабул қилишмоқда.

Шундай экан, ушбу мақсадларга эришиш йўлларидан бири бўлиб, ўз акцияларига қимматли қоғоз ҳосиласи бўлмиш, депозитар тилхатларини (ДТ) чиқариш ҳисобланади. ДТлар эса ўз навбатида, қайси мамлакатда ушбу молиявий восита чиқарилишига қараб тақсимланади. Чунончи, АҚШ бозорида чиқарилган ушбу ҳосилалар Америка Депозитар Тилхатларига („ADR" — European Depositary Receipts),Европа Депозитар Тилхатларига („EDR" — European Depositary Receipts), Глобал Депозитар Тилхатларга („GDR" — Global Depositary Receipts) ва ҳоказоларга бўлинади.

Умуман олганда, қонунчилик, сиёсий ва иқтисодий барқарорсизлик оқибатида, солиққа тортиш ва миллий валютани бошқа валютага конвертация қилиш муаммолари борлиги натижасида, хорижий корхоналарнинг қимматли қоғозларини сармоядорлар томонидан сотиб олиниши резидент бўлмиш воситачи корхонасиз амалга оширилмайди. Ушбу муаммоларни ечиш, АҚШда Халқаро Депозитар Тилхатларни („IDR" — Internatoinal Deposinary Receipts) вужудга келишига олиб келди. Бунга сабаб бўлиб, 1927 йилда Буюк Британияда мамлакат ҳудудидан миллий қимматли қоғозларни четга олиб чиқиб кетмаслик тўғрисидаги қонун бўлди.

Шу билан бирга, инвестор ва аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида АҚШ қонунчилиги кўпчилик ривожланган мамлакатлар қонунчилиги сингари, мамлакат ҳудудида норезидент-эмитетларнинг қимматли қоғозларини эркин муомалада юришини тақиқлайди. Уларнинг қонунчилигига асосан, ҳар турдаги хорижий эмитентлар ва сармоядорлар ўз қимматли қоғозларини тўғридан-тўғри эмас,

балки бошқа мамлакатда (юқорида тилга олинган мамлакатлар ҳудудида) фақат ДТлар орқали таклиф этишлари мумкин.

Шуни эътироф этиш лозимки, ривожланган мамлакатлар қонунчиликларига асосан, ДТлар қимматли қоғоз ҳисобланмай, балки уларга эгалик қилиш ҳуқуқини ифодаловчи *сертификат* ҳисобланади.

АДТлари Америка депозитар банки томонидан чет эл эмитентининг қимматли қоғозлари ҳисобида муомалага чиқарилади (асосан Bank of New York ва City bank). Ушбу қимматли қоғозларнинг асли эса ушбу эмитентнинг миллий банкида сақланади. Бундай банк — **кастоди банки** деб аталади. Бу ҳаракатлар, икки банк ва эмитент орасида тузилган шартномада ифода этилади.

Маҳаллий эмитентларга мазкур молиявий воситаларни танлашнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

• депозитар тилхатларни чиқариш — акцияларнинг янги эмиссияларини жойлаштиришда хорижий капитални киритишга имконият беради, қайсики бу тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобланиб, корхоналарга ҳамда бунинг натижасида миллий иқтисодиётга валюта маблағларини келишини таъминлайди;

• ўз акцияларига депозитар тилхатларни муомалага чиқариш тан олиш самарасини беради. Ушбу дастурларни омадли жойлаштириш мазкур корхона ва унинг акцияларини халқаро ҳамжамият томонидан тан олинганини исботлайди. Эмитент, халқаро миқёсда хорижий сармоядорлар ишончини қозониб ва ташқи бозорда машҳурликка эришиб, ўзининг ички ва ташқи бозордаги акцияларининг ликвидлигини оширишга эришади;

• халқаро андазадаги корпоратив бошқарув тизими ҳамда кенг оммани акциядорлик жамиятига тааллуқли корпоратив ҳаракатлар тўғрисида ахборотлар билан таъминлаш тизимини мукаммаллаштиришга олиб келади ва, ниҳоят, депозитар тилхатларнинг чет эл бозорларида муваффақиятли жойлаштирилиши, ўз якунида мамлакатга бўлган ишончнинг ошишига, унинг халқаро миқёсдаги обрўсини кўтарилишига олиб келиб, миллий иқтисодиётга қўшимча хорижий сармояларни келишига манфаатлар яратади.

Умуман олганда, ДТлар қимматли қоғозлар ҳосилаларининг бир тури бўлиб, норезидент-эмитентларнинг қимматли қоғозларини, бошқа мамлакатларнинг фонд биржаларида жойлаштиришга имконият берувчи молиявий восита ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, ДТларни чиқаришдан мақсад миллий эмитентларнинг қимматли қоғозларини халқаро фонд биржаларига чиқариш ва жойлаштириш бўлиб, бу ҳолда миллий акциялар ДТ орқали Нью-Йорк, Лондон, Токио, Франкфурт ва бошқа халқаро молиявий марказларда эркин ҳолда хорижий сармоядорларга сотилиши мумкин, қайсики, Ўзбекистоннинг ички бозорида ушбу акцияларни сотиб олиш имкониятлари ва, айрим ҳолда, ҳуқуқларига

эга эмаслар. ДТларнинг тобора ривожланиб боришига, ушбу дастурларнинг халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган ва тан олинган стандарт ва кўриб чиқиш тартибларига тўғри келиши, ДТларни норезидент-эмитент номидан 1- тоифали чет эл банклари томонидан чиқарилиб кафолатланиши, акцияларга тўғридан-тўғри эгалик қилишга ҳуқуқий ва фискал чекловларни чеклаб ўтиш, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, ҳамда ҳар хил турдаги қўшимча харажатларни қисқартиришга ёрдам бермоқда.

ДТларни муомалага чиқаришнинг яна бир ютуқларига, корхонанинг хорижий сармояларни киритиш эвазига келажакда стратегик ривожланиш имкониятлари кенгайишини айтиш мумкин. Ички бозорда маҳаллий корхоналар ўз акция ёки облигацияларини миллий валютамиз бўлмиш „сўм"да чиқаришлари ва жойлаштиришлари, чет эл фонд бозорларида ДТлар эркин алмашинувчи валютада (ЭАВ) сотилишини инобатга олиб, шуни айтиш мумкинки, ДТлар орқали ўз қимматли қоғозларини жойлаштирган маҳаллий корхоналар молиявий капитални АҚШ долларида ёки бошқа ЭАВда олишади.

ДТлар чиқариш дастури маҳаллий эмитентларга ўз активларини етарлича баҳоламаслик муаммосидан чиқиб кетишга, ўз қимматли қоғозларини чекланмаган миқдордаги хорижий сармоядорларга сотиш йўли билан катта миқдорда молиявий ёрдам олишларига имкониятлар яратади. Ички бозорда ушбу қимматли қоғозларни хорижий сармоядорлар томонидан сотиб олинмаётганлигининг сабабларидан бири бўлиб, уларнинг ушбу корхона фаолияти билан яқиндан ва етарли даражада таниш бўлмаганлари, ҳамда уларга тегишли кафолатларнинг йўқлиги ва таваккалчилик даражасининг юқорилиги ҳам ҳисобланади.

ДТларнинг бошқа дастурларга нисбатан (масалан, чет эл фонд биржалари листингига кириш) сезиларли ютуқ бўлиб, улар бўйича эмитентга расмий кредит рейтинги ва мамлакатга суверен рейтинг тақдим этилишининг талаб этмаслигини ва бошқа бир қатор талаблар тақдим этилмаслигини эътироф этиш мумкин.

Юқорида кўрсатилганлардан келиб чиқиб, шуни қайд қилиш мумкинки, ДТлар портфель инвестицияларини киритиш йўналишида энг такомиллашган ва кўп маротаба исботланган механизм бўлиб қолмоқда.

Миллий иқтисодиётга хорижий сармоялар киритилишининг яна бир усули, Евробондларни, бошқача қилиб айтганда, Еврооблигацияларни муомалага чиқариш ҳисобланади. Ушбу молиявий восита бошқа турдаги сармояларга нисбатан (кредит йўналишлари очиш, ЭАВда қарзлар олиш ва ҳоказо) муқобил услуб ҳисобланиб, ДТлардан фарқли ўлароқ, эмитентнинг фаолиятида қатнашиши ва уни бошқаришга ҳуқуқ бермайди.

Еврооблигациялар, маҳаллий корхоналар томонидан облигацияларни хорижий молия бозорига чиқариш ва жойлаштириш эвазига, ташқи бозордан қарз мажбурияти орқали муайян вақтга ЭАВда маблағлар жалб этишга имконият беради. Ушбу облигацияларнинг сотилиши, уларда белгиланган фоизларнинг тўланиши ва уларнинг сўндирилиши, қайси ташқи мамлакатда бу молиявий воситалар жойлаштирилган бўлса, ўша мамлакат валютасида амалга оширилади.

Халқаро облигацияларга Америка облигацияларини (Янки бондлар), *Япония облигацияларини (Самурай бондлар)* ва Европа облигацияларини (Евро бондларни) киритиш мумкин. Охирги пайтларда Европа ҳамжамияти ягона валютага ўтиши ва бу билан кўпчилик тўсиқлар олиб ташланиши, Еврооблигацияларни янада ривожланишига олиб келди.

Ўзбекистон корхоналари учун Еврооблигацияларни чиқариш асосий ютуқлар бўлиб, ЭАВдаги сармояларни жалб қилишнинг эгилувчанлик ва маневрлилик хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу восита орқали маблағларни корхонанинг стратегик ривожланишига ёки техник қайта қурилишига ёхуд муайян бир инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга йўналтириш, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Бу борада шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, Еврооблигациялар чиқариш дастури талаблари ва шартлари маҳаллий корхоналар учун бошқа муқобил дастурларга нисбатан кам тарзда оғир бўлиб, фоиз ставкаси эса халқаро кредит йўналишлари, банк кредитлари ва бошқа ташқи қарзларга нисбатан пастроқдир.

Еврооблигацияларнинг миллий эмитент ва мамлакат учун ютуқлари ДТлари ютуқлари билан тенглашиши мумкин.

Хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга киритишнинг яна бир йўли бўлиб, Халқаро инвестиция фондлари ташкил этиш ҳисобланади. Одатда шундай инвестиция фондлари мамлакат ҳудудида ташкил этилиб, давлат томонидан қўллаб-қувватланишини тақозо этади.

Ушбу *инвестиция* фондлари очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида ташкил этилиб, унга хорижий инвестиция компаниялари, банклари ва халқаро молия ташкилотлари таъсисчи бўлиб киришлари мумкин.

Бундай инвестиция фондларини ташкил этишдан асосий мақсад, таъсисчилар томонидан берилган маблағлар ҳисобига маҳаллий корхоналарнинг чет эл инвесторларига мўлжалланган акциялар пакети улушини ЭАВга сотиб олишдир. Бу билан биргаликда, мазкур фонднинг институционал инвестор сифатидаги фаолиятига хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, ушбу корхоналарнинг рақобатбар-

дошлигини кучайтириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини экспортга йўналтириш эвазига молиявий баркамоллигини мустаҳкамлаш киради.

Халқаро инвестиция фонди акцияларини сотишдан тушган маблағ ички бозордаги акцияларни сотиб олишга йўналтирилиб, улардан олинган даромад эса, акциядорлар орасида дивиденд тариқасида мутаносиб равишда тақсимланади.

Мазкур фондни бошқариш ихтисослаштирилган бошқарувчи компания ёки бир неча компаниялар томонидан амалга оширилади. Ушбу бошқарувчи компаниялар фонднинг активлари ва пул маблағларини оқилона бошқаришади ва бунга масъул бўлишади.

1.6. Янги шароитда маркетингни ривожлантириш хусусиятлари

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши маълум қийинчиликлар билан боғлиқдир. Ушбу муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан маркетингдан қанчалик ижодий ва самарали фойдаланишга қаратилган. Чунки маркетинг бозорда муваффақиятли фаолият юритишнинг жаҳон тажрибаси мужассамлашган *хазина* ҳисобланади. Қуйида маркетинг концепцияси, стратегияси ва тактикаси, унинг амалиёти ва ривожлантирилиш истиқболлари илмий асосда талқин қилинади.

Бозор фаолиятининг фалсафаси, стратегияси ва тактикаси

Иқтисодий ислоҳотлар даврида Ўзбекистон корхоналарининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларни бошқариш, ходимларининг фикрлаши ва амалий фаолияти услубини узлуксиз тарзда такомиллаштириб боришга боғлиқдир.

Ўтиш даврида юзага келаётган энг долзарб муаммолар республикада ўз ечимини кутаётган масалаларнинг мураккаблиги ёки кенглиги туфайлигина эмас, балки субъектив омиллар сабабли ҳам келиб чиқмоқда. Булар қаторига аксарият бошқарув ходимларининг янги вазифаларни эскича усуллар билан ҳал қилишга интилишлари ҳам киради.

Бозор муносабатларига ўтиш туфайли корхоналар олдида юзага келаётган қийинчиликлар, асосан корхона ходимлари бозор қонунлари ва уни ўрганиш усуллари билан етарлича таниш эмаслиги сабабли пайдо бўлмоқда. Ноанъанавий тартибда фаолият юритиш ва ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига тўлиқ ўтиш шароитида корхоналар илгари маълум бўлмаган ҳодисаларга дуч келмоқдалар: улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотга талаб етарли эмас, корхона ходимлари эса уни қандай қилиб ички ва ташқи бозорларга чиқариш тартибини мукаммал билмайдилар.

Ўзининг фан сифатидаги деярли юз йиллик ривожланиш тарихи давомида маркетингга оид дастлабки „Товарлар маркетинги“ курси 1905 йилда Пенсильвания университетида таниқли олим В.Креузи томонидан ўқилгани, адабиётлардан маълум. Маркетинг ҳозирги вақтга келиб иқтисодиёт соҳасидаги билимларнинг мантиқий кетма-кетлик ва тизимли хусусиятларига эга бўлди. XX асрнинг охирларига келиб, иқтисодий фанларнинг бошқа муҳим йўналишларига қараганда, маркетингдан кўплаб монографиялар ва ўқув қўлланмалари нашр этила бошланди. Бу эса маркетингнинг беқиёс амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Маркетинг амалиётчи-иқтисодчиларнинг товарларни ишлаб чиқариш, силжитиш ва, пировард натижасида, истеъмолчиларга етказиш бўйича аниқ қуролига айланди. Бугунги кунда маркетинг соҳасида илғор илм-фан ютуқларини жорий этиш имкониятлари мавжуд. Эндиликда соҳа тадқиқотчи-иқтисодчилари учун маркетинг фаолиятини янги, замонавий даражага кўтариш имконлари тобора ошмоқда. Маркетингнинг келиб чиқиши ва ривожланиши мамлакатимизга ҳам хосдир.

Ўзбекистонда маркетингнинг пайдо бўлиш шароитлари, даставвал, мулкчилик муносабатларининг ўзгариши билан боғлиқдир. „Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида“ги қонун 1990 йилда қабул қилинган бўлиб, кўп мулкчиликка кенг йўл очиб берилди. Шундан кейин амалга оширилган хусусийлаштириш амалда давлат мулки монополиясининг парчаланишига ва мулкчилик ҳамда хўжалик юритишнинг хилма-хил шаклларининг юзага келишига сабаб бўлди. Раҳбарлар (менежер) биринчи бор хўжалик қарорларини *„юқоридан“* қилинадиган босимсиз, ўз мақсадлари ва манфаатлари асосида қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ресурсларни марказлашган ҳолда тақсимлаш ва олди-сотди муносабатларини тартиблаштиришнинг кўпгина бошқа, бозорга ёт бўлган усуллари узоқ ўтмишга айланди. Ҳозирги вақтда ҳаммага аёнки, бирорта соҳа мутахассисларини (шу жумладан, соғлиқни сақлаш ёки ветеринария соҳаси мутахассислари бўлсин) "Маркетинг" фанисиз тайёрлаб бўлмайди. „Маркетинг“ тушунчаси жуда замонавийлашиб кетди, уни турлича ва ҳар хил маънода талқин қилишга уринишлар қилинмоқда.

Қўйилаётган саволлар бир вақтнинг ўзида ҳам содда, иккинчи томонидан, кўп нарса ҳақида ўйлашни талаб қилмоқда. Фикримизча, бугунги кунда қуйидаги масалалар ўз ечимини кутмоқда:

- Бир нечта бир-бирига ўхшаш бўлган товарлар таркибидан энг сифатлисини қандай қилиб танлаш мумкин?
- Қандай рекламага ва қай даражада унга ишониш мумкин?
- Қандай нархлар даражасини тўғри (адолатли) деб ҳисоблаш мумкин?
- Воситачиларни четлаб ўтиш мумкинми-йўқми? Мумкин бўлса, қачон ва қандай қилиб?

Кўриниб турибдики, маркетинг жуда мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, бозор муносабатлари субъектларининг, яъни таъминотчилар, амалиётчилар, олимлар, ташкилотлар, ҳатто ҳукуматли идораларнинг бозор фалсафаси, фикрлаш стратегияси ва тактикасини ўзида мужассамлаштиради. Бошқа томондан, маркетинг ҳаракатчан, ўзининг қўлланилиши, фаолият кўрсатиш вақти, атрофдаги бозор муҳитининг параметрлари ва, албатта, мақсадли истеъмолчилар гуруҳларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Маркетинг кўрсатмалар тўплами, фаоллик кўникмаларининг дастури бўлмасдан, у комплекслик ва тизимлилик шартлари билан ажралиб туради. Маркетингнинг моҳияти шундан иборатки, у нафақат ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг муҳим омили, балки мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳамдир. Ушбу жараённинг асосий мақсади бўлиб харидорларнинг эҳтиёжи ва талабларини тўлиқ қондирилиши бўлиб қолмоқда. Шу ўринда маркетингни эҳтиёжларини аниқлаш, ушбу эҳтиёжларга мувофиқ маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш асосида корхонанинг тижорат мақсадларига эришишни *таъминловчи усул* деб ҳам қараш мумкин.

Маълумки, ҳар бир давлатда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам маркетингни ташкил қилишнинг ўзига хос шароитлари мавжуд. Бозор ривожланишининг турли даражалари, ижтимоий ва миллий анъаналар ва қарашлар, муҳим масалаларни ҳал қилишда турлича ёндашиш усуллар жумласига киради.

Маркетинг бозор фаолиятининг фалсафаси, стратегияси ва тактикаси сифатида ўзининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларига эга. У маълум тамойиллар, мақсадлар ва уларга эришиш воситаларини шакллантирди. Булар умумуслубий ёндашувда бозор шароитида фаолият кўрсатувчи ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект учун бир хилдир. Шунинг учун ўзига хос маркетингни яратиб, уни Ўзбекистон ёки Марказий Осиё маркетинги деб аташ мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Қайд қилиш керакки, бизнес фалсафаси деб тан олинган ва истеъмолчиларнинг, мақсадли бозорларнинг эҳтиёжларини аниқлашга йўналтирилган маркетинг алоҳида корхоналар, тижорат ҳамда нотижорат ташкилотларида, ҳудудий ва давлат даражасида кенг қўлланилади.

Маркетингнинг қўлланилиши: тажриба ва хусусиятлар

Ўзбекистон Республикасида бозор ўзгаришлари рўй бериши муносабати билан корхона ва ташкилотларни бошқариш бўйича маркетинг қуролларидан фойдаланиш учун тобора кенг шароитлар яратилмоқда.

Маркетинг у ёки бу фирма (корхона)нинг бозор фаолияти ёрдамида узлуксиз ривожланишини билдирадиган динамик тушунчадир. Бундан ташқари, у ишлаб чиқаришни бозор талабларига йўналтирилишини таъминлашга имкон берадиган тизим сифатида ҳам қаралади.

Маркетинг тамойилларига мувофиқ замонавий корхона хўжалик фаолиятининг барча томонларини бозор талаблари, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши ва амалга оширилишини тақозо қилади. Айтиш керакки, замонавий фирмаларнинг ишлаб чиқариш-сотиш фаолияти соҳасидаги катта югуқлари, даставвал ишлаб чиқариладиган товарларнинг хилма-хиллиги ва юқори сифатлилиги, уларнинг сотиш бозорларига узлуксиз кириб бориши – буларнинг ҳаммаси маркетинг туфайлидир.

Рақобатчилар билан кескин курашда фирмани бошқариш тизимининг фаолиятида асосий масала унинг стратегияси ва тактикасини бозорнинг ва истеъмол соҳасининг узлуксиз ўзгариб турувчи вазиятига иложи борича мослашиб боришидан иборат.

Маркетингнинг мазмуни қуйидаги асосий савдо-технологик, мантиқий, иқтисодий ва тижорат операцияларини ўз ичига олади:

1. Аниқ товар (маҳсулот)ни тегишли ўрам билан ишлаб чиқариш.

2. Товарларни тақсимот (сотиш) каналлари орқали бевосита харидорларга етказиб бериш (улгуржи савдо, чакана савдо орқали).

3. Товар ишлаб чиқарувчига етарли даромадни таъминлайдиган ва харидор учун қулай бўлган нархларни белгилаш.

4. Товар (маҳсулот)лар фирма ҳақида ижобий таъсурот қолдирувчи рекламани йўлга қўйиш.

5. Товарларни сотиш ва истеъмолчига хизмат кўрсатиш.

Маркетинг бозор фаолиятининг услубияти сифатида тадбиркорлик соҳасида кенг қўлланилмоқда. Бу ерда маркетинг қуйидаги соҳаларни қамраб олган:

- бозор жабҳалари (товар, пул-молия, меҳнат);
- товар турлари (моддий бойликлар ва хизматлар);
- истеъмолчиларнинг турлари (якуний истеъмолчилар, истеъмолчи корхоналар);
- тадбиркорлик соҳалари (саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, банк, суғурта, сотиш хизматлари, спорт, маданият, таълим ва ҳоказо);
- бозор соҳалари (ташқи ва ички).

Маркетинг тамойиллари ва услублари нотижорат фаолиятида ҳам кенг қўлланилмоқда (ғоялар маркетинги, жойлар маркетинги, шахслар маркетинги ва бошқалар).

Маркетингнинг ривожланиш даражаси кўп ҳолларда тадбиркорлик соҳасидаги, тажрибанинг етарли эмаслиги сабабли секин амалга ошмоқда.

Кўпгина корхоналарда маркетингга етарлича аҳамият берилмаяпти. Бу ҳақда корхоналарнинг ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлари гувоҳлик бермоқда. Мазкур фаолият маркетингга эмас, балки ишлаб чиқариш ва сотишни мустақил равишда ташкил этишга йўналтирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон корхоналарида маркетингнинг амалиёти ҳали яхши йўлга қўйилмаган. Лекин шуни ҳам эътироф этиш керакки, маркетинг — бу бозор билан алоқа қилишда мутлақо янги функцияни бажариш, деган ишонч пайдо бўлмаган. Бозор муносабатлари ривожланган сари маркетинг корхона фаолиятини бошқариш тизимига тобора кўпроқ кириб боради.

Ўзбекистон иқтисодиётида маркетингнинг ривожланиши маълум хусусиятларга эга. *Биринчидан,* бу ҳозирги мураккаб даврда бозор шаклланишининг қонуниятларига тегишлидир. Бозор ривожланишининг юқори босқичига тезкорлик билан ўтиш, албатта, истеъмолчилар талабини янги шароитда қондириш учун корхона салоҳиятидан самарали фойдаланиш чораларини топа билиш имкони билан белгиланади. *Иккинчидан,* маркетингдан фойдаланиш жараёнига истеъмолчининг хатти-ҳаракати (хулқи) муайян тарзда таъсир кўрсатади. Умумий ҳолда у ғарб намуналарига нисбатан ноанъанавийдир, шунинг учун истеъмолчилар хатти-ҳаракатларининг умумий хусусиятларини тавсифлайдиган қонуниятларни чуқурроқ ўрганиш зарурдир. *Учинчидан,* ўзаро муносабатларда анъанавий, муайян марказлашувга интилиш одати, маркетингнинг фойда олиш асоси сифатида муҳимлигини тушунмаслик — бевосита истеъмолчининг ўзи билан ишлашни иккинчи даражага тушириб қўяди. Бироқ, яқин келажакда корхонани бошқаришда фикрлаш тарзи ва бозорда фаолият юритиш тарзини маркетингнинг классик ҳолатлари республикамиз корхоналари учун ўта долзарб, ва зарурият бўлиб қолади. Аниқ маркетинг усулларига келганда, бу ерда *„барча чет эллик нарсаларни қабул қилиш"* дан маркетингнинг *„ўзбекона нарсаларни англаб олиш"*га ўтиш керак.

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг маркетинг фаолияти тажрибаси қуйидаги ҳолатларни ифодалашга имкон беради:

• маркетинг фаолиятига ўтиш автоматик тарзда рўй бериши мумкин эмас — кўпчилик корхоналар катта тайёргарликларга муҳтож;

• маркетинг услублари асосида фаолият юритишнинг ягона универсал йўналиши мавжуд эмас. Маркетинг йўналиши ва моҳияти корхонанинг фаолияти хусусиятларига, унинг ички имкониятлари ва у фаолият кўрсатаётган ташқи шароитларга бевосита боғлиқдир;

• товарнинг бозор муваффақиятини таъминлаши фақатгина уни сотиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар, одатда, чегараланган натижаларга олиб келади. Шунинг учун истиқболли товарларни яратиш бўйича ғояларни тўплашдан тортиб, бозор

имкониятларини йўқотган товарларни ўз вақтида ишлаб чиқаришдан олишгача корхонанинг бутун фаолияти маркетингга асосланган бўлиши керак;

• маркетинг юқори малакали ходимларни талаб қилади. Тор фикрлайдиган ижрочи ўрнига ижодий ёндашадиган, қўйилган вазифаларни ечишнинг энг самарали йўлларини топа оладиган тадбиркорлар керак;

• маркетинг товар ишлаб чиқарувчиларга бозорга мўлжалланган хатти-ҳаракатларнинг аниқ истиқболини белгилайди.

Маркетинг концепциялари ва уларнинг эволюцияси

Маркетингнинг моҳияти вақт ўтиши билан товар ва нарх сиёсатининг қуролли, тақсимлаш, силжитиш ва сотиш сиёсати қуролларининг мажмуаси сифатида тобора кўпроқ тушунилиб бориляпти. „Маркетинг аралашмаси" деб эътироф қилинган махсус *„маркетинг-микс"* атамаси амалиётга кириб келяпти. Умумий маркетинг концепциясида (кейинчалик маркетинг-микс концепцияси) асосий эътибор истеъмолчилар эҳтиёжларига ва уларнинг тўлиқ қондирилишига қаратилади. Энди якуний натижага эришиш, яъни фойда олиш, товар ва бошқа бир қатор омиллар ва маркетинг ҳаракатлари воситасида (маркетинг-микс) истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга узвий боғланиб қолмоқда.

Маркетинг ривожланишининг энг юқори босқичи тахминан XX-асрнинг 80-йиллари ўрталарига тўғри келади ва ҳозирги вақтда ҳам давом этмоқда. Бу ерда стратегик, ижтимоий йўналтирилган, индивидуал маркетинг, муносабатлар маркетинги катта ижтимоий гуруҳлар маркетинги; *мезо* ва *мегамаркетинглар* концепциялари ҳукмронлик қила бошлайди. Истеъмолчилар дунёнинг ягона маркази бўлмай қолади ва учта омилнинг мувозанати вужудга келади: фирманинг фойдаси, харидорларнинг эҳтиёжлари ва жамият манфаатлари.

Стратегик маркетинг концепциясининг мазмунини истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш ва, бир вақтнинг ўзида, яхшироқ истеъмол хусусиятларига эга бўлган товарни яратиш ёки пастроқ нарх қўйиш орқали рақобатчиларга нисбатан устунликка эришишни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда ҳал этилаётган йирик иқтисодий ва бошқа муаммолар жамият эҳтиёжларини ва иқтисодий ресурсларга йўналтиришганликни кучайтириб, маркетингнинг истеъмолчилик концепциясини анча ўзгартириб юборди.

Ижтимоий-ахлоқий маркетинг концепцияси ҳам шаклланиб бормоқда. У нафақат битта шахснинг, балки бутун жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Корхона фойдаси, харидор эҳти-

ёжлари ва жамият манфаатларининг ўзига хос мувофиқлашуви ва ўзаро боғланиши содир бўлмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий маркетинг билан боғлиқ бўлган ва давлат сиёсатининг муаммоларига йўналтирилган мегамаркетинг пайдо бўлди.

Ахборотлаштириш кучайган шароитда корхонанинг харидор билан бевосита муносабатда бўлиш имкониятлари ошмоқда. Оммавий маркетингдан алоҳидалашган маркетингга ўтиш содир бўлмоқда. Шундай йўналишлардан бири – муносабатлар маркетингидир. Максимаркетинг шароитида замонавий телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш туфайли, истеъмолчилар билан индивидуал муносабатларни мустаҳкамлаш имкониятлари яратилади. Бу ерда, узлуксиз равишда *интерактив коммуникациялар* ёрдамида олинган индивидуал истеъмолчи ҳақидаги билимларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёни амалга ошади. Бу билимлар узлуксиз ва узоқ муддатли, ўзаро манфаатли алоқаларни таъминлаш мақсадида маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ва силжитишга ёрдам беради. Бундай муносабатлар асосида харидор учун алоқаларнинг самарадорлиги ишлаб чиқарувчи учун фойда келтиради. Эътироф этиш керакки, индивидуал маркетинг меҳмонхона фаолиятида, банк ишида тобора кўпроқ ривожланмоқда, аниқроғи, ҳар қандай алоҳидалашган товар бозорларида қўлланилиши мумкин.

Замонавий маркетинг концепциясини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Замонавий маркетинг концепцияси

Бошланғич нуқтаси	Воситалар	Бозордаги фаолиятнинг мақсадлари
Харидорларнинг, мақсадли гуруҳларнинг эҳтиёжлари, афзал кўрган нарсалари	Маркетинг соҳасидаги тадқиқотлар (маркетинг-микс)	Харидорлар эҳтиёжларини барқарор қондириш эвазига фойда олиш

Кейинги пайтларда маркетинг ёрдамида ечиладиган масалаларнинг мураккаблашуви туфайли **глобал маркетинг** тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Бу айниқса, *трансмиллий компаниялар* учун хосдир. Улар томонидан бозор алоҳида *сегментлар* каби эмас, балки кўпроқ эҳтиёжларнинг *гомогенизацияси* жараёни ва истеъмолчиларнинг машҳур, танилган товар маркаларини олишга жўда иштиёқмандлигига кўра ягона бозор сифатида қаралади. Шуни таъкидлаш жоизки, глобал маркетинг асосида инновацион товарлар эҳтиёжларини қонди-

ришнинг стандартлашган ва истеъмолчиларнинг кенг сегментлари учун қулай ва арзон бўлган усулига айлантириш ғояси ётади.

Бозорнинг глобаллашуви мамлакатлар ва айрим ҳудудларнинг ўз чегараларидан ташқарида фаолият кўрсатишга интилишига олиб келади. Бу ҳақда савдонинг либераллашуви, инвестицион тўсиқларнинг олиб ташланиши, эркин тадбиркорликнинг пайдо бўлиши ва бошқа омиллар далолат беради. Йирик корхоналар доирасида эса глобаллашув ички бозор чегараларидан чиқиш ва жаҳон бозорини ўзлаштиришга умумий ёндашувнинг шаклланишини ифодалайди. Буларнинг барчаси шундай хулоса қилишга олиб келадики, замонавий маркетингнинг йўналишлари ва истиқболлари корхона даражасида муваффақиятли амалга ошириш, уни бошқариш концепцияси сифатида қабул қилиш, корпоратив маданиятни такомиллаштириш бўйича функциялараро гуруҳларнинг яратилишини тақозо қилади. Фикримизча, маркетинг келажаги айнан ана шу концепция билан боғлиқдир. Айрим соҳаларда у аллақачон устунлик қилмоқда. Мисол учун дорилар, ўйинчоқлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, спорт жиҳозлари, компьютерлар ва бошқаларни ишлаб чиқариш соҳаларида. Эндиликда истеъмолчилар бозорда уюшган куч тарзида намоён бўладилар. Бу эса товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятида маълум қийинчиликларга олиб келади. Консьюмеризм — истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши йўлидаги ҳаракати, иқтисодий эволюциянинг маҳсули тарзида, ишлаб чиқарувчилар иқтисодиётидан истеъмолчилар иқтисодиётига, сотувчилар бозоридан харидорлар бозорига ўтиш сифатида қаралади. Консьюмеризм маркетинг концепциясининг амалиётда тадбиқ этилишини таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурсларнинг чекланганлиги туфайли энвиронменталистик ҳаракат ривожланиб бормоқда. Шу боис экологик муаммоларга эътибор кучаймоқда. Экология эндиликда фирма ташқи муҳитининг омили сифатида қаралмоқда. Натижада „Яшил маркетинг“ ҳаракати ривожланмоқда, бу эса экологик жиҳатдан тоза бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ёрдам беради.

1.7. Миллий ҳисоблар тизимида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ифодаланиши

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, чет эл мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар тез суръатлар билан ривожланди. Халқаро алоқалар макроиқтисодий кўрсаткичларни таққосланиш заруриятини туғдирди. Собиқ Иттифоқ даврида халқ хўжалиги балансларда (ХХБ) ифодаланар эди. Маъмурий буйруқбозлик тизимида ХХБ лари фақат моддий ишлаб чиқариш соҳа тармоқларида яратилган маҳсулотларни ўз ичига

олар эди. Халқ хўжалиги тармоқларининг асосини давлат корхоналари ташкил этган, нима ишлаб чиқариш ва кимга сотиш олдиндан режа, буйруқ билан кафолатланган иқтисодиётда ХХБлар хизмат қилар эди. Лекин бозор муносабатларига ўтиш жараёнида турли хил мулкка асосланган иқтисодиётнинг шаклланиши ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантириш лозимлиги ҳисоб ва статистика ишларини халқаро амалиётда қўлланилаётган ҳисоблар тизимига ўтиши заруриятини тақозо этди.

Ўзбекистонда 1994 йилда халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтишнинг Давлат дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

• давлат статистика ва ҳисобнинг услубий асосларини қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига мослаштириш;

• халқ хўжалиги баланслари билан МҲТ кўрсаткичларини таққослаш даражасига келтириб, Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоблар тизимини яратиш;

• миллий макроиқтисодий кўрсаткичларни халқаро амалиётда қўлланилаётган меъёрларга мувофиқлаштириш, миллий иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича МҲТ счётларини ишлаб чиқариш;

• бошланғич ҳисоб шаклларини, бухгалтерия, молиявий ва банк тизими ҳисобларини халқаро талабларга мослаштириш;

• аҳоли ва меҳнат, нарх ва ташқи савдо статистикасини халқаро қоидаларга мослаштириш;

• халқаро андазаларга мос келадиган ягона таснифлашлар ва кодлаштириш тизимини яратиш;

• мулкнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар ягона давлат реестрини ташкил этиш;

• халқаро статистика органларига бериладиган маълумотлар таркиби, даври ва берилиш тартибини аниқлаш ва бошқа вазифалардан

У эндиликда халқ хўжалиги макроиқтисодий кўрсаткичлари халқаро андазаларга мос келадиган миллий ҳисоблар тизимига (МҲТ) аста-секинлик билан ўтказила бошланди.

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) бозор иқтисодиёти шароитида макродаражадаги кўрсаткичлар тизими бўлиб, мамлакат иқтисодиётини мувофиқлаштиришда ҳамда халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда фойдаланилади.

„Миллий ҳисоблар" атамасини дастлаб голландиялик статист олим **Эдвард Ван Клифф** 1941 йилда ўз илмий мақоласида қўллаган. Унинг пайдо бўлишига бозор иқтисодиёти қонуниятларини ўрганиш, давлат бошқаруви учун зарур бўладиган маълумотларни тўплаш эҳтиёжи сабаб бўлди. 50- йилларда БМТнинг Статистика бюроси топшириғига асосан бир гуруҳ эксперт-статистлар миллий ҳисоблар

тизимини қўллаш бўйича услубият яратдилар. Натижада Англия ва АҚШдан ташқари, бир қанча Европа мамлакатлари МҲТни қўллай бошладилар. БМТнинг Статистика бюроси миллий ҳисоблар тизимини назарий ва услубий жиҳатдан такомиллаштирдилар ва, ниҳоят, 1968 йилда МҲТнинг стандартлари қабул қилинди.

1993 йил февраль ойида Нью-Йоркдаги Статистика комиссиясининг навбатдаги сессиясида МҲТнинг янги стандарти қабул қилинди. Ушбу стандарт асосида „Ўзбекистон Республикаси ҳисоб ва статистикасини халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистикага ўтказиш" тўғрисидаги Давлат дастури ишлаб чиқилди ва аста-секинлик билан дастур вазифалари амалга оширилмокда.

МҲТ янги стандартида иқтисодиёт секторлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- номолиявий корхоналар;
- молиявий муассасалар;
- уй хўжалиги;
- уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар.

Номолиявий корхоналар гуруҳи турли мулкка (давлат, жамоа, акционер, хусусий ва шу кабиларга) асосланган корхоналарни ўз ичига олади.

Молиявий ташкилотлар гуруҳига марказий ва бошқа тижорат банклари, кредит ҳамда суғурта муассасалари киради.

„Уй хўжалиги" гуруҳи мустақил юридик мақомга эга бўлмаган ишлаб чиқарувчиларни, яъни ишчи ва хизматчиларнинг шахсий, шахсий ёрдамчи хўжаликлари, турли ҳунарманд косибларни ўз ичига олади.

Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар гуруҳига фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, дам олиш уйлари, санаторийлар ҳамда жамоа ташкилотлари киради.

МҲТ икки томондан иборат баланс кўринишидаги жадваллардан тузилган. Бир томонда, иқтисодий кўрсаткичларнинг кирими кўрсатилса, иккинчи томонида эса, уларнинг истеъмоли — ишлатилиши кўрсатилади. Томонлар жами суммалари тенг бўлиб, баланс кўринишини олади.

Миллий ҳисоблар — бу халқ хўжалигида миллий даромад ва пировард маҳсулотларини яратиш, тақсимлаш, айирбошлаш ҳамда фойдаланиш жараёнларини ифодаловчи жамлама — иқтисодий- статистик кўрсаткичлар тизимидир.

Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий такрор ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари икки ёқлама операциялар тўплами сифатида талқин этилади ҳамда бу операциялар томонларининг ҳисобларида қиймат кўринишида даромад — кирим ёки харажат — чиқим сифатида кўрсатилади.

МҲТда барча операциялар 3 турга ажратилади:

- товар ва хизмат операциялари;
- айирбошлаш операциялари;
- молиявий операциялар.

Товар ва хизмат операцияларига: ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, бозор ва нобозор хизматлар, асосий капитал ва моддий айланма маблағлар ўзгариши, товар ва хизматлар экспорти киради.

Айирбошлаш операцияларига: ходимларнинг меҳнат ҳақи, солиқлар, олинган даромадлар, суғурта ва субсидия тўловларини ўз ичига олиб, секторлар ўртасидаги даромадларни ўзаро айирбошлаш операцияларини билдиради.

Молиявий операцияларга эса мавжуд пул маблағлар, қимматбаҳо қоғозлар, кредит ва заёмлар бўйича бўлган молиявий активлар ва пассивлар, ҳамда фондларнинг ўзгаришини ўз ичига олади.

МҲТнинг асосий кўрсаткичларидан бири ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дир. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) мамлакат миқёсида маълум давр мобайнида (кўпинча, бир йилда) пировард ишлаб чиқарилган товарлар (маҳсулотлар) ва хизматлар бозор қийматларининг йиғиндисидир. Бунда ЯИМга ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган оралиқ маҳсулот ва хизматлар қиймати кирмайди. Шунинг учун ҳам ЯИМ такрорий ҳисоблардан холидир. ЯИМ мамлакат иқтисодиётининг ҳолати ва ривожланишини макродаражада ифодалайди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (товарлар) ва хизматлар истеъмолчилар томонидан сотиб олинади, яъни истеъмолчилар уларни сотиб олиш учун харажат қилади. Демак, ЯИМни мамлакат миқёсида истеъмол учун қилинган харажатлар орқали аниқлаш мумкин.

Халқ хўжалиги тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи барча ходимлар меҳнат ҳақи оладилар (қўшимчалари, мукофотлари билан), ерни ижарага берганлар — рента олади, маблағларини қарзга берганлар, омонатга қўйганлар — фоиз олади; тадбиркорлар фаолиятидан фойда оладилар. Демак, ЯИМни мамлакат миқёсида олинган даромадлар тарзида ҳам ҳисоблаш мумкин.

МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистон ЯИМ даражасининг пасайиш суръати энг паст бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. 1990 йилдан буён иқтисодиётнинг пасайиш суръати энг паст бўлган, 1995 йилда ЯИМ 20% паст бўлган. Лекин Ўзбекистон кейинги йилларда ЯИМ бўйича ўсиш суъатларига эришди ва 2003 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган ЯИМ 103,8 фоизни ташкил этди[1].

---

[1] Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг 2003 йил биринчи ярмидаги якунлари ва ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари. Халқ сўзи, 2003 йил, 19 июл.

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажми жорий нархларда 1995 йилда 302787,3 млн. сўмни, 2000 йилда эса 3194504,2 сўмни ташкил этган. Унинг харажатлар усули билан ҳисобланган таркиби қуйидагича (3-жадвал):

3-жадвал

ЯИМнинг 1995—2000 йилларда харажатлар усили билан ҳисобланиши

Харажатлар турлари	1995 йил	2000 йил
1. Уй хўжаликлари истеъмоли	50,6	63,7
2. Давлат ва нотижорат ташкилотларининг харажатлари	22,2	19,7
3. Капитал сармоялар	24,3	15,8
4. Соф экспорт	2,9	0,8
ЖАМИ	100,0	100,0

Маълумотлардан кўриниб турибдики, ЯИМнинг асосий қисми уй хўжаликлари истеъмоли учун сарф қилинмоқда. Уй хўжаликлари истеъмолига барча савдо шохобчалари орқали уй хўжалигида фойдаланиш ва истеъмол учун сотиб олинган товарлар қиймати, кўрсатилган хизматлар (сув, газ электроэнергия ва шу кабилар) ҳақи ҳамда уй хўжалиги ходимлари ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати киради. ЯИМ таркибида уй хўжалиги истеъмолининг ҳиссаси 1995 йилдаги 50,6 % дан 2000 йилда 63,7 % гача кўтарилган. Бу ҳукуматимизнинг — бозор муносабатларига ўтиши шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш учун кўрсатаётган ғамхўрлигининг натижасини билдиради.

1.8. Ўзбекистонда матлубот кооперациясини такомиллаштириш масалалари

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида матлубот кооперацияси муҳим ўрин тутади.

Матлубот кооперациясини ташкилий тузулишини тубдан такомиллаштириш, бошқарув усулларини ўзгартириш, демократик ва хўжалик бошқарув шаклларини уйғунлаштириш Ўзбекистонда ўтказилаётган ташкилий иқтисодий ислоҳотларнинг йўналишларидан биридир.

Матлубот кооперацияси тарихан ижтимоий-оммавий ва хўжалик юритувчи бирлашма сифатида айнан бозор муносабатлари шаклланаётган даврида вужудга келган бўлиб, у бозор иқтисодиётининг салбий жиҳатларидан ўз аъзоларини социал-иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрий равишда

тузулган, жамоа мулкига асосланган, демократик тамоиллари асосида хўжалик юритувчи бозор иқтисодига асосланган тизимнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда матлубот кооперациясини ривожлантириш, такомиллаштирилишини таъминлаш давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланиши керак. Республикамизда бозор иқтисоди муносабатлари шакллантирилиб борилаётган бир даврда матлубот кооперацияси фаолиятини, унинг хўжалик механизмини ислоҳотлар ўтказиш йўли билан бозор муносабатларига мослаштириш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Матлубот кооперацияси бозор иқтисоди субъектлари ичида ўзига хос хусусиятларга эгадир. Улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, уни вужудга келишининг объектив асоси бўлиб, бозор иқтисоди муносабатларини шаклланиши ҳисобланади. Матлубот кооперацияси жамиятда бозор иқтисодининг салбий томонларидан ҳимоя истаган кишилар томонидан яратилиб, мана 170 йилдан ортиқ давр ичида бутун ер юзидаги давлатларда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Иккинчидан, матлубот кооперацияси ҳозирги кунда бутун собиқ Иттифоқ республикаларида бозор субъектлари ичида энг катта нодавлат хўжалик юритувчи таркиблардан, яъни бозор иқтисодининг субъектларидан биридир.

Учинчидан, матлубот кооперациясининг хусусиятлари унинг табиати-дан келиб чиқиб, кишилар ўзларининг иқтисодий, социал ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида (бошқа бозор субъектларининг, акционерлик жамиятларининг, корпорацияларнинг асосий мақсади фойда олишдир) шахсий мулкларини коллективлаштириш асосида ихтиёрий тузилган мустақил бирлашмадир. Лекин шуни эътироф этиш керакки, матлубот кооперациясининг иқтисодий негизида унинг аъзоларининг шахсий мулклари турса-да, унинг капитали оширилишини хўжалик фаолиятидан оладиган маблағи таъминлайди. Шу билан бир қаторда, у бошқа бозор субъектларидан ўз фойдасини тақсимланиши билан ҳам фарқ қилади.

Тўртинчидан, матлубот кооперацияси ташкилотларининг барчасида фаолият юритиш демократик тамоиллар асосида олиб борилади. Ушбу тамоил Халқаро кооператив альянснинг 1966 йилдаги XXIII конгрессида қабул қилинган.

Ва ниҳоят, матлубот кооперацияси кўп тармоқли хўжалик бирлашмадир. Матлубот кооперацияси ишлаб чиқариш, савдо, оммавий овқатланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, транспорт, қурилиш, ўз ташкилотларини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш билан шуғулланиши билан бир

қаторда, ўзининг социал муассасаларига ҳам эга бўлган бозор иқтисодининг муҳим субъектидир.

Ўзбекистон матлубот кооперациясининг кейинги йиллардаги ҳолати қуйидаги маълумотларда ўз аксини топади. У 760 акционер жамиятларидан иборат бўлиб, республика товарооборотининг 9,5% ини берган. Чакана савдо шохобчаларининг сони 12207 та, шу жумладан, 10841 магазин мавжуд. Оммавий овқатланиш шохобчалари 5390 та бўлиб, уларда 299645 ўтириш жойларига эга. Уларнинг товарообороти 714,8 млн. сўмни ташкил қилиб, умумий товарооборотдаги ҳиссаси 4,4%ни ташкил қилган. 2182 та ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан 1446 нон заводлари ва новвойхоналар, 246 ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, 490 озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи, корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар йилига уртача 3870,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.

Матлубот кооперацияси ўзининг 8663 дона автомобиль транспортига эга, 182 та бўрдоқичилик хўжалиги мавжуд бўлиб, уларда 15000 мол, 25556 қўй ва эчки, 3767 чўчқа, 21,1 минг паррандалар боқилмоқда. Матлубот кооперациясида 105172 ишчи, шу жумладан, савдода 51513 киши, оммавий овқатланишда 11566 киши, ишлаб чиқаришда — 16155 киши хизмат қилади. Матлубот кооперацияси ўз тизими учун профессионал кадрлар тайёрлаш масаласини битта институти, тўртта коллежи ва учта техникумлари орқали таъминлаб келган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, матлубот кооперацияси жамиятимизни кўп тармоқли субъекти бўлиб, қишлоқ аҳолисини ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта ўрин эгаллаб турибди. Республикамизда бозор иқтисодига ўтиш даврида ўтказилаётган ислоҳотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш масалалари ечилишида матлубот кооперациясига нисбатан, унинг хусусиятлари тўлиқ эътиборга олинмасдан асосиз қарорлар қабул қилинди. Собиқ Иттифоқ даврида матлубот кооперациясининг кўп тамоиллари бузилиб, у давлатлаштирилган бирлашмага айланиб қолган эди. Бозор иқтисоди муносабатлари шаклланиши шароитида матлубот кооперацияси, авваламбор, давлат тасарруфидан чиқарилиши керак эди. Лекин монопол тизилмани йўқотамиз деган шиор остида матлубот кооперацияси тармоқлари ўринсиз хусусийлаштирилиб юборилди.

Матлубот кооперациясидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, сотиш ва қайта ишлаш тармоқлари, деҳқон (колхоз) бозорлари ажратиб олинди. Бу жараён бир томондан, матлубот кооперацияси билан қишлоқ аҳолиси ўртасидаги алоқанинг узилишига, иккинчи томондан эса, шаҳар билан қишлоқ алоқасининг узилишига, унинг **„ягона органик“** хўжалик тизимининг бузилиши олиб келди. Деҳқон хўжаликларининг ортиқча маҳсулотларини харид қилиш масаласи оғирлашди, истеъмол товарлари билан савдонинг

ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ўртасидаги кўп қиррали алоқалар ҳам узилди. Натижада деҳқон хўжаликлари учун кам миқдордаги ортиқча сабзавот ва меваларни шаҳарга етказиш мақсадида маълум қийинчиликлар туғилди, деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари чексиз равишда ортиб борди.

Ҳозирги вақтда матлубот кооперацияси олдида кўп мулкчилик тизимида у қандай ўринни ҳақли эгаллаши керак деган савол турибди?

Ушбу саволга аниқ жавоб бериш учун, бизнинг фикримизча, олдин матлубот кооперациясига нисбатан давлатдан ажратиш, хусусийлаштириш нимани ифодаланишини аниқлаб олиш зарурдир Маълумки мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, монопол эгаликни бартараф қилиш заруриятини туғдиради. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш дегани давлатдан хўжалик юритишга тўғридан-тўғри бошқариш функциясини олиш, бу функцияни корхоналарга бериш, вертикал алоқани горизонтал алоқа билан алмаштиришдир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш мулк эгасини ўзгартирмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хусусийлаштириш деганда мулк эгасининг ўзгаришини, давлат мулкини ҳар хил шаклларга айлантириш, унинг сотилиши тушунилади.

Матлубот кооперацияси учун давлат тасарруфидан чиқариш деганда унинг давлат томонидан бошқарилиши ва фаолиятини режалаштиришдан озод қилиш, унга мустақиллик ва эркин фаолият юритишини, уни қонунлар ва ўз уставида белгиланган ҳуқуқларини тиклаш демакдир.

Матлубот кооперациясида хусусийлаштириш, бизнинг фикримизча бутунлай кооператив мулк шаклини йўққа чиқаришни англатади. Бу эса кўп мулкчилик йўналишига тўғри келмайди ва улар ўртасидаги рақобатни сусайтиради. Шу сабабли давлат мулкидаги ва бошқа соҳалардаги шохобчаларни хусусийлаштириш тамоилларини матлубот кооперациясида тўлалигича қўллаш унинг мақсадига зиддир. Лекин, бу деганимиз, матлубот кооперациясини айрим шохобчаларини якка хўжалик ёки оилавий, алоҳида жамоа мулкига айлантириш мумкин эмаслигини билдирмайди. Бундай тадбирлар аҳоли таъминотига салбий таъсир этмасагина ўтказилиши мумкин.

Матлубот кооперацияси мулкини пай аъзолари ва ишчи жамоаларига яқинлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, матлубот кооперацияси ижара муомаласига, **ҳар хил хўжалик ассоциациялари, концернлар, концерциумлар, акционерлик жамиятлари ва бошқа субъектлар** тузилиши учун очиқ бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Матлубот кооперациясида бошқариш тизимини такомиллаштириш, мулк шаклини ўзгартириш масалаларини (асоссиз) ҳал қилиш

мақсадида матлубот кооперациясида ёппасига акционерлаштириш ўтказилиши умуман кооператив мулк тамоилларига зид бўлди ва матлубот кооперациясининг моҳиятини ҳамда табиатини бузиб юборди.

Биз матлубот кооперациясининг қишлоқ ҳудудида монопол хўжалик фаолиятини олиб бориши тарафдори эмасмиз, лекин масалани ҳал қилишнинг бошқа усуллари қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деган фикрдамиз. Масалан, қишлоқларда хусусий савдо, оммавий овқатланиш корхоналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш пунктлари ва ҳоказоларнинг яратилишига иқтисодий, ташкилий шарт-шароитлар яратиш (матлубот кооперацияси мулки ҳисобидан эмас) ва шу асосида кўп мулкчилик ва рақобатга аста-секинлик билан босқичма-босқич асос яратиш лозим.

Ўзбекистон матлубот кооперациясининг ривожланиши ва такомиллаштиришга давлат бошқарув органлари ўз вақтида эътибор берди. Бунга мисол тариқасида Республикамиз Президентининг 1997 йил, 6 январдаги „Ўзбекистон Республикаси матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида“ ги фармойишини келтириш мумкин. Ушбу масалага қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда махсус қарорини қабул қилинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон матлубот кооперацияси қайта уйғониш арафасида турибди. Матлубот кооперациясини қайта уйғониши ушбу тизимнинг хўжалик механизмини такомиллаштириш ва ташкилий-иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 февралдаги 98- рақамли „Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш ва сотиш тизимини ривожлантириш тўғрисида“ ги қарорига асосан республиканинг қишлоқларида бозор инфратузилмасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишнинг улгуржи тизимини шакллантириш, шунингдек, шахсий томорқалар эгаларини, фермер (деҳқон) хўжаликларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи бошқа хўжаликларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида олдин матлубот кооперациясидан ажратилиб тузилган, „Тайёрловсавдо“ тизими бутун ҳудудий савдо-харид уюшмалари билан „Ўзбекбирлашув“ таркибига киритилди ва унга „Ўзулгуржи мева-сабзавот“ республика акционерлик компанияси“ номи берилди. Бу ташкилий ўзгаришлар биз юқорида кўрсатиб ўтган айрим камчиликларни бартараф қилишга имкон берди. Ташкилий муаммолардан ҳал қилинмай тургани — бу деҳқон бозорлари қишлоқ хўжалигидан ажралган ҳолда фаолият олиб боришидир. Бизнинг фикримизча, деҳқон бозорлари „Ўзулгуржимевасабзавот“ республика акционерлик компанияси тизимига киритилса, республикада

мева-сабзавот маҳсулотлари бозори самарали фаолият кўрсатган бўлар эди.

Матлубот кооперациясини ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг табиий, бутун жаҳон кооператорлари ўз фаолиятларида қўллаб **келаётган тамойилларини тиклашдан** бошланиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада асосий масала кооператив жамиятларининг демократик ташкилотчилиги ва улардаги мулкларнинг даҳлсизлигини таъминлашдир. Матлубот жамиятлари ва уларнинг барча тармоқлари ўз пайчиларини тиклаши, уларнинг кооператив мулкдаги улушини аниқлаш, пай капиталларига фойдадан ажратмалар миқдорини қатгий чегараланган ҳолда белгилаб қўйишлари лозим. Бу ҳол „Кооператив альянс тамоиллари"да ҳам кўрсатиб ўтилган.

Бозор иқтисоди шароитида матлубот кооперацияси тизими ичида тадбиркорликни жорий қилиш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Матлубот кооперациясини кўп тармоқли хўжалик эканлигидан келиб чиқиб, тадбиркорлик тамоиллари, шакли ва турлари (айниқса, кичик кооператив тадбиркорлик, майда кооператив бизнес), унинг барча тармоқларига жорий этилиши зарур. Масалан, тижорат тадбиркорлиги, ишлаб чиқариш тадбиркорлиги, хизмат тадбиркорлиги (бу соҳани янгидан ташкил қилиш матлубот кооперациясининг муҳим вазифаларидандир) ва бошқа соҳаларида.

Матлубот кооперациясини ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри воситачисиз алоқаларини узоқ муддатли контрактлар асосида тиклаш, шу билан товарларни силжиш бўғинларини кескин камайтиришга интилиш устувор вазифа деб ҳисобланиши зарур. Чунки бу жараён истеъмол товарларига баҳоларнинг пасайиш, матлубот кооперациясини молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, истеъмол товарларнинг сифатини яхшилаш ва уларни айланиш тезлигини ошириш каби иқтисодий самаралар беради. Бу борада, айтиш жоизки, матлубот кооперациясини кенг тармоқли улгуржи базалари ишларини қайтадан тиклаш,уларнинг фаолиятида маркетинг хизматларини жорий этиш, улгуржи-чакана савдо-кооператив тадбиркорлик бирлашмаларини тузиш ўз самарасини бера эди деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунда матлубот кооперациясида 88 улгуржи савдо базалари, 1131 умумтовар омборлари мавжуд. Улардан 260 таси қишлоқ акциядорлик матлубот жамиятларида, 376 туман акциадорлик жамиятларидадир.

Лекин улар товарларни истеъмолчиларга етказишда ўз вазифаларини айрим (ўтиш даврига мансуб) сабабларга кўра тўлиқ бажармаяптилар. Улгуржи базалар фаолиятини тиклаш катта самара беради.

Кооператив альянс тамоилларидан бирида *„Барча кооперативлар ўз аъзоларини, раҳбарларини, ходимларини ва, умуман, аҳолини иқтисодий ҳамда демократик тамоилар ва кооперацияни бошқариш усуллари тўғрисидаги билим билан таъминлашнинг чора-тадбирларини*

кўриши зарур" деб белгилаб қўйган. Ўзбекистон матлубот кооперацияси тизимида ўтказиладиган ислоҳотларни юқорида айтиб ўтганимиздек, халқаро кооперация тамоилларидан келиб чиқишни эътиборга олган ҳолда бу тизим учун бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласи устувор вазифалар жумласига киради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондира оладиган, ҳар қандай рақобатга бардош берадиган юқори касбий малака эгалари бўлган мутахассислар тайёрлаш ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Президентимиз И.А.Каримов ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисларидаги маърузаларида замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш ислоҳотларнинг муҳим ва устувор йўналиши эканлигини доимий равишда таъкидлаб ўтмоқдалар.

Бу муаммони ҳал қилиш учун лозим бўлган масалаларга тўхталиб, Президентимиз бутун таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни янада такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тўлиқ бошқарилишини эришиш бўйича барча шарт-шароитларни барпо қилиш вазифасини ўз маърузаларини эътироф этиб келмоқда.

Юқорида вазифалар матлубот кооперацияси тизими учун ҳам тааллуқлидир. Матлубот кооперацияси тизимида бир қанча ривожланган ва кенг тармоқли кадрлар салоҳиятини тайёрлаш муассасалари шаклланган, лекин кўп йиллар жамиятда ҳукм сурган маъмурий-бошқарув тизими матлубот кооперациясини давлат институтига айлантириб, ҳақиқий кооперациянинг демократик тамоилларини бузиб, кадрлар тайёрлаш сиёсатини деформация қилиб, мустақил фикр юритадиган тадбиркорлик хусусиятларига эга бўлган, мустақил фикр юритадиган, бозор иқтисоди шароитига мослашган кадрлар тайёрлашига шароит бермаган. Шу сабабли ҳозирги кунда матлубот кооперациясида кооператив касбий таълим тизимини тубдан қайта қуриш, уни бозор иқтисоди шароитига мослаштириш давр талабидир.

Ушбу масала борасидаги айрим фикрларимизни баён қилмоқчимиз. Матлубот кооперацияси тизимига қандай мутахассислар керак, уларни қаерда, кимлар тайёрлаши зарур, қанча кадр тайёрлаш керак каби саволлар ҳозирги кунда матлубот кооперацияси олдида ўз ечимини кутиб турган муаммолардан биридир. Бу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини аниқлаш учун авваламбор, жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда кооператив касбий таълим тизимини такомиллаштиришнинг концептуал дастурини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисобланамиз. Бундай дастур яқин 10 йилга мўлжалланган бўлиб, билимдон, маҳоратли, ҳар хил шарт-шароитларга кўника оладиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишларини, таркибини белгилаб бериши керак. Бизнинг фикримизча, ушбу концептуал йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

биринчидан, кооператив таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, яъни кооператив таълим тизими олий, ўрта махсус ва бошқа касбий ўқув юртларини таркибий йиғиндисидан иборат бўлиб, у кенг оммавий касб-корликдан, то юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш босқичларини ўз ичига олиши лозим;

иккинчидан, кооператив таълимни устувор йўналиши матлубот кооперацияси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилиши зарур;

учинчидан, кооператив таълим муассасалари фаолияти, бир томондан, меҳнат ресурслари салоҳиятини такрор ишлаб чиқаришни ва матлубот кооперациясини барча тармоқларини, ташкилотларини юқори малакали мутахассислар ва оммавий касб-корлар билан таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, ўз ҳаёти ва фаолиятини матлубот кооперацияси билан боғлаган фидойи инсонларни жалб қилишдан иборат бўлган стратегик мақсадни амалга оширишни кўзда тутиши керак;

тўртинчидан, кооператив таълимнинг марказий вазифаси фундаментал ва ўз касбининг билимдони бўлган малакали кадрлар тайёрлаш;

бешинчидан, узоқ муддатга мўлжалланган касб йўналишини таъминлаш;

олтинчидан, мутахассисликлар таркибини тубдан янгилаш ва бозор иқтисодиёти талаблари мослаштириш;

еттинчидан, ўқиш жараёнининг усул ва услубларини жаҳон андазаларига мослаш ва унинг юқори сифатини таъминлаш

ва ниҳоят, соҳа кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалаларини бозор талаблари асосида ташкил этиш.

Юқоридаги масалаларининг ижобий ҳал этилиши матлубот кооперацияси ривожланишини таъминлайди, ушбу тармоқнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги мавқеини янада оширади.



II БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

2.1. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифатини бошқариш муаммолари

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг ривожланиб бориши кўплаб халқ хўжалик соҳаларида ҳамда фаолият жабҳаларида туб ўзгаришларга олиб келди. Шулардан бирига маҳсулот сифатини бошқаришга бўлган ёндашувларнинг ўзгаришини мисол қилиб олиш мумкин. Ушбу ўзгаришларнинг сабабларига қуйидагиларни ўз ичига олади деб ҳисоблаймиз:

- иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши натижасида ресурслар самарадорлиги кўрсаткичлари моҳиятининг ўзгариб бориши;
- давлат бошқаруви ташкилотлари ва муассасалари томонидан хўжалик фаолиятига аралашувининг камайиб бориши;
- мулкчилик эркинлиги шароитида хўжалик субъектлари сонининг ва тегишли тарзда манфаатлар хилма-хиллигининг кескин ошиб бориши;
- маҳсулот сифати моҳиятини сотувчи ва харидор муносабатларига бевосита боғланиши.

Юқоридаги омилларнинг таъсири остида иқтисодиётда маҳсулот сифати соҳасида муаммоси вужудга келди.

XX асрнинг 80- йилларида Ўзбекистонда маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тизимларини шакллантиришда маълум тажриба орттирилган эди. Корхона стандартларига асосланган сифатни назорат қилиш ва уни рағбатлантириш тизимлари аксарият ташкилотларда жорий қилинган эди. 80- йилларнинг охирида иқтисодий ва сиёсий инқироз натижасида ушбу тизимларнинг самарадорлиги кескин пасайиб, айрим соҳаларда умуман йўқолиб кетди. Бундай ҳолат яратилган тизимларнинг ўзгариб борувчи бозор муҳитига мослашмаганлигидан далолат беради. Буни қуйидаги ҳоллардан билиш мумкин:

1. Сифатни бошқариш тизимлари ягона давлат мулкчилигига ёки маъмурий-авторитар тизимига қаратилган эди. Бу эса ҳамма учун мажбурий ҳисобланган кўрсатмалар, қоидалар ва йўриқномалар каби ҳужжатлар асосида иш юритишга имкон берар эди. Ҳозирги вақтда қонун кучига эга бўлмаган ҳар қандай ҳужжат корхона ва ташкилот томонидан рад этилиши табиий ҳол бўлиб қолди.

2. Ҳаётга тадбиқ қилинган сифатни бошқариш тизимлари соҳа, минтақа ёки саноат комплекслари манфаатларига қаратилган эди.

Бунда тизимнинг самарадорлиги „*халқ хўжалик самараси*“ мезони ёрдамида баҳоланар эди. Аниқ бир корхонанинг миқёсида қандай иқтисодий натижа олиниши иккинчи даражали масала ҳисобланар эди.

3. Сифатни бошқариш тизимларида маҳсулотнинг ишлаб чиқариш сифатига асосий эътибор қаратилган эди, унинг истеъмол сифати эса ҳосилавий кўрсаткич сифатида қабул қилинган эди, яъни ишлаб чиқариш жараёни ва меҳнатнинг сифати таъминланса, маҳсулот сифати ўз-ўзидан яхши ҳисобланар эди. Лекин истеъмол сифати фақат истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари билан тўқнашгандагина намоён бўлиши инкор қилинар эди.

Бозор муносабатлари маҳсулотнинг истеъмол сифатини устувор ўринга қўйиб, юқоридаги сифатни бошқариш тизимларининг фаолиятини бозор талаблари асосида кўриб чиқишга олиб келди ва унинг самарадорлиги етарли даражада эмаслигини аниқлашга асос бўлди. Бозор муносабатлари ва кўп укладли иқтисодиётга мос бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш бир неча босқичларда амалга оширилди.

Маҳсулот сифати муаммосини ҳал қилиш, аввало, нуқсонли маҳсулотни бозорга чиқишига йўл қўймаслик билан бошланди. Бунда шартномалар ва савдони назорат қилувчи органларнинг аҳамияти кескин оширилди. *Ушбу босқич* натижасида давлат стандартларига мос бўлмаган товар ва хизматлар муомаладан чиқарилишига эришилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси миллий стандартлаштириш тизимининг ташкилий асослари яратилди.

Кейинги босқич — ишлаб чиқарувчиларнинг сифати яхши бўлган маҳсулотни яратиш ва бозорга тақдим қилиш қобилиятини назорат қилишга бағишланган, десак, муболаға бўлмайди. Ушбу босқич истеъмолчилар ҳуқуқларини ошириш, маҳсулотни сертификатлаштириш ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш билан алоҳида аҳамиятга эга. Маҳсулот ва хизматларнинг истеъмол сифатини баҳолашни қонун шаклига келтириш — бу даврда энг муҳим масала ҳисобланган. Ҳозирга келиб, маҳсулотларнинг деярли барчаси мажбурий ёки ихтиёрий сертификациялаш жараёнидан ўтказилмоқда. Стандартлаштириш тизимини яратиш ҳам асосан якунланди.

Учинчи босқичда маҳсулотни сертификациялаш тартибига мослаштирувчи локал сифатни бошқариш тизимлари ташкил қилишга эътибор берилди. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида корхоналарда тегишли сифат даражасини таъминлаш ва бошқариш тизимлари шаклланган. Сифат даражасини таъминлаш тизимида нуқсонларни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида аниқлаш ва уларни тезкорлик билан тузатиш амалга оширилади. Маҳсулот сифатини бошқариш тизимида нуқсонлар ва уларнинг сабаблари статистикаси жорий қилинади ва сабабларни бартараф қилиш тизими ишга туширилади. Ушбу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда корхоналаримизда маҳсулот сифатини бошқаришнинг элементлари жорий қилинганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Сифат назорати бўлинмаларининг корхоналар бошқарув тизимидаги мавқеи ошиб бормоқда. ISO — 9001 халқаро стандарти талабларига мослашиш масаласи корхонанинг ривожланиш кун тартибига қўйилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида маҳсулот сифатини бошқариш тизимларининг мукаммал бўлиши учун яна бир неча босқичларни босиб ўтиш ва уларга ҳозирдан қуйидаги йўналишларда замин яратиб бориш зарур деб ҳисоблаймиз:

а) корхоналардаги сифатни бошқариш локал тизимларини тармоқ тизимлари даражасига кўтариш. Бунда тармоқдаги корпорация, ассоциация ва етакчи корхоналарнинг орттирган тажрибалари барча турдош корхоналарга, шу жумладан, кичик бизнесга ҳам етказилиб, қўлланиши таъминланади. Бу босқичнинг асосий муаммоси маъмурий йўлларнинг устунлик қилишига йўл қўймаслик ва ишлаб чиқарувчининг эркинлигига зарар етказмасликдир. Шу билан биргаликда ҳам локал, ҳам тармоқ тизимида истеъмол сифати ягона мезон сифатида қабул қилинишини таъминлаш ҳам муҳим масаладир;

б) корхона ва ташкилотларда сифатни бошқариш комплекс тизимларини яратиш босқичи. Бизнинг фикримизча, ушбу босқич маҳсулот сифатини жаҳон андазаларига мослаштиришда энг муҳим ўринни эгаллайди. Авваламбор, ишлаб чиқариш ва истеъмол харажатларининг муқобиллаштирилиши асосида ҳар бир корхона учун сифат даражаси белгиланишига замин яратилади. Шу билан бирга, корхонанинг сифатни бошқариш тизими бошқарув тизимининг асосий мезонларига айлантирилади, яъни сифат кўрсаткичлари миқдорий кўрсаткичларни белгилаб боради. Бунинг асосида маҳсулотни ишлаб чиқариш сифати истеъмол сифатига тенглаштирилиши таъминланади. Демак, сифатни таъминлашга сарфланадиган харажатларни самарали бошқариш тизимлари яратилади. Бундан ташқари, сифатни бошқариш комплекс тизимлари мустақил мукаммаллашадиган шаклга келтирилади, яъни асосий мақсад — сифат даражасини таъминлабгина қолмай, уни доимо ошириб бориш бўлади.

Ташкилий жиҳатдан ушбу тадбирларни амалга ошириш бошқарув тизимларини тубдан ислоҳ қилишга, маркетинг ва сифатни бошқариш хизматларининг бирлаштирилишига ҳамда ишлаб чиқариш-хўжалик кўрсаткичларини қайта кўриб чиқишга боғлиқ бўлади.

Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш маҳсулот сифатини баҳолаш жараёнини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Маълумки, сифатни баҳолаш жараёнига бир қанча талаблар қўйилади, яъни объективлик, тезкорлик, соддалик ва кенг қамровлилик. Объективлик талаби сифат даражасини баҳоловчи шахс ёки назоратчига боғлиқ бўлмаслигини кўзда тутади. Тезкорлик талаби баҳолаш натижаларининг тегишли бошқарув поғонасига тезлик билан етиб боришини белгилайди. Соддалик талаби баҳолашни тез ва оддий воситалар ёрдамида

амалга оширишни тақозо қилади ва, ниҳоят, кенг қамровлилик талаби баҳолаш натижаларини барча маҳсулотга ёки ишлаб чиқариш бўғинларига тарқатиш имконини кўзда тутади.

Ушбу талабларнинг қўйилиши сифатни баҳолашнинг бир қанча усулларини яратиш ва уларни қуйидагича таснифлашга имкон беради:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида қайд қилинган нуқсонлар сонига кўра;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш даврида нуқсонларни тузатишга қаратилган қўшимча харажатларга кўра;
- сифат билан боғлиқ моддий зарар бўйича.

Сифатни бошқаришнинг замонавий йўналишлари шундан иборатки, маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш харажатларини ижтимоий меъёрлаштириш унинг сифатини баҳолашнинг асосий тамойилларига айланмоқда. Олиб борилган назарий ва амалий изланишлар сифатни баҳолаш жараёнини алоҳида бўғинларга ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди:

Биринчидан, истеъмол сифати даражасини умумлашган (ўрта ёки маржинал) фойдалилик ва мувофиқлик ёрдамида дифференциялаш, яъни сифатни баҳолашдан олдин, ҳар бир корхона учун иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжини акс эттирувчи стандартларга мослаштирилган меъёрий даражани аниқлаш. Ушбу бўғин бошқарувнинг юқори поғонасида мужассамлашади ва корхонанинг стратегиясини белгилайди.

Иккинчидан, маҳсулотни ишлаб чиқариш даврида сифат даражасига эришилганлигини баҳолаш, яъни статистик усуларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнининг *„заиф бўғинларини“* аниқлашга қаратилган миқдорий кўрсаткичларни кузатиш ва уларни яхлитлаш. Бунда алоҳида нуқсон ёки технологияга риоя қилмаслик ишлаб чиқаришнинг умумий тизимига таъсир ўтказиш нуқтаи назардан қаралади. Баҳолашнинг ушбу бўғини бошқарувнинг қуйи поғоналарида ўз аксини топади ва нуқсонлик сабабларини йўқотиш билан биргаликда юқори бўғинга ахборот етказиш учун хизмат қилади.

Баҳолашнинг бундай тизими алоҳида кўрсаткич номи билан боғлиқ бўлмаслиги ушбу ёндашувнинг турли шаклдаги корхоналарда қўлланилиши учун қулайлик яратади. Ҳар бир корхона ўзининг миқдорий кўрсаткичини белгилаш имконига эга бўлади, аммо, шу билан биргаликда, ягона ёндашув тамойилларини қўллаш сақланиб қолади.

Сифатни бошқариш тизимларини такомиллаштиришнинг муҳим муаммоларидан бири — бу кичик бизнесда уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлашдир. Биз тадқиқотлар натижасида кичик ва ўрта бизнес соҳасида сифатни бошқариш билан боғлиқ объектив ва субъектив қийинчиликларни ўргандик ва уларни маълум гуруҳларга ажратдик.

Мазкур қийинчиликларни енгиш ва сифатни бошқариш тизимларининг самарадорлигини кескин ошириш учун махсус ёндашувни қўллаш алоҳида аҳамият касб этади, фақат „бошқарувнинг юқори ва қуйи поғоналари" тушунчаларига кенгроқ таъриф бериш керак бўлади.

Кичик бизнесни мувофиқлаштириш жамият учун ҳам зарурдир. Шу сабабли кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аввало, тадбиркорлар уюшмалари ва палаталарини шакллантиришдан бошланди. Бундай тузилмалар маркетинг изланишлари, техник ва технологик ёрдам, ҳуқуқий ҳимоя ва ташкилий маслаҳатларни тенг ҳуқуқли шартномалар асосида олиб борадилар. Бажарилаётган ишлар ташқи бошқарув шаклига жуда яқин бўлиши сифатни бошқариш тизимларида уларнинг ўзига хос ўрнини белгилашга имконият яратади. Демак, кичик бизнес сифат даражасини белгилаш учун ресурсларга эга эмас экан, уни марказлашган ҳолда уюшма ва палаталар амалга оширишлари мумкин. Модомики, ҳар бир кичик корхона бозорнинг шунчалик тор сегменти ёки қисмини эгаллайдики, уларда истеъмол сифати тўлақонли равишда шаклланиши қийин кечади. Статистик ахборотларни тўплаш, саралаш ва малакали хулосаларга келишда ҳам палаталарнинг тутган ўрни юқоридир. Баҳолашнинг қуйи поғонаси эса кичик корхонанинг ўзида бўлиб, тезкор ташкилий-техник чоралар мустақил равишда бажарилиши мумкин ва тизим фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида сифатни бошқариш тизимларининг келажаги порлоқ, аммо уларни такомиллаштириш, қўллаш назарий ва амалий изланишларни янада давом эттиришини тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Жабриев А.Н., Усманов И.А.** Проблемы обеспечения контроля качества на предприятиях. В кн., Устойчивое развитие экономики на ребеже XXI века. Москва, 2000 й., 16—19- бетлар.

2. **Усманов И.А.** Проблемы внедрения всеобщего управления качеством в малом бизнесе. Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2000 й. 61—62- бетлар.

2.2. Бозор хўжалик механизмини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни

Ўзбекистонда бозор муносабатлари кўп мулкчилик, такомиллашган бошқарув тизими, қимматли қоғозлар бозорининг вужудга келиши, хорижий сармояларнинг кенг жалб қилиниши, ўзаро ҳисоб-китобларда валюта маблағларидан фойдаланиш, хўжалик юритиш усулларининг халқаро андазаларга мослашуви орқали ривожланмоқда.

Босқичма-босқич бозорга ўтиш ва бозор муносабатларини янада ривожлантириш бухгалтерия ҳисобига бевосита боғлиқдир. Чунки, бухгалтерия ҳисоби бозор механизмининг таркибий қисми сифатида содир бўлаётган барча хўжалик жараёнларини расмийлаштиради, умумлаштиради, бошқаради ва назоратини таъминлайди. Шу боис мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш, унинг усул ва шаклларини халқаро талаблар даражасига кўтариш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳисобни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришга қаратилган ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилар қаторида Ўзбекистон Республикасининг „Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида“ ги Қонуни қабул қилинди, ҳисоб юритишнинг миллий андазалари ишлаб чиқилди, халқаро амалиётга мос келадиган „Счётлар режаси“ тасдиқланди ва жорий этилмоқда.

Бозор муносабатларининг ривожлантирилиши бухгалтерия ҳисобининг олдига янгича талаблар қўймоқда. Ушбу талаблар яна шулар билан характерлики, бозор иқтисодиётининг чуқурлашуви туфайли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида олдиндан белгиланмаган, кўзда тутилмаган ва билиб бўлмайдиган хавф-хатарларнинг келиб чиқиш эҳтимоллари анча юқори. Бир томондан, хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигининг кенгайиши бўлса, иккинчи томондан эса тадбиркорликни, ишбилармонликни ривожлантириш вазифалари корхоналарни таваккалчилик асосида иш юритишга ундайди. Булар, ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобини доимий равишда такомиллаштиришни тақозо қилади.

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш ва уни ривожлантириш йўлларини аниқлаш қуйидаги масалаларни ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

- Бугунги кунда „ҳисоб“ („бухгалтерия ҳисоби“) категориясининг туб мазмуни нималардан иборат?
- Бозор хўжалик механизмини ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобининг мавқеи қандай, унга қандай талаблар қўйилади?
- Бухгалтерия ҳисоби билан бозор хўжалик механизмининг бошқа таркибий қисмлари (дастаклари) ўзаро қандай боғланган?
- „Ноанъанавий иқтисодиёт“ шароитида „Талаб ва таклиф“ қонунига қатъий риоя қилиш ўта муҳим бўлиб турган пайтларда бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат бўлиши керак?
- Янги хўжалик юритиш шароитида бухгалтерия ҳисоби орқали ижтимоий зарурий меҳнатни қандай ўлчаш ва назорат қилиш мумкин?
- „Ҳисоб сиёсати“ тушунчасининг туб маъноси нималардан иборат?
- Кўп мулкчиликка асосланган корхоналарнинг „Ҳисоб сиёсати“

қандай бўлиши керак?

Бу каби масалаларнинг мураккаблиги ва ноаниқлиги, бизнинг фикримизча, бозор муносабатларини ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобини назорат қилиш ва бошқариш функцияларини пасайтиради. Зикр этилган муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги ўз моделини амалга оширишга қаратилган бўлиши керак. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва улардан келиб чиқадиган вазифалар, хўжалик механизмининг барча таркибий қисми, шу жумладан, бухгалтерия ҳисобига ҳам тааллуқлидир. Юқоридаги масалаларнинг айрим жиҳатларига биз ўз муносабатимизни олдин билдирган эдик[1].

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш, бизнинг тушунчамиз бўйича *бу — ҳисобнинг услуб ва шаклларини бозор муносабатлари талабларига мослаштириш ва шу йўл билан бозор хўжалик механизмини такомиллаштиришга имкониятлар яратишдан иборат.* Турли мулкчиликка асосланган корхоналар молиявий — хўжалик фаолиятининг ишончлигини таъминлаш ва назорат қилишда бухгалтерия ҳисобининг, бухгалтер-назоратчиларнинг, аудиторларнинг, солиқ инспекторлари ва банк ходимларининг мавқелари ҳамда масъулиятлари янада ошиб бормоқда.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қаерда бухгалтерия ҳисоби тўғри ташкил этилган бўлса, у ерда ижобий натижаларга, самарадорликка эришилади. Бунинг тескариси, ҳисоб тўғри ташкил этилмаган корхоналарда салбий ҳолатлар, кўрсаткичларни сохталаштириш, „қўшиб ёзиш", мол-мулкни талон-торож қилиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби ҳақиқатдан ҳам *„...хўжалик механизмининг тўғрилигини белгиловчи (диагностика қилувчи) дастакка"*[2], *хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда „маслаҳатчи"*га[3] айланиши керак

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бир қанча муаммоларни ўз ичига олади. Биз ушбу муаммоларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

---

[1] **Мусаев Ҳ.** Тадбиркорликнинг фалсафаси / Бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисоби. — Иқтисод ва ҳисобот, 1996, 1- сон, 60 — 61- бетлар.

Мусаев Х. Учетная политика в условиях адаптации к международным стандартам / Устойчивое развитие экономики на рубеже XXI века — М.: Рос. экон. Акад. им. Г.В.Плеханова, 2000, с. 89 — 91.

[2] **Давидов В.Н.** Компьютеризация бухгалтерского учета: Опыт, поиски, решения. М., Финансы и статистика, 1989, с. 126.

[3] **Мухин А.Ф., Абрамычев А.В., Христофоров А.Л.** Учёт и экономический анализ деятельности акционерных компаний капиталистических стран (на примере Италии). М., МГИМО, 1991, с. 8.

• Бозор хўжалик механизми тизимида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва мавқеини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар.

• „Ҳисоб" категориясининг ўзаро ички муаммолари.

• „Ҳисоб сиёсати" билан боғлиқ муаммолар.

Ушбу муаммолар ўз навбатида қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилади:

• бухгалтерия ҳисоби назарияси билан боғлиқ муаммолари;

• бухгалтерия ҳисоби услубияти билан боғлиқ муаммолари;

• ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан боғлиқ муаммолар.

Илмий-тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий шароитларнинг турличалиги „ҳисоб" муаммоларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Натижада „ҳисоб" категориясига турлича ёндашишлар қилиниб, унга ҳар хил фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бунинг исботини қуйидаги таърифлар орқали ҳам билиш мумкин.

Профессор С.К. Татурнинг фикрича, ҳисоб иқтисодий категория сифатида хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Унга асосан қиймат қонунига амал қилиниш тартиби аниқланади[1].

„Ҳисоб, — деб ёзган эди академик С.Г. Струмилин, — *биринчи навбатда топшириқларни ҳисобга олиш, топшириқларга нисбатан бўладиган фарқларни, уларнинг „айбдорларини" аниқлашдир"*[2].

Бухгалтерия ҳисоби назариясини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган таниқли олим профессор В.Г. Макаров шундай таъриф берган эди: *„Бухгалтерия ҳисоби жорий ва якуний маълумотлар олиш мақсадида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар хўжалик фаолиятини доимий кузатиш ва назорат* қилиш тизимидир"[3].

Профессор **В.Ф Палий** ва профессор **Я.В. Соколовлар** бухгалтерия ҳисобини қуйидагича изоҳлайдилар: *„Бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни кузатиш, расмийлаштириш, гуруҳлаш, таҳлил қилиш ... тизимидир"*[4].

В.С.Беганов, Д.И.Шаулов, У.Т.Канларнинг фикрича *„Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлар асосида корхоналар хўжалик фаолиятини доимий,*

---

[1] **Татур С.К.** Роль учёта в управлении производством. — М.: Финансы, 1974, с. 6.

[2] **Струмилин С.Г.** Статистика и экономика. — М.: Наука, 1979, с. 6.

[3] **Макаров В.Г.** Теория бухгалтерского учёта. — М.: Финансы и статистика, 1983, с. 20.

[4] **Палий В.Ф., Соколов Я.В.** Введение в теорию бухгалтерского учёта. — Финансы и статистика, 1979, с. 26.

узлуксиз... акс эттиришдир" [1]. Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги республикамизнинг таниқли педагог-олимаси **М.Умарова** унга шундай таъриф беради: *„Бухгалтерия ҳисоби – бу кунлик ва умумий маълумотлар олиш мақсадида айрим корхона, акциядорлик жамияти, муассаса, ташкилот ва бошқаларнинг хўжалик фаолиятини узлуксиз равишда кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборат"*[2]. *„Ўзининг моҳияти, табиати ва мантиғи жиҳатидан бухгалтерия ҳисоби аслида бошқарувга киради,* —деб таъкидлайди Санкт-Петербург давлат университетининг таниқли профессори **А.Д.Ларинов**,— *Ҳисоб бошқарувнинг таъминловчи функцияси ҳисобланади, шунинг учун у ҳар доим бошқарув тизимига ва унинг ахборотларга бўлган талабларига бевосита боғлиқдир"*[3].

Олиб борилган илмий-тадқиқотларга асосланиб, юқоридаги ёндашишларни қуйидаги йўналишларга ажратдик:

биринчи йўналиш – бухгалтерия ҳисобига иқтисодий категория ва назорат қилиш усули деб қараш;

иккинчи йўналиш – бухгалтерия ҳисобини бошқариш функцияси деб тушуниш;

учинчи йўналиш – бухгалтерия ҳисобини ахборотлар манбаи, хўжалик операцияларини қайд қилиш усули деб тан олиш.

Изланишлар шуни кўрсатдики, бухгалтерия ҳисоби бошқа иқтисодий категориялар („**таннарх**", „**баҳо**", „**даромад**", „**фойда**", „**рентабеллик**", „**солиқ**" ва бошқа категориялар) билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳисобнинг аниқ ахборотисиз, услубисиз маҳсулот таннархини, корхона фойдасини, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ва миллий даромадини тўғри ҳисоблаб бўлмайди. Бугунги кунда биргина бухгалтерия ҳисоби мулклардан олинадиган даромад (фойда)ларни барча харажатлар билан ҳужжатлар орқали доимий ва узлуксиз равишда ифодалаб тўғри аниқлаб бера олади.

„Ҳисоб" категорияси муаммолари бўйича олим-мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига ижодий ёндашиб, биз бухгалтерия ҳисобига қуйидагича таъриф бердик.

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодий категория сифатида бозор хўжалик механизмининг *таркибий қисми* ва унинг *муҳим элементи* (дастаги) бўлиб хўжалик субъектлари фаолиятида қиймат қонунига амал қилишни акс эттирувчи усуллар мажмуасидир.

---

[1] **Беганов В.С., Шаулов Д.И., Кан У.Т.** Справочник по бухгалтерскому учёту финансово-хозяйственной деятельности предприятий в условиях рынка на территории Республики Узбекистан. Вып. 11 — 12. — Т.: „Мир экономики и права", 1998, с. 8.

[2] **Умарова М., Эшбоев Н., Аҳмаджонов К.** Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. — Т., „Меҳнат", 1999, 9- б.

[3] **Ларинов А.Д.** Управленческие аспекты бухгалтерского учета / XXI век: бухгалтерский учет в Республике Казахстан: Материалы междунар. Конф.: Сбор. Науч. трудов, Алматы, Экономика, 2001, с. 77.

Бухгалтерия ҳисоби ўзининг мақсади ва вазифалари жиҳатидан бошқарув функцияси, ахборотлар манбаи каби тушунчалардан кенг туради ва бозор хўжалик механизмига тўлиқ хизмат қилади. У иқтисодиётдаги барча даромадлар ва харажатларни ўзининг усуллари (калькуляция, инвентаризация, баҳолаш, гуруҳлаш, счётлар ва иккиёқлама ёзув ва бошқа усуллар) орқали назорат қилади. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши туфайли бухгалтерия ҳисоби ҳам хўжалик механизмининг муҳим таркибий қисмига кўпроқ айланиб бораверади. Чунки бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган ишончли кўрсаткичларга асосан бошқарув қарорлари қабул қилинади, мижозлар билан вақтида ҳисоб-китоблар амалга оширилади, бюджетга солиқлар тўланади, корхона ходимлари моддий рағбатлантирилиб турилади. Бозор шароитида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва мавқеи иқтисодий қонунлар орқали белгиланади. Иқтисодий қонунларгина бухгалтерия ҳисобига фан сифатида, иқтисодий категория сифатида мақом беради. Ҳисоб қанчалик иқтисодий қонунлар талабларини ўзида тўлиқ акс эттирсагина унинг бозор хўжалик механизмидаги мавқеи шунчалик ошиб бораверади.

Бозор хўжалик механизмининг такомиллашуви унинг барча дастаклари (элментлари), шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби орқали амалга ошади. Агар, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бозор иқтисодиёти талабларидан орқада қолса, хўжалик механизмининг бошқа дастаклари (истиқболни белгилаш, ташкил этиш, бошқариш, рағбатлантириш) кўзланган натижаларни беравермайди. Шунинг учун ушбу дастаклар ўзаро узвий боғланган ҳолда такомиллаштирилиб борилиши шарт.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча бухгалтерия ҳисоби:

биринчидан — *иқтисодий категория ва бозор хўжалик механизмининг таркибий қисми (элменти)ҳисобланди;*

иккинчидан — *хўжалик жараёнларини узлуксиз, доимий, ялписига кузатиш, баҳолаш, расмийлаштириш ҳамда назорат қилишдир;*

учинчидан — *хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қиймат қонунига амал қилинишини акс эттирувчи усуллар мажмуаси ҳисобланади.*

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири — бу ҳисоб услуби ва ташкил қилинишини бозор талаблари даражасига кўтаришдир. Ушбу муаммоларнинг тўғри ҳал этилиши бухгалтерия ҳисоби андазаларини замон талаблари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг 21 та миллий андазалари (стандартлари) ишлаб чиқилган. Мазкур андазалар асосан ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисоби счётлар тизими, активлар, сармоялар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар, сўнгги молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисобот тузиш ҳамда тақдим этиш масалаларини ўз ичига

олган. Ҳисобнинг миллий андазалари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида босқичма-босқич жорий этилиб борилмоқда[1].

Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг самарадорлиги „Ҳисоб сиёсати"га бевосита боғлиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда „Ҳисоб сиёсати" масалалари илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган, унинг мазмуни турлича талқин қилиниб, унга ҳар хил таърифлар берилмоқда. „Ҳисоб сиёсати" масалалари айниқса кўпмулкчилик шароитида ўта долзарб бўлиб бормоқда. Бизнинг фикримизча „Ҳисоб сиёсати"га янгичи тушунча, мустақил иқтисодий категория сифатида қаралиши керак.

Бугунги кунда ушбу масалага оид қуйидаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда деб ҳисоблаймиз:

- „Ҳисоб сиёсати"нинг иқтисодий мазмуни нималардан иборат?
- „Ҳисоб сиёсати"нинг турлари ва шакллари қандай бўлиши керак?
- „Ҳисоб сиёсати"ни ким белгилайди ва бошқаради?
- „Ҳисоб сиёсати"нинг ҳуқуқий асосларига нималар киради?
- Кўпмулкчиликка асосланган корхоналарнинг „Ҳисоб сиёсати" қандай бўлиши керак?.

Юқоридаги масалаларнинг илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмаганлиги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳисоб юритиш, унинг ривожланиш истиқболларини белгилашда маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Фикримизча бугунги кунда *„Ўтиш даврининг ҳисоб сиёсати"*, *„Мамлакат миқёсидаги ҳисоб сиёсати"*, *„Хўжалик юритувчи субъектларнинг (ташкилотларнинг) ҳисоб сиёсати"*, *„Корхонанинг ҳисоб сиёсати"* каби тушунчалар илмий жиҳатдан ўз ечимини топмоғи керак. Қуйида мазкур масаланинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Бухгалтерия ҳисоби корхоналар фаолиятини фақатгина назорат қилиш усулигина бўлиб қолмасдан, иқтисодий муносабатларни, тадбиркорликни ривожлантириш воситаси ҳамдир. Шунинг учун бозор иқтисодиётига мос ва хос *„Ҳисоб сиёсати"* ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу *„сиёсат"* мулкдорларнинг ҳам, мулкдан фойдаланувчиларнинг ҳам, давлат манфаатларини ҳам ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Махсус адабиётлар ва илмий мақолаларда „Ҳисоб сиёсати"га хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳисобни юритиш тартиби, ҳисобни юритишга қаратилган тадбирлар мажмуаси, ҳисоб юритиш усуллари, кундалик фаолият юритиш тўғрисида маълумотлар олиш

---

[1] Республикамиздаги барча корхоналар 2002 йил, 1 январдан бошлаб — „Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича инструкция" *га асосан янги счётлар тизимига ўта бошлади.*

тартиби, корхона фаолиятини жорий *назорат қилиш усули* деб қаралмоқда. Мисол учун, профессор **Ю.М. Иткин** ва **И.Ф. Егорычева**ларнинг фикрича, *„Ҳисоб сиёсатини умумий кўринишда корхонанинг хўжалик юритиш шароитини эътиборга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари мажмуаси деб қараш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу — корхона хўжалик фаолиятини дастлабки кузатилишини, қиймат асосида ўлчанишини, жорий гуруҳланишини ва умумлаштирилишини амалга ошириш тартибидир"* деб қаралган[1].

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, иқтисодий ислоҳотлар шароитида „Ҳисоб сиёсати"ни ишлаб чиқиш анча мураккаб жараён бўлиб, мавжуд қонун ҳужжатларини, ҳукумат қарорларини чуқур ўрганишни тақозо қилади. Ноаньанавий ва тез ўзгарувчанликка асосланган иқтисодий тизим шароитида қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар узлуксиз равишда қабул қилиниб борилмоқда. Бундай шароитда илмий асосланган *„Корхонанинг ҳисоб сиёсати"*ни, *„Тармоқнинг ҳисоб сиёсати"*ни, *„Мамлакатнинг ҳисоб сиёсати"*ни ишлаб чиқиш қийинлашади. Кўпмулкчиликка асосланган корхоналарнинг „Ҳисоб сиёсати" мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ишончли ахборотларни мужассамлаштириш ва манфаатдорларга ўз вақтида тақдим этилишига қаратилган бўлиши керак. Ушбу вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда „Ҳисоб сиёсати"га эга бўлиши лозим. Тадқиқотлар натижаларига асосланиб биз қуйидаги хулосаларга келдик.

Ҳисоб сиёсати— бу қабул қилинган ҳуқуқий нормалар асосида қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усулларини акс эттирувчи ҳамда назоратини таъминловчи ҳужжатлар мажмуаси ва уларга амал қилинишидир.

Турли мулкдаги корхоналарнинг ҳисоб сиёсати қуйидагиларга асосланиши керак деб ҳисоблаймиз:

- мулк шакли ва корхона тури;
- корхона фаолиятининг йўналиши;
- хўжалик юритувчи субъектни бошқариш тизими;
- ҳисоб юритишнинг ташкилий шакли;
- ҳисоб юритиш технологияси.

Алоҳида фаолият юритаётган хўжалик субъекти учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда унинг мақсади ва олдида турган вазифаларига эътибор қаратилиши керак. Мисол учун, қўшма корхоналарнинг асосий мақсади ва вазифалари чет эл инвестицияларидан

---

[1] **Иткин Ю.М., Егорычева И.Ф.** Учётная политика предприятия в Узбекистане. Т., Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан. 2001, с. 6.

самарали фойдаланиб, ички бозорни керакли маҳсулотлар (хизматлар) билан таъминлашдан иборат. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг фаолиятлари эса аҳолини қўшимча иш ўринлари билан мумкин қадар кўпроқ таъминлаш, мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиб, тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган. Ушбу корхоналарнинг „Ҳисоб сиёсати" қўйилган мақсад ва вазифаларни қабул қилинган қонун-қоидалар асосида амалга оширишга қаратилган бўлиши керак. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари, миллий ва халқаро ҳисоб андазалари асос қилиб олинади. Иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши туфайли „Ҳисоб сиёсати" ни ишлаб чиқиш ва унга амал қилиш ҳам такомиллашиб боради.

Бухгалтерия ҳисобининг самарадорлиги ишлаб чиқилган ва жорий қилинган ҳисоб андазаларига бевосита боғлиқдир. Шуни ҳам қайд қилиш жоиздирки, бугунги кунда бухгалтерия ҳисобига оид ишлаб чиқилаётган меъёрий ҳужжатлар собиқ Иттифоқ давридаги бухгалтерия ҳисобига оид Низомлар, инструкциялардан тубдан фарқ қилади. Шу билан биргаликда уларнинг маълум қисми мулк шакллари, хўжалик юритувчи субъектларнинг шарт-шароитларини тўлиқ инобатга олиб қабул қилинган деб бўлмайди. Бу борада бухгалтерия ҳисобининг миллий андазаларини (стандартларини)олиб кўрайлик. Ушбу андазалар, бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар корхона ва фирмаларининг шароитига мос бўлган халқаро ҳисоб андазаларидан келиб чиққан. Ривожланган мамлакатлардаги корхоналарнинг шарт-шароитлари, иш усул ва услублари биздагидан анча фарқ қилади. Халқаро ҳисоб юритиш андазаларини ўзимизда бирдан жорий қилиб бўлмайди. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг миллий андазаларини ишлаб чиқишда мамлакатимиздаги мулк шакллари, ички имкониятларни тўлиқ инобатга олиб иш кўриш керак деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда оддий деҳқон ёки фермер хўжалигида халқаро андазалар талаблари асосида товар-моддий бойликларни ёки молиявий натижаларни ҳисобга олиш енгил амалга ошади деб бўлмайди. Иқтисодиётимизга мос ва хос „Ҳисоб сиёсати"ни ишлаб чиқиш учун, фикримизча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Молия Вазирлиги қошида махсус *„Бухгалтерия ҳисоби андозаларини ишлаб чиқувчи қўмита (комиссия)"* ташкил қилиниши керак деб ҳисоблаймиз. Ушбу қўмита бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (ушбу қўмитага аудит соҳасида ҳам андазалар ишлаб чиқиш вазифасини юклаш мумкин бўлади) миллий андазаларни ишлаб чиқишда ҳукумат (Молия Вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси), сармоядорлар, банклар, жамоа ташкилотлари (Республика бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси), шу соҳанинг етук мутахассис-олимларининг, корхоналар

ва фирмаларнинг таклифларини инобатга олиши керак деб ҳисоблаймиз. Намунавий бухгалтерия ҳисоби андозаларига асосан ҳар бир корхона ўз „Ҳисоб сиёсати“ ни ишлаб чиқиши ва фаолиятида татбиқ этиши керак. Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг муҳим йўлларидан яна бири — бу ҳисоб усулларини бухгалтерия ҳисобининг янги объектларига қараб ташкил қилишдир. Бозор иқтисодиёти туфайли корхоналарда валюта операциялари, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, солиқлар, лизинг операциялари, экспорт-импорт, хорижий хизмат сафарлари билан боғлиқ операцияларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари ушбу операцияларнинг ишончлилиги, асосли бўлиши ва назоратини таъминлашга қаратилиши керак. Бухгалтерия ҳисобининг такомиллаштирилиши иқтисодиётимизни халқаро талаблар даражасида ривожлантиришга имкон яратади.

2.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг методологик муаммолари

2.3.1. Корхона даромадлари ҳисобининг *методологик муаммолари*

Даромад, маълумки, ҳар қандай корхонанинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг асоси *ҳисобланади*. Даромад, бир томондан, корхонанинг сотиш ва бошқа фаолиятларидан тушган тушум ҳажмини ягона пул бирлигида ифодалайди, иккинчи томондан, у корхонанинг барча харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаидир. Корхоналарнинг даромади уларни ривожлантириш воситаси бўлиб, у давлат бюджетини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам даромадлар ҳисобини тўғри юритиш, унинг усул ва услубларини такомиллаштириб бориш объектив зарурият, шунингдек давлат аҳамиятига молик масаладир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар даромадлари бўйича қуйидагилар бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади:

- даромадларни иқтисодий моҳиятига, аниқ мезонлар ва тамойилларга мувофиқ тан олиш, таснифлаш ва тавсифлаш;
- даромадларни корхонанинг фаолият турлари ва солиқ солиш тартибига мувофиқ ҳисоблаш;
- даромадларни аниқ ҳужжатли асосга эга бўлишлигини таъминлаш;
- даромадлар ҳисобини ички ва ташқи ахборот фойдаланувчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб варақаларида (синтетик ва аналитик) олиб бориш;

• даромадлар тўғрисидаги ахборотлар бўйича молиявий ҳисобот ва жорий ҳисоб регистрлари ўртасида уйғунликни таъминлаш.

Ушбу вазифаларни тўғри ва ўз вақтида бажариш, биринчи навбатда, „даромад“ тушунчасини тўғри талқин этилишига ва таснифланишига боғлиқ. Иқтисодий адабиётларда, ҳаракатдаги айрим меъёрий ҳужжатларда ушбу атама бўйича яхлит бир ёндашув мавжуд эмас. Мисол тариқасида айрим адабиётларда „даромад“ тушунчасига берилган таърифларни келтирамиз.

Даромадлар — бу ҳисобот даврида активларни кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши[1].

Даромад — бу иқтисодий активларга киритилган пулдан олинган фаровонликнинг ўсиши[2].

Даромадлар деганда хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятини юритишдан олинган даромадлар, жумладан маҳсулотларни сотишдан (ишларни бажаришдан, хизматларни кўрсатишдан) тушган даромад, олинган фоизлар, дивидендлар, роялти ва бошқалар тушунилади[3].

Айрим адабиётларда[4] „даромад“ атамаси „фойда“ атамаси билан тенглаштирилган. Худди шундай тенглаштиришни Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида[5] ҳам учратиш мумкин.

Ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларда[6] корхонанинг ялпи даромади деганда маҳсулотларни (товарлар, ишлар ва хизматлар)ни сотишдан тушган соф тушум, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулотдаги даромадлар мажмуаси тушунилади. Бунда сотишдан олинган соф тушум деганда харидорлар ва буюртмачиларга жўнатилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар)нинг бевосита солиқларсиз (ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи), шунингдек маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг қайтарилган ва чегирмалар билан сотилган қисми чегириб ташлангандан кейин қолган сотиш баҳоларидаги қиймати тушунилади. Асосий фаолияти мулкни ижарага (лизинг) бериш билан боғлиқ

---

[1] **Тулаходжаева М.М., Тухсанов Х.А.** и др. Финансовый учёт. Ташкент, 2001.

[2] Финансы. Учебное пособие. — Ташкент, 2003.

[3] НСБУ № 2 „Доходы от основной хозяйственной деятельности“, зарегистрировано Минюстом Р.Уз. № 483 от 26 августа 1998 г.

[4] **Қодиров С.** Солиқ назарияси.

[5] Налоговый Кодекс Республики Узбекистан, статьи № 16, 17.

[6] Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 февралдаги 54- сон қарори билан тасдиқланган „Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом“, „Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш Қоидалари“, Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 24 январда рўйхатга олинган, 1209- сон.

корхоналарнинг даромади деганда шартномаларга асосан ҳисобланган ижара (лизинг) тўлови, воситачи корхоналарда ялпи даромад деганда комиссион мукофотлар (воситачилик ҳақи) суммаси тушунилади.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, корхона даромади негизида асосан учта муҳим тушунчалар ётади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, корхона ихтиёридаги активлар (маҳсулот, товар, иш, хизмат, асосий воситалар ва бошқа активлар) ни сотишдан олинган соф тушумлар.

Иккинчидан, фоиз, дивиденд, роялти кўринишида келиб тушган тушумлар.

Учинчидан, мажбуриятлардан воз кечилиши, активларни бепул олиниши, қайта текширишларда (инвентаризацияда) аниқланган активларни кирим қилиниши эвазига вужудга келган маблағлар.

Корхона ҳисобига вақтинчалик фойдаланиш учун олинган инвесторларнинг маблағлари даромад бўлиб ҳисобланиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, бизнингча, даромад деганда корхонанинг активларини сотиш, вақтинчалик фойдаланишга бериш натижасида, шунингдек объектив ва субъектив сабабларга кўра корхона ихтиёрига эгалик қилиш ҳуқуқи тўлиқ ўтказилган тушумлар тушунилади.

Даромадларни тўғри таснифлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Иқтисодий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларда даромадларни таснифлашда турли белгилар асос қилиб олинган. 2- сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида (БҲМС) „Асосий фаолиятдан олинган даромадлар"да корхоналарнинг ялпи даромадини фаолият турига кўра иккита катта гуруҳга, яъни асосий фаолиятдан олинган даромадлар, асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларга ажратиш кўзда тутилган. „Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом" ва „Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш Қоидалари" да корхонанинг барча даромадлари қуйидаги тўртта гуруҳга ажратилган:

- сотишдан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулоддаги даромадлар.

Даромадларни таснифлаш бўйича худди шундай тартиб 21- сон БҲМС[1] да ҳам кўзда тутилган. Фақат янгилик шундаки, ушбу меъёрий ҳужжатда биринчи марта *„муддати кечиктирилган даромадлар"* тушунчаси киритилди.

---

[1] БҲМС № 21 „План счётов бухгалтерского учёта финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов и инструкция по его применению, зарегистрировано Минюстом РУз за № 1181 от 23 октября 2002 года.

Бизнинг фикримизча, корхона даромадларини унинг фаолият турлари бўйича таснифланиши фойдадан холи эмас. Чунки бундай таснифлаш бир қанча афзалликларга эга.

Биринчидан, бу тартиб корхонага қайси фаолият қанча даромад бераётганлигини аниқлашга имкон беради.

Иккинчидан, корхонага ўз маблағларини юқори даромад берувчи йўналишларга сарфланиши бўйича қарорларни қабул қилишга асос бўлади.

Шунинг билан бирга ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларда қабул қилинган даромадларни таснифлаш тартиби айрим камчиликлардан холи эмас. *Биринчидан,* қабул қилинган тартибда корхонанинг инвестиция фаолияти, бу фаолият катта аҳамият касб этса-да, эътибордан четда қолган. „Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом" ва „Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш Қоидалари" да инвестиция фаолиятига доир даромадлар асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларга тенглаштирилган. *Иккинчидан,* инвестиция фаолиятига доир даромадларни аниқлашда даромад деганда, масалан, асосий воситалар ва номоддий активларни сотишдан олинган тушум эмас, балким фойда суммаси тушунилган. Бундай тартиб, умуман „даромад" тушунчасини, юқорида айтиб ўтилганидек „фойда" тушунчаси билан тенглаштириб юборишга олиб келади. Юқорида номлари зикр этилган меъёрий ҳужжатларда сотиб олинган материалларни сотишдан олинган даромадлар асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар таркибига киритилган. Бизнингча, бу тартиб ҳам етарлича асосга эга эмас, чунки сотиб олинган материаллар, харид этилган товар — моддий бойликлар ҳисобланади. Улар ишлаб чиқаришда ишлатилмасдан, келгусида сотиб юборилганда, ишлаб чиқариш заҳираларидан харид товарларига айланади. Шунинг учун, материалларни сотишдан олинган даромадларни *„бошқа даромадлар"* таркибидан *„инвестиция фаолиятидан олинган даромадлар"* таркибига киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки корхона ушбу бойликларни яратиш учун олдинги даврларда маълум инвестицияларни амалга оширган ҳисобланади.

Корхона даромадларини фаолият турлари бўйича қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш, бизнингча, мақсадга мувофиқ ҳисобланади (5-чизма).

Даромадлар ҳисобини акс эттирувчи ҳисоб-варақаларининг 21-сон БҲМСда кўзда тутилган тизими, бизнингча, корхоналар молиявий –хўжалик фаолиятининг ушбу муҳим кўрсаткичини тўғри ва батафсил акс эттиришда катта ўзгариш бўлди. Янги тартибдаги ҳисоб варақаларида даромадлар тўғрисидаги маълумотларни корхона фаолиятининг турлари бўйича тизимли равишда шакланишига имкон беради деб ҳисоблаймиз. Шунинг билан бирга, да-



5-чизма. Корхона даромадларининг таснифи

ромадларни фаолият турлари бўйича жамлаш, уларни солиқ солиш объекти сифатида шакллантиришни енгиллаштириш, ҳисоб варақаларининг молиявий ҳисоботнинг, жумладан *„Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот“* ва *„Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот“*нинг моддалари билан уйғунлаштириш мақсадида 21-сон БҲМС га қуйидаги ўзгартиришларни киритишни тавсия этамиз.

• 9000- *„Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоб варақалари“* таркибида 9030-ҳисоб варағини *„Бажарилган ишлардан олинган даромадлар“* деб аташ, 9040-ҳисоб варақни *„Кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар“* деб аташ, ушбу ҳисоб варақасига 9070- *„Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари“* ҳисоб варағи функцияларини ҳам киритиш ва охирги ҳисоб варақасини бекор қилиш, 9040-*„Сотилган товарларнинг қайтарилиши“* ва 9050- *„Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар“* ҳисоб варақаларини бекор этиб, уларни даромадлар ҳисоб варақаларининг кредити бўйича *„Қизил ёзув“* усулида акс эттириш;

• 9100- „Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) нинг таннархи ҳисоб варақалари“ таркибида худди 9000-ҳисоб варақасидагидек янги ҳисоб варақаларини кўзда тутиш;

• 9200- „Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқими“ ҳисоб варақаларини „Инвестиция фаолиятидан даромадлар“ деб аташ, унинг таркибида 9210- „Асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар“, 9220- „Бошқа активларни сотишдан олинган даромадлар“, 9230- „Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар“ ҳисоб варақаларини кўзда тутиш;

• 9300- „Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоб варақалари“ номини „Бошқа даромадлар ҳисоб варақалари“ деб аташ, унинг таркибида юқоридаги ҳисоб варақаларда акс эттирилмасдан қолган бошқа даромадларни, шунингдек фавқулоддаги даромадларни акс эттиришга мўлжалланган ҳисоб варақаларини кўзда тутиш, 9710- „Фавқулоддаги фойда ҳисоб варақасини“ бекор қилиш;

• молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда юқорида келтирилган даромадларнинг турларини алоҳида бўлимлар сифатида акс эттириш, чунончи инвестиция фаолиятидан олинган даромадларни сотиш қийматида акс эттириш, сотилган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа активлар таннархини *„Сотиш таннархи“ моддасида* акс эттиришни кўзда тутиш.

2.3.2. Молиявий инвестициялар ҳисобининг методологик муаммолари

Бозор муносабатларига ўтиш корхоналарни нафақат товар ва меҳнат бозорида, балки молиявий бозорда ҳам фаол иштирок этишларига имкон яратди. Бу ўз навбатида корхоналарда янги фаолият турларини, жумладан молиявий инвестицияларни, вужудга келтирди.

Иқтисодий атама ва тушунчага айланган ушбу сўз дунё мамлакатлари халқлари лексиконига лотин ва немис тилидан кириб келган. Лотинча „*investio*“, немисча „*Investition*“ сўзлари ўзбек тилига „*Кийинтираман*“ мазмуни билан ўгирилган. Бу сўзнинг синоними сифатида „*Таъминлайман*“, „*Ёрдам бераман*“ сўзларини ҳам ишлатиш мумкин. Кийинтириш, таъминлаш, ёрдам бериш негизида маблағ ажратиш ётади. Демак, „*инвестиция*“ сўзининг иқтисодий моҳиятини маблағ киритиш деб ҳам эътироф этиш мумкин.

Корхоналар томонидан амалга оширилаётган инвестицияларни ички ва ташқи инвестицияларга ажратиш мумкин.

Ички инвестиция – бу бевосита корхонанинг ўзи учун уни қудратини оширишга йўналтирган маблағларидир. Бу инвестицияни „капитал инвестиция“ деб атайдилар. Ўзбек тили луғатида бу сўзнинг „капитал қўйилмалар“ номли синоними ҳам мавжуд. Капитал инвестициялар янги қурилишга, узоқ муддатли моддий ва номоддий активларни (масалан, асосий воситаларни, лицензия ва бошқа номоддий активларни) сотиб олишга сарфланган маблағларнинг мажмуаси ҳисобланади.

Ташқи инвестиция – бу бошқа корхоналарга уларни қувватини ошириш ва бунинг эвазига келгусида ўзи ҳам моддий наф кўриш, қўшимча даромад олиш мақсадида киритилган маблағлар мажмуасидир. Айнан ташқи инвестиция корхоналарнинг молиявий инвестициясини ташкил қилади.

Шундай қилиб, молиявий инвестиция деганда корхонанинг бошқа корхоналарга киритган маблағлари тушунилади. Бу инвестиция турли кўринишларда, муддатларга, маълум шартлар асосида киритилади.

Молиявий инвестициялар турлича белгиларига қараб таснифланади.

Муддатига кўра молиявий инвестициялар узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларга бўлинади. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар деганда, 12-сонли БҲМС„Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби“ га мувофиқ, 12 ойдан кўп муддатга киритилган маблағлар тушунилади. Ушбу муддатдан кам вақтга киритилган маблағлар қисқа муддатли молиявий инвестициялар деб аталади.

Киритилиш йўналишига кўра молиявий инвестициялар хўжалик юритувчи субъектларнинг турлари бўйича алоҳида гуруҳларга ажратилади. Жумладан, узоқ ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларни ушбу белгисига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- акционерлик жамиятларига киритилган молиявий инвестициялар;
- банкларга киритилган молиявий инвестициялар;

- шўъба корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар;
- қўшма корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар;
- уюшган корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар;
- қарам жамиятларга киритилган молиявий инвестициялар;
- бошқа турдаги корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар.

Кўриниши бўйича барча молиявий инвестицияларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар;
- қарз сифатида киритилган инвестициялар;
- кредит сифатида киритилган молиявий инвестициялар;
- таъсис бадали сифатида киритилган инвестициялар.

Қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар деганда очиқ акционерлик жамиятлари ва акционерлик тижорат банкларини чиқарган акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларга тенглаштирилган эквивалентларни сотиб олишга сарфланган маблағлар тушунилади. Сотиб олинган акциялар корхонага дивиденд кўринишида даромад келтиради, шунингдек улар корхонага акционерлик жамияти йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқини ҳам беради. Қимматли қоғозларга тенглаштирилган эквивалентларга облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари киради. Бу турдаги молиявий инвестициялар, асосан, қисқа муддатли бўлиб, улар корхонага фоиз кўринишида даромад келтиради.

Корхона ихтиёридаги барча қимматли қоғозлар биргаликда корхонанинг инвестицион портфелини ташкил этади.

Қарз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар деганда, корхоналарга молиявий ёрдам бериш мақсадида берилган маблағлар тушунилади. Бу гуруҳ инвестициялар имтиёзли ва имтиёзсиз бўлиши мумкин. Имтиёзли инвестициялар деганда, устама фоизсиз ёки имтиёзли (кичик миқдорли) фоизлар асосида берилган қарз ва кредитлар тушунилади. Имтиёзсиз инвестициялар деганда маълум муддатга келишилган фоизлар асосида берилган қарз ва кредитлар тушунилади. Шундай қилиб, қарз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар корхоналарга фоизлар кўринишида даромад келтириши мумкин ёки даромад келтирмайди.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестициялар деганда, корхонанинг янги ташкил этилган бошқа корхоналарнинг устав капиталига маблағ киритиши тушунилади. Корхоналар таъсис бадали сифатида маблағларни қизалоқ (шўъба) корхоналарга, қўшма корхоналарга, уюшган корхоналарга, қарам жамиятларга ва бошқа турдаги корхоналарга киритишлари мумкин. Бу гуруҳ инвестициялар корхоналарга таъсис этилган бошқа корхоналар фойдасидан улуш олиш кўринишида даромад келтиради.

Киритилган маблағларнинг турига кўра молиявий инвестицияларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- узоқ муддатли активлар билан киритилган молиявий инвестициялар;
- қисқа муддатли активлар билан киритилган молиявий инвестициялар.

Узоқ муддатли активлар ҳисобланган асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал қўйилмалар, қимматли қоғозлар қарз ва кредит сифатида, таъсис бадали сифатида турли мулк ва шаклдаги бошқа корхоналарга инвестиция тарзида киритилиши мумкин.

Қисқа муддатли активлардан қимматли қоғозларга асосан пул маблағлари киритилади. Қарз ва кредит, шунингдек таъсис бадали сифатида қисқа муддатли активларнинг дебиторлик қарзларидан ташқари барча турлари киритилиши мумкин.

Молиявий инвестицияларнинг барчасига тааллуқли умумий хусусиятлар мавжуд. Уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Мақсадлилик – барча молиявий инвестициялар аниқ мақсад билан киритилади.

Қайтаришлик – барча молиявий инвестициялар шартнома муддати тугагач корхонага қайтарилади.

Тўловлилик – барча молиявий инвестициялар учун шартномага мувофиқ уларни олган хўжалик субъекти тўлов мажбуриятини олади. Тўлов мажбурияти фақат айрим ҳолларда шартнома асосида бўлмаслиги мумкин ва бу, одатда, ночор корхонага молиявий ёрдам бергандагина вужудга келади.

Самарали фойдаланиш – инвестор берган маблағларини олган хўжалик субъекти томонидан самарали фойдаланилаётганлигини шартнома асосида назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Сотиш объекти – қисқа муддатли молиявий инвестициялар 1 йил ичида тез ва эркин сотиладиган активлар ҳисобланади, узоқ муддатли инвестициялар эса эркин сотилмайдиган активлар ҳисобланади.

Молиявий инвестицияларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни баҳолашда иккита сана муҳим рол ўйнайди:

- *сотиб олиш санаси;*
- *кейинги сана.*

Сотиб олиш санаси деганда, қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни сотиб олиш, яъни уларни қабул қилиб олиш санаси тушунилади.

12-сонли БҲМС „Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби“ га мувофиқ сотиб олиш санасида қимматли қоғозларга йўналтирилган

молиявий инвестициялар сотиб олиш қийматида тан олиниши ва ҳисоботда акс эттирилиши лозим.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг сотиб олиш қиймати деганда, уларни сотиб олиш баҳоси сотиб олишга кетган харажатлар билан биргаликда олинган қиймати тушунилади. Сотиб олишга кетган харажатларга брокерлик идоралари (конторалари)га тўланган ҳақлар, бож тўлови, банк хизмати ҳақлари ва бошқа сотиб олишга доир харажатлар киради. Сотиб олиш қиймати қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг бошланғич қийматини ёки баланс қийматини ташкил қилади.

Агар сотиб олиш санасида сотиб олиш қийматига маълум санагача бўлган давр учун ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар ҳиссаси киритилган бўлса, қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициянинг баланс қиймати ўтказиб берилган суммадан сотувчи томонидан *бўнак* сифатида тўланган фоиз ва дивидендлар суммасини чегиришдан кейин қолган қийматда акс эттирилиши лозим. Чунки сотиб олиш вақтида олинган сумма ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ инвесторнинг инвестицияга киритган маблағлари учун *бўнак* тариқасида олган даромади ҳисобланади. Бу сумма инвестицияни сотиб олишдан қайтарилганича бўлган даврда инвестор томонидан доимий даромад сифатида бир маромда ҳисобдан чиқарилиб борилиши керак.

Кейинги сана деганда, сотиб олингандан кейинги баланс санаси тушунилади. Ушбу саналарда қимматли қоғозларга йўналтирилган моливий инвестициялар балансда турли қийматда баҳоланиши мумкин. Жумладан, 12- сонли БҲМС нинг 15- моддасига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган узоқ муддатли моливий инвестициялар қуйидаги баҳолардан бири бўйича акс эттирилиши керак:

- бозор қийматида ;
- сотиб олиш қийматида;
- бозор ва сотиб олиш қийматларидан энг пастида;
- қайта баҳоланган қийматда.

12- сонли БҲМС нинг 13- моддасига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган қисқа муддатли молиявий инвестициялар балансда бозор қийматида ёки бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг кичик қийматида акс эттирилиши керак. Агар улар бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг паст қийматида ҳисобга олинган бўлса, уларнинг баланс қиймати қимматли қоғозлар портфелининг жами инвестиция қиймати, ёки қимматли қоғозларнинг гуруҳлари бўйича қиймати, ёки қимматли қоғозларнинг алоҳида номлари бўйича қийматига асосланиб топилади.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг бозор қиймати деганда уларнинг молия бозорида сотиш вақтида

намоён бўлган сотиш қиймати тушунилади. Бозор қийматини, бошқачасига, *ҳаққоний қиймат* деб ҳам атайдилар. Бу қиймат кўп омилларга боғлиқ, жумладан, акционерлик жамияти ёки тижорат банкининг фойдалилик даражасига, тўланаётган дивидендларнинг миқдорига, уларнинг келажакдаги обрў-эътиборига ва бошқа омилларга.

Қиймат тамойилига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестициялар бошқа активлар сингари кейинги саналарда юқорида келтирилган қийматларнинг энг паст миқдорида балансда акс эттирилиши лозим. Ушбу қийматда узоқ муддатли қимматли қоғозлар балансда инвестиция портфели усулига асосланиб акс эттирилади. Қисқа муддатли қимматли қоғозлар уларнинг бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг паст қийматида ҳисобга олинган бўлса, балансда қимматли қоғозлар портфелининг жами инвестиция қийматига ёки қимматли қоғозлар гуруҳлари бўйича қийматига, ёки қимматли қоғозларнинг алоҳида номлари бўйича қийматига асосланиб акс эттирилади.

Кейинги сапаларда бозор қиймати сотиб олиш қийматидан паст бўлса қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг сотиб олиш қиймати бозор қиймати даражасигача етказилиши ва балансда шу қиймат билан акс этилиши керак. Агар сотиб олиш қиймати бозор қийматидан паст бўлса, у ҳолда қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг қиймати балансда ўзгаришсиз қолдирилиши лозим. Ҳозирги пайтда амалиётда ушбу тамойилга тўлиқ амал қилинмаяпти. Корхоналар балансида сотиб олинган қимматли қоғозлар, жумладан акциялар, асосан сотиб олиш қийматида (номинал қийматда) акс эттирилмоқда. Бозор қийматини ўзгариши, яъни уни сотиб олиш қийматидан паст ёки юқори бўлиши, уларнинг ичидан энг қуйи миқдорини ифодаловчи қиймати балансда акс эттирилмасдан қолмоқда. Бу ҳолнинг мавжудлиги сабабларидан бири, корхоналарнинг ҳисоб сиёсатида қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг кейинги саналардаги қийматини кўриб чиқилиши тартибининг аниқ белгиланмаганлигидадир.

1- сонли БҲМС **„Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"** га мувофиқ корхоналар ўзларининг ҳисоб сиёсатларида қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестициялари бўйича қуйидагиларни аниқ белгилаб олишлари зарур.

1. Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни кейинги саналарда баҳолаш турини.

2. Қайта баҳолашга асос бўлган ҳисоб усулини.

3. Қайта баҳолашни қимматли қоғозларнинг тартиб рақами, гуруҳлари ёки инвестиция портфели бўйича даврийлигини.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни кейинги саналарда баҳолаш улар қийматининг ҳаққонийлигини таъ-

минлаш учун муҳим шарт ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларнинг қийматини қайта баҳолаш зарурияти туғилади.

12- сонли БҲМС „Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби" қимматли қоғозлар қийматини қайта баҳолашни қуйидаги учта усуллардан бири бўйича амалга оширишни тақозо этади:

- қимматли қоғозларнинг номлари бўйича;
- қимматли қоғозларнинг гуруҳлари бўйича;
- тўлиқ инвестиция портфели бўйича.

Биринчи усулда қайта баҳолаш ҳар бир қимматли қоғоз бўйича индивидуал тарзда амалга оширилади, яъни унинг сотиб олиш ва бозор (ҳаққоний) қийматларидан қайси бири паст бўлса, ўша қиймат қайта баҳолаш қиймати сифатида танлаб олинади ва шу қийматда у қайта баҳоланган санага тузилган балансда акс эттирилади. Қайта баҳолаш натижасида ҳар бир акция бўйича оширилган ёки камайтирилган қиймат суммаси топилади. Ўртадаги фарқ қимматли қоғозларнинг баланс қийматининг ошишига ёки камайишига олиб келади. Оширилган қиймат қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капиталнинг кўпайишига олиб келади. Пасайтирилган қиймат эса корхонанинг харажати сифатида тан олинади ва у молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботга киритилади.

Иккинчи усулда қайта баҳолаш қимматли қоғозларнинг гуруҳлари бўйича амалга оширилади. Гуруҳ сифатида, одатда, маълум бир корхона (масалан, акционерлик жамияти, акционерлик тижорат банки) ҳисобланади. Ушбу усулда гуруҳга кирган қимматли қоғозларни сотиб олиш ва бозор қийматлари ичидан энг пасти танлаб олиниб, шу қийматда гуруҳга кирган барча қимматли қоғозларнинг қайта баҳоланган қийматдаги суммаси топилади. Қайта баҳолаш натижасида ҳар бир гуруҳ бўйича қимматли қоғозларнинг оширилган ва камайтирилган қиймат суммалари топилади. Барча гуруҳлар бўйича биргаликда топилган суммалар ўртасидаги фарқ жами қимматли қоғозларнинг баланс қийматининг ошишига ёки камайишига сабаб бўлади. Оширилган қиймат, худди биринчи усулдагидек, қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капиталга киритилади, пасайтирилган қиймат эса – корхона харажати сифатида тан олинади ва ҳисоботда алоҳида тартибда акс эттирилади.

Учинчи усулда қайта баҳолаш жами инвестиция портфели бўйича амалга оширилади. Ушбу усулда гуруҳлар бўйича қайта баҳолаш натижасида оширилган қиймат суммаси хусусий капитал суммасига киритилади, пасайтирилган қиймат суммаси харажатларга олиб борилади, ўртадаги фарқ, агар ижобий бўлса инвестицияларнинг кўпайишига, агар салбий бўлса инвестицияларнинг камайишига олиб борилади.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш усулларининг фарқини тўлароқ тушуниш мақсадида қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз.

Айтайлик, матлубот акционерлик жамияти қуйидаги қимматли қоғозларга эга бўлсин (4-жадвал):

4-жадвал

Корхона	Акция сони	Акция-нинг сотиб олиш қиймати	Акция-нинг бозор қий-мати	Сотиб олиш қиймати суммаси	Бозор қиймати суммаси	Бозор қиймати-нинг ошиши ва пасайиши
Савдогар-банк	10	5000	5200	50000	52000	20000
Савдогар-банк	20	6000	5200	120000	104000	-16000
„Сухроб“ АЖ	100	1000	800	100000	80000	-20000
„Сухроб“ АЖ	50	1200	800	60000	40000	-20000
Жами				330000	276000	-54000

Ушбу шартли маълумотлар асосида қайта баҳоланган молиявий инвестицияларнинг баланс қиймати юқоридаги учта усулларда қуйидагича бўлади (5-жадвал):

5-жадвал

Усул	Сотиб олиш қиймати бўйича	Бозор қиймати бўйича	Сотиб олиш ва бозор қийматидан энг пасти бўйича	Фарқ (+,-)
1- усул	330000	276000	274000	-56000
2- усул	330000	276000	270000	-60000
3- усул	330000	276000	276000	-54000

Кўриниб турибдики, 1-усулда матлубот акционерлик жамиятининг қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларини сотиб олиш ва бозор қийматларидан энг пасти бўйича қайта баҳоланган қиймати 274000 сўмни ташкил этади, яъни сотиб олиш қийматига нисбатан уларнинг қадри 56000 сўмга тушиб кетган. Ҳисобот йили охирида ушбу усул бўйича қимматли қоғозлар қайта баҳоланганда, уларнинг қиймати балансда 274000 сўм этиб

белгиланади ва ўртадаги фарқ, яъни 56000 сўмлик зарар жамғарма (резерв) капитали ҳисобидан қопланади. Агар резерв капитали ушбу мақсад учун шаклланмаган бўлса, у ҳолда ушбу сумма корхона зарарига олиб борилади.

Агар корхона қимматли қоғозларни қайта баҳолашнинг иккинчи усулини танлаган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар қадрининг пасайиши натижасида 60000 сўмлик зарар кўрилган бўлади ва ҳисобот йили охирида уларнинг баланс қиймати 270000 сўм миқдорида балансда акс эттирилади. Кўрилган зарар, худди 1-усулдагидек, жамғарма (резерв) капитали ҳисобига қопланади ёки корхона зарарига олиб борилади.

Агар корхона қимматли қоғозларни қайта баҳолашнинг 3- усулини қўллаётган бўлса, у ҳолда ҳисобот йили охирига қимматли қоғозларнинг қиймати 330000 сўмдан 276000 сўмга туширилади, ўртадаги фарқ, яъни 54000 сўм, резерв капитали ҳисобидан қопланади ёки бундай резерв капитали бўлмаса корхона зарарига олиб борилади.

Қарз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни баҳолаш маълум хусусиятлари эга. Қарз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни баҳолаш уларнинг бериш санасидаги ҳисоб қиймати бўйича амалга оширилади. Ҳисоб қиймати инвестицияга киритилган активнинг турига боғлиқ бўлади. Жумладан, қисқа ва узоқ муддатга инвестицияга киритилган асосий воситалар ва номоддий активлар балансда уларнинг бошланғич қиймати бўйича баҳоланади. Бу активларни бошланғич қийматдан юқори баҳоланиб инвестицияга киритилиши, корхонага қўшимча даромад келтириши мумкин ва аксинча, паст қилиб киритилиши корхонага зарар келтириши мумкин. Лекин ҳар иккала ҳолда ҳам инвестициянинг баланс қиймати ушбу активлар бўйича бошланғич қийматга тенг бўлиши зарур. Инвестиция муддати тугагач, бу турдаги активлар бошланғич қийматида мос бўлган счётлар таркибига қайтадан тикланади.

Қарз ва кредит сифатида инвестицияга киритилган товар-моддий заҳиралар уларнинг баланс қийматида, яъни таннархи бўйича балансда акс этиши лозим. Ушбу қийматдан четланиш (паст ёки юқори) корхонага, худди узоқ муддатли активлар сингари, мос равишда зарар ёки қўшимча даромад келтиради. Моддий заҳираларнинг қайтарилиши ҳам мос счётларга баланс қийматида, яъни таннархи бўйича тикланади.

Пул маблағларини қарз ва кредит сифатида инвестицияга киритилиши уларнинг берилган суммадаги миқдорида баҳоланади ва ўша миқдорда қайтарилгач мос счётларга тикланади.

Қарз ва кредит шартномасига мувофиқ қарз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар қайта баҳоланиши ҳам мумкин. Қайта баҳолаш инвестицияга киритилган асосий воситалар ва моддий

активларнинг бошланғич қийматлари ҳукумат қарорлари ёки корхона мулкининг бошқа мулк шаклига айланиши муносабати билан мутасадди ташкилот қарори билан ўзгартирилганда амалга оширилади. Бундай ҳолда инвестор инвестицияга киритган узоқ муддатли активларининг баланс қийматини ўзгартиради ва ўша қийматда кейинги саналарда уларни балансда акс эттиради. Қайта баҳолаш товар-моддий заҳираларга ҳам тааллуқли бўлиб, уларнинг баланс қийматининг ўзгариши инвестиция қийматини ҳам ўзгаришига олиб келади. Қарз ва кредит сифатида инвестицияга киритилган активларнинг қайта баҳоланиши шартнома шартларига мувофиқ инвесторнинг оладиган даромадига таъсир қилиши, таъсир қилмаслиги ҳам мумкин.

Активларни қарз ва кредит сифатида инвестицияга киритувчи корхоналар ўзларининг ҳисоб сиёсатларида баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибларини, уларни корхона даромад ва харажатларига таъсирини, шунингдек қайта баҳолаш натижаларини счётларда акс эттириш усулларини очиб беришлари лозим.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларни баҳолаш қарз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни юқорида келтирилган тартибига тўлиқ ўхшашдир.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларнинг қайта баҳоланиши, маълумки таъсис бадали суммасини ошишига ва бу ўз навбатида ундан олинадиган таъсисчиларнинг фойдаси ҳиссасини ўзгаришига олиб келиши мумкин. Шунинг учун таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларнинг қайта баҳоланган қиймати давлат регистрациясидан қайта ўтиши лозим ва фақат шу асосда тан олиниши, шунингдек балансда акс эттирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2000 йил 30-мартдаги 37-қарори билан тасдиқланган ва Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 1- июнда 930- сонли қарор билан рўйхатдан ўтган, 2002 йил 1- январдан кучга киритиладиган 21- сонли БҲМС **„Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича инструкция“** га мувофиқ молиявий инвестицияларни сифат жиҳатдан тавсифлаш ва улар ҳисобини юритиш учун махсус иккита биринчи даражали счётлар (синтетик счётлар), шунингдек уларнинг ҳар бирида мос равишда олтита ва учтадан иккинчи даражали счётлар (субсчётлар) кўзда тутилган (6-7 жадваллар). Бундан ташқари корхоналар ўзларининг ҳисоб сиёсатларида молиявий инвестициялар тўғрисида батафсил ахборот олишлари учун қўшимча тарзда алоҳида учинчи даражали счётлар (аналитик счётлар) ни ҳам кўзда тутишлари мумкин.

6-жадвал

Молиявий инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар тизими (1994 йилдан 2002 йилгача ҳаракатда бўлган счётлар режасига мувофиқ)

Счёт, Субсчёт	Счёт ва субсчётнинг номи
1. Узоқ муддатли инвестициялар бўйича	
06/1	Пай ва акциялар
06/2	Облигациялар
06/3	Берилган қарзлар
2. Қисқа муддатли инвестициялар бўйича	
58/1	Облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар
58/2	Депозитлар
58/3	Берилган қарзлар

7-жадвал

Молиявий инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар тизими (2002 йил 1- январдан ҳаракатда бўладиган счётлар режасига мувофиқ)

Счёт, Субсчёт	Счёт ва субсчётнинг номи
1. Узоқ муддатли инвестициялар бўйича	
0610	Қимматли қоғозлар
0620	Қизалоқ корхоналардаги инвестициялар
0630	Қўшма корхоналардаги инвестициялар
0640	Ассоциялашган корхоналарга инвестициялар
0650	Қарам корхоналарга инвестициялар
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар
2. Қисқа муддатли инвестициялар бўйича	
5810	Қимматли қоғозлар
5830	Берилган қисқа муддатли қарзлар
5890	Бошқа жорий инвестициялар

Хўш, ушбу иккита счётлар тизимининг *иерархик* тузилиши негизига қандай мезон ва белгилар олинган ва улар молиявий инвестицияларни қандай сифат жиҳатлари бўйича тавсифлайди? Ҳаракатдаги ва янги счётлар режасида молиявий инвестициялар ҳисоби учун кўзда тутилган счётлар тизимлари қандай белгилари билан бир-биридан фарқ қилади, уларнинг ўхшашлик ва фарқ қиладиган жиҳатлари, афзаллик ва камчилик томонлари нималардан иборат?

Моливий инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган ҳар иккала тизимда 1- даражали счётлар доирасида молиявий инвестицияларнинг муддати бўйича гуруҳлаш ва улар бўйича маълумотларни пул ифодасида жамлаш асосий мезон қилиб олинган. Бундай гуруҳлашдан асосий мақсад молиявий инвестицияларнинг узоқ ва қисқа муддатли қисмларини мос равишда корхона активларини балансда узоқ муддатлидан тортиб қисқа муддатлига қараб жойлаштириш тартибида мувофиқлаштириш ҳисобланади. Демак, активларни балансда жойлаштириш талабига ҳар иккала счётлар тизими бир хилда жавоб беради ва ушбу белгисига кўра улар бир-биридан фарқ қилмайди. Ҳар иккала тизимда ҳам кўзда тутилган 1-даражали счётлар ягона мақсадга эришиш учун, яъни молиявий инвестицияларни муддати бўйича тавсифлаш ва ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Ҳаракатдаги счётлар режасида молиявий инвестицияларни акс эттирувчи 2-даражали счётлар (субсчётлар) ни очишга инвестициянинг турлари ёки кўринишлари асос қилиб олинган. Жумладан, узоқ муддатли инвестицияларнинг муҳим турлари бўлган пай ва акциялар, облигациялар ва берилган қарзларни, шунингдек қисқа муддатли инвестицияларнинг муҳим турлари бўлган облигация ва бошқа қимматли қоғозлар, депозитлар ва берилган қарзларни акс эттириш учун мос равишда 06- сонли *„Узоқ муддатли молиявий инвестициялар“* ва 58- сонли *„Қисқа муддатли молиявий инвестициялар“* счётларига алоҳида субсчётлар кўзда тутилган. Демак, ҳаракатдаги счётлар режасида ҳар бир 2- даражали счёт инвестициянинг у ёки бу тури тўғрисида, шунингдек улардан келаётган иқтисодий манфаатдорлик, яъни даромад тўғрисида маълумотларни пул ифодасида жамлаб беради.

Молиявий инвестицияларни акс эттирувчи 3- даражали счётлар (аналитик счётлар) амалиётда ҳаракатдаги счётлар режасига мувофиқ инвестицияларни киритиш йўналишлари бўйича, яъни инвестициялар йўналтирилган корхоналарнинг турлари бўйича юритилади. Бундай корхоналарга банклар, акционерлик жамиятлари, қўшма корхоналар, қизалоқ корхоналар, қарам корхоналар, уюшган корхоналар ва бошқа турдаги корхоналар киради. Демак, 3- даражали счётлар молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни киритиш йўналишлари бўйича, яъни корхоналарнинг турлари бўйича пул ифодасида жамлаб беради. Ушбу даражали счётлар киритилган

инвестициялар эвазига олинаётган даромадни ҳар бир корхона бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қилиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, 06 *„Узоқ муддатли молиявий инвестициялар"* счётига очилган 2- ва 3- даражали счётлар (субсчётлар ва аналитик счётлар) маълум камчиликлардан холис эмас. Жумладан, уларда жамланган маълумотлар мос равишдаги узоқ муддатли молиявий инвестицияларни акс эттирувчи баланс моддаларини қўшимча гуруҳлашларсиз бевосита шаклланишига имкон бермайди. Жумладан, баланснинг узоқ муддатли молиявий инвестицияларни акс эттирувчи алоҳида моддалари 06 *„Узоқ муддатли молиявий инвестициялар"* счётига очилган барча 2- даражали счётлар (субсчётлар), шунингдек улар бўйича юритилган 3- даражали счётлар (аналитик счётлар) дан олинади ва жамланади. Бу ўз навбатида, 1-ва 2-даражали счётларнинг баланс моддалари билан узвий ва бевосита алоқаларини пасайтиради. Ушбу ҳол, айниқса, бухгалтерия ҳисобини компьютерларда юритишда балансни автоматик тарзда тузилишида катта қийинчиликларга олиб келади, чунки баланс моддасини уч хил даражадаги счётлар билан боғлаш катта ва мураккаб ҳисоб-китобларни, саралаш, гуруҳлаш ва жамлаш операцияларини ўз ичига оладиган амалий дастурларни ёки режимларни ишлаб чиқиш ва улар бўйича ишлашни тақозо этади. Ўз навбатида 1997 йил 1 январдан қўлланилаётган баланснинг ўзи ҳам молиявий инвестицияларни акс эттириш бўйича камчиликлардан холис эмас. Жумладан, балансда умуман акционерлик жамиятлари, тижорат банкларининг акциялари ва бошқа узоқ муддатли қимматли қоғозларига йўналтирилган инвестицияларни акс эттирувчи, шунингдек таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларни акс эттирувчи моддалар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам амалиётда ушбу турдаги инвестицияларга эга бўлган корхоналар уларни баланснинг мос бўлмаган моддаларида кўрсатишга мажбур бўлмоқдалар, масалан барча акцияларни 040- модда *„Қизалоқ корхоналардаги акциялар"* да, ҳолбуки ушбу акциялар умуман бу турдаги корхоналарга тегишли эмас. Таъсис бадали сифатида киритилган инвестициялар 090- модда *„Бошқа қарзлар"* да ўз мазмунига мос бўлмаган ҳолда акс эттирилмоқда. Худди шундай чалкашликлар қўшма ва бошқа турдаги (масалан, жамоа, масъулияти чекланган жамият ва бошқалар) корхоналарга киритилган молиявий инвестицияларга ҳам тааллуқлидир, чунки балансда ушбу турдаги корхоналарга киритилган узоқ муддатли молиявий инвестицияларни аниқ акс эттирувчи моддалар алоҳидакўзда тутилмаган.

Тасдиқланган янги счётлар режаси узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган 2- ва 3- даражали счётлар бўйича ҳаракатдаги счётлар режасидан тубдан фарқ килади. Жумладан, узоқ муддатли молиявий инвестицияларни акс эттиришга мўлжал-

ланган 2- даражали счётлар (субсчётлар) ни очиш негизига, ҳаракатдаги счётлар режасидан ўлароқ, молиявий инвестицияларнинг турлари ёки кўринишлари эмас, балки уларни киритилиш йўналишлари, 3-даражали счётлар (аналитик счётлар) ни очиш негизига эса молиявий инвестицияларнинг турлари ёки кўринишлари асос қилиб олинган. Ушбу тартиб фақатгина 0610 *„Қимматли қоғозлар"* ва 0690 *„Бошқа узоқ муддатли молиявий инвестициялар"* субсчётларигагина хос эмас. Бизнинг фикримизча, ушбу субсчётларнинг номларини ҳам инвестицияларни киритиш йўналишига мослаштириш лозим. Жумладан, 0610-субсчётни *„Акционерлик жамиятлари ва банкларга инвестициялар"*, шунингдек 0690- субсчётни эса *„Бошқа турдаги корхоналарга инвестициялар"* деб аташ мақсадга мувофиқдир. Барча субсчётларни юқоридаги тартибда инвестицияларни киритиш йўналиши бўйича очилиши уларни тавсифлашнинг яхлит бир тизимини яратилишига асос бўлади.

Янги счётлар режаси узоқ муддатли молиявий инвестицияларга доир бўлган айрим 2- ва 3- даражали счётларнинг баланс моддалари билан боғлиқлигини анча кучайтирган. Бизнинг фикримизча, бундай боғлиқликни барча инвестиция турлари бўйича таъминлаш лозим ва бунинг учун баланс моддаларини айнан янги счётлар режасидаги каби 2- даражали счётларнинг номлари билан тўлиқ мослаштириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, узоқ муддатли молиявий инвестицияларга доир баланс моддаларини янги счётлар тизими билан қуйидагича боғлашни тавсия этамиз (8- жадвалга қаранг).

8- ж а д в а л

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар бўйича бухгалтерия ҳисоби счётлари ва баланс моддалари ўртасидаги боғлиқлик

Баланс молдаси		Счёт	Субсчёт	Аналитик счёт
040	Акционерлик жамиятлари (АЖ) ва банкларга инвестициялар	06	0610, 0611, 0612, 0613, 0614, 0615	АЖ лар ва банклар
050	Қизалоқ корхоналарга инвестициялар	06	0620, 0621, 0622	Шўъба корхоналар
060	Уюшган корхоналарга инвестициялар	06	0630, 0631, 0632, 0633, 0634	Уюшган корхоналар

8-жадвалнинг давоми

070	Қўшма корхоналарга инвестициялар	06	0640, 0641, 0642, 0643, 0644	Қўшма корхоналар
080	Қарам жамиятларга киритилган инвестициялар	06	0650, 0651, 0652, 0653, 0654	Қарам жамиятлар
090	Бошқа турдаги корхоналарга инвестициялар	06	0660, 0661, 0662, 0663, 0664	Турли корхоналар

Тавсия этилаётган усулда ҳар бир субсчёт бир хил турдаги корхоналарга киритилган молиявий инвестицияларнинг аниқ турини билдиради. Масалан, акционерлик жамиятлари ва банкларга киритилган инвестицияларни қуйидаги субсчётлар билан белгилаш мумкин: 0610— Акционерлик жамиятлари акциялари; 0611— Банкларнинг акциялари; 0612— Облигациялар; 0613 — Векселлар; 0614 — Сертификатлар. Худди шундай бошқа турдаги корхоналарга киритилган инвестициялар ҳам турлари бўйича алоҳида субсчётларда акс эттирилиши мумкин.

Компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби шароитида юқорида келтирилган счётларнинг кодларини баланс моддалари билан боғлиқлик классификаторининг мавжудлиги барча турдаги молиявий инвестицияларни уларнинг киритилиш йўналишлари бўйича автоматик тарзда жамлаш ва уларни балансниг мос моддаларида кўрсатиш имконини беради.

Ҳаракатдаги ва янги счётлар режаларида қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сифат жиҳатдан тавсифлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган 2- ва 3- даражали счётларнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар юз берган эмас. Ҳар иккала тизимда ҳам 2-даражали счётлар негизига қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари ёки кўринишлари, 3-даражали счётлар негизига эса — инвестицияларнинг киритиш йўналишлари асос қилиб олинган. Ушбу счётларнинг иерархик тузилиши қисқа муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни тизимли жамлаш ва уларни балансниг алоҳида моддасида пулда ифодалаш имконини беради.

2.4. Кўпмулкчилик шароитида назорат ва аудит муаммолари

Мамлакатимизда эришилаётган ижобий натижалар турли мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро алоқаларига,

олиб борилаётган ҳисоб-китобларига бевосита боғлиқдир. Ўзбекистонда 2003 йилнинг бошларида кўпмулкчиликка асосланган 169 мингдан зиёд корхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб эса, уларнинг сони 245 мингдан ошди. Ўтган йиллар давомида мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш янада ривожлантирилди. Биргина 2000 йил давомида Республикада кўзда тутилган 167 та объект ўрнига 374 та объект хусусийлаштирилди. Уларнинг негизида 152 та акциядорлик жамиятлари, 103 та хусусий корхона ва 117 та бошқа мулк шаклларидаги корхоналар ташкил этилди. Ўтган йилда мулкларни хусусийлаштиришдан 14,3 млрд. сўм маблағ тушди. Бу 1999 йилдагига нисбатан 1,6 баробар кўпдир[1]. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожлантирилди. Бундай натижаларга иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш туфайли эришилди. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар такомиллашиб бормоқда. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг миллий андозалари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Ҳар бир корхона ўз „Ҳисоб сиёсати"га эга. Ҳисоб юритиш ва назорат қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб миллий ва халқаро андозалар талабларига мослаштирилди.

Бозор муносабатларининг такомиллашув қуйидаги сифат ўзгаришлар билан бевосита боғлиқдир:

- кўпмулкчиликнинг вужудга келиши;
- хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигининг ошиши;
- ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, чет эл сармояларининг иқтисодиётимизга тезкорлик билан кириб келиши;
- хўжалик юритиш тартиби ва бошқариш тамойилларининг халқаро талабларга мослашиши;
- ҳисоб ва назоратнинг қимматли қоғозлар, валюта операциялари, номоддий активлар, инвестициялар каби янги объектларининг вужудга келиши.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари доимий равишда назорат қилиб борилади. **Назорат** — бу корхоналар фаолиятини бошқариш воситаси бўлиб, ички имкониятлар аниқланади, улардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар белгиланади. Ўзбекистон Республикасида асосий назорат — бу *иқтисодий назорат* ҳисобланади. Иқтисодий назорат молиявий назорат шаклида ўтказилади.

Молиявий назорат орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг мавжуд моддий, пул ва меҳнат ресурслардан фойдаланганликлари, фаолият натижасидаги даромадлари, харажатлари ва фойдаси тек-

---

[1] **Каримов И. А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. „Халқ сўзи" газетаси, 2001 йил, 17 февраль.

ширилади. Корхона фаолияти маъмурий назорат ҳам қилинади. Бундай назоратни мулк эгалари, таъсисчилар, корхона раҳбарлари амалга оширадилар. Маъмурий назорат орқали корхоналарда қабул қилинган қарорлар, фармойишларнинг қай даражада бажарилганлиги, моддий жавобгар шахслар томонидан белгиланган вазифаларнинг тўғри амалга оширилганлиги текширилади. Маъмурий назорат кўп ҳолларда ички назорат шаклида ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари ташқи назорат қилиб борилади. Бундай назорат кўп ҳолларда таъсисчилар, инвесторлар ва солиқ идоралари томонидан ўтказилади.

Назорат турлари бир-биридан фарқ қилади ва шу билан биргаликда бир-бирини тўлдириб боради. Ҳар бир назоратнинг мақсади, предмети, объектлари ва вазифалари мавжуд. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири — бу қонуннинг устуворлигидир. Корхона ва ташкилотлар самарадорлиги қабул қилинган қонунлар, турли фаолиятга қаратилган меъёрий ҳужжатлар сони билан эмас, балки ушбу қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилиш, ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан белгиланади. Турли мулкдаги корхоналарда қабул қилинган қонунлар, низомларга тўлиқ амал қилинса уларнинг фаолиятлари ҳам ривожланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шахслар фаолиятида қонун устуворлигига эришилади. Назорат ва тафтиш соҳасидаги етакчи олим В.Д. Андреевнинг фикрича, назорат орқали халқ хўжалигида содир бўлаётган жараёнлар кузатилиб, улар тўғрисида аниқ ахборотлар олинади, иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган қарорлар қабул қилинади[1].

Назорат қилиш тартиби унинг тури ва мақсадига бевосита боғлиқ бўлади. Мулк шаклларидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти дастлабки, жорий ва даврий (муддатли) назорат қилинади. Дастлабки назоратда хўжалик операцияларининг содир бўлишига асос бўлган ҳужжатлар текширилади. Бундай назоратни солиқлар мисолида кўриб чиқайлик. Дастлабки назоратда солиқларга тегишли бўлган қуйидаги ҳужжатлар текширилади: солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, солиқлар бўйича қўлланиладиган имтиёзларни ифодаловчи ҳужжатлар. Солиқларнинг жорий назорати солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш пайтида амалга оширилади. Бунда солиққа тортиладиган кўрсаткичлар, солиқ ставкаларининг тўғри қўлланганлиги, солиқ суммалари текширилади. Муддатли (даврий) назоратда эса маълум ҳисобот давридаги маълумотлар („Молиявий ҳисобот" маълумотлари) тек-

---

[1] **Андреев В.Д.** Ревизия и контроль в потребительской кооперации. Учебник. — М.: Экономика, 1987, с. 16.

ширилади. Жумладан, солиқлар бўйича корхонанинг бюджет олдидаги мажбуриятлари (бухгалтерия балансининг пассив қисми, иккинчи бўлинмаси — „Мажбуриятлар"), солиқларнинг турлари бўйича ҳисобланганлиги ва бюджетга тўлиқ тўланганлиги („Молиявий ҳисобот"нинг 2- шакли — „Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот", 4- шакл — „Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот") текширилади. Назоратнинг хўжалик жараёнлари бўйича турларини қуйидаги шаклда кўриш мумкин (6- чизма):



6- чизма. Назоратнинг хўжалик жарёнлари бўйича турлари

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, демократик жамият қуришга қаратилган вазифаларнинг амалга оширилиши назорат тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Назорат бозор талабларига мослашиб бормоқда. „*Ўзбекистонга мустақиллик*, - деб таъкидлайди таниқли педагог-олима М.М. Тўлахўжаева, — *холислик ва ошкоралик тамойилларига мос, ишончли фаолият кўрсатадиган назорат тизимини яратиш имконини берди*"[1].

Ҳукумат томонидан корхоналар фаолиятига асоссиз аралашавермаслик, тадбиркорликни ҳар томонланма ривожлантиришга имкониятлар яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб борилмоқда. Ушбу масалага қаратилган мамлакат Президентининг „Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга асосан корхоналар фаолиятини назорат қилиш янада такомиллаштирилиб борилмоқда. Эндиликда давлатнинг назорат функциялари нодавлат тизимларига ўтиб

---

[1] **Тўлахўжаева М.М.** Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. — Т.: „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 1998, 90- бет.

бормоқда. Ушбу жараённинг ўта муҳимлигини мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қуйидагича таъкидлаган эдилар: „... *жамиятимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан назорат вазифаси ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур*"[1].

Бозор иқтисодиётининг муҳим хусусиятларидан бири — бу тавакқалчилик, тадбиркорликнинг ривожланиши, корхоналарга олдиндан маълум бўлмаган хавф-хатарнинг мавжудлигидир. Бундай шароитда фаолият юритиш ўта эҳтиёткорликни, чуқур асосланган истиқболли „Бизнес-режа" га эга бўлишни тақозо этади. Ушбу сабаблар аудит ва аудиторлик фаолиятининг келиб чиқишига асос бўлди. Маълум молиявий ва меҳнат салоҳиятига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик хизматига бўлган эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда. Чунки, аудит орқали корхоналарнинг фаолиятлари ўрганилади, мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси аниқланади, хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг қабул қилинган қонун-қоидаларга мослиги экспертизадан ўтказилади, уларга холисона хулосалар ва амалий маслаҳатлар берилади.

Мамлакатимизда аудит ва аудиторлик фаолиятини юритишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да[2], ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган маълум муаммолар мавжуддир. Буларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- аудит назарияси билан боғлиқ муаммолар;
- аудит амалиёти билан боғлиқ муаммолар.

Қуйида ушбу муаммоларнинг мазмуни ва айрим ечимларига тўхталиб ўтамиз. Аудит бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли вужудга келди. Аудит бозор инфратизилмасининг таркибий қисмига айланди. Иқтисодиётнинг эркинлашуви хўжалик юритувчи субъектларга катта ҳуқуқлар ва имкониятлар берди (мустақил фаолият юритиш, „Ҳисоб сиёсати"ни, солиқ турларини мустақил белгилаш ва ҳ.к.). Шу билан бир қаторда, иқтисодий муносабатларнинг чуқурлашуви туфайли „тавакқалчилик" билан иш кўриш, „хавф-хатар"нинг содир бўлиш эҳтимоли янада ошди. „Ноанъанавий" тартибда хўжалик юритиш корхона ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини чегаралаб қўйди. Натижада „четдан" бериладиган ёрдамга, „ишончли"

---

[1] **Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин.** Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Тошкент, „Ишонч", 2001 йил, 8- декабрь.

[2] **Мусаев Ҳ. Н., Мусаев Д.Ҳ.** Аудитни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари. — Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 йил, 1- сон, 42 — 44-бетлар.

маслаҳатларга эҳтиёж туғилди. Бу эса, ўз навбатида, аудит ва аудиторлик фаолиятига, унинг ривожланишига асос бўлди. Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш қуйидаги масалаларга илмий ёндашишни тақозо қилади:

- „Аудит" категориясини илмий жиҳатдан асослаш.
- Аудитнинг мазмуни билан боғлиқ масалалар (аудит — бу фаолият турими, ёки касбми, аудит махсус фанми, аудит назорат функциясини, ёки ҳунарми, „Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш қайси ихтисосликларни ўз ичига олади ва ҳ.к.).
- Аудитнинг тури ва шакли билан боғлиқ муаммолар (ички аудит, ташқи аудит, мажбурий аудит, қонунларга мосликнинг аудити, иқтисодий самарадорликнинг аудити, тасдиқловчи аудит, таваккалчиликнинг аудити, менежментлик аудити, ижтимоий аудит, экологик аудит масалалари).
- Аудит билан назорат, тафтишнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-биридан фарқи. Аудит билан бошқа назорат турларининг уйғунлашуви (биргаликда олиб борилиши) масалалари.
- Аудиторлик иши (аудит амалиёти билан боғлиқ муаммолар: аудит соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, аудит андазалари, аудитнинг услубий таъминоти, аудитнинг компьютер технологияси ва ҳ.к.) .

Юқоридаги муаммоларнинг илмий жиҳатидан чуқур асосланмаганлиги туфайли, аудит амалиётида кутилаётган натижаларга тўлиқ эришилмаяпти.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аудитнинг ватани Буюк Британия бўлиб, аудит тўғрисидаги дастлабки ҳуқуқий меъёрномалар ушбу мамлакатда 1844 йилда қабул қилинган. АҚШда 1887йилда „Аудиторлар ассоциацияси" ташкил бўлган. Аудиторлик фаолияти, кейинроқ қатор Европа, Осиё мамлакатларида ташкил топган. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятига XX-асрнинг 80-йиллари ўрталарида асос солинган. Бизнинг мамлакатимизда аудит тўғрисидаги қонун Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган эди. Бозор муносабатларининг ривожланиши туфайли, „Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун қайта кўриб чиқилди ва 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қайтадан тасдиқланди. Натижада, аудитнинг предмети ва объектлари кенгайди, аудиторлар, аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) нинг ҳуқуқлари ва масъулиятлари оширилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларда аудит ва аудиторлик фаолияти, уларнинг мақсади ва вазифалари турлича талқин қилинган. Буларнинг айримларига

тўхталиб ўтамиз. Профессор В.И.Подольскийнинг фикрича, аудиторлик фаолияти (аудит), аудиторлик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларни ташқи текширув ўтказишга доир тадбиркорлик иши ҳисобланади[1].

Аудиторлик фаолиятини тадбиркорлик иши деб қаралиши *„Ҳар қандай бизнес* (тадбиркорлик – Ҳ.М.) *мустақил шахс сифатида қаралиши ва ўз эгасига бевосита боғлиқ бўлмаслиги керак“*[2] деган хулоса келиб чиқади *„Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади,* — деб ёзади Н.П. Баришников, — *корхоналар бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг ишончлилиги, улар томонидан содир этилган молиявий ва бошқа операцияларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мослигини аниқлашдан иборатдир“*[3]. Ҳ.Қаюмовнинг таъкидлашича, *„Аудитор ва аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади — бухгалтерия ҳисобининг ишончлилиги ва содир этилган хўжалик операцияларини амалдаги норматив актларга мувофиқ келишини аниқлашдир“*[4].

Аудитнинг мақсадига А. Ризоқулов, Р. Нарзиевлар шундай таъриф берганлар: *„... аудитнинг мақсади — бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунда белгиланган принципларга, (бошқа) меъёрий ҳужжатларга мувофиқ юритилганлигини текширишдир“*[5]. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аудитни фан сифатида, билимлар мажмуаси деб қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, К. Ш. Дюсембаев *„Аудит фан сифатида махсус билимлар тизими бўлиб, хўжалик юритувчи субъект молиявий ахборотларини объектив баҳолаш ва мижознинг асосли қарор қабул қилиши учун хулосалар беришга қаратилган тадқиқот тамойиллари ва усулларидир“*[6], деб хулоса қилади. Айрим манбаларда аудит хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида содир бўладиган хавф-хатарларнинг олдини олиш усули деб талқин қилинган. Шу мазмунда махсус дарсликда қуйидаги таъриф берилган: *„Аудит лицензияланган юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти бўлиб, бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар учун бухгалтерия ҳисоботи, молиявий*

---

[1] **Подольский В. И.** ва бошқалар. Аудит. М., ЮНИТИ ДАНА, 2000, 11—12- бетлар.

[2] **Стоун Д., Хитчинг К.** Бухгалтерский учёт и финансовый анализ. АОЗГ, „Литера плюс“. Санкт-Петербург, 1999, 45- бет.

[3] **Барышников Н. И.** Организация и методика проведения общего аудита. М., ИИД „Филинь“, 2000, 8- бет.

[4] **Қаюмов Ҳ.** Аудиторлик назорати. Фарғона, 1995, 5- бет.

[5] **Ризоқулов А., Нарзиев Р.** Аудит. Т.: Қатортол-камолот, 1999, 19- бет.

[6] **Дюсембаев К.Ш.** Аудит и анализ в системе управления финансами (теория и методология). Алматы, Экономика, 2000, 62- бет.

ҳисобот ва солиқлар ҳисоботидаги таваккалчилик (риск)ни имкон қадар пасайтиришга ва уларнинг ишончлилигини аниқлашга қаратилгандир"[1]. АҚШнинг нуфузли иқтисодий университетларида дарслик сифатида фойдаланилаётган „Аудит" дарслигида аудитга берилган қуйидаги таъриф эътиборга лойиқдир: *„Аудит (auditing) — дахлсиз ходим томонидан ахборотларнинг белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш ва холисона хулоса бериш мақсадида, хўжалик тизими тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш жараёнидир"*[2]. Юқоридаги таърифлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- аудиторлик тадбиркорлик фаолияти турига киради;
- аудит орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари текширувдан ўтказилади;
- аудит—бу корхоналар молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аниқлаш усулидир;
- аудит махсус фан бўлиб, билимлар мажмуасидан иборат.

Биз юқоридаги фикрларни аксарият эътироф этган ҳолда шундай хулосага келдик: *аудит — бу турли мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш, асосли хулосалар ва маслаҳатлар беришдир.* Ушбу мезон қабул қилинган маълум қонунлар, қарорлар, низомлар, йўриқномалардан келиб чиққан бўлиши керак. Бу жиҳатдан, биз Э. А. Аренс, Ж. К. Лоббекларнинг фикрини қўллаб-қувватлаган бўламиз. Аудитнинг иқтисодий фан сифатида эътироф этилиши ва тан олиниши унинг мавқеини, аҳамиятини янада оширади. *Аудит* — бу касб, ҳунар, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим тури.

Аудитдан кўзланган мақсад ва вазифаларни амалиётда жорий этиш учун аудит турлари ва шакллари ўртасидаги тафовутлар илмий асосланиши, унинг предмети ва объектлари асосида илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилиши керак деб ҳисоблаймиз. Аудит соҳасидаги меъёрий ҳужжатларда ушбу масалалар тўлиқ ёритилмаган. Буни аудит андазалари (стандартлари) мисолида ҳам кўриш мумкин. Халқаро амалиётда қўлланилиб келинаётган аудит андазалари 40 га яқин моддалардан иборат бўлиб, аудитнинг моҳияти, аудитнинг режалаштирилиши, аудиторлик риски (таваккалчилиги), аудитни ўтказиш тартиби, аудиторлик хулосаси масалалари кенг ўрин олган. Халқаро андазаларга асосланган 20 га яқин аудит андазалари мамлакатимизда ҳам қабул қилинди[3]. Ушбу андазалар аудитнинг, асосан, қуйидаги

---

[1] **Суйц В.П.** и др. Аудит: общий, банковский, страховой. М., ИНФРА М., 2000, 11- бет.

[2] **Аренс Э.А., Лоббек Ж.К.** Аудит. М., Финансы и статистика, 1995, 7- бет.

[3] Национальные стандарты аудиторской деятельности Республики Узбекистан. Т., Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, 2001 г.

масалаларини ўз ичига олади: аудитнинг режалаштирилиши, хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш тартиби, аудитор ишининг сифати ва назорат қилиниши, аудиторлик риски (таваккалчилиги), аудитни ўтказиш жараёни, аудит натижаларини ҳужжатлаштириш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси. Мазкур андазалар ҳам назарий, ҳам услубий аҳамиятга эга бўлса-да, аммо уларда бозор муносабатларидан келиб чиқаётган ва содир бўлаётган хўжалик операцияларини текшириш тартиби тўлиқ ўз аксини топмаган. Кўп ҳолларда аудит „тасдиқловчи назорат", яъни хўжалик фаолиятининг комплекс тафтишига ўхшаб қолмоқда ва шундай тартибда амалга оширилмоқда ҳам. Бунинг асосий сабаби, фикримизча, аудит андазаларининг нисбатан мураккаблиги ва уларда текшириш тартиби, усулларининг етарлича ёритилмаганлигидадир.

Аудит андазалари тавсиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар асосида ҳар бир аудитор, аудиторлик ташкилоти (фирмаси) ўз услубини ишлаб чиқиши керак деб ҳисоблаймиз. Бозор муносабатларининг чуқурлашуви шароитида аудит объекти ва услуби, асосан, қуйидагиларга қаратилиши керак:

- хусусийлаштириш жараёни ва улар билан боғлиқ операциялар;
- валюта маблағлари, қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган операциялар;
- экспорт-импорт, реэкспорт, реимпорт операциялари;
- хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб операциялари;
- солиқлар ва солиққа тортиш билан алоқадор бўлган операциялар;
- молиявий натижалар ва ҳисобот кўрсаткичларининг асослилиги ва ишончлилигини текшириш.

Аудит андазалари ва унда қўлланиладиган усуллар айнан юқоридаги жараёнларнинг қабул қилинган мезонларга нечоғлик мослигини аниқлашга қаратилган бўлиши керак. Назорат ва аудитнинг моҳияти, турлари, андазалари ва ўтказилиш тартиби илмий-услубий жиҳатдан қанчалик чуқур асосланса, уларнинг бозор муносабатларни ривожлантиришдаги мавқеи шунчалик юқори бўлади.

2.5. Бозор муносабатларини ривожлантиришда иқтисодий таҳлил муаммолари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Президент И.А. Каримов XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиши стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериб, бу борада қилинадиган устувор йўналишларни кўрсатиб ўтди. Бу билан мамлакатимиз тарихида янги давр — сиёсий, иқтисодий ҳаётимизда эркинлаштиришнинг янги даври бошланди десак муболаға бўлмайди.

Бизга режали иқтисодиётдан ўта зарарли, ташаббус ва омилкорлик ҳиссини сўндирадиган боқимандалик иллати мерос бўлиб қолган эди. Чунки оддий меҳнаткашдан тортиб раҳбаргача билар эдики, бизга ҳамма нарсани давлат беради, барча мулк давлатники, ҳатто иш билан ҳам ўзи таъминлайди. Корхона фойда килса, у ҳам давлатники, зарар билан ишласа яна давлат ҳисобидан қопланади. Хом ашё етишмаса давлат таъминлайди, сифатсиз товар ишлаб чиқарсак ҳам ўйланмас эдик, чунки давлат ўзи режа асосида сотиб берарди, агар сотилмай қолса, нархини туширар ёки ҳисобдан чиқарарди. Бу ҳам давлат ҳисобидан қопланар эди. Энди ўйласак, одамларда, ҳатто раҳбарларда ҳам ҳеч қандай масъулият қолмаган экан.

Энди бундай фаолиятга чек қўйилди. Боқимандаликнинг умри тугади. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичига ўтилди. Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда бу нима қилсанг ихтиёр ўзингда, ҳатто ишламасанг ҳам бўлаверади дегани эмас.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шу соҳада фаолият кўрсатаётганларнинг, энг аввало, масъулиятини, уларнинг жавобгарлигини ошириш дегани. Бу масъулият ўта оғир масъулиятдир. Энди ҳар бир ходим ўз жамоаси олдида, мулк эгаси, халқи ва давлати олдида масъулдир.

Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 14 сессиясида „Иқтисодиётни эркинлаштириш — хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир“[1] деб таъкидлади. Энди ҳар бир хўжалик юритувчи субъект
ўз фаолиятини тегишли маблағ, хом ашё, иш кучи, илғор технология кабилар билан ўзи таъминлайди. Товарини (иш, хизматини) ўзлари сотади. Ўзининг барча фаолиятини тегишли моддий ва маънавий маблағлар билан ҳам ўзлари таъминлайди.

Бунинг учун мамлакатимизда жуда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Иқтисодий эркинликнинг меъёрий асоси билан биргаликда руҳий асоси яратилди. Энди одамларимиз бундай вазиятга руҳан тайёр бўлиб қолди, дейиш мумкин. Бироқ, иқтисодий эркинликни тўлиқ жорий қилиш учун ҳамон одамлар кайфиятида, ҳатто айрим раҳбарларимизда ҳам, боқимандалик кайфиятининг асоратлари сақланиб қолган. Ҳамма қонунларимиз ва бошқа меъёрий ҳужжатларимиз эркин иқтисодиётни жорий қилишга қаратилган бўлишига қарамасдан, уларнинг айримлари ҳаётда ишламаяпти. Чунки одамларнинг иқтисодий эркинликка етарли даражада кўникма ҳосил қилиши қийин кечмоқда. Шу туфайли юртбошимиз: „Эркинлик

---

[1] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999. 37- бет.

тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш зарур"[1] деб таъкидлади.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг энг муҳим жиҳати — мулкдорлар синфини шакллантириш, яъни хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтиришдан иборатдир. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун иқтисодиётни бошқаришда қўлланиладиган барча дастакларни, шу жумладан, иқтисодий таҳлилни ҳам шу эркин иқтисодиётга мослаштиришни тақозо қилади.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар билан уларни бошқаришдаги дастаклар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш иқтисодий фанларга, хусусан, иқтисодий таҳлил фанига ҳам назарий ва услубий жиҳатдан такомиллашишни талаб қилса, иқтисодий таҳлил эркин иқтисодиётни бошқариш учун тегишли ахборотларни тайёрлаб бериш эвазига иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Бу эса ушбу тушунчаларнинг бир-бири билан диалектик боғлиқлигини тақозо қилади.

Энди иқтисодиётни эркинлаштиришда иқтисодий таҳлилнинг роли ва аҳамияти нималардан иборат деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавоб бериш учун, энг аввало, Президентимизнинг бу борадаги концептуал кўрсатмаларига асосланиш лозим деб ҳисоблаймиз. Буни тўғри англаш учун ушбу масалага иккита йирик йўналишда ёндашмоқ лозим.

Биринчиси, иқтисодиётни эркинлаштириш учун қандай хўжалик юритувчи субъектларни барпо қилиш ва такомиллаштириш зарурлиги бўлса, иккинчиси шу субъектларнинг иқтисодиётини бошқаришда қандай муҳитни вужудга келтириш ва шу муҳитга қандай дастаклардан фойдаланиш лозимлигини таъминлашдан иборатдир.

Биринчи йўналиш бўйича юртбошимиз И.А. Каримов таъкидлаган энг муҳим муаммо — бу мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш, бунинг учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш лозимлигидир. Демак, бундан кўриниб турибдики, олдимизда турган вазифа — иқтисодиётни такомиллаштириш учун кўплаб хусусий мулкка асосланган янги корхоналарни очиш ва бошқа мулкдаги корхоналарни хусусий мулкка айлантириш экан. Бу муаммони ҳал қилишга шаҳарларда хусусий мулкка асосланган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш эвазига амалга ошириш мумкин бўлса, қишлоқ жойларида пайчилик муносабатларини жорий қилиб ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

---

[1] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999. 33- бет.

Бу борада Ўзбекистонда анча ишлар қилинди. Бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу жараённи амалга ошириш-нинг ҳуқуқий асоси яратилди. Эндиги вазифа шу меъёрий ҳужжат-ларни ҳаётга тўла татбиқ қилиш учун барча чораларни кўриш лозим.

Ҳозирги пайтда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиш ва бошқариш учун республикамизда тегишли кадрлар тайёрланмаяпти. Буни инобатга олиб, юртбошимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: „Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаби тармоғини вужудга келтириш зарур“[1].

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг навбатдаги вазифаси ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантиришдан иборатдир. Чунки Президен-тимиз таъкидлаганидек: „Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат — бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир“[2].

Бу масалани амалга ошириш учун иқтисодий таҳлил фанининг олдида қандай вазифалар турибди, деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавоб бериш учун, энг аввало, иқтисодий таҳлилда эркин рақобат муҳитини баҳолайдиган кўрсаткичлар тизимини яратиш ва таҳлил қиладиган усулларни ишлаб чиқиш лозим.

Зеро, Ўзбекистонда олдин қабул қилинган „Монополия фаолия-тини чеклаш тўғрисида“, „Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“ каби бир қанча қонунлар тўлиқ ишламаяпти. Шу туфайли, Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган эндиги вазифа — монополия-га қарши қонунни кучайтириш, уни такомиллаштириш, монополия тизимларини камайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш каби масалаларга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу эса ҳозирги иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил ушбу ҳолатни ўрганадиган усулларни ишлаб чиқмоғи лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги навбатдаги вазифа — бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Ушбу соҳанинг бозор иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга эканлигини юртбошимиз қуйидагича таъ-кидлайди: „Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси — фонд, улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва кон-салтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиш лозим бўлган бошқа тизимлар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч

---

[1] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999. 33- бет.

[2] Ўша жойда. 34- бет.

билан ишламас экан, биз иқтисодиёт тизимини очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз"[1].

Бу вазиятни ҳам чуқур таҳлил қилиш лозимлиги ҳаёт тақозоси. Аммо, бунга тўла жавоб топиш учун ҳозирги амалдаги мавжуд таҳлил усуллари ҳам унинг кўлами етарли эмас. Чунки ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг бир қисми, яъни микроиқтисодий таҳлил ривожланган, холос.

Ушбу вазиятни таҳлил қилиш учун микроиқтисодий таҳлилни ривожлантириш билан бирга, макроиқтисодий таҳлилнинг ҳам, таркиби ва усулларини такомиллаштириш талаб қилинади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, бир томондан, корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларнинг масъудиятини ҳам оширади. Корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги ва масъулиятининг ошганлиги ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо килади.

Аммо, адабиётларда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш, ўзимизга хос ҳолда, етарлича ёритилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур ишда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш муаммоларига янгидан ёндашилган.

Иқтисодий таҳлил билан боғлиқ муаммолар жуда кўп. Уларни бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Мазкур фанни мамлакатимизда шаклланаётган ўзига хос бозор муносабатларига мос равишда унинг назарий ва методологик асосини яратиш муаммоси.

2. Ушбу фаннинг кимга кераклигини асослаш ва мутахассисларни ўқитиш муаммоси.

3. Амалиётда иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш муаммоси.

Ҳар бир муаммонинг мазмун-моҳияти ва уни ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқиш — бугунги кунда ўта муҳим ҳисобланади. Чунки республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзига хос иқтисодий дастаклар ва шунга мос фанларнинг шаклланишини ҳам тақозо қилади. Бундай фанлардан бири „Иқтисодий таҳлил" фанидир.

Албатта, иқтисодий таҳлил олдинги маъмурий буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди-ку, уни янгидан шакллантиришга на ҳожат, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавобан шуни таъкидлаш жоизки, ушбу фан олдинги режали иқтисодиёт шароитида ҳам ҳақиқатда мавжуд ва унинг назарий ва методологик асоси яхши ривожланган эди. Аммо, унинг мақсади ва моҳияти, таъкидланганидек, режали иқтисодиётга мослаштирилган бўлиб, бевосита режанинг шаклланиши ва бажарилишига хизмат қилишга қаратилган эди. Унинг мазмуни эса, маълум даражада,

---

[1] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: „Ўзбекистон", 1999. 35- бет.

мафкуравийлашган ҳолда, энг аввало, давлат манфаатини ифодалаб келган. Чунки барча мулк, уни тасарруф этиш бевосита давлатнинг ихтиёрида эди. Эндиликда иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Давлатнинг мулкка ва барча иқтисодий жараёнларга эгалиги барҳам топиб, кўп мулкчиликка асосланган, бозор муносабатларини ўзида ифода этадиган, мазмун жиҳатидан янги иқтисодиёт шаклланмоқда. Бу эса, шунга мос равишда, мазмун жиҳатдан янги бўлган „Иқтисодий таҳлил" фанининг шакллантирилишини тақозо қилади.

Эндиги „Иқтисодий таҳлил" фани, энг аввало, ҳеч қандай мафкурага тобе бўлмасдан, давлат манфаатини инкор килмаган ҳолда, турли мулк эгаларининг (иш кучи эгаси, меҳнат жамоаси, корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг) манфаатларини ўзида акс эттирган ҳолда ифода этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат мазкур фаннинг мақсади, вазифалари, таркиби, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини ўзгартиришни тақозо қилади.

2.5.1. Иқтисодий таҳлил муаммоларини, ундан фойдаланувчилар нуқтаи назаридан ҳал қилиш

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш иқтисодий таҳлил фанининг кимга кераклиги, у билан ким шуғулланиши, унинг объектив зарурлигини асослашни тақозо қилади. Иқтисодий таҳлилда корхона раҳбари ёки менежери унинг фаолиятини батафсил ўрганиши лозим. Бунинг учун эса кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Шу мақсадда иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмининг такомиллашиши, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, ҳар бир иқтисодий жараён чуқур таҳлил қилинишини тақозо қилмоқда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишдан манфаатдор. Бунга эса ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун тадбиркорлик, изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриш лозим. Бу эса, ўз навбатида, мулкнинг ҳолатини, ишлатилиши ва сақланишини таҳлил қилишни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил, энг аввало, мулкдор учун керак экан.

Мулкдор ўз мулкини ишлатиш учун турли корхоналарга эга бўлиши мумкин. Натижада у бошқа кишиларни, мутахассисларни, ходимларни ёллашига тўғри келади. Улар меҳнат жамоасини ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлайди. Корхона қанча кўп даромад қилса, меҳнат жамоаси аъзолари шунча кўп меҳнат ҳақи олади. Бу эса меҳнат жамоасининг ўзлари ишлаётган корхона, хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил килиб боришни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил бевосита меҳнат жамоаси учун ҳам керак экан.

Ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижасининг самарадорлигидан давлат ҳам манфаатдордир. Чунки ҳар бир корхона

ўз мулкидан, қилган обороти ва олган фойдасидан солиқ тўлайди. Шу туфайли давлат номидан солиқ идоралари ҳам корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиб боришдан манфаатдор. Демак, иқтисодий таҳлил солиқ идоралари ходимлари учун ҳам керак экан.

Кўриниб турибдики, иқтисодий жараённинг, яъни корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасидан ким манфаатдор бўлса, у мазкур субъект фаолиятини ўрганишга, таҳлил қилишга қизиқади. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил —инвесторларга, ҳамкорларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, суғурта, банк, молия идораларига ҳам керак экан.

Одатда, кимга нима керак бўлса ўша шу иш билан шуғулланади. Аммо, ҳар бир корхонада махсус мутасадди шахслар борки, уларга хўжаликни бошқаришда у ёки бу соҳа топширилган бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлил билан корхонадаги деярли ҳамма мутахассислар шуғулланади. Аммо ҳаммаси ҳам корхона тўғрисида жамланган, батафсил ахборотга эга эмас. Ҳамма ўзи бажараётган у ёки бу соҳага оид ахборотга эга. Шу жиҳатдан ҳамма ўзининг соҳасини мунтазам таҳлил қилиб боради.

Лекин, шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолияти тўғрисида бутун фаолиятни ўзида жамлаган ахборотлар бухгалтерияда тўпланади ва қайта ишланади. Шу туфайли корхонанинг комплекс иқтисодий таҳлили билан бухгалтерия ходимлари, бевосита бош бухгалтерлар шуғулланадилар. Чунки унда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлари мавжуд. Улар молиявий ҳисоботларда ўз аксини топади. Иқтисодий таҳлил учун асосий маълумот манбаи бўлиб молиявий ҳисоботда ифода этилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг комплекс таҳлили билан бош бухгалтерлар шуғулланади. Аммо алоҳида соҳаларга доир таҳлил кимга керак бўлса, у билан ўшалар шуғулланадилар. Таҳлил қилиш — керакли соҳанинг иқтисодий аҳволини ўрганиш учун қилинади.

2.5.3. Корхона хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг тавсифи

Корхоналар хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Аммо иқтисодий адабиётларда ўзимизга хос, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мустақил корхоналарга мос кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилмаган. Бизнинг фикримизча, корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини тўлиқ ифодалаш учун улар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхоналарнинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар;

• корхонанинг молиявий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар;
• корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;
• корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
• корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
• корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
• корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (7-чизма).

Корхонанинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга унинг ташкилий ҳолатини, техник таъминот даражасини ва ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар киради.

Корхонанинг маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариши ва сотиши билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳам таҳлилда муҳим ўрин эгаллайди. Буларга маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими киради. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўрсаткичларга ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми (натурал миқдори ва қийматида), товар муҳсулоти кабилар киради. Ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида муҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш масаланинг бир томони. Энг асосийси уларни сотишдир. Шу сабабли, иқтисодий таҳлилда маҳсулотни (иш, хизматни) сотиш ҳажми муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун кўпгина ҳисоботларда фақат сотилган маҳсулот ҳажми кўрсатилади, холос.

Молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган асосий кўрсаткичлардир. Булар таркибига даромадлар, харажатлар, фойда ва рентабеллик билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ўз навбатида, даромадларнинг ҳам бир қанча турлари бор. Худди шундай, харажатлар ҳам, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Қайси кўрсаткични қўллаш таҳлилнинг қайси соҳани ўрганишига ва нима мақсадда амалга оширилишига боғлиқ.

Даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга ялпи даромад, асосий фаолиятдан олинадиган даромад, молиявий фаолият даромади, тасодифий даромад каби кўрсаткичлар киради. Харажатларнинг ҳам бир қанча турлари бор. Бу харажатлар тўғрисидаги Низомда ўз аксини топган. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Масалан, активлар таҳлил қилинса, активлар рентабеллиги, харажатлар самарадорлиги таҳлил қилинса, харажатлар рентабеллиги, меҳнат кўрсаткичлари таҳлил қилинса, меҳнат рентабеллиги каби кўрсаткичлар аниқланади.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардир. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳажми корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил маълумот беради. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий фаоллар (активлар) ва меҳнат салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар киради.



7- чизма. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимининг таснифи

Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ҳам, ўз навбатида, бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Корхонанинг молиявий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўлимидаги муҳим кўрсаткичлардан биридир. Чунки улар билан боғлиқ кўрсаткичлар корхона молиявий манбасининг таркиби, унинг ҳолати ва самарали ишлатилишини ифодалайди. Мазкур гуруҳга корхонанинг ўз маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда четдан жалб қилинган узоқ ва қисқа муддатли маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ушбу маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам асосан, бухгалтерия балансининг пассив қисмида кўрсатилади. Уларнинг таҳлили мазкур ҳужжатга ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларига асосан амалга оширилади.

Корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш эркин рақобат шароитида ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш орқали ҳамиша корхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолмаслигининг олдини олишга эришиш мумкин. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга корхона балансининг ликвидлилиги ва кредитни тўлашга қодирлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар киради.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ўрганиш корхона фаолиятининг қандай ривожланганлигини, бугунги аҳволи қандай ва келажакда қандай бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар тизими жуда кенг. Улар қуйидаги беш гуруҳга бўлинади:

- корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичларнинг ҳар бири яна ўз ичига бир қанча кўрсаткичларни қамраб олади. Булар ҳақида бизнинг „Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) таҳлили“ (Самарқанд, СамКИ, 1999) мавзусидаги маъруза матнида батафсил ёритилган. Худди шунингдек, мазкур масала „Молиявий таҳлил“ китобида (Тошкент, „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ нашр уйи, 1999) ҳам кўриб чиқилган.

Корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмидир. Улар ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

- корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили ҳам муаллифнинг „Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари“ мавзусидаги маъруза матнида (Самарқанд, СамКИ, 1999)

атрофлича ёритилган. Бунда корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги ва молиявий мустаҳкамлигини алоҳида-алоҳида амалий маълумотларни қўллаган ҳолда кўрсатиб берилган.

Корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам мулкдор ва корхона менежери учун муҳим кўрсаткичлардир. Шу туфайли мазкур гуруҳ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Уларга корхонанинг иқтисодий ночорлигини ифодаловчи ва банкротлик эҳтимолини аниқлайдиган кўрсаткичлар тизими киради.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар таҳлили муаллиф томонидан „Молиявий таҳлил" номли китобида (Тошкент, „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашр уйи, 1999, 242 — 244- бетлар) қисман ёритилган.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлардан яна бири **корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлардир.** Корхона фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар икки йирик гуруҳга бўлинади: корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу кўрсаткичлар, ўз навбатида, ўнлаб кўрсаткичларни ўзида жамлаган.

Корхона иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўз навбатида яна уч гуруҳга бўлинади:

- иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- молиявий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхона фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳам унинг турли бозордаги иштироки ва ўрнини белгилаш имконини беради:

- корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари, яъни технология бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг хом ашё бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг меҳнат бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг молия ва инвестиция бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш истеъмоли бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Мазкур кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳам муаллифнинг „Молиявий таҳлил" китобининг 244 — 286- бетларида ёритилган.

2.5.3. Иқтисодий таҳлилнинг босқичлари

Иқтисодий таҳлилни қандай кетма-кетликда, яъни босқичда амалга ошириш ҳам унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари ҳам янги иқтисодиётга мос ҳолда кўрсатиб берилмаган.

Корхонанинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш бу иқтисодий ишларнинг таркибий қисми сифатида ўзининг бошланиши ва адоғига эга. Бу жараён иқтисодий таҳлилнинг босқичларида ўз аксини топади. У қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Таҳлилни ўтказишнинг мақсадини аниқлаш ва дастурини тузиш.
2. Ижтимоий-иқтисодий ахборотларни тўплаш.
3. Ахборотларни таҳлил мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда кайта ишлаш, тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва жадваллар тузиш.
4. Жадвал маълумотлари асосида дастлабки хулосалар чиқариш.
5. Хулосани чуқурлаштириш мақсадида лозим бўлган ҳолатларни чуқурроқ ўрганиш учун уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш.
6. Хўжалик фаолияти ёки ўрганилаётган кўрсаткичлар ҳақида муфассал хулосага келиш.
7. Корхона хўжалик фаолиятини ёки ўрганилаётган кўрсаткични яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш ва шу тадбирларни амалиётга татбиқ этиш.

Мазкур босқичда таҳлилнинг бошланиши ва адоғигача бўлган жараён кўрсатилди. Амалда доим фаолият кўрсатувчи корхона бўлса, таҳлил ҳам ҳар бир ҳисобот тузилгандан кейин ва янги даврни бошлашдан олдин, узлуксиз, мунтазам равишда, ўтказилиб турилади. Унда барча босқичлар айнан шу ҳолатда такрорланиши мумкин. Фақат кўрсаткичларнинг рақамлари ўзгаради. Шу туфайли иқтисодий таҳлилнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаган ҳолда уни компьютерга киритиш ва таҳлил усулини дастурлаш ҳам мумкин.

Албатта, шуни эътироф этиш керакки, таҳлил ишларини дастурлашда ва уни автоматлаштиришда Ўзбекистонда айрим тажрибалар ҳам бор. Бу борада И.О. Волжин ва В.В. Эргашбоевларнинг „Молиявий таҳлил“ (Тошкент, „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ нашр уйи, 1998 йил) китобини мисол қилиб келтириш мумкин.

Одатда, таҳлилни шунчаки таҳлил қилиш учун эмас, балки корхона-хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил хулосага келиб ва бошқаришни такомиллаштириш учун қилинади. Чунки таҳлил жараёнида ўрганилган кўрсаткичлар, қилинган ҳисоб-китоблар корхона-хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатинигина ифодалайди. Хўжалик фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун барча кўрсаткичлар тиҳлилини жамлаб, уларни умумлаштириш лозим. Улар умумлашгач, корхона-хўжалик фаолиятининг қайси қисмида яхши натижаларга эришилган, қайси қисмида камчиликларга йўл қўйилгани аниқ бўлади.

Камчиликка йўл қўйилган қисмларга асосий эътиборни қаратиб, шу камчиликларни келгусида бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу жараён иқтисодий таҳлилнинг пировард натижаси ва асосий мақсадидир.

Иқтисодий таҳлилни ташкиллаштиришда унинг натижаларини расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли таҳлил натижаларини расмийлаштириш, хулоса қилиш ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш йўлларини кўрсатиб бериш ҳам ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан биридир.

Иқтисодий таҳлил натижаларини расмийлаштириш таҳлилнинг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Бунда барча ҳисоб-китоблар асосида таҳлилий жадваллар тузилади. Мазкур жадваллар корхона хўжалик фаолиятини тўлиқ ифода этиши лозим. Шунингдек, жадваллар битта корхонада ҳар сафар, корхонанинг бўлинмаларида, бир вақтнинг ўзида ягона келишилган шаклда тузилиши лозим. Бундай ёндашув кўрсаткичларни бир-бири билан солиштириш ва умумлаштириш имконини беради.

Жадваллар, одатда, эгаси ва кесимига эга. Унинг эгасида асосан кўрсаткичларнинг номи, кесимида эса қайси даврда амалга оширилаётганлиги, уларнинг фарқи, ўзгариш суръатлари каби ифодалар кўрсатилади.

Жадваллар натижа ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш жараёнида ҳам тузилади. Бу ҳолда жадвалнинг эгасида таъсир қилувчи омиллар билан бирга натижа кўрсаткичининг номи ифодаланади. Унинг кесимида эса қайси давр натижалари таҳлил қилинаётганлиги, шу даврда юз берган ўзгаришлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун ҳисоб-китоб қилинадиган усулларнинг алоқадорлиги кўрсатилади.

Ҳозирги пайтда, ҳисоб-китоб ишлари, асосан, компьютерларда амалга оширилмоқда. Бунинг имконияти жуда катта. Шу туфайли таҳлилда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари жадваллар билан биргаликда турли чизмалар ва диаграммаларда ҳам ифода этилмоқда. Бу эса корхона хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни жуда тез илғаш имконини беради. Мазкур усуллар иқтисодий таҳлилнинг у ёки бу жиҳатини аниқлашда қўлланилади. Масалан, чизмалар (графиклар) кўрсаткичларнинг динамикасини ифодалашда жуда қулай. Корхона хўжалик фаолиятидаги таркибий тузилмалар, уларнинг ўзгариши диаграммаларда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Чизма ва диаграммаларнинг қулайлиги шундаки, у корхона хўжалик фаолияти натижасини ҳар қандай киши учун ҳам тез ва тушунарли тарзда ифода этади. Масалан, корхонада бешта бўлинма бўлса, уларнинг ўтган йилга нисбатан бирорта кўрсаткичнинг ўсишини устунли диаграмма қилинса, энг юқори натижага эришганлиги энг баланд устун сифатида яққол кўриниб туради. Бу ҳар бир бўлинма ходимларининг ақлий-руҳий кайфиятига ҳам таъсир қилади. Энг юқори устунга эришган бўлинма ходимларида фахрланиш, мағрурлик ҳисси туғилса, энг паст устунга эга бўлган бўлинма ходимларида ўз жамоаси учун изтироб ҳисси бўлиши мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам кўрсаткичларни яхшилаш учун курашиш туйғусини уйғотиши табиий. Бу ички омиллар ўта муҳим, ортиқча маблағ талаб

қилмайдиган, аммо корхона хўжалик фаолиятига ижобий таъсир қилиб, уни яхшилайдиган омиллардир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, ислоҳотларнинг чуқурлашуви корхоналар ўртасида эркин рақобат муҳитини туғдирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхона хўжалик фаолиятини, тезкор тарзда, кундалик натижаларини ўрганиб боришни тақозо қилади. Бу ҳам ҳисоб-китобларга компьютерларни қўллаш натижасида анча осонлашади. Ҳар куни, иш кунининг охирида, хўжалик фаолиятининг бир кунлик натижаси қандай бўлганлигини аниқлаш мумкин. Бу эса ютуқ ва камчиликларни жуда тез англаш, ютуқларни кўпайтириш, камчиликларни бартараф қилишга асос бўлади. Таҳлилнинг ушбу шакли башқарувни ҳам тезкор равишда амалга ошириш имконини беради.

Кунлик натижалар ҳар куни жамланиб борилса, ҳисобот даврининг хоҳлаган кунида қандай натижага эришилганлигини билиб олиш мумкин. Масалан, бир ойнинг ўн олтинчи куни қандай натижага эришилганлигини кунлик ҳисоботни жамлаб бориш орқали аниқлаш мумкин. Шу, 16 куни қандай натижага эришдик ва ўтган 16 кун мобайнида эришган умумий аҳволимиз қандай деган хулосани чиқариш учун ҳам тегишли ахборот мазкур компьютерда мавжуд бўлади. Бу эса корхона хўжалик фаолиятини тезкор бошқариш, камчиликларни ўз вақтида, ҳисобот даври тугамасдан бартараф қилиш имконини беради.

Агар корхонанинг барча бўлинмаларида компьютерлар ўрнатилган ва улар ягона сетга уланган бўлса, бошқаришда янги усулни, яъни қоғозсиз ва жонли мулоқотсиз бошқариш усулини жорий қилиш мумкин. Корхона менежери ҳар бир бўлинмадан тегишли ахборотларни олиб бир жойда умумлаштиради ва хулоса чиқаради. Хулоса натижасида ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар ва тегишли топшириқларни ҳам компьютер орқали сеть билан жўнатиш мумкин. Бу мутахассис ва бўлинма раҳбарларининг турли мажлисларга, йиғилишларга кетадиган вақтини ҳам тежайди.

Ҳисобот даври тугагач, таҳлил натижаси тезкор тарзда жадвалларда, чизмаларда, турли диаграммаларда тузилиб, қоғозга чиқарилади ва мутахассислар томонидан ёзма равишда хулоса ёзилади. Хулосада барча эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаблари ва қандай оқибатга олиб келганлиги кўрсатилади. Айниқса, йўл қўйилган камчиликларда ким айбдорлиги очиқ-ойдин кўрсатилиши лозим. Чунки бу тадбир келажакда мазкур шахснинг шу камчиликка йўл қўймаслигини таъминлайди.

Иқтисодий таҳлилнинг натижаларига кўра тузилган барча ахборотлар, ёзма хулосалар жамланиб корхона раҳбарига, мулкдорга топширилади. Раҳбар таҳлил натижасига, асосан, бошқарув қарорларини қабул қилади. Қарор қабул қилишда бир қанча мутахассисларни, бўлинмалар раҳбарларини таклиф қилиб, чуқур ўйланган ва пухта ишланган бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Агар корхона жамоаси йирик бўлса, бошқарув қарорларини қабул қилишда „Фикрлар ҳужуми“ усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун мазкур корхонада ижодий гуруҳ ташкил қилинган бўлиши лозим. Мазкур ижодий гуруҳнинг вазифаси корхона хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бўлади. Мазкур масала муаллифнинг „Функционал қиймат таҳлили“ номли рисоласида (Самарқанд, 1999) атрофлича ёритилган.

Иқтисодий таҳлил натижалари бошқарув билан бирга аудиторларнинг хулоса чиқарищи учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлар, олдинги тафтишчилардек, тафтиш билан эмас, эндиликда таҳлил билан шуғулланишлари лозим. Шу туфайли таҳлил усулларини, уни амалга ошириш методологиясини бухгалтерлар қанча билса, аудиторлар уларга нисбатан икки карра кўп ва пухта билишлари шарт. Зеро, аудиторлик хулосасини чиқариш учун фақат таҳлил натижаларидан фойдаланиш мумкин, холос.

2.5.4. Иқтисодий таҳлилнинг олий ўқув юртларида ўқитилиш муаммоси

Яна бир долзарб масалалардан бири „Иқтисодий таҳлил“ фанини олий ўқув юртларида ўқитиш муаммосидир. Айрим иқтисодиётга оид ўқув йўналишлари таълим стандартларида „Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил“ фани битта қилиб берилган. Бу фанлар, албатта, бир-бири билан узвий боғлиқ фанлардир. Аммо ҳар бири мустақил фан сифатида ўз предмети, методи ва бошқа шу фанга оид назарий жиҳатларига эга. Буларни ҳеч ҳам қўшиб битта фан қилиб бўлмайди.

Иқтисодий таҳлилни мукаммал билиши лозим бўлган талабалар учун мўлжалланган „Иқтисодиёт“ йўналишига оид ушбу фан бор — йўғи 60 соат атрофида — бир семестрда ўқитилади, холос. Иқтисодчи ҳақиқий иқтисодчи бўлиши учун бу жуда камлик қилади. Таҳлил усулларини мукаммал ўқимаган иқтисодчи уни мукаммал билмайди. Оқибатда билими саёз бўлиб қолади. У эса таҳлилни ҳам саёз ўтказишга олиб келади. Саёз таҳлил натижасида мукаммал хулоса чиқариш мумкин бўлмаганидек, мукаммал бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳам қийин.

Иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган „Молиявий таҳлил“ фанини „Молия“ таълим йўналиши билан боғлиқ бўлган бакалаврлар ва магистрлар тўлиқ ва мукаммал билишлари шарт. Чунки мазкур мутахассислар молиявий ҳисоботни яхлит ҳолда ва унинг ҳар бир моддасини иқтисодий жиҳатдан тўлиқ ўқий олиши лозим. Бусиз улар корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар жиҳатдан тўлиқ баҳо бера олмайди. Бу ҳолат фақат молиявий таҳлил фанида мукаммал ва атрофлича ўргатилади.

Ҳозирги пайтда ушбу фан иқтисодий таҳлил фанининг таркибида ўтилади. Ушбу фанда олдин иқтисодий таҳлилнинг назарияси, бошқарув таҳлили ва ниҳоят молиявий таҳлил ўқитилади. Албатта, ушбу йўналиш бўйича ўқиётган талабаларга молиявий таҳлил тўлиқ ва мукаммал ўргатилади. Аммо, ўқув стандарти ва ўқув режасида ушбу фан бўйича курс ва диплом ишларини ёзиш, амалиётга ўрганиш масалалари кўрсатилмаган. Натижада улар фақат аудиторияда олган назарий билимлари билангина чекланиб қолади.

Фикримизча, молия ва кредит соҳасида ишлайдиган мутахассислар иқтисодий таҳлил бўйича фақат назарий билимлар билан чекланиб қолиши етарли эмас. Бўлажак молиячилар корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини тегишли кўрсаткичларда ифодалаш, ҳар бир кўрсаткични аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини яхши билиши лозим. Энг муҳими, таҳлил натижасида молиявий қарорларни қабул қилиш йўлларини билишлари зарур. Шундагина таҳлилнинг зарурлигини, иқтисодий хулосалар чиқариш молия-хўжалик фаолиятини бошқариш учун асосий дастак эканлиги тўғрисида тушунчага эга бўладилар. Бу ҳолат талабаларнинг фақат назарий билимлар билан чекланиб қолмасдан, балки амалиётни ҳам чуқур ўрганишларини тақозо қилади.

Бу муаммони ҳал қилиш учун талабалар ушбу фандан курс ишини ёзиш ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтишлари лозим. У ҳолда бўлажак молиячиларнинг касб-корлиги ошади. Улар бозор муносабатларига асосланган иқтисодий жараёнларга тезроқ мослашадилар ва уларнинг бу соҳадаги йўлларини топиш учун касбий билимларини янада мустаҳкамлайдилар.

Хуллас, иқтисодий таҳлил фанини ҳозирги шароитга мос ҳолга келтириш учун жуда кўп объектив ва субъектив муаммоларга ечим топиш лозим. Уларни ҳал қилиш, энг аввало, шу соҳа олимлари, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги каби дахлдор идоралар зиммасидадир. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун Молия вазирлиги қошида етакчи йирик олимлар ва тажрибали мутахассислар ҳамкорлигида услубий бирлашма ёки марказ тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2.5.5. Иқтисодий таҳлилнинг истиқболи ва уни ривожлантириш муаммолари

Эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Республикасида ўзига хос эркин иқтисодиёт шаклланмоқда. Бу иқтисодий фанларнинг ҳам ўзига хос шаклланиши учун асос бўлмоқда. Иқтисодий таҳлил фанининг ҳам шаклланишида шунга мос равишда бир қанча муаммолар мавжуд.

1. Иқтисодий таҳлил жаҳон андазаси даражасига ўтиши муаммоси. Бу муаммони ечиш учун ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилда қўлланилаётган кўрсаткичларни таркиб топаётган миллий ҳисоблар

тизими кўрсаткичларига мослаштиришни талаб қилади. Бунинг учун бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни ўзгартиришни, улардаги кўрсаткичларни шаклланаётган миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичларига мослаштиришни тақозо қилади. Бунинг учун мамлакатимизда хайрли ишлар қилинмоқда. Хусусан, ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андазаларига мос миллий андазалари ишлаб чиқилди. Шунга мос равишда янги ҳисоблар режаси яратилди ва у 2002 йил 1 январидан амалиётга жорий қилинди. Бу масалаларнинг ҳал бўлиши микро ва макроиқтисодий таҳлил масалаларини, уларда қўлланиладиган кўрсаткичларни ишлаб чиқиш имконини беради. Чунки ҳозирги шароитда макроиқтисодий таҳлил методологиясини ишлаб чиқиш объектив заруратга айланди.

2. Таҳлилни эркин рақобат шароитига мослаштириш муаммоси. Ҳозирги таҳлил ошкораликка, оммавийликка мослашган таҳлилдир. Аммо рақобат шароитида ички (тижорат сири сақлай оладиган) ва ташқи (корхонанинг фаолиятини кўз-кўз қиладиган) таҳлилнинг вужудга келишини тақозо қилади. Бу эса таҳлилда қўлланиладиган усулларга ва кўрсаткичларга ҳам тегишли ўзгартиришларни киритишни талаб қилади. Энг муҳими, бозор иқтисодиёти шароитида таҳлилда қўлланиладиган усулларни фақат рақамларни ўрганишга қаратмасдан, балки унга эвристик (мантиқий) таҳлилни қўллашни ҳам талаб қилади. Олдин таҳлил билан фақат бухгалтерия ва бошқа иқтисодий иш билан шуғулланадиган ходимлар машғул бўлган бўлса, эндиликда эса маълум таҳлил қилувчи гуруҳлар шуғулланишлари шарт. Улар муаммони „фикрлар ҳужуми“, „тафаккур тортишуви“ усулларини қўллаб ечишлари мумкин. Бундай кадрларнинг шаклланиши ҳам ўзига хос ечимни талаб қиладиган муаммодир. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми сифатида функционал қиймат таҳлилидан фойдаланишни ва уларни мутахассислар билиши зарурлигини тақозо қилади.

3. Корхонанинг бизнес-режасини асослаш учун унинг фаолиятидаги фойдалилик нуқтасини аниқлаш муаммолари. Режа, олдингидек, кўр-кўрона, юқоридан тасдиқ қилиб берилмайди. Уни ҳар бир субъект ўзи тузади. Бунда фаолиятнинг ҳар қандай ҳажми ҳам корхона учун фойда келтирмаслигини инобатга олиб ҳар бир фаолият кўрсаткичининг фойдалилик нуқтасини аниқлаш лозим. Мисол тариқасида фойда кўрсаткичини оламиз. Унинг режасини тузиш учун „фойдалилик нуқтасини“ аниқлаш лозим. Корхонанинг фойдалилик нуқтаси унинг узлуксиз фаолиятини таъминлаб туриши учун зарур бўлган барча харажатларини қоплайдиган иш ҳажмига эришишдир.

Фараз қиламиз, корхонанинг ўз фаолиятини давом эттириб туриши учун 100 минг сўм доимий харажат қилиши кўзда тутилган. Шу корхона 1 минг сўм маҳсулот ишлаб чиқариши учун 600 сўм ўзгарувчи харажат қилади. Бир маҳсулотдан қилинадиган маржинал фойда 400 сўмни (1000 — 600) ташкил қилади. Доимий хара-

жатларни қоплаш учун 250 дона (100.000 : 400) маҳсулот ишлаб чиқариш лозим экан. Демак, барча доимий ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинадиган ўзгарувчи харажатларни қоплаш учун пул миқдорида 250,0 минг сўм (100 : 0,4 · 1,0) маҳсулот ишлаб чиқариш лозим экан. Ушбу корхона учун маҳсулот ишлаб чиқаришдаги фойдалилик нуқтаси 250,0 минг сўмни ташкил қилади. Агар бундан кам бўлса, корхона зарар кўради. Фақат шу кўрсаткич ҳажмидан ошгандагина корхона фойда ола бошлайди. Корхонанинг бизнес-режасини тузишда ишни ана шу кўрсаткични аниқлашдан бошлаш лозим.

4. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичини аниқлаш ва таҳлил қилиш муаммоси. Бозор иқтисодиёти шароитида олдингидек таҳлил, фақат режани асослаш ва унинг бажарилишини ўрганиш ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Шу туфайли ушбу янги кўрсаткич вужудга келди. Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун ҳам микро ва макроиқтисодиётда солиштирилиши мумкин бўлган кўрсаткичларни топиш мақсадга мувофиқдир. Бунга ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот кабилар киради. Аммо ҳозирча қўлланилаётган ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар ўз аксини топмаган. Шу сабабли амалдаги ҳисоботларни ҳам такомиллаштириш ундаги кўрсаткичларни бугунги кун талабига мослаштириш лозим.

5. Солиқларни таҳлил қилиш муаммоси. Ҳозирги шароитда давлат билан корхоналар ўртасидаги муносабатлар солиқлар орқали амалга оширилади. Аммо солиқларни таҳлил қилиш масаласи ҳозиргача иқтисодий адабиётларда ўз ечимини топган эмас. Фикримизча, солиқнинг тўғри тўланганлигини аниқлаш учун, унга аудиторлик хулосаларини ёзиш учун ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш лозим бўлади. Шу туфайли уларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш лозим.

6. Бухгалтерия ҳисобида ҳар бир корхона учун бошқарув ва молиявий ҳисоб ташкил бўлмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, шунга мос таҳлил кўрсаткичларини ва усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ҳозирча бу борадаги масалалар ҳам иқтисодий адабиётларда етарлича ўз ечимини топган эмас.

Жаҳон тажрибасида молиявий ва бошқарув таҳлили мавжуд. Аммо бундай таҳлил бизда ҳамон шаклланган эмас. **Молиявий таҳлил** — корхонанинг (фирманинг) ташқи таҳлили бўлиб, у хўжалик фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичларини ошкора қиладиган таҳлилдир. Бошқарув таҳлили фирманинг (корхонанинг) ички хўжалик таҳлили бўлиб, корхона раҳбари (мулк эгаси)нинг бошқарув қарорларини қабул қилиш, ички имкониятлардан фойдаланиш, самарадорликни ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган „Тижорат сирини" сақлашга мўлжалланган таҳлилидир. Молиявий таҳлил бўйича анча китоблар чоп этилди. Аммо бошқарув таҳлилининг умумий-намунавий методологияси ҳамон ишлаб чиқилган эмас.

7. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар (фирмалар) хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини режанинг бажарилишини ўрганишга қараб эмас, балки уларнинг мақсадга мувофиқлигига қараб гуруҳларга бўлишни тақозо қилади. Аммо хўжалик фаолиятининг бундай кўрсаткичлар тизими ҳам ҳамон ишлаб чиқилмаган. Фикримизча, хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, таҳлилнинг мақсадига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: солиқ идораларига зарар бўлган кўрсаткичлар; кредит берувчи банклар учун муҳим бўлган кўрсаткичлар; ҳамкор корхоналарга шартнома тузишни рағбатлантирувчи кўрсаткичлар; акциядорлар ва инвесторлар учун зарур бўлган кўрсаткичлар ва ҳ.к. Ушбу кўрсаткичлар бўйича ўтказиладиган таҳлил корхонанинг ташқи ошкора таҳлили бўлиб, унинг фаолиятини кўз-кўз қилишга, фирма рейтингини оширишга мўлжалланган*дир*. Булардан ташқари, фирманинг (корхонанинг) рейтингини кўрсатувчи бошқа кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Буларга фирманинг тўлов қобилияти, тўловга қодирлиги, молиявий барқарорлиги, инвестицияни жалб қила олишлиги каби кўрсаткичлар киради.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлилининг усули ҳам ҳамон етарлича ишлаб чиқилмаган. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс баҳоловчи рейтинг кўрсаткичини ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

8. Халқаро тажрибадан маълумки, иқтисодий таҳлилда янги корхоналарни очишда, ишлаб турган корхоналарда янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, бирор фаолиятга ёки объектга инвестиция қўйишда фойдалилик даражасининг таҳлили кенг қўлланилади. Аммо бундай кўрсаткич таҳлили бизнинг амалиётимизда қўлланилмаяпти, чунки унинг усули ўзимизга хос ҳолда ҳамон ишлаб чиқилмаган. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариладиган ҳар бир маҳсулот (иш, хизмат) мулк эгаси, меҳнат жамоаси ва давлат учун фойдали бўлмоғи лозим. Бунинг учун корхонадаги ҳар бир фаолиятнинг фойдалилик нуқтасини аниқлаш керак. Бу, ўз навбатида, функционал қиймат таҳлилидан „фикрлар ҳужуми“ ва „мантиқий-эвристик таҳлил“ усулларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жуда самарали бўлмоғи лозим. Бунга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун функционал қиймат таҳлилидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

9. Хўжалик фаолияти таҳлилини ислоҳ қилиш эркин **иқтисодиётга мос таҳлил усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.** Бозор иқтисодиёти шароитида жуда кўп янги иқтисодий жараёнлар ва улардан келиб чиқадиган кўрсаткичлар вужудга келди. Бунга корхонанинг бозордаги ва ишдаги фаоллиги, уларнинг маркетинг фаолияти, менежмент, фирманинг молиявий барқарорлиги, рақобат-бардошлилиги,

банкротлилиги, тўловга қодирлилиги, тўлов қобилияти кабиларни киритиш мумкин. Эътироф этиш керакки, ушбу жараён ва кўрсаткичларнинг таҳлили ҳам ҳамон иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўз аксини топган эмас.

10. Ўзбекистонда кўпмулкчиликка асосланган аралаш иқтисодиёт шаклланмоқда. Бунда ҳар бир мулк эгаларининг манфаатларини ифода этадиган кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш лозим. Чунки янги ташкил бўлаётган юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқига эга бўлган турли мулк шаклидаги корхоналар ўзига хос хусусиятларга эга. Аммо бу субъектларга тегишли бўлган кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили ҳамон етарли дарражада ишланмаган. Ҳозир хусусий корхоналар ҳиссаси кўпайиб кетмоқда. Аммо буларни таҳлил қилиш масаласи ҳам ҳамон ҳал бўлмаган. Хуллас, таҳлил хусусида ҳали анча муаммолар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ўзига хос ва мос иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу эса амалдаги иқтисодий дастакларни, жумладан, хўжалик фаолияти таҳлилини ҳам ислоҳ қилишни тақозо қилмоқда.

2.6. Янги шароитда ахборот тизимларини жорий этиш муаммолари

Менежментни янги шароитга мослаштириш ва уни такомиллаштириш замонавий компьютер ва телекоммуникацион техникаларни кенг қўллашга ва унинг негизида юқори даражадаги автоматлаштирилган бошқарув технологиясини жорий қилишга боғликдир. Компьютер технологиясига асосланган бошқарув тизими корхонанинг ташкилий таркибини, ходимларнинг савиясини, ҳужжатлар тизимини, ахборотларни жамлаш ва узатишни тубдан ўзгартиришга олиб келади.

Бошқарув тизимининг ривожланиши бевосита билимлар ва маълумотларни қайта ишлашни ташкиллаштириш ва уларни автоматлаштирилган бошқарув тизими поғонасигача ривожлантириш назарда тутилади. Бунинг асосий сабаби бошқарув фаолиятида ахборотнинг аҳамияти тобора ошиб бориши ва ишлаб чиқариш ресурсларидан бирига айланишидир.

Ҳозирги кунларда ривожланган давлатларда менежмент соҳасида ижодий йўналтирилган ахборот технологиялари қўлланилмоқда. Ушбу технология ахборот даврини тўлиқ қамраб олган бўлиб, ахборотларни (янги билимларни) акс эттириш, узатиш, қайта ишлаш, бошқариладиган объектни ўзгартириш учун қўллаш ва юқори мақсадларга эришишга қаратиш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Натижада ходимларнинг билимларини компьютер техникаси ёрдамида қўллаб, биргаликда ишлашлари таъминланади.

Ахборот тизимларини жорий этишда пайдо бўладиган муаммоларни олдиндан кўра билиш жуда мураккаб масала, чунки ташкилотнинг ҳамма бўғинлари бир-бири билан бевосита боғланган бўлиб, бир ерда содир бўлган ўзгаришлар автоматик равишда бошқа бўғинларга ўз таъсирини кўрсатади. Бунда ташкилот ва ундаги ахборот тизимларига таъсир ўтказувчи объектив омилларнинг, яъни иқтисодий, сиёсий, маданий, табиий ва бошқа омилларнинг ўрни анча юқори.

Юқоридаги омилларнинг ташкилотнинг ахборот тизимларига таъсирини аниқлаш қуйидаги масалаларнинг ечимини ҳал этиш билан боғлиқ:

1. Ахборот тизимининг хўжалик юритувчи субъект учун аҳамияти. Менежерлар бевосита ахборот тизимининг ташкилотдаги аҳамияти ҳақида қарор қабул қиладилар ва унинг кимлар томонидан бошқарилишини аниқлайдилар. Ахборот тизимининг аҳамияти тўғрисидаги қарорлар, асосан, стратегик ривожланиш нуқтаи назардан ишлаб чиқилади.

2. Ахборот тизимининг ташкилий таркибдаги ўрни. Менежерлар ахборот тизимини ишлаб чиқувчиларни, уни татбиқ этувчиларни ва бошқарувчиларини аниқлашлари ва мутахассисларни аниқлашлари, ҳамда махсус бўлинмаларни ташкил қилишлари лозим.

3. Маълумотларга эгалик қилиш. Маълумотларга масъулият билан қараш ва муаллифликни ҳимоя қилиш муаммоси бевосита ахборот тизими бўлимининг қаерда жойлашганига боғлиқдир. Маълумотлар базаси марказлаштирилган усулда тақсимланган бўлса, уларни ҳимоялаш нисбатан осонлашса-да, лекин уларга кириш имкони қийинлашган бўлади. Марказлаштирилмаган усулда тақсимлашда эса маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва эҳтиёт қилиш муаммолари мавжуд бўлади, аммо улардан фойдаланиш имкони ошади.

4. Ахборот тизимининг ташкилий таркибга таъсири. Ушбу масалада аниқ амалий маълумотлар йўқ, шу боис фақаттина назарий нуқтаи назардан асослашга тўғри келади. Баъзи бир назарий изланишларда ахборот тизими ўрта бўғиндаги менежерларнинг сонини оширади, дейилса-да, бошқалар аксинча, юқори бўғиндаги менежерлар сонини оширади деб ҳисоблайдилар. Лекин шуни ҳисобга олиш зарурки, ташкилий таркиб шакли ахборот оқимларининг миқдорий кўрсаткичларига бевосита боғлиқдир.

Замонавий информацион технологияларни корхоналарда жорий этиш, албатта, ишлаб чиқариш бўлимларида, хом ашё заҳираларини сақлаш ва бошқариш бўлимларида, сифатни назорат қилиш бўлимларида киритилиши билан ташкилотнинг таркибини ўзгартиришга олиб келади.

Ташкилотда информацион технологияларни киритишда икки концепцияни эътиборга олиш зарур: мавжуд ташкилий таркиб ва

унда маълумотлар қайта ишланиши компьютерлаштирилганлигининг аҳамияти.

Биринчи концепция бўйича бажариладиган ишлар бевосита ташкилотнинг ташкилий таркибига мослашган бўлади, бу ерда фақатгина ишлаш услуби яхшиланган бўлади, холос. Янги технологияни жорий этиш натижасида қилинадиган харажатлар кам бўлиб, ташкилий таркибга зарар келтирилмайди. Ушбу концепциянинг асосий камчилиги — бу доимий равишда ривожланувчи технологик усуллар ва техник воситаларга мослашиш ва маълумотларни замонавий тасвирлаш усулларини ўрганиб боришдир.

Иккинчи концепция, ташкилотнинг стратегик нуқтаи назардан эришиш лозим бўлган таркибга мослашидир. Корхонанинг ҳозирги ташкилий таркиби янгиланади. Ушбу концепция коммуникацияларни ривожлантиришни тақозо этади. Ўз навбатида, ташкилий таркиб оптимал ишлаб чиқилган бўлиб, маълумотлар, ҳужжатлар айланмасини тежамкор усуллар билан амалга оширади.

Ушбу концепциянинг ҳам маълум камчиликлари мавжуд бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

— ахборот тизимини ишлаб чиқишдаги ва ташкилотнинг барча бўлимларини тўлиқ ўрганиб чиқишдаги харажатларнинг мавжуд-лиги;

— ташкилотда психологик шароитнинг кескинлашуви, чунки ташкилий таркибнинг ўзгариши корхона ходимларини қисқартиришга олиб келиши мумкин.

Ушбу концепциянинг ютуқларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— корхонанинг ташкилий таркибининг ихчамланиши;

— корхонанинг иш билан тўлиқ банд бўлиши;

— ходимларнинг савияси юқори даражада бўлишлиги;

— компьютер тармоғидан унумли фойдаланиш имконининг мавжудлиги.

5. Марказлаштирилган бошқарув.

Марказлаштиришни ўрганишда икки қарама-қарши йўналишдаги муаммолар пайдо бўлади.

Биринчиси, бу бевосита, марказлаштирилган бошқарув бўлиб, бу ерда қарор қабул қилиш марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Иккинчиси, бу ҳолда ахборот тизими бошқарувнинг қуйи қисмида қарор қабул қилиш имконини беради, яъни марказлаштирилмаган бошқарув тизими яратилади. Натижада юқори ўриндаги менежерлар қуйи қисмга қарор қабул қилиш имконини яратади, лекин назорат ва умумий бошқарув марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

6. Информацион заҳиралар бошқарувида ходимлар томонидан таъсир этувчи омиллар.

Замонавий информацион технологияларни жорий этишда ходимларни икки нуқтаи назардан ўрганиб чиқиш лозим бўлади:

а) фойдаланувчиларни замонавий ахборот технологиялари ҳақидаги билимлари қай даражада эканлиги;

б) самарасиз ишларнинг қисқартирилиши даражаси.

Ахборот тизимларини жорий қилишда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

— кўп вақтни талаб қиладиган ишларни автоматлаштириш;

— лойиҳалаш босқичида келгусидаги фойдаланувчиларнинг фикр ва таклифларини эътиборга олиш;

— қўллаш жараёнида ходимларнинг зудлик билан қискартирилмаслиги;

— жорий этишни босқичма-босқич амалга ошириш.

7. Ахборот тизимининг ходимларга таъсири.

Ахборот тизими тўлиқ жорий этилганда ташкилот ходимларининг иш фаолиятида қуйидагилар ўзгариши мумкин:

— юқори малакали ходимлар бевосита илмий изланишлар билан шуғулланишлари мумкин;

— ташкилотнинг пастки бўғинидаги ходимлар қарор қабул қилиш имконига эга бўлади;

— ташкилотда қўшимча иш жойлари пайдо бўлади.

Лекин ташкилотнинг таркибий тузилиши ўзгарищи муносабати билан ташкилот томонидан маълум даражада қаршилик кўрсатилади. Ушбу қаршиликни қуйидагича таърифлаш мумкин:

а) ахборот тизими ёрдамида заҳираларга эгалик қилиш;

б) юқори лавозимда ишлайдиган ходимларнинг ўз малакаларини ошира олмасликлари, бу эса, уларнинг обрўсига зиён етказиши мумкинлиги.

Умуман олганда, ахборот тизимларини жорий қилиш қуйидаги масалаларни ҳал килишга ёрдам беради:

— математик усулларга асосланган ҳолда бошқарув масалаларининг оптимал ечимини аниқлаш;

— автоматлаштирилган иш жойларини яратиш билан ходимларнинг иш унумдорлигини ошириш;

— маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш;

— электрон ҳужжатлар тизими ёрдамида ахборотларни ягона ёндашув орқали қайта ишлаш;

— ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш;

— харидорлар ва таъминловчиларга хизмат кўрсатишни оптималлаштириш.

Шундай қилиб, ахборот тизимларини ишлаб чиқишда ва жорий этишда мавжуд бўлган муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда унга ёндошиш кутилаётган натижаларга олиб келади.



III БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСОН САЛОҲИЯТИ ВА КАДРЛАР СИЁСАТИ

3.1. Инсон салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари

Жамият тараққиётини таъминловчи бир қанча омиллар мавжуд. Бу омилларнинг энг фаоли ва ҳаракатга келтирувчиси инсон салоҳиятидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг, „Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“ (Т., „Ўзбекистон“, 1997) китобида инсон салоҳиятига алоҳида тўхталиб, „Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради“ (252- бет) деб таъкидлаган эди.

Инсон салоҳияти, энг аввало, мамлакатда мавжуд бўлган аҳолининг сони, унинг меҳнатга қобилиятли қисми, профессионал таълим даражаси, малакаси билан белгиланди. Мазкур асарда Ўзбекистоннинг шу жиҳатдан XXI аср бўсағасидаги ҳолати чуқур таҳлил қилинган.

Ҳозир Республикада 26 миллион аҳоли яшайди. Бу 1990 йилга нисбатан 12,8 фоиз кўп демакдир. Шу йилда унинг сони 20, 3 миллион кишини ташкил қилар эди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,0 фоиздан кўпроқни ташкил қилди. Хусусан, 2002 йилда ҳам ушбу кўрсаткич ўртача 2,0 фоизни ташкил қилди ёки аҳоли бир йилда 450 минг кишига кўпайиб борди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозир республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат заҳиралари бутун аҳолининг деярли ярмини ташкил этади. Бу 12,5 — 13,0 миллион кишини ташкил қилади. Ҳар йили меҳнатга қобилиятли аҳолининг сони 210 — 220 минг кишига кўпаймоқда. Буларга, албатта, янги иш ўринларини яратмоқ зарур.

Ўзбекистонда аҳолининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI аср бўсағасида, юртбошимиз таъкидлаганидек, — „меҳнат заҳиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликни ташкил этишига имкон беради“.[1]

---

[1] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: „Ўзбекистон“, 1997, 254- бет.

Инсон салоҳиятининг ҳолатини Ўзбекистон билан Самарқанд вилоятини солиштирган ҳолда таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, чунки ҳозир Самарқанд вилоятида 2,8 миллионга яқин аҳоли яшамоқда. Бу Ўзбекистон аҳолисининг 10,8 фоизини ташкил қилади. Вилоят бошқа соҳалар бўйича ҳам салмоқли ўринларга эга.

Шу туфайли, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясидаги нутқида „Самарқанд ишлаб чиқариш имкониятлари, ақлий ва меҳнат ресурслари жиҳатидан мамлакатимизда Тошкентдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди“ деб таъкидлаган эди.

Статистика маълумотларига қараганда, ҳозир Ўзбекистонда яшаётган 26,0 миллион кишидан меҳнат қилаётганлар сони 9,4 миллион кишини ёки умумий аҳолининг 36,1 фоизини ташкил қилса, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 25,0 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистонда ҳар бир меҳнаткашга 2,7 нафар аҳоли тўғри келса, Самарқанд вилоятида ушбу кўрсаткич 1,5 баробарга тенг. Демак, келажакда вилоятда кўплаб янги иш жойларини очиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда бутун ишлаётган аҳолининг 46,5 фоизи ёки 3,8 миллион киши қишлоқ хўжалигида банд. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг бир қанча нутқ ва асарларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун 1,5 — 2,0 миллион киши етарли деб, уларни икки баробар қисқартириш лозимлигини таъкидлади. Демак, қарийб 2,0 миллион кишини қишлоқ хўжалик ишларидан озод қилиб бошқа соҳага жалб этилиши керак. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида янада долзарб, чунки аҳолининг табиий ўсиши Ўзбекистонда бир йилда 2,2 фоизни ташкил қилган бир пайтда, Самарқанд вилоятида бу 2,5 фоизни ташкил қилмоқда. Республика қишлоқ хўжалигида 46,5 фоиз ишчи ва хизматчилар банд бўлса, Самарқандда бу кўрсаткич 55,0 фоизни ташкил қилади. Аммо қишлоқда меҳнат қилаётган деҳқон, ишчи ва хизматчиларни икки баробар қисқартириш, ўз-ўзидан, сунъий равишда амалга ошмайди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини 2 марта оширишни талаб қилади. Шундагина маҳсулотни камайтирмасдан қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнаткашлар сонини камайтиришга эришиш мумкин.

Олдинги пайтларда қишлоқ аҳолисини шаҳарга кўчириш эвазига уларни саноатга, индустриал меҳнатга жалб қилинар эди. Энди вазият бутунлай ўзгарди. Бу муаммога мазмун жиҳатидан бутунлай янгича ёндашишни талаб қилмоқда. Эндиликда бу мақсадга саноатни қишлоққа кўчириш эвазига эришиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқда қайта ишлайдиган кичик корхоналар, хизмат соҳаси билан шуғулланадиган янги хўжалик субъектларини очишни талаб қилади.

Шундагина биз Президентимиз таъкидлаганидек, „Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда

меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захирасидир"[1]. Қишлоқ хўжалигида банд аҳолини бошқа соҳаларга, энг аввало саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал килишга олиб келади.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш фақат унга саноатни кўчириш билан чекланиб қолмайди. Эндиликда, Президентимиз таъкидлаганидек, қишлоқда ҳам шаҳардагидек хизмат соҳасининг барча турларини ташкил қилиш лозим. Аммо ҳозир вилоятда 37 фоизга яқин аҳоли ҳамон табиий газдан фойдаланмай келмоқда, 30 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмаган. Булар қишлоқда саноат ва хизмат соҳасини ривожлантиришга объектив тўсиқ бўлиши мумкин. Шу туфайли, бу соҳани ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш, тегишли капитал қўйилмаларни ахтариб топиш лозим. Шундагина қишлоқда хизмат соҳасини тубдан ўзгартириб, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш мумкин. Бунинг учун қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ҳам кутариш лозим. Қачонки, аҳолининг даромади кундалик эҳтиёжидан ортиб қолса, у қўшимча пуллик хизматдан фойдаланади. Аммо бунга ҳозирга тўлиқ эриша олганимиз йўқ, албатта. Қишлоқ меҳнаткашларига ўз вақтида иш ҳақи беришни ҳам қийин кечмоқда. Вилоят аҳолисига тўланмаган иш ҳақи ва нафақанинг миқдори бироз камайса-да, ҳамон ойдан-ойга ўтиб келмоқда. Бу баъзи жойларда боқимандалик кайфиятининг, бепарволик кайфиятининг мавжудлигидан далолат беради.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқдаги меҳнатнинг самарадорлигини ошириш, мавжуд инсон салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг кенг кўламли чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Қишлоқ жойларда меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш зарурати яна шундан келиб чиқадики, яъни республикамизда таъкидланганидек, бир ишлаётган ходимга 2,7 ишламайдиган аҳоли тўғри келса, қишлоқда бу кўрсаткич 3,6 кишига тенгдир. Қишлоқда оила даромади ҳам шунга мос равишда тақсимламари. Ваҳоланки, қишлоқ меҳнаткашининг оила даромади, республиканинг ўртача даромадидан 33,3 фоиз кўп бўлиши керак эди. Демак, қишлоқда аҳолининг иш билан бандлик даражасини кўтариш муҳим вазифалар қаторига киради. Ҳозир иш билан бандлик даражаси республикамизда 36 фоизни ташкил қилган бир пайтда,

---

[1] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: „Ўзбекистон", 1997, 254- бет.

бу кўрсаткич қишлоқда 28,1 фоизни ташкил қилмоқда. Демак, болалар ва қариялар сони қишлоқларда аҳолининг кўп қисмини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов „Қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш — Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир“ деб бежиз таъкидламаган.

Юртбошимиз инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишни тараққиётнинг асосий кафолатларидан бири деб қарайди. Шу боисдан, эндиги вазифа... „республиканинг ҳар бир фуқаросига меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун чинакам имконият яратишдир“[1] .

Ўзбекистондек мамлакат учун янги иш ўринларини очиш объектив зарурият. Бунинг учун, Ўзбекистонда, хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Табиий бойликларимиз, сув ва ҳаво, қуёш энергияси, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган етарли даражадаги хом ашё кабилар бунга имкон беради. Энг муҳими, тайёр маҳсулотни сотиш учун ўзимизда бозор бор. Жаҳон бозорига чиқишга етарлича аҳамият берилиши керак.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичи Ўзбекистонга илғор технологияларни киритиш, кўплаб қўшма корхоналар очиш, четдан сармояларни тезкорлик билан киритишни тақозо этади. Шунда биз XXI асрда ўз салоҳиятимизга, жаҳон бозорида ўз ўрнимизга эга бўламиз.

3.2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва унинг амалга оширилиши

Мамлакатнинг ривожланиши малакали кадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқ. Шу боис „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида (1997—2001 йй.) қўйилган асосий мақсад — мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратишдан иборатлиги белгилаб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16- февралдаги мажлисида Президент И.А.Каримов жамиятимизда рўй бераётган ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожини таъминлайдиган омиллардан бири

---

[1] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: „Ўзбекистон“, 1997, 255- бет.

сифатида қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишига алоҳида эътибор билан тўхталиб, „Биз бугун мазкур дастур доирасида бажарилган ишларни танқидий баҳолашимиз, бу йўлда қандай муаммоларга дуч келганимизни, дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни тўла амалга ошириш учун яна қандай чора-тадбирлар кўришимиз зарурлигини аниқ белгилаб олишимиз лозим“[1], — Здеган эди.

Ушбу мавзуда бизлар юқорида келтирилган масалаларни ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Аввалом бор „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ни амалга ошириш — иқтисодиёт ривожланишининг устивор йўналиши бўлиб, бугун давлат тизимининг, жамоа ташкилотларининг, барча халқнинг умумий ишига айланди.

Иккинчидан, бу дастур таълим тизимини ислоҳ қилиш билан чегараланиб қолмай, у жуда муҳим социал-ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

Учинчидан, 1997— 2000 йилларда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-норматив база яратилди. Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ ва „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида“ги қонунларини бажариш юзасидан замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларидаги ислоҳотларни ривожлантириш хусусида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Давлат таълим стандартлари: йўналишлар ва мутахассисликлар классификатори; Олий таълим тўғрисидаги низом; Олий ўқув юртларида педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги низом; Магистратура тўғрисидаги низом; Олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврларга квалификацион талаблар; Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида талабаларнинг квалификацион амалиёти тўғрисидаги намунавий низом; Олий ўқув юртининг илмий кенгаши тўғрисидаги низом; Битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом; Ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси тўғрисидаги намунавий низом; Олий ўқув юртларининг кафедраси тўғрисидаги низом; Олий таълим муассасаси факультетининг кенгаши тўғрисидаги низом; Ўзбекистон Республикасида кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси; Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳақидаги низом ва ҳоказолар.

Тўртинчидан, „Таълим тўғрисида“ги қонунга мувофиқ, таълим тизими таркиби қайта кўриб чиқилди ва янгиланмоқда. Олий таълимда икки босқичли тизим жорий қилинди, олий ўқув юртларини

---

[1] „Халқ сўзи“ газетаси, 2001 йил, 17 февраль.

регионлаштириш қарийб ниҳоясига етди. Кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими чуқур ислоҳ қилинмоқда, бу соҳа учун институтлар, марказлар ва факультетлар ташкил қилинди. Узлуксиз таълим тизимининг таркибини принципиал янгилаш ва уни бошқаришни бутунлай янги бошқарув тизими яратиш масаласи кадрлар тайёрлаш дастурининг биринчи босқичида ҳал қилинди. Бу борада таълимнинг янги тизими 9 йиллик умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълимнинг янги тури — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, икки босқичли олий таълим (бакалаврият ва магистратура) жорий қилинди. Президент, бу соҳада қилинган ишларга тўхталиб, ўз маърузасида қуйидагиларни айтиб ўтди:

„Мамлакатимизда 1998 — 2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган 47 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 135 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Кейинги икки йилда лицей ва коллежларни ўқув-лаборатория қуроллари, таълимнинг техник воситалари, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш учун республика бюджетидан 6 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Шу мақсадда Корея Республикаси ва Осиё тараққиёт банкининг кредитлари жалб қилинди. Япония ҳукумати билан кредит ажратиш масаласи ҳал этилмоқда. Умуман олганда, ўрта махсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 150 миллион АҚШ долларини ташкил этди“[1].

Олий таълим ўқув юртларининг функция ва вазифалари қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди. Бутунлай янги узлуксиз таълим тизимини бошқариш тузилмалари (ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази), ОЎМТВ таркибий тизими, янги ОУЮ, уларнинг факультет ва бўлимлари, кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янги таркиби кабилардир.

Президент ўз маърузасида айтганидек, „Республикамизда янги турдаги таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув-услубий база шаклланмоқда. Бу борада 11 йўналишдаги 72 та давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига татбиқ этилди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида 223 та психологик-педагогик диагностика ва ўқувчиларни касбга йўналтириш маркази тузилди. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга мўлжалланган 38 та ихтисослашган марказ ташкил қилинди. Кейинги уч йил давомида 14 минг ўқитувчи бу марказларда ўз малакасини оширди“[2].

Республикамизда кадрларни тайёрлаш, аттестация қилиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш мақсадли дастури қабул қилинган.

---

[1] „Халқ сўзи“ газетаси, 2001 йил, 17 февраль.

[2] Ўша ерда.

Уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун „Устоз" жамғармаси имкониятлари ва ҳар хил чет эл грантларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бешинчидан, таълимнинг мазмунини такомиллаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари унга мос таълим йўналишларига доир ўқув режалари яратилди ва ўқув амалиётига жорий қилинди. Бу борада ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими учун давлат таълим стандартларининг яратилиши ва жорий қилинишини, ўқувчилар ва талабалар билимини баҳолашда рейтинг тизимининг жорий қилиниши, янги педагогик технологияларнинг ишлатилиши, янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишга киришилганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Масалан: „1998 — 1999 ўқув йилида республикамизнинг 24 мактабида 9 йиллик ўрта таълим учун янги базис ўқув режа ва 23 фандан ўқув дастурларни ўз ичига олган давлат стандартлари экспериментал апробациядан ўтиши тамомланди ва жорий қилинди.

5 — 6- синфлар учун 1998 — 1999 йиллари лотин алифбосида 30 дан ортиқ, рус синфлари учун 28 дарслик чоп этилди.

Шу йиллари 23 академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқув-норматив ҳужжатлар экспериментал апробациядан ўтди ва 250 ўқув дастурларини ўз ичига олган 50 та давлат таълим стандартлари жорий қилинди.

1999 — 2000 йилларда янги ташкил қилинаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун 1000 та ўқув дастурини ўз ичига олган 95 давлат таълим стандартлари тайёрланди. Уларга тажриба учун таклиф қилинган адабиётлар рўйхати тайёрланган. (ОУМТВнинг 30.10.98 йилги 305- буйруғи билан).

Олий ўқув юртлари учун 251 давлат таълим стандартлари бакалавр йўналишлари бўйича ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. (2001 йил ВМ қарори билан 135 тага туширилди). Бакалавр ва магистрлар учун янги квалификацион талаблар, ўқув режалари, намунавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва экспертизадан ўтказилмоқда".

Олтинчидан, халқаро алоқалар кенгайтирилмоқда, республикада ҳар хил фондлар фаолият кўрсатмоқда, чет элларга талабаларни ўқишга юборишда „Умид" жамғармаси, ўқитувчиларнинг малакасини оширишда „Устоз" жамғармаси кенг фаолият кўрсатмоқда.

Еттинчидан, таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни моддий-техник таъминотини яхшилашга йўналтирилган ишларни келтириш мумкин. Бу борада фақат 1998- йили 72945 ўқув жойига эга бўлган 181 мактаб янгидан қурилиш ва реконструкция ҳисобидан ишга туширилди. Бир вақтда 555 та мактаб, 309 та мактабгача тарбия муассасалари ва 25та мактабдан ташқари муассасалар капитал таъмирдан чиқарилди.

1998—1999 йиллари 149 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ишга туширилди. 2005-йилга бориб, 1600 та 1,5 миллион ёшларга мўлжаланган, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиб ишга туширилиши мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасига ажратилган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 1998 йили 7,6%, 1999-йили 8,1%, 2000-йили 8,7% ташкил қилди. Жуда катта маблағлар ўрта махсус таълимни ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ҳисобидан жалб қилинаётганлигини айтиб ўтмай бўлмайди. Бу мақсадлар учун Осиё тараққиёт банки 150 млн. АҚШ доллари, OECF (Япония) — 200 млн. АҚШ доллари, EDCF (Корея) — 35 млн. АҚШ долларини ажратиши кўзда тутилган.

Олий таълим муассасаларига ўтсак, улар учун бюжетдан ташқари маблағлар топиш ва улар ҳисобидан ўз моддий техника базасини ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилган. Бунга уч йил давомида бизнинг институтда қилинган ишлар яққол мисол бўла олади.

Президент И.А. Каримов бу масалага якун ясаб қуйидаги фикрларни билдирди: „Бир сўз билан айтганда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга муваффақиятли жорий этиш учун барча асослар яратилмоқда. Шу билан биргаликда, тўпланган тажриба ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, бу борада олдимизда турган вазифаларни ечиш учун янгича ёндашувларни излаб топиш лозим. Бунда асосий эътиборни сифат масаласига, ажратилаётган ресурслар ва моддий база имкониятларидан янада самарали фойдаланишга қаратиш даркор.

Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва 2005-йилгача лицей ҳамда коллежларни улар билан тўла таъминлаш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқиш зарур“[1].

Янги замонавий, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш ОЎЮ учун ҳам устувор вазифа бўлиб ҳисобланади.

ОЎМТ вазирининг 2001- йил 20- февралдаги 43- сонли буйруғида дарслик ва ўқув адабиётларини яратиш масаласи ОЎМТ вазирлиги тизимида хизмат қилаётган барча профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва мутасадди раҳбарларнинг бирламчи вазифаси деб белгилаб қўйилган.

Ушбу буйруқдан III ва IV блокдаги фанлар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва нашр этиш масъулияти олий таълим муассасалари ректорлари зиммасига юклатилган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади, вазифаларини рўёбга чиқариш борасида, Олий таълим тизимида ҳал қилинмаган муаммолар, камчиликлар мавжудлиги Миллий дастурнинг биринчи

---

[1] „Халқ сўзи“ газетаси, 2001 йил, 17 февраль.

босқичини амалга ошириш жараёнида намоён бўлди. Бизнинг фикримизча, улар қуйидагилардан иборат:

• узлуксиз таълим тизими яратилди-ю, лекин таълимнинг алоҳида босқичлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланмаган. Шу сабабли ўрта мактабда, лицей ва коллежларда, бакалавриат, магистратурада қайси фан, қанча миқдорда ва қаерда ўқитилиши ҳал қилинмаган. Натижада таълим босқичларида фанларнинг қайтарилиши, кўп ҳолларда, ортиқча моддий, интеллектуал ресурсларни ҳамда вақтни кўп харажат қилинишини талаб қилмоқда. Шу сабабли Давлат стандартлари ва ўқув режалари таълимнинг барча босқичларида мувофиқлаштирилиши зарур;

• республика таълим муассасалари регионлаштирилди, лекин таълим йўналишларининг тақсимоти ўз ечимини топмади. Регионларда оммавий кадрларни тайёрлаш самара беради. Ҳар бир регион ўзи учун барча соҳаларда кадрларни тайёрлашни илмий, амалий, моддий ва бошқа жиҳатларда амалга ошириш имкониятига эга эмас ва бу иқтисодий, сиёсий, социал нуқтаи назардан ўзини оқламайди. Шу сабабли кадрларни таълим йўналишлари бўйича тайёрлаш масаласини ким, қаерда ва қачон тайёрлаши масаласи илмий-амалий асосланган ҳолда қайта кўриб чиқилиши лозимлигини ҳаёт тақозо қилмоқда;

• таълим соҳасида энг мураккаб муаммолардан бири бу билимни баҳолаш муаммоси. Ҳозирги рейтинг тизими, тестлар орқали билимни баҳолаш, унинг объективлигини таъминлаш борасида бир қанча муаммоларни ҳал қилишга имкон яратилган бўлса ҳам, айрим масалалар ўз ечимини топа олмаяпти. Билимни баҳолашда сўз усталигини, ўз фикрини изҳор қила билиш, фикр юритишни аниқлаб бўлмайди. Қисқача қилиб айтганда, мавжуд тизим фақат эслаш ва хотирани баҳолашга қаратилганлиги аниқланди.

Рейтинг тизимини расмийлаштириш мураккаблиги, кўп вақт талаб қилиши, талаба ва ўқитувчи балларни хотирада сақлаш имкониятини бермаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Бизнинг фикримизча, рейтинг тизимини такомиллаштириш, унинг умумлашувини, ўзлаштирилишини, расмийлаштирилишининг оддийлигини, солиштирувчанлигини, натижанинг объективлигини таъминлайдиган хусусиятларга эга бўлган тизимни яратиш вақти келди:

• бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида кадрларни тайёрлаш янги йўналишлар ва мутахассисликлар асосида амалга оширилмоқда. Собиқ тузум даврида жуда кўп маъмурий-буйруқбозлик руҳида тайёрланган мутахассислар ўз мутахассисликларини эркин иқтисодиётга мос ҳолда ўзгартириши лозим бўлмоқда. Бу эса олий ўқув юртларида замонавий кадрларни қайта тайёрлашни тақозо қилмоқда;

• илмий-педагогик кадрларни ҳамда талабаларни чет эл давлатларига малака ошириш ва тажриба алмашишга юборишни ташкиллаштиришда квоталарни тегишли давлат органларни олий ўқув юртларига тақсимлаб берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди;

• таълим йўналишларида белгиланган мутахассисларга мос иқтисодиётимиз соҳалари учун хизматчилар ва ишчиларнинг квалификацион маълумотномасини яратиш ва жорий қилиш зарур. Бу Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган кадрларга ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш муаммоси ҳал қилинишини осонлаштиради;

• иқтисодиётнинг техник йўналишлари бўйича кадрларга эҳтиёж ниҳоятда катталигини эътиборга олиб, бу йўналишлар учун грант орқали қабулни кўпайтириш мақсадга мувофиқ;

• олий ўқув юртларига қабул режасини тайёрлашда ва тасдиқлашда улардаги мавжуд йўналишлар ва мутахассисликларга халқ хўжалиги тармоқларидан берилган буюртмалар, уларни моддий-техник ва ўқув-лаборатория базаси, илмий-педагогик кадрлар салоҳиятидан келиб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бир қаторда, шартнома асосидаги қабулни халқ хўжалиги тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқан ҳолда кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу олий ўқув юртларининг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлашда асосий омил бўлиб қолар эди;

• давлат аккредитациясидан ўтган олий ўқув юртларига Давлат стандартлари доирасида буюртмачиларнинг таклифларидан келиб чиққан ҳолда ўқув ва ишчи ўқув режаларига ўзгартиришлар киритиш учун уларнинг илмий кенгашларига мустақиллик берилиши лозим;

• таълим муассасаларини молиялаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тизимида ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Бу соҳада катта самара бериши мумкин бўлган манба — хусусий ва хорижий инвестициялар, ҳомийлар маблағларини жалб этишдир. Лекин бу борада ҳар хил ғов ва тўсиқлар мавжуд. Бу соҳада жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш принципларини ишлатиш ўз самарасини бериши эҳтимолдан узоқ эмас.

Умуман таълим, шу жумладан, олий таълим соҳасида бюджетдан ташқари тушадиган маблағларни, уларга ажратилган ҳомийлар, хорижий давлатларнинг инвестицияларини ҳар хил тўловлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида Самарқанд кооператив институтида амалга оширилган диққатга сазовор ютуқларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

• институтдаги мутахассисликлар янги таълим стандартларидан, олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврларга қўйиладиган квалификацион талаблардан келиб чиққан ҳолда бешта янги йўналишга мослаштирилди. 2001 йили янги „Бухгалтерия ҳисоби ва аудит“ йўналиши очилди ва талабалар қабул қилинди;

• таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, қишлоқ ва шаҳарлардан институтга иқтидорли талабаларни ўқишга жалб қилишни таъминлаш мақсадида институт қошида гимназия (1999 йилдан лицей) ва Республика лицей-интернати ташкил қилинди;

• регионда кичик бизнесни ривожлантириш, улар буларга кадрлар тайёрлашни таъминлаш учун институт таълим йўналишларига мос кичик мутахассисликлар тайёрлаш учун институт қошида бизнес мактаб очилди ва фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда, институт факультетларида кичик мутахассислар тайёрлайдиган курслар ташкил қилинган. Иновацион-тижорат маркази фаолият кўрсатмоқда. Бухгалтерлар тайёрлаш ресурс маркази ташкил қилинди;

• институтда олий таълим босқичларини узлуксизлиги таъминланди, яъни бакалавриат йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, 5 та мутахассислик учун магистратурага рухсат олинди. 2001 йил тўртта мутахассисликка магистрлар қабул қилинди;

• иккита ихтисосга доир аспирантура очилди, сертификат олинди ва фаолият кўрсатмоқда. Булар қайта аттестациядан ўтди, янгидан 3 ихтисосга доир аспирантура очишга экспертлар тавсия берди;

• институт таркибини ҳозирги замон талабларига мослаштириш мақсадида реструктуризация ўтказилди;

• ўқув жараёнига мавжуд рейтинг тизими тўла жорий қилинди. Бу масалаларни тўла амалга ошириш мақсадида, ҳисоблаш маркази техник воситалар бўлими ва тест маркази ташкилий бирлаштирилиб, ягона Рейтинг маркази тузилди, „Ахборотлар технологияси" кафедраси ташкил қилинди;

• институтда ўқув-услубий таъминот дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш жадаллаштирилди. Барча фанлардан маъруза матнлари яратилиб, компьютерларда кўпайтирилиб, кутубхона фондига топширилди. Кутубхонада махсус компьютер ўқув зали ташкил қилинди, унда барча фанлардан маъруза матнлари тўпланган.

2000 йилда Евро-Осиё жамғармаси гранти билан 4,5 минг АҚШ доллари миқдорида 1420 нусха мутахассисликка оид ўқув адабиётлари харид қилинди.

2001 йилда махсус грант орқали 500 АҚШ доллари миқдорида Россияда чоп этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари харид қилинди. Умуман, хорижий инвестицияларни жалб қилишда охирги йилларда катта ютуқларга эришилди. 1999 йили 518,0 минг доллар, 2000-йили 520,0 минг доллар ва 2001 йили 33,0 минг долларлик хорижий инвестициялар жалб қилинди.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан 2000 — 2003 йилларда 589 та илмий, ўқув ва ўқув-услубий ишлар чоп этилди. Шулардан 3 таси монография, 3 таси дарслик, 53 таси маърузаларнинг матнлари тўплами, 13 таси ўқув қўлланма ва 15 таси эса илмий ишлар тўпламларидир.

Самарқанд кооператив институти кутубхонасига 1997—2001 йилларда келтирилган адабиётлар сони қуйида келтирилди (9-жадвал).

Институтда чет эллар билан ҳамкорлик масалалари кенгаймоқда. 1997—1999 йиллари Европа Ҳамдўстлик ТАСИС дастури асосида Самарқандда „Менежментни ўқитишни такомиллаштириш лойиҳас“и амал қилди. 1999 йилдан ушбу лойиҳа базасида „Халқаро менежментга ўқитиш маркази“ тузилди ва фаолият кўрсатмоқда. 1997—1998 йиллаари Буюк Британия ҳукумати „НОУ-ХАУ“ фонди, „Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ўқитишни такомиллаштириш“, 1998 йили „Евразия“ жамғармасини 2- лойиҳаси институт кутубхонаси фондини тўлдириш ва фермер хўжаликлари мутахассисларини ўқитиш грантлари олинди.

9-жадвал

Самарқанд кооператив институти кутубхонасига 1997—2001 йилларда сотиб олинган китоблар сони ва қиймати

№	Сотиб олинган йили	Нусхаси	Қиймати, сўм
1.	1997	1217	203965
2.	1998	2463	683638
3.	1999	2334	999663
4.	2000	7921	2282423
5.	2001	5043	2915965
Жами:		18978	7085624

Институтда Ўзбекистондаги Япония ҳукумати элчихонасининг гранти билан япон тили маркази фаолият кўрсатмоқда. Худди шундай масала Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси орқали ҳам ҳал қилинди. Малайзия, Корея, Россия, мамлакатлари Олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузилди.

Институт профессор-ўқитувчилари республика ва халқаро грантларни қўлга киритишда маълум даражада муваффақиятларга эришмоқдалар. Жумладан, проф.Ў.Р. Рашидов ва Р.Т. Юнусовалар (Институт „Открытое общество“ фонд Содействия — Узбекистан) фондининг индивидуал грант (1000 АҚШ доллардан) эгалари бўлишди. Доц. И. Исманов ва Ш. Қобиловалар „Устоз“ жамғармаси гранти соҳиблари бўлишди. Доц. Н.Р. Зайналов „Коутерлар Консорсиум“ га „Маҳаллалардаги ташаббусни қўллаб-қувватлаш“ дастурини тузишда грант соҳиби (7000 АҚШ доллари) бўлди.

Институт моддий-техника базасини такомиллаштириш масаласи ҳомийларни жалб қилиш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилди ва бу соҳада ишлар давом этмоқда. Бюджетдан ташқари даромадлар суммаси 18,0 млн. сўмдан 52,0 млн. сўмга ортди, яъни 2,9 маротаба ошди. Ҳозирги кунда институтнинг моддий-техника ва ўқув-лаборатория базаси мавжуд нормативларга нисбатан 2,4 маротаба ортиқ.

Институтнинг барча кафедралари, деканатлари ва бўлимлари ягона компьютер тармоғи орқали бир-бирига боғланди, интернетга чиқиш таъминланди. Ҳозирги кунда 8 та талабага битта компьютер тўғри келади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичининг (2001 — 2005 йиллар) асосий мақсади — Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш, табақалашган таълим тизимини тўла жорий қилиш, таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг фаолиятида рақобат муҳитини вужудга келтириш, ўқув юртларини моддий-техник ва ахборот базасини мустаҳкамлаш кабилардан иборатдир. Қисқа қилиб айтганда, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи таълимнинг сифатини такомиллаштириш ва уни жаҳон стандартлари даражасига кўтаришдан иборатдир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури иккинчи босқичининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Самарқанд кооператив институти жамоаси олдида турган вазифаларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида (2001—2005 йиллар) жамоамиз олдида турган вазифалар:

— институтимиз илмий-педагогик салоҳиятини ёш малакали профессионал кадрлар билан тўлдириш ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга эришиш;

— институтнинг таркибий тузилишини замон талабларига тўлиқ мослаштириш;

— илмий-педагогик ходимларнинг касбий-педагогик маҳоратини оширишга қаратилган тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

— ўқув йўналишлари бўйича уч томонлама шартномалар асосида ўқув адабиётларни муддатида тайёрлашни таъминлаш;

— барча фанларни замонавий маъруза матнлари билан тўлиқ таъминлаш;

— чет эл олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма факультетлар, филиаллар ташкил қилиш ва шу асосида „Истеъдод" жамғармаси орқали ўқиб келган мутахассисларни бу ишларга жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;

— институтда, лицейларда ва бизнес мактабида замонавий технологияларни қўллаш, интернет ва техник воситалар билан таъминлаш вазифаларини бажариш учун ташкил қилинган рейтинг маркази қошидаги техник таъминот сектори ва компьютер класслари фаолиятини чет эл олий ўқув юртлари тажрибалари билан бойитиш ва такомиллаштириш;

— институтда жорий қилинган илғор педагогик технологияларни (маърузаларда комплекс тарқатма материаллар, слайдлар ишлатиш, муаммоли маърузалар ўқиш ва ҳ.к.) барча фанларда ишлатишга эришиш, бу йўналишда янги педагогик ва информацион технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш учун аниқ режалар тузишга эришиш;

— институт ахборотлар фондини давр талабларига жавоб бера оладиган электрон дарсликлар, ўқув услубий қўлланмалар билан таъминлашга эришиш;

— кутубхона фаолиятини янги талаблар ва ахборот технология воситалари асосида ташкил қилиш, ўқув адабиётлари фондини уларнинг электрон версиялари билан бойитиш, талабалар учун кутубхонада ишлашга етарли шарт-шароитлар яратиш;

— касб-ҳунар коллежларида ташкил қилинган кафедралар филиаллари ишларини замон талабларига мослаштириш;

— институтнинг малака ошириш факультети фаолиятини такомиллаштириш, касб-ҳунар коллежлари педагоглари, амалиётнинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини малакасини оширишнинг 2001—2005 йилларга мўлжалланган режасини бажарилишини таъминлаш, малака ошириш факультетининг тингловчилари учун, чет эл тажрибаларини ўрганиш асосида, энг қулай шаклларини жорий қилиш;

— институтда чет эл олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда масофада ўқитишни ташкил қилиш;

— илмий тадқиқот натижаларини амалиётга ва ўқув жараёнига кенг татбиқ қилиш;

— иқтидорли талабалар билан якка ҳолда ишлашни такомиллаштириш, ёшларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш ва илм-фанга қизиқтириш йўлларини топиш;

— институтда маънавий-маърифий ишларнинг шакл ва мазмунини такомиллаштириш;

— Ўзбекистон Республикаси „Тил тўғрисида“ги қонун талаблари асосида лотин грамматикасига босқичма-босқич ўтилишини таъминлаш;

— институтда ташкил қилинган чет тилини табақалаштирилган ҳолда ўқитиш тажрибасини чуқур таҳлил қилиш ва уни янада такомиллаштириш;

— битирув малакавий ишларини чет тилида ёзишни амалда жорий қилиш, бу борада компьютер техникасидан, интернет тармоғидан кенг фойдаланишни ташкил қилиш;

— факультетлар ва кафедраларнинг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш;

— таълим йўналишларида маркетинг хизматини такомиллаштириш;

— ташкил этилган узлуксиз таълим тизимининг ҳар бирида ўқув жараёнини, моддий-техник ва ахборотлар базасини талабларига тўлиқ мослаштириш.

3.3. Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва унинг самарадорлиги масалалари

Таълим ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири иқтидорли талаба-ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама камолотга эришишини таъминлашдан иборат. Мамлакат салоҳияти ҳам бевосита иқтидорли ёшларга боғлиқдир. Шу боис, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқлари ва асарларида инсон салоҳияти, истеъдод, уни рўёбга чиқариш ва ҳар томонлама баркамоллигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Президентимиз инсон салоҳияти, истеъдод эгаларини аниқлаш ва уларнинг баркамоллиги тўғрисида шундай деган эди: „Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришни таъминлаб беради“[1].

Ёш авлодни тарбиялаш, билим бериш, касбларга ўргатиш орқали жамиятнинг интеллектуал салоҳияти вужудга келади. Олий таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ҳам ёшларнинг касбкорлик қобилиятини рўёбга чиқариш, ундан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Мамлакатимизда иқтидорли талаба-ёшларни аниқлаш ва улардаги истеъдодни ривожлантириш борасида муҳим тадбирий чоралар амалга оширилмоқда. Бунда талабаликка қабул қилишнинг тест шакли, ўқув жараёнида ёшларнинг билим даражасини аниқлашнинг рейтинг усулини жорий этиш, ёшларни рағбатлантиришда Президент Давлат стипендияларидан, Давлат стипендияларидан фойдаланиш, „Умид“, „Устоз“, „Улуғбек“ жамғармаларидан фойдаланиш яққол мисол бўла олади.

---

[1] **Каримов И.А.** Ўзбекистон буюк келажак сари. — Тошкент, „Ўзбекистон“, 1998, 620- бет.

Иқтидорли ва истеъдодли талаба- ёшлар билан ишлаш, уларнинг сафини мумкин қадар кенгайтириш борасида республикамиз олий ўқув юртларида, шу жумладан, Самарқанд кооператив институтида маълум тажрибалар ва натижаларга эришилган. Жумладан, иқтидорли талабалар сони қабул қилинган мезонлар асосида аниқланиб борилади, иқтидорли ёшлар кафедраларнинг етакчи профессор-ўқитувчиларига биркитилган, иқтидорли талабалар билан жамғармалар ҳамда грантларнинг дастурлари асосида қўшимча машғулотлар олиб борилмоқда. Иқтидорли ёшлар „Истеъдод" ва бошқа нуфузли жамғармаларнинг танловларида иштирок этиб, ижобий натижаларга эришмоқдалар.

Мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таълим соҳасига ҳам бевосита тааллуқлидир. Кейинги йилларда республикамизда кадрлар тайёрлаш сиёсати тубдан ўзгарди. Таълим ислоҳотининг ҳуқуқий асослари яратилди ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Қабул қилинган „Таълим тўғрисида" ги Қонун, „Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур"га асосан олий ўқув юртларида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Талабаликка қабул қилиш, ўқув жараёнини ташкил қилиш, талабаларнинг билим даражасини баҳолаш халқаро андазаларга мослаштирилмоқда. . Иқтидорли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган республика жамғармалари ташкил қилиниб, бозор шароитига мос ва хос кадрлар тайёрлашнинг истиқболлари очилди.

Бугунги кунда республикамизнинг турли ҳудудларидан 1000 га яқин иқтидорли талаба-ёшлар иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида республика „Умид" („Истеъдод") жамғармаси орқали ўз билимларини, „Устоз" жамғармаси орқали эса кўплаб олим-педагоглар ўз тажрибаларини оширмоқдалар.

Институтда иқтидорли ёшлар билан махсус режага асосан қўшимча ишлар олиб борилмоқда. Чет эл тилларини мукаммал ўрганиш, компьютерлик саводхонлигини янада ошириш, маънавият, маърифат дунёқарашни бойитиш, махсус фанларни чуқур ўрганиш соҳасида қўшимча машғулотлар ташкил қилинган. Иқтидорли ёшларнинг илмий анжуманлари узлуксиз ўтказилиб борилмоқда келажагимиз салоҳияти номли махсус илмий тўпламни чоп эттирдик. Ёшларимизнинг илмий изланишлари натижалари махсус тўпламлар шаклида нашр этилиб келинмоқда..

Республика „Умид" ва „Устоз" жамғармаларининг турли йиллардаги танловлари ғолиблари ичида институтимиз талаба-ёшларининг бўлиши қувонарлидир. Талабаларимиздан Отабек Хушвақтов

„Умид“ жамғармаси ғолиби сифатида АҚШнинг **Дюкейн** университетида таълим олиб қайтди. Ҳозирги кунда у Самарқанд вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлимида фаолият юритиш билан бир вақтнинг ўзида институтимизнинг „Молия“ кафедрасида талабаларга махсус фанлардан таҳсил ҳам бермоқда. Талабамиз Фаридун Одилов эса АҚШнинг **Эмори** университетида бакалавриат босқичида муваффақиятли ўқиб қайтди. Ўтган йиллар „Умид“ жамғармаси танлови ғолиблари Ҳамид Жуманиёзов ва Ғайрат Халиловлар Германиянинг нуфузли университетларида бакалавриат ва магистратурада ўз билимларини оширдилар. Чет элда таҳсил олаётган талабаларимиз ва уларнинг ота-оналари билан доимий алоқалар ўрнатилган.

Иқтидорли талабаларимиздан Феруз Бурҳонов „Беруний Давлат стипендияси“, Дилфуза Усмонова,Дилшода Бурханова, Озода Пардаева, Баҳриёр Рофиев, Дилбар Турсуновалар „Улуғбек Давлат стипендияси“ совриндорлари бўлганлар. Доцент Иброҳимжон Исманов „Устоз“ жамғармаси ғолиби сифатида АҚШда ўз малакасини ошириб қайтди. Институтимиз аспиранти Улуғбек Абдукаримов „Устоз“ жамғармаси гранти ғолиби бўлди. Ёшларнинг фаолияти жамоа ўртасида кенг тарғибат қилиниб борилмоқда.

Шу билан биргаликда ушбу масалада ўз ечимини кутаётган бир қанча муаммолар мавжуд. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— таълим олаётган талабалар сафидан иқтидорли ёшларни аниқлашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш;

— таълим тизимида „Иқтидорли талаба“ стипендияси ва нишонини жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

— иқтидорли талабалар билан қўшимча ишлашга мўлжалланган молиявий манбалар аниқланиши керак;

— олий ўқув юртларида „Иқтидорлилар жамғармаси“ ни тузиш кун талабидан келиб чиқади деб ҳисоблаймиз;

— иқтидорли талаба-ёшларнинг „Истеъдод“ ва бошқа турдаги жамғармаларнинг танловларида иштироқларини вилоятлар худудидаги олий ўқув юртларида ўтказиш ва бу масалада давлат квоталарини белгилаш мақсадга мувофиқдир;

— профессор-ўқитувчиларга ўқув юкламаларини белгилашда иқтидорли талабалар билан олиб бориладиган ишлар инобатга олиниши керак;

— олий ўқув юртини юқори натижалар (рейтинг) билан тугатган мутахассислар устивор йўналишлардаги ишларга жойлаштиришлари керак.

Иқтидорли ва малакали кадрларни тайёрлаш мамлакат салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши бозор муносабатларининг назарий ва методологик такомиллаштирилишига бевосита боғлиқдир. Бозор хўжалик механизми иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминловчи усуллардан иборат бўлиб, унинг таркиби режалаштириш, бошқариш, ташкил қилиш, молия-кредит, рағбатлантириш, ҳисоб ва назоратдан иборат. Эгилувчанлик хусусиятига эга бўлган бозор иқтисодиёти замон талабларига мос келадиган маркетинг тадқиқотларини, менежментлик усулларини миллий ва халқаро андозалар асосида ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу жараёнлар бевосита замонавий компьютерлаштириш технологиялари орқали амалга оширилади. Жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига инсон салоҳияти, унинг ривожлантирилиши ва самарали фойдаланилиши туфайли эришилади.

Институт олимлари томондан сўнгги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида юқоридаги муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига қаратилган қуйидаги хулосаларга келинди ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши, биринчи навбатда мулкчилик ва мулк муносабатларига бевосита боғлиқдир. Бозор шароитида мулкдан самарали фойдаланиш ва унинг натижасида даромад олиш асосий мақсад ва вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари асосланган, мулк турлари ва шаклларини кўпайтиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Эндиликда мулк ўз эгасини топиши, унга хизмат қилиши, мулкдорга, ундан фойдаланувчига наф келтириши керак.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичида мулкчиликнинг ҳусусий шакли тобора ривожлантирилиши, унга барча шарт-шароитлар яратилиши керак. Кейинчалик мулкчиликнинг жамоа шакли ривожланиб боради. Тадқиқот натижалари асосида мулк муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган тавсиялар берилди.

2. Бозор муносабатларининг ривожлантирилиши нафақат ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлайди, балки ижтимоий адолат мезонларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини адолат мезонлари бўйича қондириш бозор иқтисодиёти шароитида ўта долзарб ҳисобланади. Шу мақсадларда „ижтимоий адолат“ тушунчаси, унинг таърифи илмий жиҳатдан асосланди. Ижтимоий адолатнинг Республикамиз шароитларига мос шакллари тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ижтимоий адолат мулкга бўлган муносабат, ундан самарали фойдаланиш, аҳолининг меҳнатга яроқли қисмини доимий равишда иш билан таъминлаш имкониятларини яратиш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш билан белгиланади.

3. Бозор муносабатларининг ривожланиши ички ва ташқи бозорнинг ҳолатига бевосита боғлиқдир. Бозор шаклларини кўпайтиришда минтақа, яъни алоҳида худуднинг мавқеи муҳим ўрин тутади. Минтақавий бозор алоҳида худудлардаги ишлаб чиқариш, аҳоли даромади ва сотиб олиш имкониятларига боғлиқдир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги пайтда кўпроқ эътибор бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг, туманларнинг ривожлантирилишига кўпроқ эътибор берилмоқда. Ваҳоланки, мамлакат иқтисодиёти маълум минтақавий худудлар, улардаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишига бевосита боғлиқдир. Илмий изланишлар натижасида „минтақавий бозор" тушунчаси, унинг намоён бўлиши ва ривожлантирилишига қаратилган тавсиялар берилди.

4. Мамлакат иқтисодиёти, унинг ривожлантирилиши молия-кредит ва солиқ сиёсатига бевосита боғлиқдир. Иқтисодиётдаги ҳар қандай ўсиш молиявий барқарорликнинг натижаси ҳисобланади. Эгилувчанлик хусусиятларига эга бўлган иқтисодиётимизда инфляция, яъни пулнинг қадрсизланиши муқаррардир. Пул массасини илмий асослаш, унинг сотиб олиш қудратини ошириш бозор иқтисодиётининг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатда молия-кредит тизими, солиқ сиёсати бозор иқтисодиёти талабларига мос келиши керак. Олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида ўтиш даврнинг ҳозирги босқичида молия-кредит муносабатларини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар берилди. Ушбу тавсиялар миллий пулимизнинг қадрсизланишини олдини олиш, валюта маблағларининг айирбошлаш жараёнларини мукаммаллаштириш, чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилган.

5. Бозорнинг шаклланиши ва ривожлантирилиши ушбу соҳада маркетинг тадқиқотларини узлуксиз равишда олиб боришни тақозо қилади. Бозор муносабатларига ўтиш маълум қийинчиликлардан иборат. Бозор сегментларини ўрганиш, ички ва ташки бозорни ривожлантириш маркетинг тадқиқотларисиз амалга тўлиқ ошмайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатимизда маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу хусусиятлар бозор иқтисодиётига ўтиш модели, мулкка бўлган муносабат, ташқи ва ички савдо, рекламани ташкил этиш масалалари билан бевосита боғлиқдир. Илмий изланишлар асосида республикамизда маркетинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

6. Иқтисодий муносабатлар, тармоқлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар миллий ҳисоб тизимидаги иқтисодий кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бозор шароитида макроиқтисодий ва микроиқтисодий кўрсаткичлар, уларнинг илмий жиҳатдаги бир-бири билан боғланиши ўта долзарб ҳисобланади. Мамлакатда халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган ҳисоб ва статистика тизимига ўтилди. Халқ хўжалиги тармоқларидаги мавжуд ресурслар ва имкониятларнинг ўзаро мувофиқлиги мамлакат ривожланишининг истиқболини белгилайди. Тадқиқотлар натижасида иқтисодий кўрсаткичларни бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштиришга қаратилган таклифлар берилди.

7. Мамлакат аграр давлат сифатида аҳолининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва фаолият юритади. Бу ўз навбатида матлубот кооперацияси тизими, уни янада ривожлантирилишини тақозо қилади. Ушбу соҳани такомиллаштириш давлат даражасидаги вазифалар қаторига киритилиши керак. Тадқиқот натижаларига асосан кўп тармоқли матлубот кооперациясининг ўзига хос хусусиятлари талқин қилинган, уни янада ривожлантиришга қаратилган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

8. Бозор муносабатлари шароитида миқдор кўрсаткичларига нисбатан сифат кўрсаткичлари устивор ҳисобланади. Янги шароитда маҳсулот сифати, уни бошқариш масалалари ўта долзарб бўлиб қолади. Чунки, сифатисиз маҳсулотни эркин бозорда сотиш имкониятлари чегараланган бўлади, қилинаётган ҳар бир моддий, молиявий ҳаражатлар албатта самара келтириши керак. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, бажарилган иш, уларнинг сифатига бевосита боғлиқдир. Тадқиқот натижаларига асосан маҳсулот сифатини сертификациялаш, уни бошқаришни яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

9. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар сони кескин кўпаяди, уларнинг мустақиллиги тобора ошади. Натижада мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни доимий равишда назорат қилиб боришга тўғри келади. Ушбу вазифалар ҳисоб, назорат ва таҳлил орқали амалга оширилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мамлакатда ҳисоб ва назоратнинг ҳуқуқий асослари яратилган, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб ва назоратининг халқаро андозаларига ўтиб бормоқда. Лекин, ушбу жараёнларда маълум камчиликлар мавжуд. Мазкур илмий ишда кўп мулкчилик шароитида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, ҳисоб, назорат ва аудитни миллий ва халқаро андозалар асосида жорий этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

10. Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши мавжуд ресурслар, улардан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Улар

таркибида инсон салоҳияти алоҳида ўрин тутади. Илмий-тадқиқотлар натижасида инсон ресурслари, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал қилишга қаратилган бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди.

11. Республикада интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш, бозор талабларига мос келадиган малакали кадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш сиёсати белгиланган. „Таълим тўғрисида"ги Қонун вазифалари, „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" босқичма-босқич хаётга тадбиқ этилмоқда. Шу билан биргаликда мазкур вазифаларни тўлиқ амалга ошириш борасида ўз ечимини кутаётган маълум муаммолар мавжуд. Ушбу муаммолар Олий таълим тизимига ҳам хосдир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида таълим соҳаси, ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш, ўқитишнинг замонавий технологияларини ташкил этиш, рейтинг тизимини самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилди. Бу соҳада Самарқанд кооператив институтида эришилган натижалар умумлаштирилди.

12. Олий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш бевосита иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш, унинг самарадорлигига боғлиқ. Самарқанд кооператив институтида бу соҳада маълум ижобий натижаларга эришилган. Иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан ишлашнинг „Истиқболли дастури" мавжуд. Мазкур дастурга асосан талабалар билан қўшимча ишлар олиб борилмоқда. Иқтидорли талабалар кафедраларнинг етакчи профессор — ўқитувчиларига беркитилган. Мутахассислик, чет тиллари, информацион технология каби фанлар чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўрганилмоқда. Кафедралар қошида „Мунозарали тўгараклар", илмий семинарлар ташкил этилган. Институтнинг иқтидорли талабалари Республика фан олимпиадаларида, Вазирлик Олий ўқув юртлари ўртасида олдинги ўринларда туради. Шу билан биргаликда ушбу фаолиятни янада ривожлантиришнинг ички имкониятлари мавжуд. Тадқиқот натижаларига асосан иқтидорли талабалар билан ишлаш ва малакали кадрлар тайёрлашнинг самарадорлигига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг амалиётда тадбиқ этилиши бозор муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I боб. **Бозор муносабатларининг назарий асослари** 5

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкий муносабатлар ва уларни такомиллаштириш 5
1.2. Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ривожлантириш муаммолари 14
1.3. Минтақавий бозорнинг шаклланиши ва ривожланти-рилиши 24
1.4. Молия-кредит муносабатларини барқарорлаштириш муаммолари 35
1.5. Миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни киритиш-нинг молиявий воситалари 60
1.6. Янги шароитда маркетингни ривожлантириш хусусиятлари . 66
1.7. Миллий ҳисоблар тизимида макроиқтисодий кўрсаткич-ларнинг ифодаланиши 71
1.8. Ўзбкистонда матлубот кооперациясини такомиллаш-тириш масалалари 77

I I боб. **Бозор муносабатларини такомиллаштиришнинг методологик муаммолари** 85

2.1. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифатини бошқариш муаммолари 85
2.2. Бозор хўжалик механизмини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни 89
2.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг методологик муаммолари 98
2.4. Кўпмулкчилик шароитида назорат ва аудит муаммолари .. 117
2.5. Бозор муносабатларини ривожлантиришда иқтисо-дий таҳлил муаммолари 125
2.6. Янги шароитда ахборот тизимларини жорий этиш муаммолари 144

III боб. **Бозор муносабатларини ривожлантиришда инсон салоҳияти ва кадрлар сиёсати** 148

3.1. Инсон салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари 148
3.2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва унинг амалга оширилиши 151
3.3. Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва унинг самарадорлиги масалалари 162

Хулоса 165

МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Монография

Тошкент «Ўқитувчи» 2004

Таҳририят мудири *С. Мирзахўжаев*
Муҳаррир *Р. Мирхолиқов*
Бадиий муҳаррир *Ш. Қаҳҳоров*
Техник муҳаррир *Т. Грешникова*
Компьютерда саҳифаловчи *Д. Манновова*
Мусаҳҳиҳ *Д. Умарова*

ИБ № 8275

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 17.12.03. Бичими 60x901/16. Кегли 10 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди. Босма т. 10,5. Нашр б.т. 10,0, 100 нусхада босилди. Буюртма № 20.

Тошкент ахборот технологиялари университетида чоп этилди

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 07—78—03.

1860-00

65.9(9)
Б 789

"O'QITUVCHI"